

Улуғбек ҲАМДАМОВ

*Янгиламыш*  
*эҳтиёжси*

Тошкент  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
«Фан» нашриёти.  
2007

Ушбу тўпلامга У. Ҳамдамовнинг турли йилларда ёзилган илмий мақола, эссе ва суҳбатлари киритилган. Уларда XX ва XXI аср авваларидаги ўзбек, қисман жаҳон адабиёти ҳамда адабиётшунослиги муаммолари тадқиқ этилади. Бадиий адабиётнинг гўзал намуналари орқали Сиз ва Бизнинг — замондош инсоннинг ғоят зиддиятли кўнглига назар ташланади.

### **Тақризчилар:**

**Наим КАРИМОВ,**

филология фанлари доктори, профессор

**Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ,**

филология фанлари доктори, профессор

### **Масъул муҳаррир:**

**Дилмурод Куронов,**

филология фанлар доктори, профессор

ISBN 978-9943-09-117-7

© Ўзбекистон Республикаси ФА  
«Фан» нashрият, 2007 йил

# I бўлим. ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР

## АДАБИЁТ – РУҲИЙ ЭҲТИЁЖ

### ТУРЛАНАЁТГАН СЎЗ

#### *1-мақола*

Тарих мулкига айланиб улгурган сўнги юз йиллик ба- шарият олдига ечими мушкулроқ бўлган бир талай муам- моларни кўрдаланг қўйдик, уларнинг залворидан киши баъзан ўзини эзгин кайфиятлар асирига айлангандек се- зади. Лекин бу ҳол бардавом эмас. Чунки инсон табиати ўзгарувчан бўлгани боис бир хил психологик ҳолатни узоқ вақт кўтариб юролмади: кеча мусибат юкидан ўлимни ҳам ўзига раво кўрган инсонни бугун қувончдан кўкка сапчимоққа шай топсак ҳайрон бўлмаймиз...

Ҳа, бу хил кайфият, айниқса, замонамиз кишисига жудаям хос бўлиб бораётир. Чунки биз яшаётган дунё, жамиятлар сўнги юз йил мобайнида ўз қиёфасини шун- чалар тез ўзгартириб турдики, идрокимиз гоҳида сабаб ва оқибат муносабатларини англаб етолмай доғда қолди. Ахир, инсон оламнинг муайян ҳолатига кўникиб улгурмасидан туриб унинг навбатдаги буқаламунлигига дуч келди ва кел- моқда. Мисол учун биргина компьютер техникасини олай- лик: вақт ўтган сайин унинг яна-да такомиллашган янги авлоди исьтемолга чиқмоқда. "Хўш, нима бўпти?" дерсиз. Гап шундаки, фаолияти компьютерга боғлиқ бўлган ин- сон ёки ташкилот "замондан орқада қолмайин, ишим ил- гари кетсин" деса, мазкур техниканинг энг сўнги моде- лини ёки программасини харид қилиб боришга мажбур. Чунки эскиси билан самарали ишлай олмаслиги аён бўлқолди-да. Демак, бугунги инсон истаса-истамаса та- раққиётнинг ҳолати билан ҳисоблашмоққа ўзи мансуб бўлган замоннинг, даврнинг талаблари томонидан маҳ- кум этилган ва айнан шу сабабдан замондош инсоннинг кўнгили ҳоли ота-боболар руҳиятига қиёсан анча беқарор-

дир. Бугун дунёда рўй бераётган зиддиятларнинг, ҳатто айтиш мумкинки, кулфатларнинг ўқ томири бориб-бориб ўша РУҲ НОТИНЧЛИГИга тақалади. Назаримда руҳ хотиржамлиги масаласи келажакнинг энг жиддий муаммоларидан бўлиб ўртага чиқади.

Цивилизация ҳамиша ҳам инсоннинг оғирини енгил қилади, унга беҳисоб фойда олиб келади, деган фикр унчалик тўғри эмас. Тўғри, ундан наф бор. У башариятни бевақт ўлим, касаллик, табиатга қулларча мутелик каби юзлаб балолардан халос қилди. Тамаддуннинг ёрдамида одам боласи илгари тушига ҳам кирмаган имконларга, сарватларга эга чиқди. Лекин иккинчи ёқдан, масала моҳиятига теран кириб борилганда шунинг гувоҳи бўламизки, цивилизация инсонни руҳий-маънавий жиҳатдан моддий томондан қилганидек бахтли қилолмади. Бу — ҳақиқат! Тамаддун, техника пировард натижада инсонни ўзига ипсиз боғлаб қўяётир, одам боласини роботга айлантириб, руҳий борлигининг камол топишига имкон бермаётир. Қизиқ парадокс, бир томондан бани инсон тараққиётдан, унинг кўз олғучи неъматларидан воз кечолмайди, бошқа томондан унинг ўз борлиғига, моҳиятига акс таъсирини кўриб-билиб туради. Цивилизациянинг инсон руҳий ўзатиғига кўрсатиб улгурган илк "каронат"ларидан бири - бизнинг адабиётга бўлган бутунги муносабатимизда яққол кўринади. Мардлик билан бир нарсага иқрор бўлмоғимиз керакки, адабиёт нафақат бизда - Шарқда ва ҳатто Фарбда, балки бутун дунёда тобора кам ўқилмоқда. Бунинг сабаби ва айниқса, оқибати ҳақида ўйлаганингда эса беихтиёр ўша азалий муаммога дуч келасан, киши: одам боласи алал-оқибатда жисмига қул бўлиб, унинг хархашаларини бажариб кун кечирувчи ва шу йўсин бир кунмас бир кун ўз оёғига болта урувчи манқуртми ёки ҳар ҳолда, ўз аслига интилувчи, инчунун, руҳияти парваришига ўзида куч ва матонат топувчи ақли ҳилқатми?!..

Ушбу савол XX асрда замон ва тараққиёт суръатига боғлиқ равишда янада кескинлашди. Бўғ-обарин, аср эдамининг кўпчилиги ботинида ўзига тааллуқлиги бир қабашда унчалик ҳам кўзга ташланавермайдиган адабиёт учун ма-

кон ҳам, замон ҳам қолмади. Бу тоифадаги кишилар гўё энг зарур ишлар билан шуғулланаяпти-ю, уларнинг наздидаги зарур ишлар рўйхатида адабиёт йўқ. Бироқ қанчалик ачинарли бўлмасин, китоб ўқимаётган оддий одамдан гина қилиш бир қадар ўринсиздек туюлади.

Хўш, нега?

Чунки юқорида уқтириб-уқтириб айтганимиз тамаддун натижалари туғиб берган умумкайфият шундайки, бугун жамиятда катта ҳисобда китобхон бўлиш ҳам, китоб ўқимаслик ҳам деярли бир хил натижага тенг. Ёхуд бунини бироз бошқача айтиш мумкин: бугун кўп китоб мутолаа қилиш инсонга фойда келтирмаётганидек, китоб ўқимаслик ҳам унга зарар келтирмаяпти. Айни масаладан яна-да жиддий ўзга муаммо ўсиб чиқади: агар жамиятда маърифат ва жаҳолатта бир хил ёндошув бўлар экан, муқарар равишда кейингиси урчиб кетади. Чунки маърифат меҳнат ва машаққат орқали қўлга киритилади, жоҳиллик кишидан бундай заҳматларни талаб этмайди. Жаҳолат голиб келган вақтларда кишилик жамияти берган қурбонлар ҳақида эса тарихнинг аччиқ собоғи бор. Ўзбек адабиётида бунинг энг гўзал намунаси Эркин Воҳидовнинг "Руҳлар исёни" дostonидир. Лекин ортимизда шунча тажрибамиз бўлишига қарамай, кейинги юз йилликда ҳаётга ҳаддан зиёд прогматик мақсадда ёндошадиган, бинобарин, моддий фойда келтирувчи ҳар қандай йўлни қолганларидан афзал кўрадиган "қавм" сони кўпайиб бормоқда... Илло, модиятга сажда қилувчилар кўп бўлган шароитда уларнинг муҳитидан ажралиб, ўзга бир олам яратиш ва унда истиқомат қилиш жудаям қийин. Аммо инсоннинг руҳий ўзагига экилган маънавий эҳтиёжни менсимаслик эса барибир, энг катта кулфат эканлиги ёддан чиққани йўқ!.. Бундай эҳтиёж қондирилмас, парваришланмас экан, одамзод гўё нимасинидир йўқотиб қўйгандек ҳуши бошидан учиб эсанкирайверади. Алал-оқибатда эса томири қирқилган гулдек секин-аста сўлиши ҳам мумкин...

Нафсиламарини айтганда, китоб шаклидаги адабиётнинг кам мутолаа этилаётгани унчалик катта фожиа эмас. Бироқ тараққиёт шиддати гирдобида қолган инсоннинг кўнгил

ҳоли, кайфияти бўлмиш адабиёт ҳақида ўйлашга, мушоҳада этишга имкони тобора қисқариб бораётгани ва қондирилмаётган руҳий-маънавий эҳтиёжини ҳар сонияда портлаши мумкин бўлган бомба каби қўйнида сақлаб юришга маҳқум бўлаётгани улкан фожиаларнинг даракчиси эмас, деб ҳеч ким кафолат беролмайди. Чунки ХХ аср деб аталмиш "машина" суръати шунчалар катта эдики, унинг "ичида ўтирган йўловчи" - инсон ўз ботинига бўйлашга кўпинча имкон тополмай ўтди. Буни ҳатто ривожланган мамлакатда яшаётган, масалан, америкаликларнинг жуда кўпчилиги Хемингуэй ва Фолкнер каби улўф ёзувчиларининг ҳатто исмини ҳам билмаслиги исботлаб турибди. Демак, моддий ва маънавий юксалиш ҳар доим ҳам мутаносиб бўлавермас экан. Қолаверса, "ўқимаслик" касалининг вируслари бутун ер юзига аллақачон ёйилиб улгурган. Бизнинг орамизда ҳам уни "юқтирганлар" беҳисоб. Бошқа томондан эса китоб мутолаасини телевидение, компьютер, уяли телефон ва радио маълум маънода "муомала"дан сиқиб чиқармоқда. Яна шуни ҳам тан олиш керакки, бу воситалар фундаментал тарзда бўлмаса-да, фрагментар шаклда инсон қалбига бўйлаб турибди. Аммо бу билан адабиётга бўлган инсон маънавиятининг тийиқсиз эҳтиёжи босилиб қолмайди. Шунингдек, тараққиёт ҳали ана шу эҳтиёжни қондира оладиган бошқа шаклни таклиф этганича йўқ... Хуллас, тамаддун қанчалик турланмасин, барибир, руҳ эҳтиёжи қаршисида ожизлик қилмоқда. Руҳий эҳтиёж чашмаларидан бири эса адабиётдир. Бироқ адабиёт фақат ўз мухлислари доирасида қолиши керак эмас, у бугун жамиятнинг яшаш тарзига сингиб кетмоғи лозим. Яна мозийга мурожаат қиламиз: антик давр маданияти эрамизгача 5-4 асрларда жуда ҳам гуллаб яшнаган, шунинг учун тарихда у "мумтоз давр" деб ном қозонган. Чунки бу вақтда нафақат адабиёт ва санъатни яратувчилар ёки унга хайрихоҳ бўлган бир қанча ихлосмандлар, балки санъатга бевосита алоқаси бўлмаган оддий одамлар ҳам, қўйингки, жамиятнинг асосий қисми у ёки бу шаклда ўзини маънавият неъматларига яқин тутиб, ундан баҳраманда бўлишни инсонликнинг битта шарти

ўлароқ қабул қилганлар. Яъни "юксак санъат намуналари инсонга албатта ижобий таъсир ўтказиши ва бу ҳол унинг шаклланишида ўз ролини ўйнайди, юнон жамиятида ҳам шундай бўлган" дейиш мумкин. Бироқ масаланинг иккинчи томони ҳам бор: аввало, жамиятнинг маънавий даражаси, унинг санъатга бўлган у ёки бу мазмундаги муносабати алал-оқибатда адабиёт ҳолини ҳам белгилайди. Демокриманки, Юнон маданиятининг классик даври ўз-ўзидан туғилиб қолгани йўқ, балки уни жамиятнинг умумий даражаси, маънавий кайфияти, мақсад - интилиши юзага чиқарган.

Кўринадики, кўп нарса жамиятга ва унинг умумдаражасига боғлиқ экан. Айниқса, бугун, қачонки биз дунёнинг тинчлиги устида зўр бериб бош қотиришга мажбур бўлаётганимизда, қачонки келажакка бежавотир назар ташлаш энг катта муаммоларимиздан бири бўлиб турганда. Ахир тараққиёт оқибатида деярли ҳамманинг барча соҳаларга кириб бориши кўп жиҳатдан мумкин бўлиб қолганда жамиятларнинг умумий аҳволи, кайфияти ва маънавий даражаси тўғрисида жиддий ўйламаслик нималарга олиб келишини тасаввур этиш мушкул эмас. Адабиёт бизга айни шу ўринда кўп асқотади. Чунки биз унинг пировард натижада Эзгулик тарафдори эканлигига суянамиз. Чунки чинакам адабиёт Рухнинг Қичқириви, руҳ эса дунёда модда воситасида ҳаракатланар экан, ҳеч қачон ўз-ўзига қарши бормайди. Демак, адабиёт бизнинг-да Эзгуликнинг ёнида тура олишимизга имкон берувчи Ҳолни кўнгилларимизда пайдо қилишга қодир энг таъсирли Куч! Демак, адабиёт ҳоҳ ёзув шаклида бўлсин, ҳоҳ товуш ё тасвир, ҳоҳ жамиятнинг нормал ҳоли, кайфияти... муҳими, у қалбларимизни тарқ этмасин. Миллати-ю ирқи, урф-одати-ю эътиқодидан қатъи назар, ер куррасининг ҳар бир аъзоси ана шу руҳдан - катта маънодаги Адабиётдан баҳра олиб яшасин!..

Демак, сўз қаътида жилланган моҳият дилни поклашга, руҳни парваришлашга қодир. Янги аср бўсағасида ўзбек адабиёти ранг-барангликка - турланишга юз бураяпти. Эндигина порлай бошлаган чироқнинг пилигини кўтариш,

уни ногоҳоний шамолу довуллардан асраш энгил юмуш эмас. Шунга ўхшаш, миллат маънавиятининг чироғи бўлмиш адабиётни ўқиш ва уқиш, юксалтириш ҳамда тарғибу ташвиқ этиш ҳам осонлик билан амалга ошмайди. Бунинг учун улкан руҳий сафарбарлик зарур. Сафарбарлик эса ҳар кимнинг қалбидан бошланади. Турланаётган сўз бағридаги илоҳий қудрат бизни шунга даъват этмоқда.

1999



## ЗАМОНДОШ ИНСОН ВА АДАБИЁТ

2-мақола

Бугун биз ижтимоий соҳаларга, айниқса санъатга, адабиётга эътибор сусайганидан афсусланиб гапирамиз. Унчалик кўзимиз етмасада, яна қачонлардир адабиётнинг гуллаб яшнашига болаларча умид боғлаймиз. Лекин айни чоғда, яна шу нарсани англаб бормоқдамизки, адабиёт "гуллаб яшнаган" собиқ иттифоқнинг 60-90- йиллар орасидаги турғунлик даврининг фароғати сунъий яратилган бўлиб, дунёнинг нормал ҳоли фақат ва фақат серташвиш ҳаракатга суянар экан. Бас, шундай экан, инсон яшаш учун ҳамиша ҳаёт-мамот жангига киришга маҳкум, демакки, инсон ўз моддий манфаатига қаратилган эҳтиёжига банди. Бошқача айтсак, одамзод ўз қорнига қул! Жифидони атрофида гирди капалак бўлишга тақдири томонидан ҳукм этилган. Ҳамда буларнинг ҳаммаси XX асрга келганда замон ва тараққиёт суръатига боғлиқ равишда янада кескинлашди.

Бир вақтлар "адабиётчи" бўлган, кейинроқ соҳа алмаштирган ўртоқларимдан бири "мен Қуръонни ўқиганимдан кейин адабиётга қарагим ҳам келмай қолди" деди. У яна давом этди: "Билсам, шу чоққача бекорчи ва мутлақо кераксиз нарса билан шуғулланиб юрган эканман. Адабиёт нимага керак ўзи? У на бу дунёмга ярайди, на унисига! Қуръоннинг йўриғи бошқа. Қуръонга амал қилишнинг сўнггида жаннат бор. Адабиётнинг-чи? У менга нима ваъда қила олади?.."

- Адабиёт фақат қоғозга тушган ва нашр этилган асарлардангина иборат эмас, йўқ. Сенинг ботинингда рўй берган мана шу ўзгариш ҳам, агар билсанг, азим бир адабиёт!.. - дедим жавобан мен.

Дарҳақиқат, ўқий олган кишига лаҳзада битта нигоҳ - кўнгиладарчасида қандай шеър, қандай драма, қандай романлар намоиш этилмайди, дейсиз. Аслида, ҳар биримизнинг кўнглимиз - биттадан китоб, ҳар биримизнинг

қисматимиз ўзимиз учун энг катта адабиёт! Аслида биз уларнинг тинимсиз ўқиймиз. Ўнда ҳам, тушда ҳам мутолаадан бош кўтармаймиз. Бироқ аксарият ҳолларда ўқиганимизни уқмаймиз, унга парво қилмаймиз, чунки замоннинг юқорида эслаганимиз шиддатли қуёни бизни чирпирак қилиб учуриб бормоқда, ўқиганимизни сингдиришга, тушунишга ва у ҳақда ўйлашга имкон қолдирмаяпти. Агар имкон қолдирганда эди, бу асрда ҳам, келгусида ҳам адабиёт, яъни китоб шаклидаги адабиёт оммавий тарзда ўқишида давом этарди!..

Айни имконсизликнинг зуғуми XX асрга келганда яна да ошди дедик: натижада рўёбга чиқмаган орзу истаклар "ҳазм қилинмаган" мулоҳазалар билан бирга инсонни иккига бўлиб ташлади. Назаримда психоанализм отаси Зигмунд Фрейдни, аниқроғи, унинг назарияларини шу нарса етилтирган. Дарҳақиқат, цивилизация баъзан инсонни боши берк кўчаларга ҳайдаб киритмоқда. Инсон тамаддуннинг қуйи босқичларида эга бўлгани руҳий ҳаловатни энди тараққиётнинг юқори поғонасида тобора қўлдан бой бериб бормоқда. Лекин унинг ўша ҳаловатга бўлган эҳтиёжи ҳануз мавжуд. Худди шундай, бугунги инсоннинг илгаригидек кўп ва хўп адабиёт ўқимаётгани адабиётга эҳтиёжининг ўлиб кетганидан эмас, балки унинг парвариш этилмаганидан, унга рағбатнинг йўқлигидандир. Эҳтиёж эса мавжуд. Лекин у қондирилмаётир. Натижада қондирилмаган эҳтиёжлар устига кундалик турмушнинг доимий муаммоларию ташвишлари келиб тушмоқда. Натижада инсон ботинида эҳтиёжлар қавати пайдо бўлмоқда. Биринчи қат инсонни мағрибга бошласа, иккинчиси машриққа судрайди. Бинобарин, кишилиқ жамияти тараққий этган сари инсон руҳан изтиробларга кўпроқ дучор бўлмоқда. Бугунги замондошнинг адабиётга бўлган эҳтиёжи ана шу тағқатламда қолиб кетаётган эҳтиёжлар сирасига киради. Фикру ожизимча, худди шу ердан келажақда инсоният қаршисига чиқажак улкан муаммолар чегараси бошланади. Юқорида мен адабиёт фақат қўғозга тушган асар эмас, у бундан тасаввур қилиб бўлмас даражада кечг ва теран олам, деган фикрни айтгандим. Энди фўтсат кел-

ганга ухшайди, адабиётнинг моҳиятига ишора қилувчи бир-икки мулоҳазамизни ўртага ташласак.

Адабиёт, ёзилиш-ёзилмаслигидан қатъи назар, инсоннинг кўнгил ҳоли, кайфияти. Унинг қароргоҳи, албатта, эзгулик ва ёвузлик бир-бирига қилич солаётган майдонда эмас, адабиёт улардан баландда бўлиши ҳам мумкин, бироқ, муҳими, адабиёт Эзгуликнинг ғолиб чиқишига ҳайрихоҳдир. Шунга кўра адабиёт алоҳида-алоҳида инсон руҳини ўзида жамлаган Башариятнинг Азим Руҳлар Ум-мони тўлқинларидан эсан шабада, одамзод моҳияти жо бўлган оламдан, ғайб оламидан ўзига хос хабар. Адабиёт ўтмиш, бугун ва келажакни боғловчи шундай бир кўприкки, ҳеч бир бошқа восита унинг қадар ишончли бўлолмайди, унингчалик инсонга яқин келолмайди. Ҳа, адабиёт мозийга таянади, ҳозирнинг ҳавосидан симириб, келажакка кўз ташлайди, кези келганда уни башорат этади. Яна ҳам муҳими, адабиёт менинг "мен"лигимини, сенинг "сен"лигингни, унинг "у"лигини ўзимизга кўрсатувчи ойна, инсон деб аталмиш мамлакат чегараларини чизиб беришга даъво этувчи энг кучли Қудрат! - энг қудратли Куч! Чунки адабиёт инсон ўзаги бўлмиш Руҳнинг овози. Унинг Эзгуликнинг музаффар бўлишига хайрихоҳлиги ҳам шундан...

Инсон эса ана шу ўзақдан - Руҳдан бохабар бўлишга, шу янглиғ ўзининг Руҳга алоқадорлигини ҳис қилиб яшашга эҳтиёжманд. Агар ушбу эҳтиёж қондирилмас экан, инсон руҳан касалликка чалинади. Бундай бетобларнинг кўпайиши эса жамиятни муқаррар ҳалокат сари етаклайди.

Бас, шундай экан, адабиётнинг тобора инсон ҳаётидан сиқиб чиқарилаётганига бепарво боқиш, демакки, жисмнинг руҳ устидан, ёвузликнинг эзгулик устидан галаба қозонилишига ҳайрихоҳликдир!.. Ҳа, адабиётга беписанлик кишини ташвишга солади, адоқсиз қайғули ўйлар гирдобига аёвсиз отади. Ахир, цивилизация ўзининг шунча дабдабасига қарамай, инсоннинг маънавий-руҳий эҳтиёжини қондира оладиган бошқа шакл таклиф этгани йўқда! Кетиши шу бўлса, этмайди ҳам. Қайтага у ботинлардаги ўша эҳтиёжни тобора ўзининг шовқин-суронига

ўраб-чирмаб ташламоқда. Муаммо шу ерда, муаммо-шу! Чунки темир-терсақлар билан кўмиб ташланаётган эҳтиёж одамнинг инсонлик тарафига оид. Усиз инсон ҳайвонга монанд бўлади. Усиз биз фақат жисм амрига бўйсиниб, унинг хоҳишларини бажо келтирибгина яшаётган бўламиз. Демак, ҳайвонга монанд эмас, баайни ҳайвон бўламиз. Унда яна ўша қадим муаммо - ҳаёт учун аёвсиз жанг бошланади, кучли ожизни ейди, ожиз ўзидан-да ожизни қидиради... Албатта, бир қарашда бунақа эмасдек, чунки ҳаммасига тамаддуннинг ялтироқ либослари кийдирилган. Моҳият эса шу либослар ичра қолиб, кўздан йўқолгандек. Лекин у мавжуд - у ўша-ўша! Демак, одамзод шу ҳолига келгунгача босиб ўтгани миллионлаб йиллар, аччиқ тажрибалар, қурбонлар... бекор кетгандек. У айланиб-айланиб, яна илк қўзғалган жойига - нолга келиб қолгандек. Бироқ эндигиси аввалгисидан фарқ қилади: қадим аждодларимизнинг қўллари бўм-бўш эди, энди-чи? Энди инсоннинг қўлида ядровий қурол. Лекин жойи - ҳоли нолнинг устида...

Мана, адабиёт яна нима учун керак? Адабиёт ана шу қуролнинг ҳеч қачон отилмаслигини таъминловчи Ҳолни кўнгилда парвариш айлашга қодир энг таъсирли Куч! Бинобарин, хоҳ у ёзув шаклида бўлсин, хоҳ тасвир, хоҳ жамиятнинг нормал ҳоли, кайфияти... буларнинг унчалик катта аҳамияти йўқ, муҳими, адабиёт бўлиши зарур. Миллатию ирқи, урф-одатию эътиқодидан қатъи назар ер курасининг ҳар бир аъзоси ана шу руҳдан - катта маънодаги Адабиётдан баҳра олиб яшаши жудаям керак. Акс ҳолда... акс ҳолда инсон ўз руҳий илдизидан Мосуво бўлади, секин- аста эса дунёнинг ҳам шу ҳолга келишига шароит яратади. Ва... на ухлаб ётган девни туртиб юборганини ўзи ҳам билмай қолади...

## АДАБИЁТ ҚИСМАТИ - КҮНГИЛ ҚИСМАТИ

### 3-мақола

Ўзига тегишли бўлган улкан воқеаларни хоҳ у ижобий бўлсин, хоҳ салбий, аксарият ҳолда, инсон сукут билан қабул қила олмайди. Чунки унинг ботини - руҳиятида ана шу зарбага қарши жавоб қилиш эҳтиёжи яшайди. Бу эҳтиёж сукутни бузади. Бусиз мумкин эмас. (Чинакам адабиёт худди шу эҳтиёждан туғилади).

Дейлик, тоғда юрган овчи фалокат юз бериб, ногоҳ жарга қулади. У пастга етиб келиб тошларга урилгунча оғзига талқон солгандай жим учмайди. Балки атрофда унга ёрдам берадиган ҳеч қандай куч бўлмаса - да, ўлим муқаррар эса - да, барибир, овози борича бақиради. Бу - фойдасиз нидо, лекин асло мантиқсиз эмас! (Фойдасиз нарсаларнинг ҳаммаси мантиқсиз бўлади деб, ким айтди сизга?..) Бу ҳайқирик улкан фожиа - воқелик зарбасига тугилган заиф қалқон. У қанчалик заиф бўлмасин, барибир тугилади ва тугилиши шарт! Бу ҳол тоғ кўчкиси остида қолиб, ўлимга маҳкум бўлган ожиз кимсанинг ҳимояланиш учун баҳайбат тошларга қарши нозик қўлларини кўтаришига ўхшайди. Бу - да нафсиз, бироқ мазмунсиз бўлолмайди. Зеро, бусиз мумкин ҳам эмас. Чунки бу - ички бир эҳтиёж, зарурият. Қалбларни ларзага солиб яралувчи чинакам шеърият, аслида, мазкур эҳтиёжнинг фарзандидир. Ҳақиқий санъат пировард натижада инсоннинг руҳий-маънавий дунёсига гўзаллик бахш этади. Ахир тоғдан учиб тушаётган уйдек харсангни заиф қўллари билан тутиб қолишга уринган инсоннинг ана шу лаҳзадаги сурати даҳшат муҳрланган ҳайрат эмасми! Энди унга шундай суратни бағишлаган сийрат - руҳнинг гўзаллиги ҳақида мушоҳада юритсак - чи, у қандай экан?..

Руҳ гўзаллиги ҳақида мушоҳада юрита олиш бахти на - сиб бўлган мутафаккирлардан бири юксак шеърият бора - сида тахминан бундай дейди: Юксак шеърият юқоридаги ўз чўққисидан пастга тушиб, одамлар билан қолиб кетди. Аслида, у шоирни ўзи билан олиб кетиши керак эди. Бироқ

бунинг уддасидан чиқолмади. Энди шеърият замоннинг инжиқликларига бўйсиниб яшаяпти. Натижада у ўз тилсимини йўқотиб қўйди. Бугунги шеърият ана шундай тилсимдан жудо бўлган шеъриятдир...

Юксак шеърият ва унинг бугунги аҳволи ҳақида гўзал тарзда айтилган фикр. Бироқ бир қадар субъектив ҳамдир. Чунки "бугунги дунё шеърияти ўша тилсимдан жудо бўлган шеъриятдир" деган фикр ҳали ҳар бир шоир юрагида ўзининг тўла ҳуқуқи билан жаранглай олгани йўқ. Чунончи, омма назарида бугунги ўзбек шеъриятининг энг юксак чўққилари бир қанча. Аммо шуни ҳам мардлик билан тан олиш керакки, қанча ва нечоғли жозибадор бўлмасин, ундан қоникмаслик ҳам бор гап, ундан юксакроқ жозобага эга бўлган санъатта эҳтиёж мавжуд. Эҳтиёж бор экан, албатта бундай шеърият яратилади ва ҳатто бундай ҳаракат алақачон бошланган. Агар юксак шеъриятнинг ижодқори битта ва унинг ўқувчиси камсонли бўлса-да, бундай санъатнинг борлигининг ўзи улкан бахт! Жалолиддин Румийнинг юзминларча ҳеч қандай қиммати бўлмаган одамлардан илоҳий борлиққа фарқ бўлган битта авлиёни устун қўйиши ғайриинсоний ёндашув бўлмай, айни инсонийдир. Чунки авлиё "ўша тилсимдан" бохабар ва уни фақат сонлардангина ташкил топган авомдан афзал қилган жиҳат ҳам шудир. Шундай экан, санъат, жумладан, шеърият ҳамиша ана шу тилсимга интилиб яшайди. Баъзан ундан узоклашгандай, ҳатто тилсимотдан маҳрум бўлгандай туюлса-да, у яна қайтадан туғилади ва ўзининг абадий орзуси сари йўлга чиқаверади. Чунки мавжуд муваффақиятлардан қоникмайди, қоникқанда эди, туркийлар шеърияти Навоийда, инглизлар назми Байронда, русларники эса Пушкинда тўхтаган бўларди. Қоникмаслик ҳамма вақт янги ва янги сафарларни келтириб чиқаради. Натижада янги улуғ шоирлар туғилади, намоён бўлади. Йўқса, сиз Яратганнинг қудратини Навоий ёхуд Шекспир, Достоевский ёки Камю даҳолари билангина чегараланишига кўнасишми?..

Қоникмаслик ҳақида ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад шундай ёзади: "...Мен "Ўтган кунлар" ёки "Қутлуғ қон" ёки "Сароб" нинг кам-кўстсиз романлигига шубҳа бил-

дирсам, мазкур асар муаллифларига ёки ўзбек адабиётига душман бўлиб қолмайман... Ҳаёт фалсафаси Афлотун ёки Маркс фалсафасидан бойроқ ва мукамалроқ бўлганидек, адабиёт ҳақиқати Толстой ё Айтматов, Қодирий ё Қаҳҳор ҳақиқатидан мукамалроқ ва муқаддасроқ. Бордию, китобхонлару мутахассислар олқишлаётган муайян оммабоп асар (адабиётимизнинг энг катта касалликларидан бири - оммабопликнинг асарни баҳолашдаги мезон қилиб олиш) ҳақиқатида бирон кемтикликни пайқаган ёш ҳаваскор қаламкаш чиқиб қолса, бу ҳам қадрланишга арзирли катта ҳодиса... Ахир, адабиёт ва санъатни қониқиш эмас, қониқмаслик юксалтиради. Қониқишпарастлик адабиётни занг янглиғ кемирувчиси!...

...Адабиётнинг парвозини таъминловчи иммунитетни ана шундай мардларча тан олиш - қониқмаслик, изланишга ташналик, талабчанлик бойитади, юксалтиради..."

Қониқмаслик туғиб бераётган адабиёт бизда мавжуд ва у инсон қалбига очилган мўъжаз дарчага ухшайди. Унга боқа олган киши ўз-ўзини, демакки, инсонни томоша қилади, биледи, ҳайратланади... Дунёда англашдек, тушунишдек, ниҳоят, ҳис этиб яшашдек катта қувончлар кам. Ҳар қандай қонун-қоида инсоннинг хатти-ҳаракатларини ўз қолипига солиб баҳолашга ҳаракат қилса, адабиёт, ҳа-ҳа, айнан адабиётнинг ўзи инсоннинг бағрига сиғишга интилади. Дунёдаги жамики фанлар йиғилиб қотилини ўлимга ҳукм этса, адабиёт уни озод этилишини ёқлаб чиқиши мумкин! Чунки устқурма соҳалари ичра ҳақиқатга энг яқин бора оладигани адабиёт, адабиёт бўлгандаям Рост адабиёт - КЎНГИЛ АДАБИЁТИдир! У кашф этади. Бироқ қандайдир тоғу тошлар қаърида беркиниб ётган маъдаларни эмас, балки инсон бағрида яширинган оламларни очеди. Дарҳақиқат, тушунган одам учун энг қимматли борлиқ - унинг ўз слами. Зеро, "инсонни ҳайвондан жудо қилган нарса - сўз" эмас, аввало ўша олам - КЎНГИЛ! Сўз кўнгилининг ноқис тилмочи, холос. Ҳақиқий адабиётнинг баркамол бадий асари эса бизнинг ҳар биримизнинг кўнглимиз осмонида пайдо бўлажак рангин камалак! Уни кўриш учун ҳазрат Румий айтганидек, кўзни кўр қилмоқ

(кўз қорачигини ичкарига қаратмоқ, ичкарини кўрмоқ - Гассет) керак, зора қалбимиз кўзи уни кўрса... Кўнгил - бу одамзотнинг бор - йўғи, инсонлиги. Агар инсондан кўнгилни айириб ташласак, қоладигани - ақлли ҳайвон. Бинобарин, кўнгил ҳаёт экан, инсон бор, кўнгил ҳаёт экан, адабиёт яшайди. "Адабиёт ўладими?" деган саволга жавоб ҳам кўнгилдир, унинг қисматидир.

Қайд этишга лойиқ яна бир жиҳат шуки, адабиёт ўзининг биз кўниккан шаклидан зерикиб, қисман бошқа кўри-нишларга ўтиши мумкин ва ўтмоқда ҳам. Масалан, XX асрга келиб ойнаи жаҳон кенг тус олганига кўра кино санъати вужудга келди. Тўғри, у эрамиздан аввалги қатор асрларда - Юнонистон ва Римда, кейинроқ бутун дунёга ёйилган театр санъатидан ўсиб чиқди. Шунга қарамай, кино ўзининг сажиясига кўра санъатнинг янги, омукта тури. Тезкор замоннинг таъсири остида одамлар руҳияти ҳам маълум даражада ўзгармоқда. Буни санъат соҳасида ҳам пайқаш мумкин. Хусусан, бутунги одамнинг завқла-ниши учун китоб титишга хуши йўқдек. (Ҳеч бўлмаганда, кечагига нисбатан). Лекин унинг ҳам юраги бор ва у ҳам худди кечаги одамдек ҳаяжонга тушмоқ истайди. Юрак эртага ҳам буни истайди, ундан кейин ҳам. Шунга кўра, у ўз эстетик завқини камроқ меҳнат сарф қилган ҳолда, масалан, телевидениедан олади. Зукколик билан кузатиб бораётган киши шуни илғайдики, кино санъати маълум маънода адабиёт ишини ўтамоқда. Албатта, бунда нима-дир йўқотилади, нимадир топилади. Лекин муҳими кўнгил-ни кашф этиш, инсоннинг фикру зикрини кўнгилга - номаълум саёхатлар дунёсига етаклаш. Агар фильм бит-гандан сўнг ҳам у берган ҳаяжон, таъсир бизда, кўнгли-мизда давом этар экан, демак, бу ерда адабиёт мавжуд. Қўйнидан тушгани кўнжисига деганидек, адабиёт, бари-бир, жамият ичра яшашда давом қилмоқда, деймиз. Бошқа кийим кийиб олгани учун танимаганимиз - бизнинг нуқ-сонимиз, холос. (Албатта, китоб шаклидаги адабиёт ўрни-ни ҳеч қандай бошқа восита боса олмайди).

Оламдаги жамики ҳодисалар замирида ҳақиқатта ин-тилиш ётади. Жумладан, адабиётнинг ҳам. Бироқ у



ҳақиқатга физика ёки тиббиёт фани сингари қўл билан ушлаш мумкин бўлган сабаблару шунга яраша услублар воситасида эмас, балки кўнгилда туғилиб ўсиб, қаёққадир шиддат билан талпинаётган табиий қудрат - буюк эҳтироснинг бағрида, у орқали интилади. Интилишнинг сурати, тахминан камалакнинг сурати каби гўзал ва мазмуни ҳам яна ўша камалакнинг кўнгилда акс этган титроқ ёди - маъноси янглиғ ҳамиша барҳаёт. Бу адабиёт кўпчиликнинг тили учудаги гапни айтиб ҳозиржавоблик қилмайди. У улкан муаммоларни кун тартибига қўйишдан ўзини тияди. Бу адабиёт масхарабоз эмаски, одамларни кулдирса, у ҳатто бировни йиғлатишдан ор қилади. Бу адабиёт мисоли бир уммон ва унинг сирти қанчалик сокин эса, ичи шунчалик долғали. У ҳам ўз бағрига чорлайди, бироқ тубига тушиб марвариду жавоҳирлар шодасини чангаллаб чиқишни маслаҳат бермайди. Зотан, уммон тубсиз. Шунга кўра у ўзининг теран бағрига шўнғиб шиддатли тўлқинлари қанотида қудратни - ҳаётни идрок ва ҳис этиб яшашни таклиф этади, холос. Бундай адабиёт бизда бор ва уни илғаб, тушуниб таҳлил қилиш учун мунаққидга Озод Шарофиддиновдаги журъату Умарали Норматовдаги ҳайрат, Наим Каримовдаги фидоийлигу Матёкуб Қўшжоновдаги тани соғлик, Иброҳим Фафуровдаги хаёлу Иброҳим Ҳаққулдаги одамий дард, Талъат Солиҳовдаги савқитабиий идроку Нўъмонжон Раҳимжонов ва Ҳамидулло Болтабоевдаги теранлик, Қозоқбой Йўлдошевдаги бағрикенглику Сувон Мелиевдаги инкор, Абдуғофур Расулов ва Дилмурод Қуроновдаги илмийлигу Раҳимжон Раҳматдаги психологизм, Баҳодир Саримсоқов ва Узоқ Жўрақуловдаги назариявийлигу Жаббор Эшонқулдаги мифологик тафаккур, Илҳом Фаниевдаги ғайрату Баҳодир Каримдаги изчиллик, ниҳоят, Ортиқбой Абдулаевдаги хокисорлигу Абдулла Улуғовдаги майинлик... зарур бўлар. Ҳа, бу шундай адабиётки, уни тушуниб, таҳлил қилиш учун муҳтарам олимларимиз ўзларидаги энг яхши сифатларга суянмоғи ва Яратганининг марҳаматига умид қилмоғи керак бўлди. Чунки бу адабиёт аллақандай ғоянинг эмас, балки чинакам санъатнинг - инсон қисматининг, кўнгилининг асаридир.

## КАТГА АДАБИЁТ ИМКОНИ

### 4-мақола

Инсон буюк тақлидчи. Бунинг учун уни айблаб бўлмайди. У яратилишидан шундоқ, Ибтидода табиатдаги нарса-ю ҳодисаларга, ҳар-хил товушларга тақлид қила-қила узун эволюция йўлини босиб ўтди. "Маймун меҳнат воситасида инсонга айланди" деган гапни асл маънода эмас, балки кўчма маънода қабул қилсак, сихни ҳам, кабобни ҳам куйдирмаган бўламиз. Чунки шундай қилинганда одамнинг маймундан тарқамаганлигини айтиш билан бирга инсоннинг ҳозирги ҳолига келишида меҳнатнинг буюк ролини эътироф этамиз. Дарҳақиқат, меҳнат кишиларни кўплашиб, жамоа бўлиб яшашга, жамоалар эса ижтимоийлашувга олиб келди. Инсонни эрамизгача "сиёсий ҳайвон", XX асрда эса "ижтимоий мавжудод" деб атадилар ва бунда ана шу мулоҳазалардан келиб чиқилди. Бугун биз одамзоднинг биосоциал хилқатлигидан ташқари унинг яна руҳий илдизига ҳам шубҳа қилмаймиз. Бирор фикр айтишга чоғланар эканмиз, илдизларнинг барчасига асосланишни афзал кўрамиз.

Хўш, буларнинг ҳозирги адабий жараёнга нима дахли бор? Бугунги сиёсий ижтимоий ўзгаришлар даврида тарих саҳнасига инсон кўпроқ бисоциал мавжудод ўлароқ чиқди ва ҳар қадамда замонага тақлид қилмоққа тутинди. Замон эса тарих тақозосига кўра Эврилишлар палласидир. У жон-жаҳди билан моддият этагидан тутган қўлларини қўйиб юбормасликка тиришмоқда. Бунинг учун замон ҳамма нарсага тайёр: ҳар қандай нарсани сотади ва сотиб олади. Инсонни тақлидчи, дедик. У бир пасда замоннинг ана шу бош хусусиятини аслидек қилиб ўзлаштириб олди. Ва "ҳамма нарсаси сотиладиган ва сотиб олиннадиган дунё" нинг бир бўлаги бўлиб кун кечиришга ўрганди. Буни ўзининг бош аъмолига айлантирди. Шундай қилганда Бутуннинг Қисми сифатида яшаш қўлайлигини билди. Акс ҳолда парчаланиб кетишдан қўрқди. Назаримда бугунга келиб инсон ҳатто ўз "мен"ини ҳам бир

товар мақомига тушиб қолганига кўникиб улгурди. Натижада у ўз "мен"ига кўп-да суянмай қўйди. Ахир, у - товар, ҳар лаҳзада сотилиб кетиши ва бировга хизмат қилиши мумкин. Чинакам адабиёт эса "мен"нинг, сотилмайдиган ва сотиб олиш мумкин бўлмаган "мен"нинг, руҳнинг қичқириғи, нидосидир! "Мен"нинг ўзини писанд қилмай қўйган инсон унинг юрак ҳайқириғига эътибор берармиди? Айниқса, "ҳайқирик"ни - асарни сотиш мумаммо бўлиб турган бўлса. Харидоргир товар ишлаб чиқарса бошқа гап эди, моли орқали ўзи ҳам ҳурмат топарди... Хуллас, инсон бозори касод бўлган ҳамма нарсадан, жумладан, адабиётдан ҳам қўлини ювиб қўлтиғига урди. Чунки у ерда сотиш ва сотиб олиниш даражаси шунчалик пасайиб кетдики, бу нарса Замона Зайлига ҳам, Инсон Майлига ҳам мувофиқ келмай қолди. Узоққа бормайлик, кечаги ва бугунги ёзувчиларнинг мавқеини солиштириб кўринг. Кеча (Совет Иттифоқ даврида) мафқурани омма онгига синдириш учун адабиётдек зўр қурол зарур эди ва давлат ҳар бир "Қизил" руҳдаги асарни рағбатлантириб борарди. Ёзувчи ҳам илҳомланиб ёзаверарди. Чунки у "асарларим орқали ўз "мен"им қадр топаяпти", деб ишонарди. Онги ва руҳини кишанлашга уринишаётганларини бирда билса, бирда пайқамасди ҳам. Бугун мафқуравий асар ёз, деган катта ташвиқот ҳам, битта романга бир машина пулини тўлашлар ҳам йўқ. Бинобарин, ёзувчи эркин, у ёзса ҳам, ёзмаса ҳам бўлаверади...

Ва яна қуйидагиларни қўшимча қилса бўлади. XX аср сўнгида инсон ҳаётга шу даражада "реал" ёндоша бошладики, санъатнинг кўпгина турлари ва айниқса, адабиёт унинг учун кераксиз матоҳга айланди-қолди. Чунки китоб ўқиш, ҳатто уни ёзиш кишининг жамиятда тутган мавқеига деярли таъсир этмай қўйди. Ҳамма нарсани пулга чақишга ва борлиқни шахсий манфаатдорлик нуқтаи назаридан баҳолашга ўрганаётган замондош ижодкор кўпинча бундай "фойдасиз" юмушдан ўйлаб ҳам ўтирмай воз кечди. Чунки кўнгил билан ҳисоблашмай қўйган муҳитда адабиёт билан шуғулланиш оғир эканини у тездагина тушуниб етди. Энди замондош хаёлпараст бўлиб қийналишни

хоҳламайди. Ҳатто китоб ўқиб, китоб ёзаётган саноқли одамлар устидан аччиқ-аччиқ кула бошлади замондошлар.

Кунимизнинг, тахминан ана шундай кайфияти ҳозирги адабий жараёнга у ёки бу даражадаги таъсирини ўтказиб турибди. Ки, аввало, кўпчилик ижодкор юрак ютиб, юқоридаги негатив руҳни енгиб бир нима ёзишга журъат этолмаётирлар. Журъаткорларнинг бир қисми детектив жанрида ёзаяптиларки, маҳсулотни сотиш мумкин бўлсин. Ҳа, бугун ёзувчи "сотиладиган", сотиб олиш мумкин бўлган адабиёт устида бош қотиришга киришди. Чунки у ўз кўнглини "товарга айлантормас" экан, мувафаққият қозолмаслигига амин бўлди. Шунинг учун ҳам бугун шоир бору эсда қоладиган, ёдлаб айтиб юрадиган шеърлар оз, шунинг учун ҳам бугун ёзувчи бору, ақалли икки марта ўқиса арзийдиган романлар кам. Гўё ижодкорлар ўзларининг шоир, ёзувчи, драматург... каби номларини оқлаш ва очқолмаслик учунгина қоғоз қоралаётгандек. Ахир, чинакам бадий асар бу тахлит яралмайди: У шон-шавкат келтириш ё келтирмаслик, мол дунё орттириш ё орттирмаслик, мукофот олиш ё олмасликдан қатъи назар оёи кунни етиб туғилган чақалоқдек дунёга келади. Ҳа, у ясалмайди, балки туғилади. Оқми, қорами, ўғилми, қизми, бундан қатъи назар, дунёга келади. Агар қиз бўлса, ўғил бола шаклида, агар хунук бўлса, чиройли қилиб кўрсатишга уриниш асар моҳиятини бузиш билан тенг! Уни кўнгида қандай пайдо бўлган бўлса, шундайлигича қабул қилиб олиш зарур. Ўғил бўлса ўғиллигича, қиз бўлса қизлигича оро бериб, ўқувчига тақдим этиш шарт. Акс ҳолда юракларни титратувчи, ақлларни қўзғатувчи асар бўлмай қолади. Демак, бадий асарнинг биринчи асосий шарти - ростлик, самимийлик! Қолган ҳамма "шартлар" шу биринчисига иллюстрация бўлишга ярайди, холос.

Айтилганлардан хулоса шуки, бугунги адабиётни ва уни яратувчилар ҳадеб замонга, унинг шовқин-суронли, даб-дабаю асъасали расм-русумларига кўр-кўрона тақлид қилавермай, аввало, ўз кўнглига рост нигоҳларини тиксалар, сўнг кўрган-сўрганларини бўямай-бежамай оқ қоғозга

туширсалар! Ўзларини ҳам, ўқувчини ҳам ёлғону уйдир-малар, чала ҳикмату саёз кечинмалар билан, ясама асарлар билан алдамасалар!.. Бизнинг аввало, бир ўқувчи, қолаверса, ўз санъатимиз учун куйиниб юргувчи бир адабиётшунос сифатидаги тилагимиз шу! Чунки биз ҳам ўзбек заминида, ўзбек маданиятида катта санъатнинг - Улкан Адабиётнинг дунёга келишини истаймиз. Бу истак эса кўриб чиққанамиздек, Ширин Ёлғондан воз кечиб, Аччиқ Ҳақиқатга юз буришимиз, рост туйғуларни, рост кайфиятни ёзишимизни тақозо қилмоқда экан!..

## ЗАМОН ВА ЗИЁЛИ МУНОСАБАТИ

Янги асрга, янги минг йилликка қадам қўйдик, дея бир-биримизни қутладик. Бироқ янгилик нимадан иборат эканлиги устида ҳеч бош қотирдикми?

Техника даврига, компьютер замонига, ахборот ҳукмронлиги бошланган паллага кириб келдик, дея севиңдик. Лекин бунинг моҳияти тўғрисида дўппини олиб қўйиб ҳеч ўйлаб кўрдикми?

Албатта, бутунги "биз" 10-15 йил бурунги "биз"дан анча малакали, анча илғор, анча имкондор кўринади. Чунки айнан сўнги 10-15 йиллик муддат ичида бизнинг дунё-мизда тубдан янгилашиш юз берди-да. Буларнинг ҳаммаси яхши. Аммо теран нигоҳ билан разм солинса, ана шу ўсиш-тараққий этиш бағрида битта улкан муаммо ҳам туғилиб улгурибди: ахборот асрининг бўйини олган биз, яъни янгиланган "биз" билан илм, хусусан, филология илми ўртасидаги муносабатнинг бутунги аҳволи кўнгилга таскин бера оладими?.. Бу саволга жавоб бериш учун узоққа боришнинг, тиришиб бош қотиришнинг ҳожати йўқ. Балки бор-йўғи ҳар бир олим кейинги йиллар мобайнидаги ўз илмий фаолиятига сарҳисоб назарини ташласа бас, ҳаммаси аён бўлади-қолади. Аён бўлган натижа шундан иборатки, техника қанчалик тараққий этмасин, ахборот қанчалик тез тарқалмасин, бани башар имконлари қанчалик ошмасин, барибир, нимадир, қандайдир кўринмас бир сабаб уни теран, фундаментал илм билан шуғулланишига монелик қилаётгандек. Эҳтимол, юқорида саналган омиллар сабаб бўлаётгандир буларнинг ҳаммасига. Эҳтимол, яна кўпдан-кўп сабабларни қалаштириб ташлаш мумкиндир... Бироқ бош сабаб барибир бошқа - каттароқ, кўламлироқ, теранроқдир: цивилизация суръати натижасида бутун дунёда шундай умумкайфият вужудга келдики, инсон руҳияти тарбиясига ортиқ етарли даражада эътибор қилинмаётир!.. Жумладан адабиёт, аввало, инсон руҳиятини, руҳ кайфиятини инъикос этти-

рувчи соҳа бўлганидан уни ўрганувчи, тадқиқ этувчи илм - филология соҳасининг даражаси ҳам жамиятнинг адабиётга бўлган эътибори нисбатида белгиланади. Бу ҳол дунёнинг ҳамма жойида шундай. Чунки жамиятнинг асосий қисми ҳамиша оммадан иборат. Омма ҳар доим дағал дунё сари - қўл билан ушласа, бурун билан ҳидласа, бадан билан сезса, тил билан таъмини туйса бўладиган фойдали дунё сари ошиқади. Унда даврани кенгроқ олиб, орқа-олдини чуқур мушоҳада қилишга сабр-тоқат етишмайди. Унинг "бугун"и фақат бугундан иборат, фақат ҳозирги устида бош қотиради... Оммадан фарқ қилиб эса шахс ла-тиф олам ҳақида - шу борлиқни яратиб, ўзи яшириниб юргувчи Руҳ ҳақида ҳам қайғуриб ўйлайди. Шахснинг бугуни шундай "бугун"ки, унда ҳам "кеча", ҳам "эрта" му-жассам. Шахс оммадан фарқланиб, инсоният ҳаётининг доимо барқарор, инсонлик шаънига муносиб бўлиши учун ўз шахсий манфаатидан кечиши мумкин. Бас, шунинг учун ҳам ҳамма замонларда маънавиятнинг улкан одам-лари - бугун шахсларнинг бирдан-бир кучи уларнинг ақлу дониши, илму тафаккури билан чегараланган. Кўпчилик-ни у ёки бу йўлга солиб юборадиган қудрат - маблағ ва ҳокимият уларнинг қўлларида деярли бўлмаган.

Гоҳо зиёли қатлам вакиллари билан илм ва адабиёт-нинг бугун ва эртаси тўғрисида суҳбатлашиб қолганин-гда, аксарият ҳолларда уларнинг ўз илмий ё бадиий ижод-ларидан қониқмаётганлигига гувоҳ бўласан, киши. Ва яна шу нарса маълум бўладики, олим ё ижодкор сабабни ўзи-дан эмас, ташқаридан - кейинги йилларда юз берган ўзга-ришлардан излай бошлайди. Бу ҳам албатта, бир ҳисобда тўғридир: алоҳида-алоҳида олганда, адабиёт ё филологик илм маҳсулининг кам яратилиши якка бир ижодкор ё олимнинг айби бўлмаганидек, уларни оз ўқилишида ҳам алоҳида бир ўқувчининг "гуноҳи" йўқ. Ҳамма гап умум-кайфият, умумруҳ туғиб бераётган дунёнинг авзойида. Шоир айтмоқчи, "чархнинг авзойи бу дам аввалгиларга ўхшамас". Бироқ чархнинг аввалгиларга ўхшамайдиган бу-гунги кайфияти қаёқдан келяпти экан? Ҳар ҳолда осмон-дан тушаётгани йўқдир... Албатта, йўқ. У инсон табиати-

нинг муайян ижтимоий-сиёсий, маънавий-психологик, иқтисодий ва тарихий ҳолатда намоён бўлаётган бир қирраси. Ҳа-ҳа, айнан шундай. "Замон, замон", деймиз. Бирон нарса-ҳодиса таъбимизга сал ёқмаса бас, айбни дарҳол замонга юклаб қутулмоқчи бўламиз. "Хўш, замон қаёқдан келди, у нима ўзи?" дея тоқат билан мушоҳадага берилишга эса лаёқат тополмаймиз. Лаёқат топганимизда-чи, "замон" ўз бағрини бизларга оча бошлайди: ҳар қандай замон, давр жамиятнинг у ёки бу кўринишдаги кайфияти маҳсулидир. Ҳамма "гап"ни замонга юклаб, сувдан қуруқ чиқмоқчи бўлаётган сиз билан биз шу бир бутун жамиятнинг парчаларимиз. Агар замоннинг нуқсони бўлса, билишимиз муҳимки, бу қусур бани одам табиатининг қайси бир нуқтасидаги ожизлигидан бошқа нарса эмас. Ҳа, дунёда неки содир бўлаётган экан - хоҳ ижобий бўлсин, хоҳ салбий, - ҳамма-ҳаммаси инсон табиатининг товланишларидир. Бироқ бундан "тақдирга тан бериб, қўл қовуштириб ўтириш керак экан-да" деган маъно келиб чиқмаслиги лозим. Олимнинг, ижодкорнинг иши шундан иборат бўлмоғи зарурки, замон ва зиёли муносабатлари моҳиятини аввало ўзи тўғри илғаб, англаб, сўнг ўз фаолиятида уларни ҳаққоний акс эттириб, ўзгаларга, айниқса, оммага юқтиришга интилоғи шарт. Натижа қандай бўлишидан қатъи назар у шундай йўл тутишга мажбур. Бугун дунёни техника ва ахборот шовқини тутиб, оддий инсон шу шовқин гирдобига фарқ бўлаётган бир пайтда чинакам шахс мақомига кўтарилган олиму ижодкор ўз вазифасини жуда ҳам теран англомоғи, одамзодни ўзи яратган роботлар қулига айланиб қолишидан халос этмоғи муҳимлигини бир зум бўлсин эътибордан қочирмаслиги даркор.

Ҳа, дунё кенг ва унда турли-туман, бир-биридан фарқли-фарқсиз, кўпдан-кўп жамиятлар мавжуд. Бироқ уларнинг ҳаммасини бирлаштириб тургувчи бир умумийликдан кўз юмиб бўлмайди: улар ўз бағридан истар-истамай, билиб-билмай руҳий иқлимни сиқиб чиқармоқда. (Модернизмнинг келиб чиқиш сабабларидан бири айнан шу ерда!) Келинг, бир мушоҳада қилиб кўрайлик: ҳозирда



бутун дунёдаги расмий-қонуний таълим-тарбия масканлари - боғча, мактаб, коллеж, лицей, институт, университетларда олиб борилаётган машғулотларнинг қанчаси инсоннинг руҳий-маънавий тарбиясига қаратилгану, қанчаси ундан йироқ?.. Бу рақамлар тафовути асрдан-асрга, даврдан-даврга, авлоддан-авлодга ўзгариб-йириклашиб бормаяптими?.. Антик дунёда - Юнонистон, Миср, Хитой, Ҳиндистонда қандай эдию, ўрта асрларда Марказий Осиёда қандай бўлди? Ундан кейинги қатор асрларда, ниҳоят, бугун, бугун-чи?..

Солиштириш натижасидаги фарқ қаердан келаяпти? Наҳотки, одамзод ўз руҳий илдизига қаратилган эътиборни тобора сусайтириб, биологик ва ижтимоий асоси атрофида ўралашиб қолаётир? Фрейдизм ва Марксизмнинг бош қусурлари айнан шу ўриндаги бирёқламалиқда эмасмиди?.. Мадом шундай экан, нега яна инсон ўғли ўз тарихи ўғитларидан сабоқ ололмаётир?.. Бу кетишда инсоният эртаси нима бўлади, яқин ва олис келажакни, масалан, сиз қандай тасаввур қиласиз?..

Назаримда нафақат оддий одамларнинг, балки кўпчилик олимларнинг ҳам бу борадаги тасаввурлари жуда камбағал. Чунки биз техника асрининг, ахборот даврининг шовқинидан узилиб, ўз ҳолимизни ташқаридан кузатишга имкон тополмай, аксинча, цивилизациянинг ховлиқиб ташлаётган одимлари ортидан етиб юришга ошиқиб чопиб бораётирмиз. Ҳамма бало шундаки, бизни қаёққа кетаётганимиз эмас, балки қандай кетаётганимиз, кўпчиликдан ортда қолиб кетмаслик қайғуси банд этган...

Кўриниб турганидек, XXI аср вазияти жудаям жиддий. Бироқ бу жиддий масала моҳиятига чуқур кириб борилгандагина аёнлашади. Йўқса, ёпиқли қозондек ичидагини яшириб тураверади. Ўйлашимча, ўзини, ўз илмини ҳурмат қилган ҳар қандай олим айна масалага етарлича эътибор қилмоғи шарт. Айниқса, биз - ижтимоий фанлар вакиллари ўз гарданимиздаги юк залворини теранроқ ҳис қилмоғимиз керак бўлади. Жумладан, биз - филологлар ҳам. Чунки филолог инсон руҳияти товланишларини акс эттирувчи предмет - адабиётни, "инсонни ҳайвондан жудо

қилгувчи" тилини (кўнглини!) ўрганамиз, тадқиқ этамиз. Назаримда шундай пайт келдики, энди бир-бирига ўхшаган сийқа ва саёз мавзули илмий ишлардан воз кечиб, нигоҳимизни илдамроққа қаратмоғимиз, ўтмиш, бутун ва эртани чуқур англашга ёрдам берадиган ҳамда келажакка дахлдор фойдали хулосаларга олиб борадиган йўналишларда илмий фаолият юритмоғимиз зарур.

2000

## ЗАМОН ВА РОМАН

Замоннинг ўзгаргани рост. Одамларимиз дунёқарашида улкан, мисли XX аср аввалидан бери кўрилмаган тусла-нишларнинг юз бергани ҳам ҳақиқат. Шунга кўра романларда замондошнинг замонавий кайфиятини ифода қилишга уриниш сезилади. Бироқ қани замонавийликнинг ўша мезони, унинг чегаралари? Ким чизиб беради уни?.. Бир қарасанг, буларнинг ҳаммаси ҳавода муаллақ турган ва доимо шундай қоладиган саволларга ўхшайди. Бошқа жиҳатдан эса ўлчов сарҳадлари ҳар ёзувчи ботинида ўзи учун ўрнатилган бўлади, деган эътироз ҳам туғилади қайдадир. Қолаверса, ким айтди бизга роман фақат замонавий бўлади, деб? У тарихий бўлиши мумкин эмасми ёки фантастик ва мистик?.. Албатта мумкин. Бироқ роман мавзуси, тасвирлаш принципи қандай бўлишидан қатъи назар у энг юксак, энг бугунги, энг замонавий... даражадан туриб ёритилган бўлиши лозимга ўхшайди. Агар ёзувчи ўқувчи билан ҳақиқий мулоқот талабгори эса... Шундай қилиб, ёзувчи ўша баландликка эриша олса, асарлари узоқ, жуда узоқ ўқилади, дегинг келади. Ҳатто дунё афкор оммаси (ўқувчи) кўпчилик қисмининг умумкайфияти ёзувчи романларида акс этган замонавийликдан, илғор кайфият даражасидан ўзиб кетмагунича унинг романлари қайта ва қайта ўқилаверади. Фурсат етиб, ёзувчи "даражаси" забот этилгач, унинг асарлари босиб ўтилган йўл сифатида тарих мулкига айланади. Чунки бир сўз билан айтганда, ўқувчи романни (ёки шеърни) "ҳазм қилиб" бўлган ҳисобланади. Натижада ижодкорнинг "ўқимишлилик", демакки, "кераклилик" даражасида кескин тушиб кетади. Назаримда ҳозир ёзилаётган (ёзилган) кўплаб романларнинг китоб ҳолида чоп этилмасиданоқ эскириб қолаётганлигининг туб сабаби шу ерда - ёзувчи дунёқараши ва кайфиятининг ўқувчиникидан кўп-да баландда эмаслигида! Вақт ўтган сайин янгилашиб-турланиб бораётган ўқувчи бадий талаби эса бир ҳамла билан ёзувчи

даражасини забт этаяптию қайтиб уни ўқимай қўйяпти, ўқимаслиги турган гап. Шунинг учун ҳам кейинги ўн-ўн беш йил давомида ёзилган юзлаб ўзбек романларидан такрор-такрор ўқийдигани жудаям кам. Уларнинг аксарияти у ёки бу даражада чиққан экспериментлардан иборат. Кўпчилиги ҳали роман даражасида пишиб етилмаган, ҳали бир мушт бўлиб тугилмаган тарқоқ кайфиятларнинг ула-масидан ўзга нарса эмас. Бундай "ясама" романлар чоки-ни бадий приёмлару яхши ўйланган эпизодлар билан, ҳикматли гаплару модернистик "ўйин"лар билан ёпиб бўлмайди. Демак, яхши роман фақат тажриба, эзгу истак ва тиришқоқлик билангина дунёга келавермас экан...

Романлар ҳам қайсидир ўлчовларда худди одамлар син-гари давр фарзандларидир. Кейинги чорак аср ижтимоий фаоллик даври бўлди. Инсон эса ўз табиатига кўра ижти-моий фаол бўлган вақтда руҳий сустиликка, руҳий муд-роққа мойил. Руҳан фаол бўлмаган паллаларда жиддий ба-дий дурдоналарнинг яратилиши мушкул. Юқорида эс-латганимиздек, юзлаб романлар ёзилганигига қарамай, ўқувчи нигоҳини ўзига "михлаб" қўйган романларнинг деярли яратилмаганининг бош замини шу аслида! (Чунки ёзувчининг ижодкорлик даражаси ҳам унинг руҳий ҳаёт-га нечоғли алоқадорлиги билан ўлчанади, назаримда). Ёзил-ган, ёзилаётган романларнинг аксарияти ижтимоий фа-олликнинг давоми сифатида дунёга келаяпти. Бинобарин, баҳолари ҳам шу ўртада. Агар шу романлардаги материал ижодкор руҳиятига "ўтказилган" ва ўша ерда маълум муд-дат тобланганда эди, биз ҳозир "ўзбек романчилигида янги давр" деган бир парда баланд мақомда суҳбатлашаётган бўлардик. Бунинг учун эса ёзувчи табиатан "руҳий машғулот"га мойил бўлиши шарт. Яхши биламизки, биз ўз ота-онамизни танлай олмаганимиздек, улардан мерос бўлиб ўтган табиатимизни ҳам қайтадан ясаб чиқолмай-миз. Алқисса, яхши роман яратиш ёзувчининг истагига-гина боғлиқ эмас. (Албатта, янгиланиш бор, ундан кўз юмиб бўлмайди. Лекин у ҳали бутун бир йўналишнинг давр-ни ташкил этганича йўқ. Шундан ҳам англашиладики: санъ-атдаги, бадий диддаги янгиланишлар ижтимоий-сий

соҳадаги ўзгаришлар билан доимо ёнма-ён юравермас экан).

Айтилганлар масаланинг битта томони. Бошқа томони ўқувчи билан боғлиқ. Ҳозир ўқувчи ҳам ижтимоий фаол руҳий эмас. Демак, мулоқотга путур етган, ўқувчи руҳий фаоллик маҳсулига, жумладан, санъатга, адабиётга бефарқ, беписанд. Ёзувчи Шукур Холмирзаевнинг "Адабиёт ўладими?" деган машҳур саволи шу ораликда туғилган деб ўйлайман. Фиримча, адабиёт ва санъатнинг ўлиш-ўлмаслиги одам кўнглининг эртанги кунига боғлиқ. Кўнглининг келажаги эса инсоннинг руҳий фаоллик даражасига қараб қолган. Руҳий фаоллик бошланиши билан кўнгли ишларига, хусусан, адабиёту санъатга ҳам эҳтиёж пайдо бўлади. Лекин айна чоғда ҳақиқат шундан иборатки, одамзод ижтимоий фаоллик даврида яшайпти, таналар, қайноқ қонлар авжи ҳаракатда... Бундай пайтда ёзувчидан "Уруш ва тинчлик", "Қизил ва қора", "Улисс", "Телба", "Ўткан кунлар"дек романни кутиш қиш кунлари янги пишган ўрик, гилос талаб қилиш билан баробар. Бунинг биргина йўли бор: ижодкор, агар у чиндан ҳам жуда катта истеъдод соҳибби эса, - атроф билан обдон ёнма ён юриб, қалби етарлича озор чекиб, фикри пишиб етилгач, дунёнинг ғала говуридан, кўз ва хаёл олғучи неъматларидан кўнгли узиб, узлатга чекинсин! Ҳеч қурса, асари биттунча, ҳеч қурса, хаёлан, фикран. Фақат шундагина унга ҳамма ёки кўпчилик кутаётган асарни ёзиш бахти муяссар бўлиши мумкин. "Бўлиши мумкин" деб ёздим, чунки шунда ҳам омад унга кулиб боқса! Чунки ижод ҳам балиқ овидек гап. Ташлаган қайирмоғингизга қандай балиқ илинади, қачон илинади, булар даргумон! У сизнинг овчилик маҳоратингиздан ташқари тақдирга ҳам боғлиқ ишдир. Туну кун дунё билан баробар бўлиб, яна зўр, қоладиган асар ёзаман дейиш — хомхаёл! Бу дегани шуки, ҳамма қатори бола-чақа қилиб, тагин уларни ҳамма қатори едириб, кийдираман, дегувчи ижодкорга жудаям қийин бўлади. Чунки яхши асар ёзиш хаёли бир дам бўлсин уни тарк этмайди. Худди елкасига ўтириб олиб, миясини тинимсиз чўқиётган бургутдек ижодкорга мислсиз озор беради. Бу ёқда эса ти-

рикчилик ташвишлари. Ора йўл, иккита куйдиргувчи гулхан ораси! Шунинг учун ҳам Сальвадор Дали ижодкор бой бўлиши керак, дейди. Токи, у ўзи истаган пайтда ижод билан машғул бўла олсин, токи тирикчилик ташвиши ижодкорнинг оёғидан тортиб чоҳга қулатмасин! Хаёлининг бир учи бир бурда нон гами билан ўртанмасин! Бола чақаси оғриб, ҳаёт-мамот масаласи арзимаган бир дорига боғлиқ бўлиб, лекин уни сотиб олиб беролмай, виждон ва бурч аро тортилган дорда тақдири осилиб қолмасин!.. Булардан келиб чиқадики, ижодкор ижод асносида фақат ва фақат ўз боласи - асар тўғрисида бош қотирсин! Шундан кейин ҳам ёзганлари бир нимага арзимаса, ижодкор ўзи ва тақдирдан ўпкаласин!.. Бошқа бир масала жамиятнинг бундай асарга эҳтиёж туйиш-туймаслигидир. Агар жамият руҳий-маънавий жиҳатдан юксак савиядаги бадий асарларга эҳтиёжманд бўлса, ўз ижодкорларини қўллаб қувватлайди: уларнинг ижод бахти билан, яратиш билан яшаш бахтига сазовар этади. Агар бундай маънавий эҳтиёж бўлмаса, ёзувчилари тақдирнинг ҳукмига ҳавола қилинади. Ҳар икки ҳолда ҳам жамият ўз қилмишига яраша неъматга сазовор бўлган ҳисобланади. Демак, муҳими, эҳтиёж масаласи! Одамларнинг китоб ўқишга, руҳий маънавий озуқа олишга қаратилган эҳтиёжини тарбияламоқ зарур. Бундай эҳтиёжга эга бўлган жамият ҳеч нарсадан қўрқмаса ҳам бўлаверади. Аслида ижодкорни ижод қилишини таъминлайдиган куч ҳам шу эҳтиёждир. У бор экан, ижодкорга алоҳида нафақа тайёрлашнинг ҳожати қолмайди. Шу эҳтиёж ҳар қандай истеъдодни ҳимоя қилишга қодир. У нафақат ижодкорни, балки бутун жамиятни, ер шаригаги онгли, маънавий ҳаётни, кинот мувозанатини ҳам таъмин этади. Кўринадики, асосий ҳаракат шу эҳтиёж сари бўлмоғи лозим. Фақат уни ҳеч қачон эскирмайдиган, русмдан қолмайдиган, ўлмас эҳтиёж қилиб тарбиялаб, етиштирмоқ ва шу кўйи ушлаб қолмоқ шарт бўлади...

2001

## "ИЗМ"ЛАР НИМА ЁЗИ?

Биз инсонни шафқатсиз равишда тадқиқ этувчи адабиётни - кўнгил адабиётини узоқ вақт соғиниб яшадик. Кейинги пайтда модернистик руҳдаги асарлар бозорининг хийла чаққон бўлишининг сабаби шунда. Яъни сиёсий тўсиқ олиб ташлангандан кейин кўпчилик бўшалган соғинчларига қўшилиб оқа бошлади. Аммо фурсат ўтиб, кўнгил адабиётига кўнглимиз андак қониб олгандан сўнг табиий равишда жамиятни, кишилик ҳаёти қонуниятларини ижтимоий нигоҳ ила тадқиқ этувчи ва ҳатто одамзот турмушини яхшилашга қаратилган некбин ғояларни тараннум айловчи адабиётни такрор қўмсаб қолишимиз ҳеч гапмас. Ҳа, кўнгил шунақа бебош. Биз соддалик қилиб унинг истакларини измларга солмоқчи бўламиз. Кўнглининг ўзи эса айнан ана шу изм ва қолипларни парчалаб яшашда, уларнинг устидан қаҳ-қаҳ отиб кулишда давом этаверади...

Адабий танқидда кейинги 10 йиллар давомида бир масала атрофида гоҳ қизғин, гоҳ совуққон баҳс-мунозара давом этаётир. Аслида, бу масалага ҳеч қандай муносабат билдирмаса ҳам бўлади. Чунки вақт-ҳакам, ҳаммасини жой жойига қўйиб қўяди. Лекин шундай бўлса ҳам ўринли муносабат билдириш ана шу масаланинг тезроқ ва тўғрироқ ҳал бўлишига кўмаклашади, деганидир. Баҳсловчиларнинг деярли ҳар бири ўзининг мантиқли қарашларига эга. XX аср адабиётини ўрганишда кимдир соц. реализм методини маъқул топса, кимдир уни бутунлай сохта деб билади. Биров юксак бадиий мезонлар билан ёндошишга майл билдирса, бошқаси тарихийлик ёки қиёсий-типологик қарични хуш кўради... Назаримда буларнинг барчаси асосли. Ҳатто "адабиёт мафкурага хизмат этиши лозим", деган муносабатга қарши, "йўқ, аксинча, мафкура ва сиёсат санъатнинг ривожланишига имконият яратиши зарур" десалар, мен ҳар иккала фикрни ҳам ўринли, деб ҳисоблайман. Тахайюлгагина эмас, тафаккурга-да эрк бериб

қарасак, шу нарса аёнлашадики, ўз қарашлари билан қатнашаётганларнинг ҳаммаси гўё манзилга турли йўллардан келаётган зотлар. Манзил эса ИНСОН (Зинҳор, XX аср ўзбек адабиёти эмас!). Шахсан мени баҳс мавзудан ҳам кўра кўпроқ баҳсловчиларнинг ёндошувлари, улар келиб чиқаётган сабаблар, аргументлар кўпроқ қизиқтиради. Менингча, муносабатлар таҳлилидан келиб чиқилганда мавзунинг моҳиятига анча осон кириб борса бўлади.

Инсон бирон фикрни ҳимоя этаркан, аввало, ўз фитратидан, тарбиясидан, мақсадидан, ўша вақтдаги ҳолатидан... келиб чиқади. Буларнинг барчасини жамлаб, "кайфият" дейишимиз мумкин. Кайфият эса маълумки, ўзгариб туради. Бинобарин, XX аср ўзбек адабиётини бугун соф санъат (юксак бадий мезон) нуқтаи назаридан ўрганайлик, деган олим эртага ҳеч иккиланмасдан уни тарихийлик асосларда тадқиқ этишимиз зарур экан, дейишимен мен қабул қила оламан. Бу субутсизлик бўлмай, инсоннинг ўз табиатига нисбатан самимийлигидир. Ҳа, аввало, ўзини, кейинчалик ўзгаларни алдамаган, алдашни хоҳламаган киши фурсат силсилаларида олинган янги информациялар, тажрибалар, қайта текширувлару туйғуларнинг қайралишуви оқибатида ўз қарашларини янгиллаши ва ҳатто керак бўлса, уларни ўзгартириши бетайинлик бўлмай, айна самимиятдир. Қолаверса, яшаб ўтилгандан кейин нуқтаи назарлар ҳам туйғулар каби янгиланишга эҳтиёж сезади. Ёки бугун тарихийлик методи билан тадқиқ этилган ва хулосаланган бир масала эртага қиёсий типологик ёндошувга эҳтиёж сезса, бунинг ажабланидиган жойи йўқ... Дунё фақат биз кўрган ва билгандангина иборат эмас. Худди шундай, "ҳар қандай масаланинг моҳиятига фақат ва фақат биз турган томондагина кириб борилади", деб ким айтди сизга?.. Ҳазинага турли тараф ва йўллардан тушиш имкони бўлгани ҳолда ёлғиз биттасини - ўзимизникини кўриш ва маъқуллаш олимликнинг эмас, жоҳилликнинг аломатидир. Фақат вазиятга, тарихий-ижтимоий кайфиятга қараб, йўлларнинг бири иккинчисидан долзарброқ ёки кераклироқ бўлиши мумкин...

Албатта, инсон ўз принциплари билан қадрли. Бироқ



бизнинг тушунчамизда принцип масалан, кишининг ўз фикридан қайтмаслиги, унда бир умр туриб олиши эмас. Аксинча, турли вақтларда ва шароитларда қарашлар ҳам ўзгариб туриши мумкинлигига ишонч инсон принципларидан бири бўлиши мумкин. (Албатта, ҳар одимда буқаламундек товланиб туриш бевурдликдир). Бундай принцип киши обрўсини туширмайди, тарихийлик методи билан тадқиқ этилган ва хулосаланган бир масала эртага қиёсий - типологик ёндошувга эҳтиёж сезса, бунинг ажабланадиган жойи йўқ. Муҳими - инсоннинг ўз табиатига содиқ қолиши. Бир терининг ичида қўй неча семириб, неча озганидек, одамзот ҳам инсон деб аталмиш қафас ичра қай қўйларга тушмайди, дейсиз. Эрталаб бузиш хаёли билан уйдан чиққан кишининг кечқурунги иқрори тузиш бўлар... Ярим тунда ёмон тушдан чўчиб уйғониб тавба қиламиз-да, тонг ёришиб, атрофда ғимир-ғимирлар бошланиши билан "соғда"лигимиздан уяламиз. Хўш, инсон бундай иқроларнинг (кайфиятларнинг) қай бирига чорасиз бошини қўйсин? Менинчга, ҳеч бирига! Ёки бараварига уларнинг ҳаммасига!.. Мавжуд ҳамда бўлиши мумкин ҳисобланган жамики кайфиятлардан келиб чиқсин, сўз - фикр айтсин, яшасин... Шунда у ҳақиқатга яна бир поғона яқинлашган бўлармиди? Ахир инсон аллоқибатда Ҳаққа - ҳақиқатга қай даражада яқинлашгани билан қадрланмайдими? Бугун тutilган йўл агар ўзини оқламаса, кўзланган натижани бермаса, мақсад томон дидил этмаса, унга жиддий таҳрир киритиш - жасорат, асло хурофот эмас! Нақшбанд ҳазратларининг "агар ҳақиқат менинг юзимга оёқ қўйишни талаб этса ва сиз буни қилмасангиз, рози эмасман", деган буюк ҳикматларини олим одам ҳеч қачон ёдидан чиқармаслиги зарур!..

Психолог Карл Юнгнинг ёзишича, ҳар бир киши маълум психологик типга мансуб. Бу типларни у иккига ажратиб, ҳар бир гуруҳ ўз ичида яна тўртта бўлинади, дейди. Биринчи гуруҳга оид кишилар (экстравертлар) ҳар бир ишда аввало, объектив шароитни ҳисобга олган ҳолда ҳаракатлансалар, интровертлар (иккинчи гуруҳ) асосан ўз ботинларидаги ҳолатдан (субъективликдан) келиб чиқиб иш

тутадилар. Гуруҳларнинг ўз ичида яна бўлинишини ким туйғуга, ким сезгига, ким интуицияга ва ким ақлга кўпроқ эътибор бериши билан изоҳлайди. Хуллас, Юнг бир хил шароитдаги турли одамларнинг характеру қарашлари хилма-хиллигининг сабабларини улар ирсиятидаги ҳукмрон хусусни ифодалаш орқали очиб беришга уринади. Демок-чиманки, бизнинг бир хил нарсаларга турлича ёндошишимиз био-психологик жихатдан-да нормал ҳодиса эканини назарда тутсак, яна ўша ташбеҳ: баҳсловчиларнинг ҳар бири "XX аср ўзбек адабиёти" деб аталган бекатга ўз юртларидан йўлга чиққан ва бу йўлда кўрган-билганидан бизни хабардор этаётган заҳматкаш сайёҳлардир. Манзил эса оддинда - инсон, унинг кўнгли, ижтимоий-руҳий асоси...

XX аср ўзбек адабиёти тарихини даврлаштириш масаласида ҳам ўн йиллар муқаддам анча қизгин баҳс бўлиб ўтганди. Назаримда бу ўринда ҳам, умуман, бошқа соҳалар бўйича ҳам билдирилаётган қатъий фикрларни тарозуга қўяркан, яна ўша жиҳат - кайфиятни унутмаслик лозим. Яъни ҳар бир киши (олим) ўз қарашини ўртага ташлар пайтда муайян ёш, муайян тарбия, муайян руҳий-жисмий ҳолат, муайян тажриба, муайян хулоса, принцип, мақсад ва ҳоказолар исканжасида бўлади. Вақтнинг айланиши билан булар ҳам ҳаракатга кечади. Ҳаракат эса ҳаминиша ўзгаришларга олиб боради. Румийнинг "Ичиндаги ичиндадир" асарида шундай масал бор - "шоҳ мамлакат кўчаларида чиройли безатилган отда аёнлари билан сайр этиб юради. Фуқаролардан бири томбошига чиқиб олиб "Агар менинг шундай отим бўлганда, биронтасига ҳада қилиб юборардим", дейди. Ҳукмрон ғазабланади ва фуқарони зиндонга ташлатади. Кунлардан бир кун шохнинг эсига воқеа тушиб, "Келтиринг уни, нега бундай деганини сўрайлик-чи!" деб буюради. Ҳукмрон ҳузурига келтирилган фуқаро "Энди мен у фикрни айтган одам эмас, ўзгаман. Уни гапирган киши ўша ерда - томбошида қолди, сенинг оддиндаги мен эса бошқадир" дегач, жавобдан шох хурсанд бўлиб, совға-салом беради".

Шундай экан, яъни маълум шароитда туғилган муайян қарашларда инсонни тутиб турган занжирларнинг изи

қолару фурсат кечиб, уларнинг ўзгариши табиий бир ҳол экан, буни ҳам Шарқ, ҳам ғарб мутассаввуф ва мутафаккирлари ҳам тасдиқлаётган экан, нега биз эскириб, увадаси чиққан кечаги кунги қарашларимиздан воз кечолмай қийналайлик? Номуқим назарлардан келиб чиқиб, у ёки бу масала бўйича (умуман барча соҳаларда!) қатъий фикрлар, фармону олийдек жаранглайдиган даъволарни илгари сурайлик?.. (Мободо, шундай қилинганда ҳам ўқувчи эркини бўғмаслик учун "бу - бир нуқтаи назар, холос" деган фикрни айтиб қўйиш юксаклигидан тушиб кетмаслик лозим). Илм ҳар бир нарсанинг ўз номи билан аташ экан, барча асрлару даврларнинг бир-биридан фарқлатиб турувчи унсурларини топиб, уларга муносиб исм бериш, барибир лозимлигини қабул этамиз. Бироқ бу - романтизм, бу - реализм, бу - модернизм... деганда ҳар бир методнинг соф эмаслигини, биз фақат даражасидан келиб чиқибгина шундай деяётганимизни баъзан унутиб қўямиз. Яъни бу асар реализмга хос, дейишимиз, унинг қолган методларидан бутунлай ҳоли деганимиз эмас. Аср бошида ғарбда модернизмни тамомила янги оқим, санъатдаги буюк инқилоб, деб жар солдилар. Хўш, даво қанчалик тўғри эди? Модернизмнинг моҳияти эътиборни инсонга, унинг кўнгила оламига қаратиш, инсонни ҳар жиҳатдан тадқиқ этиш экан, бу иш классик адабиётда, масалан, Навоийда, Шекспирда ва ҳатто халқ дostonларида қилинмадими? Қилинди, фақат модернизм усулида эмас. Модернизм расман XX аср санъат тамойили ҳисобланади. Лекин масалан, Бобурнинг:

*Жонимдан ўзга ёри вафодор топмадим,*

*Кўнглимдан ўзга маҳрами асрор топмадим, —*  
деб бошланувчи ва:

*Бобур, ўзунгни ўргатакўр ёрсизки, мен*

*Истаб жаҳонни мунча қилиб ёр топмадим, —*

деб ниҳояланувчи ғазалининг мазмуни инсоннинг алалоқибатдаги ёлғизлиги, унинг қисмати олдидаги танҳолиги ҳақида экан ва бундай руҳ модернизмга хос, деб билар эканмиз, айтилган, Бобур асарлари қайси измга мос? Ёки яна у (Бобур):

*Сенсиз яшамоқ эй ёр мушкулдир,*

*Вале сен бирла ҳам бисёр мушкулдир... –*

деса, нега бошқа "изм" ва асрга мансуб бўлган Франц Кафка Бобурни ўқимагани ҳолда шу руҳда яшаб, унинг сўзларини такрорлайди: "Мен сенсиз ҳам, сен билан ҳам яшай олмайман!.." Чунки санъаткор ижод қиларкан, бор-йўғи кўнгилни тўкиб солади, холос. Йўқса, қандайдир измлар ҳақида қайғуриб ўтирмайди. Биз - олимлар кўпгинача, ана шу содда ҳақиқатни унутиб қўямиз-да ёзувчи ё шоирни (драматург ёки мусаввирни) ўз дунёмизда яратиб олган қолипларга мажбурлаб солишга ҳаракат қиламиз. Ўзимиз-ниқидан фарқлироқ қарашларга эса ёв кўзи билан қараймиз... Қолипга сиғмай, ундан ташқарига туртиб чиққан ўринлари учун ижодкорни танқид қиламиз... воқеликни бузиб талқин қилишда, ҳатто айрим "радикал мунаққидлар" нафасига учиб, гумроҳлик ва осийликда айблаймиз... Ахир ўзингиз мундоқ иссиқ танангизга ўйлаб кўринг, адабиёт инсон кўнглининг тилмочи бўлса, кўнгил эса ҳар доим ҳам инсон истаги ва дунёқараши билан ҳисоблашарвермай ўз табиатига кўра яшаса ва шоир ё ёзувчи шу кўнгилга тик қараб, у ердагига қўшмай, ундан олмай, борини оқ қоғозга тўкиб солсаю, унинг изтиробларини бошимиздан ўтказмаган биз танқидчилар ҳе йўқ, бе йўқ ижодкорни ҳар нарсада айбласак!.. У ҳолда адабиётнинг кучи, қадри ва қиммати қайда қолади?.. Адабиёт у ёки бу дунёқарашга, катта ёки кичкина динга мослашиб кетаверса, уларнинг чизигидан чиқмаса, унинг ўз юзи бўлади-ми?!..

Айтилганларнинг ҳаммасини ҳисобга олган ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, адабиётнинг ягона ҳақиқий изми мавжуд - Инсон - Инсонизм. Ижодкор қайси даврдаю қай кайфиятда ёзмасин, шундан - инсондан, унинг муаммоларидан баҳс этади ёки ниҳоясида инсонга келиб тақалувчи, инсондан бошланувчи мавзуларни ёритади. Шунинг учун ҳам моҳиятан ҳатто одамзот табиатига анча ноуйғун совет жамиятида яратилган санъат асарларининг айримларини ҳануз севиб ўқиймиз, ҳаяжонланиб таҳлил этамиз. (Ойбек, Шайхзода, Миртемир, Ф.Фулом, А.Ори-

пов, Э.Воҳидов, Р.Парфи, О. Матчон, Ҳ.Худойбердиева, Ш.Раҳмон, Ш.Холмирзаев. Х.Султон, Э.Аъзам, М.М.Дўст асарлари шулар жумласидандир).

Башариятнинг ҳам худди якка шахсда бўлгани каби ўз кайфияти бўлади ва у ўзгариб туради. Унинг маълум вақтдаги кайфиятини романтизм десак, бошқасини реализм деб атадик. Агар соц. реализм ана шундай кайфият сирасига кирса, самимийдир, йўқса, йўқ! Чунки биз "изм"ларга солаётган барча янгилар аслида, инсоният деб аталмиш улкан яхлит организм ботинидаги моҳиятнинг қулай фурсату имкон топилганида намоён бўлиб туришидан ўзга нарса эмас. Объект билан тўқнашувдан сўнг субъект - санъаткорда воқеликка - борлиққа нисбатан пайдо бўлган муносабат даражаларидир - измлар!..

2000

## ИНСОН - МАНТИҚ ФАРЗАНДИ

Бани одамни мантиқсизлик қадар аёвсиз қийноқларга гирифтор этадиган бошқа азоб йўқ дунёда. Бўлиши мумкин, лекин унинг бағрида яширинган қандайдир тасаллини топиб оласиз. Тасаллики, кун келиб инсоннинг азобдан халос бўлишига умид беради. Мантиқсизликнинг эса на аввалида, на ўртасида ва на ниҳоясида бор бундай таскин, бундай умид. Бошдан оёқ юракларни эзиб сувини ичадиган бир ваҳима, юракларга эсиб муз қотирадиган бир изғирин бор мантиқсизлик бўшлиқларида. Ҳа, бу дунёда инсоннинг мантиқсизлик сукунатида дош бериб яшашни жуда-жуда мушкул.

Назаримда мантиққа интиладиган бир жавҳар одамзотнинг фитратига аввал-бошданоқ жойлаб қўйилгандек. Чунки унинг асрлар оша босиб келган ҳаёт йўлини мушоҳада тарозусида тортиб кўрсак ҳам шунга иқрор бўламиз: инсон - мантиқ фарзанди. Ҳатто "дунё мантиқсизликдан иборат" дея нола қилган ва қилаётганлар қалбининг жуда-жуда чуқур пучмоқларида уларнинг ўзлари ҳам билмайдиган бир интизом, бир мувозанат яшаб туради. Чунки абсолют мантиқсизлик юки фикрловчи ҳар қандай одамни пачақлаб ташлашга қодир. Ҳатто бундан баттар: у шиддат билан ривожланадиган касаллик - ўлат янглиғ тириклик томирига болта уради.

Инсониятнинг тарих давомида топган энг катта мантиғи бу - Худога эътиқод! Одам табиатини мулоҳаза эта туриб гоҳо шундай фикрга борасан, киши: агар Худо бўлмаганда эди, уни ўйлаб топишган бўларди. Чунки одамни бу дунёда мувозанатда тутиб турувчи, айти вақтда ундан ҳеч ким ва ҳеч қандай бир куч тортиб ололмайдиган олий қудратга эҳтиёжи мавжуд. Назаримда одам боласи эсини танигандан бери унинг ушбу эҳтиёжига катта таҳрир киргани йўқ. Достоевский қахрамонлари дуч келган "мадомики Худо йўқ экан, демак ҳамма нарса мумкин" деган ғоя нафақат шундай хулосага келган одамни, балки

алал-оқибатта бутун коинотни ҳам кунпаякун этади. Тарихга назар ташласак, гоҳо Худога эътиқоднинг ўрнига бошқа эътиқодлар таклиф этилган. Чунончи, яқинда парчаланиб кетган шўролар давлатини олайлик. У фуқародан "тортиб олинган" Худога эътиқод эвазига аввал социализм, сўнг коммунизм ғоясига эътиқодни таклиф қилган. Таклиф қилгангина эмас, уни зўрлаб мияларга, қалбларга олиб кирмоққа уринган. Тан олиш керак, вақтида муайян натижаларга эришилган ҳам. Лекин мазкур эътиқоднинг бутун куч-қудрати, таъсири бу дунё билан ўлчанарди, холос. Одамзод эса қадим-қадимдан катта ва мангу эътиқодга суяниб келгандики, бу эътиқод унинг нафақат бу дунёсига, балки охиратига ҳам татиганди. Ҳа, инсон ҳар икки дунёсига ҳам ярайдиган ишонч-иймонга эҳтиёжман. Худога эътиқод қилишдан бошқа ҳеч қандай куч бу эҳтиёж ўрнини шу вақтгача босолмаганига кўра одамзоднинг энг катта мантиғи аввал қандай Худо бўлган бўлса, ҳозир ҳам ўшандайлигича қолмоқда.

Кунимизда қўлма-қўл бўлиб ўқиладиган испаниялик Пауло Коэльонинг "Алхимик" номли романи ҳам моҳият-эътибори билан ана ўша мантиққа бағишланган. Асарни тутиб турган энг бақувват устун - шу. Романнинг қисқа фурсат давомида дунёнинг бир юз ўн етти мамлакатига севимли китобга айланишининг (бизда - Ўзбекистонда унинг учта - проф. О. Шарафиддинов шоир А. Саид ва мунаққид А. Отабоев таржима вариантлари пайдо бўлишининг) бош сабаби ҳам шунда - асарнинг ҳамма учун умумий ва қадрли бўлган жиҳат - ҳаёт мантиғи, инсонлик мазмуни тўғрисида эканлигида, деб ўйлайман. Ҳа, инсоният "Бу дунёда мантиқ йўқ, у хаосдан иборат", дея қанчадан-қанча назариялар, гипотезалар тўқиб ташлаган бўлмасин, барибир, унинг қалби теранликларида яшириниб ётган ўша мантиқ эҳтиёжи бутун бутун дунёда шу асарга муносабат мисолида яна бир карра юзага қалқиб чиқди. Агар бу китоб ҳақидаги шов-шувлар, дунёнинг бугунги жиддий ўқувчилари томонидан кўзга суртилиб ўқиладигани чин эса, демак, ёруғ оламнинг қатъий интизом асосида айланиб турганлиги ва у бошдан-оёқ ўзи-

нинг мантигига эгаллиги тўғрисида инсоният "Алхимик"- сиз ҳам алақачон етиб келган илоҳий ўғитларнинг ҳақлигига кўпчиликнинг ишонгиси келаётганидан дарак беради. Жумладан, ғарб кишисини олайлик. Айниқса, сўнгги юз йил давомида уни даҳрий ёки камида шунга мойил деб келинади. Эҳтимол, бундай таассурот зоҳирий бир кузатишнинг мевасидир. Ичкарида бошқача муносабатларга дуч келинар. Йўқса, нега унда мантиқ ҳақидаги асарлар, жумладан, "Алхимик" ғарбда ҳам қадр топмоқда. Тўғрироғи, аввало, ғарбда машҳур бўлмадимми бу асар? Демак, ғарб кишисининг "даҳрийлиги" замирида шарқлик биродариникидан асло қолишмайдиган бир художўйлик яшаб келаяпти экан-да! Фақат бу художўйлик цивилизация деб аталмиш "ўргимчак тўри"нинг қатламлари остида қолиб, "унутилиб" келаётгандек...

Асарни тутиб турган яна бир зўр устун ана ўша мантиқ моҳиятини очиб беришга хизмат қилган рамзлар галереяси. Ҳа, бу ўринда рамзлар тафаккурнинг шунчаки жимжимадор ўйинлари эмас, балки миллатию ижтимоий мавқеи, эътиқодию дунёқарашидан қатъи назар, ҳар бир инсон қалбида яшаб келаётган ўша мантиқни идрок этиш йўлида мулоқот учун оёқларига мактублар осиб учирилган элчи кабутарлардир. Қолаверса, рамз шундай бадий воситаки, ёзувчи айтмоқчи бўлгандан ҳаммиша кўпроқ, каттароқ гапни айтади. Чунончи, Пауло Коэльо Алхимик, Умумтил, Белги, Пирамида, Урим ва Туммим, Ҳазина каби қатор рамзларни асарга олиб кирар экан, ҳар бирига ўзи истаган бирон конкрет маънони юклаган бўлиши мумкин. Лекин одатда, рамз ёзувчи бадий оламидан қоғоз юзига тушгандан кейин ўша бирламчи маъносини йўқотади. Йўқ, у йўқ бўлиб кетмайди, балки рамзлардан англашиладиган бошқа маъноларга аралашиб кўздан ғойиб бўлади. Демак, инсон онгидан қоғозга тўкилган рамз қайсидир маънода абстрактлик касб этиши баробарида асарга сир-сеҳр бағишлаб боради. Ҳа, айнан шундай. Рамз қанча кўпмаъноли бўлса, йўқ, буни бошқача айтса бўларкан, рамз табиати қанча кўп маъно чиқаришга мойил бўлса, унинг сирлилик, сеҳрлилик қуввати ҳам, одатда, шунча ортади.



Масалан, асар бош қахрамони Сантьягонинг араб мамла-  
катидаги пирамидалар сари йўлга чиқиши воқеасини бир-  
ламчи - "сафар" маъносида тушуниш ҳам мумкин. Кейин  
хаёлга "бу - инсон қалбига қилинган саёҳат" деган бошқа  
бир фикр-маъно келади. Яна бир бошқа кайфиятда уни  
умуман, инсоният тарихини - у босиб ўтган ҳаёт йўлини  
ўзига хос таҳлили, ундан маъно-манتيқ излаш ҳаракати,  
дея ўйлай бошлайсан. Ва вақти келиб бундай таҳлиллар-  
нинг барчаси бирлашиб, кишига таъсир эта бошлайди.  
Мана шу таъсир адабиёт илмида эстетик таъсир, бадий  
завқ деб юритилади. Мадомики, гап айланиб шунга кел-  
ган экан, бир нарсани айтиб ўтиш лозим деб биламан.  
"Алхимик"нинг жозибаси назаримда, асрлар оша яшаб  
келаётган "классик" фалсафа ва унинг рамзий ифодалари  
билан белгиланади. Мутолаа давомида олинадиган эсте-  
тик завқ, асосан, ана шу икки нуқта оралигидан терилади.  
Қахрамонлар қисмати ҳам, уларнинг изтироблари ҳам  
ўқувчини унчалик безовта қилмайди. Ҳатто бош қахра-  
мон - ўспирин Сантьяго шундай тасвирланганки, унга нис-  
батан қалбингизда на ортиқча муҳаббат ва на бошқа туйғу-  
лар туғилади. Агар у хазина йўлида ҳалокатга учраган тақ-  
дирда ҳам ўқувчи бундан кўп-да мутаассир бўлмасди. Чун-  
ки асар ўқувчини қахрамонлар ички дунёси билан эмас,  
юқорида таъкидланиб айтилган ўша фалсафа теранликла-  
ри билан таништира бошлайди. Оқибатда, ҳатто Сантьяго  
ўқувчига "нотаниш" лигича қолади. Бегоналарга, одатда,  
севги ё нафратимизни билдирмаймиз, билдиrolмаймиз.  
Демак, "Алхимик"ка шуҳрат келтирган асосий унсур бу -  
романнинг фалсафаси. Асарни фарбнинг севиб ўқиши та-  
биий, чунки у асрлардан бери синовдан ўтиб келаётган,  
классик мақомдаги умуминсоний фалсафа (бу фалсафа -  
асарнинг ўқ томирини ташкил этган фалсафа кўпроқ  
Шарқда билинган, қадр топган, деган бўлардим) асосига  
қурилган, Шарқнинг ёқтириши ҳам шундай қонуний, чун-  
ки романда ўзига ниҳоятда яқин, ниҳоятда кўникилган,  
эъзозланган қадрият куйланган ҳамда у фарб томонидан  
да қабул этилаётир. Тўғрида, улуғ мутасаввиф Жалолид-  
дин Румийнинг "Маснавий"си ёхуд "Ичиндаги ичинда-

дир" асарларига назар ташлабоқ Пауло Коэльонинг "Алхимик"ида тараннум этилган кўпгина умуминсоний қадриятларнинг илдизини топгандек бўласиз. Бироқ бу нарса ёзувчи хизматини ҳеч-да туширмайди: ёзувчи ана ўша "классик" фалсафага ўз "бадий либос"ини кийдирди, унга Сантьяго саргузаштларидан сюжет бахш этди. (Бу ўринда "фалсафа" сўзи шартли маънода ишлатилмоқда, чунки ҳазрат Румий ўзи айтган сўзни "фалсафа", ўзини эса "файласуф" деб атамаган. Дарҳақиқат, тасаввуф фалсафаси мавжуд, бироқ тасаввуф ўз фалсафасидангина иборат эмас-да!)

Ёзувчи китобга ёзган сўзбошида инсоннинг ўз тақдири сари юриши хусусида гапиради. Ва бу йўлда мақсадга эришувни жуда-жуда муҳим ҳисоблайди. Қайси бир сабабларга кўра эришолмасликни эса "ахмоқлик" дейди. Назаримда инсоннинг эзгу ният йўлида жонкашлик кўрсатишининг ўзиёқ улкан жасорат. Мақсадга етув яхши, етмаса, етолмаса-чи? Бу айб эмас-ку! Одатда, олис манзил-мақсадларнинг заҳмати беқиёс бўлади. Машаққатли йўл инсонни турли руҳий кайфиятларга солади. Бундай қалтис вазиятларда инсон баъзан ўз руҳий ҳолатини назорат қилолса, баъзан тамоман унинг асирига айланади ва мақсаддан чекиниши мумкин. Ёзувчи шуни - мақсаддан чекинишни "ахмоқлик" деб атайдики, бу гап юмшоқроқ оҳангда айтилган ҳукмдек жаранглайди. Кўнглингда эса эътирозли мулоҳазалар туғила бошлайди. Агар гап фалсафа сўқишга қараб кетар экан, қуйидагиларни айтгинг келади: "ўз тақдирингга қараб юр" дегани бир қадар мавҳумдек туюлади. Ўйлашимча, унга таҳрир киритиш лозим. Яъники, инсон ўз табиатига қулоқ солиб, ундаги фазилатларга таянган ҳолда ботиний яширин кучни ҳаётга тадбиқ этиши керак. Чунки одамлар ҳар - хил бўлади, ким илмга, ким чўпонликка қобил бўлиб дунёга келади. Фитратан чўпон бўлиб дунёга келган одам давлатнинг тепасида, олим бўлиб туғилган киши эса пештахта ортида ўтирмаса. Йўқ, гап уларни бу жойларга қандайдир ташқи кучлар олиб келиши ҳақида эмас, балки ҳар бир зотнинг ўз танам ви устида бсрапти. Айтдик-ку инсон шундай тарбия олиши керакки, оқибатда у ўзининг нималарга қодирлигини, кимлигини билсин,

деб. Шундан кейин у танлайди: олинган тарбия уни фақат ўз ўрнига етаклайди, ўзганинг ўрнига кўз олайтиришга имкон қолдирмайди. Биламан, мулоҳазаларимнинг оёғи ердан кўтарилиб борапти. Лекин юқорида фалсафа сўқишга рухсат сўраган эдик. Қолаверса, дунёда мен айтгандек, ўз ўрнига бориб турадиган ва умрининг охиригача ўз аъмолига, демакки, ўз табиатига содиқ қоладиган одамлар топилади. Улар озчилик, лекин П. Коэльонинг романи ҳам ана шундай озчилик ҳақида-ку. Ёки Сантьяголар ҳаётда жуда кўпми?..

Роман бир қанча "изм"ларнинг синтезидан пайдо бўлган: романтизм, символизм, реализм, ҳаттоки, модернизмнинг ҳиссаси бор бу асарда. Албатта, кунимизда яратилаётган истаган романингизда бундай унсурларни топишингиз мумкин. Чунки воқеликнинг ўзи юқоридаги "изм"ларни синтезлаб бораётир. Бироқ "Алхимик"нинг ўзига хослиги шундан иборатки, унда "изм"лар деярли барабар иштирок этган. Шунга кўра бир қарасангиз, роман романтизм, бир қарасангиз символизм маҳсули бўлиб кўринади. Масалани аниқлаштирадиган бўлсак, тахминан қуйидаги кўринишга келади: асар сюжет қурилишига, тасвирига кўра романтик, асарга юклатилган мазмунни ифода қилиш принципига кўра символистик, услубига кўра модернистик ва ниҳоят, ундан уқиладиган маъно ҳақиқатига кўра реалистикдир. Эҳтимол, бу гапларни ҳали анча тарашлаш керакдир. Лекин бундан қатъи назар, илк таассуротлар "Алхимик" тўғрисида умумийроқ бўлса-да ана шундай мулоҳазаларга ундайди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Пауло Коэльо Фарбу Шарқда асрлар оша яшаб келаётган диний ва дунёвий фалсафа, қадриятлар қаймоғидан бир пайсасини "Алхимик" деб аталган мўъжаз бир асарда акс эттиришга бел боғлаган ва бунга эришган. Чунончи, асарнинг бошидан оёғигача чўзилган бир рамз бор: Сантьяго хазинани ўзга юртлардан эмас, балки ўз юртидан топиши рамзи Шарқ тасаввуф (хусусан Румий - "ҳар не истарсен, ўзингдан истагил" мазмунидаги) фалсафасининг устунларидан бири бўлса, романда қистириб кетилган кўпгина ҳикматли гапларни

ҳам Шарқ ва Ғарбнинг у ёки бу мутасаввиф ё файласуфлари меросидан топиш мумкин. Мисол учун асарда жуда кўп ўринларда такрорланган фикр - бу дунёда ҳар кишининг ўз ўрни борлиги, ҳар ким - улуғ ёхуд оддий одам бўлишидан қатъи назар, маълум бир тарихий вазифани бажариши ҳақидаги ҳикмат немис фалсафасининг гигантларидан Фридрих Ницшеда таъкидлаб айтилган: "ҳар қандай индивид бизнинг билиш-билмаслигимиздан, хоҳлаш-хоҳламаслигимиздан қатъи назар бутун борлиқ турмушида иштирок этади". (Қизиғи шундаки, бу нарса Румий ҳазратларида тамомила бошқача берилади. Мутасаввиф фикрига кўра бу дунёда фақат моҳиятдан хабардор хос одамлар - зотларгина қимматга эга, ғофил оломон эса юзминглардан иборат бўлишига қарамай ҳечдир ва ҳоказо).

Демоқчиманки, "Алхимик"да бизни ўзига жалб этган куч бу - ҳикмат. Адабиёт ҳикматга қарши эмас, аксинча, адабиёт бағрида ҳикмат яшайди, у ҳикмат билан янаям гўзал, бироқ у ҳикматдангина иборат эмас, балки ҳикматдан катгориқ, таъсирлироқ ҳодисадир. Шунга қарамасдан ғалати бир парадоксдан кўз юмиб бўлмайди: "Алхимик" ўз кўксига яширган айнан ўша ҳикматлари боис дунёнинг кўпгина халқлари қаторида ўзбекнинг ҳам сеvimли китобига айланади, дея ўйлайман.

2004

# ШЕЪРИЯТ ЙЎЛЛАРИДА

XX АСР МАШРАБИ

1

Халқона ифода, халқона йўл бир қарашда жуда осон-дек. Аслида-чи? Аслида бу йўлда элга манзур қиладиган тўрт қатор шеър ёзиш учун шоирнинг руҳи кўпнинг руҳига- умумруҳга фарқ бўлган ёки унга ҳамоҳанг бўлмоғи шарт. Бу дегани шуки, маълум бир ижтимоий-психологик даврда шакланган шоир дунёқараши нафақат шу палладаги халқ кайфиятини, балки, умуман, у ёки бу халқ кайфиятидаги доминант хусусиятларни ўзида жамлаган бўлиши зарур. Бу ҳол, аввало, туғма равишда шоир руҳига кўчган, қолаверса, тарбия уни ривожлантирган бўлмоғи зарур. М.Юсуф шу жиҳатдан рисоладаги шоирдир.

Шоир шеъриятида бир образ бор. У андак тўпори, андак думбул, бироқ ўта самимий, юраги тоза. Айнан шу образ нигоҳи билан дунёга назар солар экансиз, бошқа вақтда сизга ғалати бўлиб кўринадиган гаплар, ҳолатлар ҳам энди эриш туюлмайдди. Чунончи "Озода" деган шеърни олинг. Лирик қаҳрамон Озодани севган, ҳануз севди... Бироқ унинг ёши ҳам, ёрнинг ёши ҳам, ўн саккизда ё йигирма бирда эмас, балки алақачон қирқни қоралаб қолган.

*Йигит қирқга қирчиллаб фарқ пишади,*

*Эрта-индин сочларимга оқ тушади,*

*Чин ошиқлар қирқ йилга топишади!*

*Озодани севаман мен, Озодани.*

Айнан шунинг учун ҳам одамлар ошиқни кўрсатиб куладилар:

*Тушунмаслар кулади: эсиз-эсиз,*

*Кимлар эрмак қилади: эсиз-эсиз...*

Лекин ошиқнинг булар билан иши йўқ, тўғрироғи, у бундайлардан кўрқмайди, ҳатто дўлвор характери боис "тушунмасларга" дўқ-пўписа қилади: "Хотиним ҳам била-

ди, нима дейсиз?" Эҳтимол, шеърни шеър этиб турган унсур айнан шу ўриндаги "пўписада" дир - "Нима дейсиз?". Келинг, болаликка, болалар ҳаётига бир қайтайлик. Улар ўртасидаги ўзаро муомалани, айниқса, икки ўғил бола тортишиб қолиб бир-бирига жўжахўроздек ташланиш олдидан айтадиган сўнги жумлани эслайлик: "Нима дейсан?" Юқоридаги шеърда ҳам лирик қахрамон ўз туйғуларини бир текисда баён этиб келаркан, бир ўринда "шоп" этиб болалик баҳрига тушиб кетади ва болага ўхшаб, йўқ, бола бўлиб дўқ уради: "Нима дейсиз?"...

Чинакам шеърят болалик билан боғлиқ эканлиги тўғрисидаги иқрорларга сизнинг ҳам кўзингиз тушган бўлса ва сиз ушбунни қабул қилишга мойил эсангиз, мени тезроқ ва теранроқ тушунасиз. Яна-да тўғриси, шоир Муҳаммад Юсуфни. Чунки, фикри ожизимча, М.Юсуф деб аталмиш ижодкор шеърятини кўтариб турган унсурлардан бири, шубҳасиз, шоирни бот-бот ана шу болалик денгизига "тушиб кетиши" ва у ердан ҳаммамизга дахлдор марваридни - кўнги асрорини кўтариб чиқишидир. Жумлани андак умийлаштириб, илмийроқ тус берсак, қуйидаги кўринишга келади: Болаликка қайтиш йўларини йўқотган, инчунун, болалик хотиралари билан тиллашишдан маҳрум ижодкордан, - хоҳ у расом бўлсин, хоҳ шоиру ёзувчи, қатъи назар,- пичоққа илингулик бирон асарнинг қолиши маҳол...

## 2

Ўзбек халқининг руҳиятида азалдан мусиқа яшаб келгандек. Бу халқ оҳангни, мусиқийликни жудаям яхши кўради. Шунинг учун бўлса керак, 20 - йилларда Чўлпон, 30 - йилларда Усмон Носир, Ҳамид Олимжон, 60 - йилларгача Ғафур Ғулум, 60-70 - йилларда Абдулла Орипов, 80-йилларда Усмон Азим, 90 - йилларда Муҳаммад Юсуф каби шоирлар шеърятга, қайсики, мусиқийликка асосланган, қуйма мисралари халқимизга энг кўп манзур бўлди.

Оҳанг... Берилиброқ тингланса ҳамда чуқурроқ мушоҳада этилса, дунё бошдан оёқ оҳангларга йўғрилгандир. Фақат инсон боласи сўнги бир аср давомида цивилизациянинг шовқини орасидан ўша табиий оҳангни топол-

май ўтаётир. Тўғрироғи, шовқинга кўникиб бораётир. Шунга қарамай, шукрки, ўша оҳанг гоҳи-гоҳида қулоқларимизга чалиниб қолади ва биз ўзимизни асл ҳолимизга бир муддат бўлсин қайтгандек ҳис қиламиз. М.Юсуфнинг шеърларидагина эмас, ҳатто тушган сувратларида, юз тузилишида, кўз қарашларида, умуман, бутун қиёфасида маънос бир оҳанг яшардики, шоир шеърияти ана шу билан қоим эди гўё. Ҳатто бу шеърятнинг беҳад халқчилиги, Қодирий романлари сингари миллийлиги айна оҳанг билан изоҳланар, балки...

Мунаққид Раҳимжон Раҳмат "Жаннат соғинчи" деб номланган мақоласида ички, ботиний оҳанг ҳақида ёзади: "Шеър оҳангидан маъно уқа оладиган ўқувчи анча кам. Ҳолбуки, шеър оҳангини илғаш орқали унинг мазмунини чуқур ҳис этамиз. Лекин оҳанг деганда фақат сўзлар жарангини тушуниш ҳам нотўғри. Сўзнинг энг жозибали сифати мусиқа оҳанглирида ифодаланади. Мусиқанинг ҳар бир нозик тебраниши қайсидир алоҳида сўзнинг маъносидир. Яъни мусиқада сўз ўз маъно олами оҳанг тарзида намоён этади."

Муҳаммад Юсуф шеърларининг қудрати ҳам айнан оҳанг ёрдамида ҳис қилинади. Фақат айтилганидек, оҳанг сўз қобилидагина эмас (бу ҳам бор албатта), балки, аввало, шеърни вужудга келтирган кечинма бағрида тебраниб яшайди. Шеърни тушуниш, аслида шу оҳангни қалб қулоқларимиз билан тинглашдир. М.Юсуфнинг шоирлигига шубҳа кўзи билан қарайдиган беписанд кишилар, назаримда, айнан шундай қулоқдан - қалб мўъжизасидан маҳрумдирлар. Эҳтмо, қўполлашгандирман. Эҳтимол, бундай хулоса учун "беписанд"лардан узр сўрашим кераклигини айтмасиз. Йўқ, яна бир бор йўқ, дейман. Чунки шоир ҳақида "у шоир эмас, гапни қофияга соладиган, бахшига ўхшаган бир сўзбоз" дейишга ботинувчи кишилардан узр сўрашга тил айланмайди.

М. Юсуф дунёга шоир бўлиб келди, шоирлигича кетди. У тақдирнинг қайси бир найранглирига учиб, шоирликни бой бериб қўймади. Ёхуд шахсий, оилавий ҳузур ҳаловати йўлида ёғли ваъдаларга "бартер" қилиб юбормади. Ак-

синча, қаерда ишламасин, халқнинг қандай эътибори-ю муҳаббатига сазовор бўлмасин, барибир, умрининг сўнгигача бир инсон сифатида чинаккамига изтироб чека билди. Шоирлик эса айнан шу ердан бошланади. Ҳа, у туғилганда Худо унинг юрагига бир оҳанг солиб қўйганди. Муҳаммад Юсуф умрининг охиригача ҳам шу оҳангни йўқотиб қўймади, унга хиёнат қилмади. Шунинг учун ҳам чинакам шоир ўз оҳангига эга бўлган шоирдир. У анъанавий йўлда ёзадими, халқонадами ва ёхуд бутун урф бўлаётган модернистик услубдами, фарқи йўқ, шеърияти замирида шоир умрининг, қалбининг оҳанги жимирлаб оқиб турмаса, у қайси олифта услубда ёзмасин, ўзини қайси бир илгор шеърият вакилларида санамасин, бекор, беҳуда... М. Юсуф қўшиқлари қоғозга халқнинг дили ва тилига ҳамоҳанг бўлиб тушди. Бироқ асосий гап бундамас, балки шоирнинг таниш оҳангга нотанишу, танилишга юз бор арзигулик ўзлигини олиб кира билганидадир. Ҳа, у ўз руҳини, гўзал руҳини бизга таништирди. Ҳар қандай шеъриятнинг бирламчи унсури шундай руҳиятдир аслида. Шу маънода шеър шаклида фақат янгилик ортидан қуваётган ёш шоир дўстларимизга қуйидагиларни айтгим келади: "Сиз шакл ортидан эмас, балки руҳ ортидан қувинг. Сиз руҳни кутинг, руҳни топинг—да парвариш айлаб, "шеър" деб аталмиш қаср тархини чизишга таклиф қилинг. Сўнг уни ўз ҳолига қўйинг, токи, руҳ "қаср" тархини ўзига кўра "чизсин", ўз шаклини ўзи вужудга келтирсин. Эътибор беринг, аввалдан қуриб қўйилган "қаср" руҳга тўғри келмаслиги, унга ёқмаслиги мумкин. Аслида кўпинча шундай бўлади ҳам. Натижада шеър шакли, ифода йўсини қанчалик янгича, модернистик жарангламасин, унинг ботини "ярқ" этиб кўзга ташланмайди. Фикри ожизимча, бутунги ўзбек модернистик шеъриятининг ҳеч қурса нозик дидли, зиёли шеърхон ўртасида ҳам оммавийлашиб кетолмаётганининг сабабларидан бири шоир шахси муаммоси бўлса, иккинчиси шудир. Ҳар қандай шеър руҳи, пафоси ўз қиёфасию ўз оҳангига эга бўлади. Туғилиб келаётган руҳга ўз шаклини таклиф этмас эканмиз, у бизга ўзлигини танитмайди. Ўртадаги самимиятга путур етади.



Бадий асарда, - хоҳ у шеър, хоҳ роман бўлсин, - самимият бўлмаса, қолгани - бадий приёмлару ташбеҳлар, кутилмаган топилмалару олифта бирикмалар... барча-барчаси бекор деган гап. Ижодкор юқорида таъкидлаганимиз қалб қулоғи ёрдамида ботинда пайдо бўлган шеърий руҳнинг ўз, асл оҳангини тинглай билиши жудаям зарур. Ҳатто шундай деса бўлади: шеърнинг мағзи, қудрати аини шу оҳангда яширин. Дард, фикр қанчалар салмоқдор ва гўзал бўлмасин, бадий асарнинг умумий ҳолатига зиён етади, шеър таъсириям сусаяди... "Ҳақиқий шеърият ҳамиша оёқ остида. Мисралар қулунлар каби тупроққа ағанаб ётишибди. Тур, тойчоқ, чопамиз, десанг бас. Биз ҳар замон бир оёқ остига боқиб шеър топамиз. Кейин унинг чангини қоқамиз ва қанча кўп қоқсак - шунча шеър йўқотамиз"... - деб ёзади М. Юсуф "Осмоннинг охири" деб номланган мансурасида. Шоирнинг иқрори юқорида андак олимона тус берилган фикрнинг соддароқ, лекин обр-разли қилиб айтилган бошқа шакли, холос.

*Шеърият бу қадим буюк  
Сўқмоқ экан.  
Кийиксўқмоқ экан, кийик  
Сўқмоқ экан.*

*Ширин азоб экан, жонни  
Ёқмоқ экан.  
Бир қўлда гул, бир қўлингга  
Чақмоқ экан...*

Ушбу шеър оҳангини "таржима" этишга уриниб кўрамиз. Шоир шеъриятнинг "қадим буюк сўқмоқ экан" лигидан баҳс этипти. Бу эътироф шеърнинг ташқи маъноси, холос. Асосий шеърий маъни ўзга бир ҳолат зиммасига юклатилмоқда. Яъники, маълум бир йўлни босиб ўтган шоир андак тин олиб, орқасига бир қайрилиб боқмоқда ва ўтилган йўл қайсидир маънода мушоҳада, қайсидир маънода сарҳисоб этилмоқда. Ниҳоят, шоирнинг самимий иқрори туғилмоқда. Аини иқрор сўзлар оқимидан вужудга келаётган оҳангга сингдирилган. Ўтмишни ифодаловчи

"экан" ёрдамчи сўзи эса ўқувчига иқрорнинг таъсир қувватини кучайтириб бераётир.

*Юрагим-ей бошлаб келдинг  
мени қайга?*

*Бағрим ўхшар пора-пора  
бўлган найга...*

Табийки, шеърнинг бошқа компонентлари, хусусан, гўзал ўхшатишлар, қаршилантиришлар шеър бадииятини, жозибадорлигини оширган, лирик қахрамон иқрорининг баланд парвозини таъминлаган. Чунончи, "бир қўлда гул, бир қўлингда чакмоқ экан" деганга ўхшаш инсон ҳаёти мангу зиддиятини биргина мисрага образли қилиб муҳрланганлиги назарда тутаётганимиз оҳанг маъносини кучайтираётир. Бундай мисолларни шоир шеърятидан истаганча топиш мумкин. Эсланг: "Қўйнимда бир ёру кўнглимда бир ёр".

### 3

М. Юсуф бир қарашда кўринганидек силлиқ шоир эмас. У ўз анъанавийлиги доирасида исёнкордир, лекин исёнини ҳам пардозлаб, оҳанг ортига яшириб кетувчи шоирдир.

*Гулим, меҳр кўзда дегани ёлғон,  
Менинг гулимда ҳеч ўчмас ёлқинсиз,  
Қанча кўришмасак шунча қадргон,  
Қанча олис бўлсак шунча яқинсиз.*

Халқда "меҳр кўзда" деган ибора бор. Шоир эса доимо шундай бўлавермаслигини айтаётир, меҳр дилда ҳам бўлар экан. Бўлганда қандоқ. Кўз кўриб турмаса ҳам дилдаги ишқ ортгандан ортиб бораётир:

*Қанча кўришмасак шунча қадргон,  
Қанча олис бўлсак шунча яқинсиз...*

Шу ўринда қуйидагиларни айтиш жоиз келар, балки: Меҳрнинг кўзда эканлиги авомга тегишлидир. Авомгина фақат кўз билан севар, эҳтимол... Дўлба ва ўзликни муноҳада этиб, борликни тинглаш ва идрок этиш йўлида бўлган ошиқ дил кўзгагина қул бўлиб қолмас, эҳтимол

М. Юсуф дунёни шеър орқали кўрди, ўзини ҳам дунёга шеър воситасида танитди. Шоир ва дунё, шоир ва инсон, шоир ва жамият, шоир ва Оллоҳ ўртасида воситачи шеър бўлди. У шеър орқали ҳис қилди, шеър орқали фикрлади, шеър орқали яшади. Шеър шоирнинг яшаш, одамлар ва дунё билан мулоқот қилиш, тиллашиш тарзига айланди. Шунга қарамай, М. Юсуф кўп ўринларда ўзининг шоирлигига, тўғрироғи шоирлик даражасига тепадан қарайди. "Булбулзабонларинг хазон ёптими, Дунё уларнинг ҳеч тенгин топдими. Муҳаммад Юсуфинг шоир бўптими?.. Нега йиғламайсан, аҳли Андижон?" деб ёзади шоир "Андижон" номли шеърида.

М. Юсуф шеъриятини кузатиб келар эканман, ундаги бир жиҳат мени ҳамиша ҳайратлантирган десам, муболаға бўлмас. Яъники шоир шеърларида "ўчмас ёлқин" - ишқ бир неча ўн йиллар давомида юксак самимият билан тараннум этилди. Ҳа-ҳа, ҳамма гап шу ўриндаги "давомийлик"да. Наҳот инсон шунчалар азим ишққа қодир бўлса?! Таъбир жоиз эса, гўё шоир ўн етти ёшида ёрига қандай оташин ва беғубор муҳаббат билан ёндошган бўлса, эликни қоралаб қолган дамларида ҳам шундай самимий ишқ оловида ўртанади. Назаримда М. Юсуф бутун умр ўспиридек севди, сева олди. Унинг ёши улғайди, бироқ қаримади. Шоирнинг кўнглига турмушнинг совуқ ҳисобкитоблари кирган бўлса киргандир, бироқ айримларни қул қилиб қайириб олганидек асир этолмади. Унинг давомли ишқида машрабона руҳни кўраман. Ҳа-ҳа, бу шоир қайсидир қиёсларда Улуғ Машрабга ўхшаб кетади. Ҳатто кўплаб шеърларида у ёки бу сабаб билан Машрабни тилга олади. Энг реал ўхшашлик эса ҳар икки шоир руҳларининг халқ руҳига бағоят яқинлиги билан белгиланади. Шунинг учун ҳам масалан, М. Юсуфни шоир сифатида реклама қилишнинг ҳожати бўлмаган. У ўзининг халқчил руҳи билан юракларга йўл топа олган. Назаримда айни ҳодиса алоҳида, теран тадқиқотлар ҳадафи бўла олади. Яъники, шоирлар бор, туғилишдан, фитратан ўзини халққа яқин олади. Чунки у шундай яралган. Балиқ сувдан ўзга ерда яшай олмаганидек, бундай шоирларнинг ҳам қарор-

гоҳи халқ руҳиятидир. Шоирлар бор, табиатан ёлғизликка интилади, куйлаганда ҳам якка шахс дардини куйлайди. Бироқ бу икки хил шоирларни бир - бирига қарши қўйиш, уларнинг биридан иккинчисини устун эканлигини изоҳлашга, тасдиқлашга уриниш, назаримда, ҳеч қачон муваффақиятга олиб келмайди. Чунки одамзод турфа табиатли бўлиб дунёга келади. "Бу оламда фақат халқчил шеър ёзган шоиргина шоирдир", дейиш хос шеърят яратувчи шоир табиатини инкор этишдир. Ёхуд аксинча: "Анъанавий шеърят, халқчил шеърят алақачон эскирди. Замоनावий шеър бу модернистик шеърдир" дея ноғора қоқиш ҳам инсон табиатига зид боришдир. Муҳими ҳам шу - ўз табиатингга қарши қўл кўтармаслик. Агар сен шоир эсанг ва руҳингга қадим боболарнинг наволари чалиниб турган эса, шуни куйла! Худди Муҳаммад Юсуфга ўхшаб. Агар турланиб бораётган давр руҳи руҳингга сингишиб кетган бўлса, унда излан, янги шакллар топ, модерн шеърят сарҳадларини яна-да кенгайтир... Аксинча бўлса, яъни сен табиатан қадим наволар куйчиси бўлсангу "мода"нинг ортидан кетиб, "бурама" шеърлар ёзишга ружу қўйсанг, бундан наф йўқ; сенга ҳам, ўқувчига ҳам. Назаримда ёш шоир ишни, аввало, шу нарсанинг ажримига боришдан бошламоғи лозим. Акс ҳолда "мен нима дейману қўбизим нима дейди" дегувчининг ҳолига тушмоғи ҳеч гапмас. Муҳаммад Юсуф шеърятга кириб келаётган йилларда ўзбек шеърятида 70 - йиллар авлодининг ўзига хос овози, жиддий шеъряти тан олинган эди. Шеърят энди мана шундай мураккаб йўлдан боради, деганга ўхшаган адабий нуқтаи назарларнинг туғилишига етарли асослар пайдо бўлган эди. Бироқ М. Юсуф ана шу "мода"нинг кетидан қувмади, аксинча ўз кўнглига қулоқ солди... ва у ерда борини ёзишга бел боғлади. Бугун эса биз шоирнинг янглишмаганига шоҳид бўлиб турибмиз. М. Юсуф ўз ижоди билан шоир агар чинданам истеъдодли бўлса, ҳар қанча анъанавий йўллардан юрмасин, барибир, ўз "мен"и орқали оригинал шеърят яратиши мумкинлигини исбот қилди. Муҳими ҳам шу эмасми?..

2003

## ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ ИСЁН

### 1

Ҳар бир санъаткор, - хоҳ у кўшиқчи, рассом бўлсин, хоҳ шоиру ёзувчи, - ижодининг энг баланд чўққилари бўлади. Бу чўққилар ё ўз вақтида (муаллифнинг тириклигида) ёхуд маълум замонлар ўтгач (муаллифдан кейин) кўзга ташланади. Ўзбекнинг улкан шоирларидан бири Эркин Воҳидовнинг "Руҳлар исёни" достони шоир ижодидаги ана шундай чўққилардан бири. Не бахтким, шоиримиз ҳам, дoston ҳам (ёзилганига 28 йил бўлди!) тирик! Назаримда у нафақат Эркин Воҳидов шеърятининг гултожи, балки XX аср ўзбек дostonчилигининг энг вазмин тоши, энг чиройли порлаган юлдузи, фахри ва шарафидир!..

Келинг, қуйида ана шу даъвомизни илмий жиҳатдан текшириб чиқамиз...

Сўзимизнинг индаллосида замона кайфияти, одамларнинг руҳияти ва уларнинг тинимсиз ўзгариб-турланиб бориши масаласига тўхталсак. Яшириб нима қилдим, саккизинчи ва ўнинчи синф орасида ўқиб юрган чоғларим Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидов шеърятининг чинакам шайдоси эдим. (Очиғи, бундай ашаддийлик ҳозир Оврупа футбол мухлислари орасида бор, деб ўйлайман). Матбуотнинг қай бир нуқтасида шеърят тўғрисида суҳбат кетса, мақола чоп этилса, кўзларим, аввало, шу икки номни излаб қоларди. Бор бўлса, кўнглим жойига тушиб, мақолани қоникшиш билан ўқиб чиқардим, йўқ бўлса-чи?... Биласизми, қанақа ҳиссиёт юрагимни қамраб оларди? Гўё мавжуд ҳақиқатга хиёнат қилингандек, гўё ўша мақола ёки нутқ муаллифи атайлаб бу икки шоирни четлаб ўтиб кетгандек сезардим ўзимни. Ҳолбуки, дердим ўзимча, энг катта ҳақиқатни шулар ёзипти, энг дилбар, оҳанрабо шеърлар шуларники, демак, уларга албатта тўхталиш шарт эди. Лекин нега тўхталишмайди? Нега адабиётдаги асосий гап қолиб, бошқа майда-чуйдалар тўғрисида соатлаб гап сотиб, километрлаб мақола ёзишади?.. Бу хил изтиробли

эътирозлар мурғак онгимни, қалбимни захалаган, озорлаган эди - эсимда. Яна шу нарсалар эсимдаки, ўша кезлар улғайсам, албатта, бу хил ёлғонларга чек қўяман, ўзим улар ҳақида, уларнинг оловли ва ростгўй, дилбар ва донишманд шеърлари тўғрисида тинимсиз-тинимсиз ёзаман, ўз дардимга қўшиб уларникини ҳам тарғибу ташвиқ қиламан, деб кўнглимга тугардим. Аммо ўқувчим, эътибор беринг, фалакнинг гардишини қарангки, ўша чоғлар 15 ёшда бўлсам, бугун 38 даман, тахминан, Пушкин ва Чўлпонлар кетган ёшдаман, бироқ мен ҳам Эркин Воҳидов билан Абдулла Орипов шеъриятига бағишланган битта ҳам алоҳида мақола ёзмабман! 1997 йилда "30 йиллар ўзбек шеъриятида "соф лирика муаммоси" мавзуида номзодлик диссертациясини ёқлаганимда ўрта мактабда адабиётдан дарс берган Ёқубжон Исмоилов деган муаллимимиз ҳайрон бўлиб сўраганди: "илмий ишни нега Воҳидов ва Орипов шеърларидан ёзмадингиз? Ахир, мактаб программасига киритилмаган эса-да "Воҳидов" ва "Орипов"-ни сиз ва сизга ўхшаган яна бир-икки ўқувчи учун ўтар эдим, эсингиздами? Сизни диссертация ёқлапти, деб эшитганимдаёқ "шу икки шоир ижодидан!" дея ўйлагандим..." Шунда мен айти саволни икки забардаст шоирларимизнинг ўзларига бергим, эҳтимол, сизлар ёрдам берарсизлар, дегим келганди... Ахир, мен юрагимда неча ўн йиллар мобайнида "Сен баҳорни соғинмадингми?", "Қани, най бер менга, дўстгинам...", "Биринчи муҳаббатим", "Баҳор кунларида кузнинг ҳавоси", "Жаннатга йўл" каби Ориповнинг, "Инсон қасидаси", "Ишқ истилоси", "Дебача", "Мажнунтол", "Руҳлар исёни" каби Воҳидовнинг шеър, ғазал ва дostonларини олиб юрганим ҳолда тадқиқот фурсати етганда нега бутунлай ўзга табиатли шеър устида илмий изланиш олиб бордим? Ёхуд мен-да кўнглимдаги ва ҳаётдаги ҳақиқатга хиёнат қилдимми?.. Бу хил саволларга бугун менинг жавобим бор, (лекин кеча улар мени қийнаганди). Жавоб шундан иборатки, ижодда замон билан ҳамнафаслик деган тушунча бор экан ва у фақат баландпарвозлик билан, ясамалик билан алоқадор бўлмай, айти чоғда реал, самимий мазмунга ҳам эга: шоир ўз дав-

рининг тепиб турган юраги бўлиши шарт экан. Олтмишинчи ва етмишинчи йилларда юқоридаги икки шоир чиндан ҳам "юрак" эдилар. Улар ўша узоқ ўн йилликлар кайфиятини энг ёрқин ва энг тўла ифода қила олган ижодкорлар эди. Энди иккинчи томон - ўқувчи айнан шундай кучга эҳтиёжманд эди. Етмишинчи йиллар охири ва саксонинчи йилларнинг аввалида мен ҳам бир ўқувчи сифатида давримизнинг уриб турган "қайноқ юрак"ларига қулоқ беришим ва улар орқали ўзимни, муҳитни тушунишга уринишим табиий эди... Кейин эса (саксонинчи йилларда) мамлакат ҳаётида мисли кўрилмаган ўзгаришлар юз берди ва жамият, унинг бир бўлаги инсон жуда кескин эврилишларга мубтало бўлди. Социализм парчаланиб, капитализм элементлари кириб кела бошлади. Натижада инсон ва у яшаётган муҳитнинг кайфияти тубдан ўзгарди. Демак, у кечаги китобни ёпиб, бутунги кайфиятни ифода қилган санъат ва адабиётга эҳтиёж сезди. Айни чоғда ўзга бир ҳақиқатни ҳам тушуниб етдим: маълум бир тузум ва унинг устивор йўналишини куйлаган адабиёт вақти келиб шу тузум даврадан кетгандан сўнг ўз ҳукмрон қийматини йўқотар экан. Шунинг учун ҳам 90-йилларда ўқувчи-тадқиқотчи адабиётимизнинг мангу ҳақиқатлар тараннум этилган саҳифаларига эътибор қилишга уринди. Назаримда "соф лирика" муаммоси" деган мавзуда тадқиқот олиб борганлигимнинг сабаби - ана шу! Кўнгиш шеърляти ижтимоий буюртмалар билан "дунёга келган" гоёпараст поэзиядан бир қадар чарчаган менинг авлодимнинг ўша кезларидаги кайфиятига бир қадар мос тушганди 90 - йиллар ўрталарида. Лекин Эркин Воҳид ва Абдулла Орифнинг менга ёд бўлиб кетган шеърлари ва дostonлари ҳам кўнгишдан чиққан, кўнгишнинг маҳсули эди, лекин негадир уларни танламадим... Эҳтимол, маълум муддат вақтнинг, замонларнинг ҳукмига ҳавола этиб синагандирман: қани-чи, бир оз фурсат ўтгандан кейин ҳам тушларимга кириб чиқадиган бу шеърлар, бу дostonлар яна тўлқинлантирармикан, онгим ва қалбимни ларзага солармикан, дегандирман. Мадомики, шундай бўлган экан, қачонки бу икки забардаст шоир ашъоридан сўзла-

моқчи бўлсам, негадир ҳамиша ўттиз-қирқ йил орқага кетаман ва у ерда мавжуд шеърлар ҳалигача юрагимни куйдиради, ҳисларимни жумбишга келтиради. Эркин Воҳидовнинг "Руҳлар исёни" достони шулар қаторида ва унинг жовидонлигига илк гаров шудир, достоннинг ҳар икки замон синовларига бардош бера билганидир.

## 2

Достон XX асрнинг биринчи ярмида яшаб ўтган оташ-қалб ҳинд шоири Назрул Ислоннинг ҳаётига бағишланади. Унда Ҳиндистонни инглиз мустамлакаларидан озод кўришни истаган ва шу муқаддас курашга нафақат ижодини, балки ўз эрки ва ҳаётини ҳам бахшида этган оташ-қалб шоирнинг тутқунликдаги аччиқ қисмати, қисматидан-да аччиқроқ ўй-хаёллари бирин-бирин ҳикоя қилинар экан, Эркин Воҳидов вақти-вақти билан ўқувчи нигоҳини инсоният тарихида юлдуздек порлаган турли-туман ажойиб ривоятларга қаратади. Хўш, нега? Нега шоир ўз бадий муддаосини Назрул Ислоннинг ҳаёти ва ижоди орқалигина баён этиб қўя қолмади? Нега у ўқувчини ўзи янглиғ қийнагиси, уни ўздан олиб ўтларга солгиси, зулм, истибдод, жаҳолат каби сиртмоқларда остигиси келди?.. Чунки муддао Назрул Ислон эмас, бу - бир баҳона. Асл муддао - башарият табиатининг икки тарафига эътиборни қаратиш: оқ ва қора, ёруғлик ва зулмат, маърифат ва жаҳолат, истибдод ва озодлик...

Назрул Ислон ва унинг аламли қисмати бир дурбинким, шоир мазкур устурлобнинг бир учини ўқувчи кўзига тутиб, иккинчи оғзини инсониятнинг хатоларга лиқ тўла кечмиши ва бугунига қаратади. Натижада ўқувчи Назрул Ислон кечмиши орқали ўзи ва одамзоднинг ботинига назар ташлаш имконига эга бўлади, инсон табиатидаги ўзак масалаларга бир нуқтадан қараш ва уни кузатиш майдонини қўлга киритади. Бу майдоннинг исми Назрул Ислон ҳаёти акс эттирилган "Руҳлар исёни" достонидир! Ёши ва давридан қатъи назар, ўқувчики бор, энди шу майдонга тушса, албатта истибдод ва озодликдан, жаҳолат ва маърифатдан, оломон ва халқдан... дарс олади. "Руҳлар исё-



ни"нинг даврлар чиғириғига дош бериб келаётганининг сабаби - шу. Бу эса дostonни шарафлаган унсурлардан тагин биридир .

### 3

Бутун ер куррасини улкан зулмат қоплаб келаётгани ҳақида бугун оммавий ахборот воситалари дунё бўйлаб тинмай жар солаяпти. Замондошизнинг - она сайёрамизнинг қайси нуқтасида истиқомат қилишидан қатъи назар, - бундан хабари бор. Нимасини айтай, бу ҳақда жаҳоннинг энг қудратли мамлакатларининг давлат раҳбарларидан тортиб, энг пулдор бойларию энг таъсирли корчалонларигача беш кўлдек билади... Бироқ ачинарлиси ва ажабланирлиси шундаки, неча замонлардир одамзод ўзи билиб, ўзи кўриб, шундоқ бурнининг остида нафасини туйиб келган ёв - зулматга қарши ўзаро бирлаша олмай келаётир. Гўё ҳамма бир-бирига олдинда тубсиз бир чоҳ борлигини гапира-гапира, лекин ўз йўлини ўзгартирмай, ҳатто шу йўлни ўзгартириш тўғрисида ҳам лақиллай-лақиллай, айна чоғда тўппа-тўғри ўша қаърга томон одимлаётгандек. Во ажаб!.. Ўйлаганинг сари инсоннинг ақли мавжудод эканлигига шубҳалана бошлайсан. Алам қилади, ахир ўзини, авлодларини, одамзодни, жамики тирикликни ҳалокатдан қутқара олмаган ақл ақлими? Биз сизларга ақл бердик, фикр қилмайсизларми? дея амр этилмайдим муқаддас битикларда. Гарчи Фолкнер каби дунёнинг энг жиддий ёзувчиларидан бири алал оқибатда инсонга, унинг ҳар қандай ёвузликлар, ёвуз кучлар устидан галабасига ишониб ўтган бўлса-да ҳали инсон ўз қалбидан мустаҳкам ўрин олган, унинг томирларидаги қонидан шовуллаб оқаётган жаҳолату нафс балосидан кўп-да узоқ кетолгани йўқ-да!.. Дарвоқе, шундай ишончининг ўзи учун улугъ ёзувчига олтидан ҳайкал қўйса арзийди. Чунки инсоннинг ер шарини коптопдек думалатиб жар ёқасига тепиб кетаётганини кўра-била туриб яна шу одамга, унинг эзгу ниятига ишонч билдириш ҳазил гап эмас!..

Ҳар гал "Рухлар исёни" дostonини мутолаа қилар эканман, юқоридаги каби мулоҳазалар фикру ёдимни чулғаб

олади. Чунки ундаги ғоя, пафос айна масалаларнинг бағридан сизиб чиқади. Шу билан бирга фикрловчи инсоннинг юқоридаги мавзу бўйича асосий саволларига ўзига хос жавоб бўлиб янграйди ҳам!

Албатта, дoston жуда кўп масалалар бор. Эркин Воҳидов абадият, шоир қалби, исён, фидойилик, тутқинлик, истибдод, озодлик, шоҳ ота ва шоҳ ўғил, зоҳидлик ва орифлик, олий руҳлар ва ҳоказо мавзуларни алоҳида фаслларда текшириб чиқади, уларнинг фалсафий, инсоний моҳиятини тушунишга интилади. Гарчи ҳар-хил тарихий замонлар, турли-хил ижтимоий сиёсий даврлар, бир-биридан узоқ воқеалар, одамлар қисмати дoston саҳнасида қоришиб кетган эса-да, буларнинг барчаси шоир мушоҳада призмаси остида бир нуқтада бирлашадилар. Бирлашиб, истибдодга кўнмаган, озодликдан тонмаган, исёнкор қалб ҳаёт йўли кўз ўнгимизда намоён бўлади. Натижада бу исёнкор қалб абадий ҳаёт сувини тупроққа тўқади, эвазига ўз даврида ўз замондошининг қон сирқиб турган дардлари билан яшаш йўлини танлайди. Йўл табиий равишда уни мамлакатни, одамларни ўз қаърига тортган истибдодга қарши курашга чорлайди. У курашади. Чунки туғилгандаёқ фидойилик ҳақидаги ривоят унинг томирларида қон ўрнида оқарди. Озодлик учун кураш эса ҳамиша тутқинликни бошлаб келади. Лекин чинакам исёнкор қалб ўз тавридан воз кечмайди, хаёлини ҳар-хил ўйлар илма тешиқ қилиб юборса-да, "Шоҳи жаҳон ва Аврангзеб", "Олий руҳлар" каби ривоятлардан мадад олиб, жисмининг ноаларига қулоқ бермай, руҳини зиён-заҳматсиз равишда кўкларга олиб кетади...

Лекин дoston ҳақидаги шунча гапдан кейин ҳам масала моҳияти очилмай қолаётгандек. Чунки биз ундаги битта фаслга тегинмадик ҳали. Бир мушоҳада қилиб кўрайликчи, инсонни мана шундай яшаб ўтишга, дostonда айтилганидек, гўзаллар ҳақида эмас, тинимсиз-тинимсиз озодлик тўғрисида шеър ёзишга, озодлик учун жонини жабборга беришга ва натижада қамоқларга тушиб, аёвсиз зулм, шафқатсиз қийноқлар исканжасида қон таслим қилишга мажбур қилаётган ким ёки нима ўзи?!.. Одамлар нега бу бебақо дунёга уруш-жанжаллар даъвосисиз жимгина ке-

либ, бир-бирларини жимгина севиб, ардоқлаб кетавермай-дилар? Ахир, инсон қўлига нимаики олмасин, паймонаси тўлгач, ҳаммасини қайтиб беришга мажҳум-ку ва буни ҳар ким билади-ку!.. Яна нега?!.. Бу мазмундаги юзлаб, минглаб сўроқларимизнинг битта жавоби бор: ЖАҲОЛАТ!!! Шоир Эркин Воҳидов ижод асносида асарга яна бошқа бадий мақсадлар юкламоқчи бўлган эса бордир, лекин "Руҳлар исёни" достонини тутиб турган ўқ, унинг марказий нуқтаси менимча битта - "Жаҳолат тўғрисидаги ривоят". Чунки қайси замондаки одамзоднинг келажаги, ер юзидаги тирикликнинг эртанги тақдири ҳақидаги муаммолар кўтарилар экан, ҳамма йўллар инсонни тўпатаўғри жаҳолатнинг бўсағасига элтаверган... Ҳа, одамийзод ирқию динидан, мавқеию касб-коридан қатъи назар, бир-бирини худди туғишган ака-сингилдек севмоқчи бўлса, аввало, жаҳолатни ўлдирсин, эртага, индинга, ундан кейин... минг йилдан кейин ҳам авлодим қуёшни кўрсин деса, аввало, жаҳолатни ўлдирсин!.. Ҳа, ақлингизга нимаики келмасин, ҳаммасининг шарти - шу! "Жаҳолат тўғрисидаги ривоят" дostonда бошқа ривоятлар қаторидагина келади-ган навбатдаги бекат эмас, асло! Бу ривоят ўша Назрул Ислom ва унинг каби дунё бўйлаб минглаб, миллионлаб истибодда қарши чиққан, чиқаётган ўлмас ва ўчмас исёнкор қалбларни тириклайин қамоқда чиришига, оловда ёнишига, виждон азобида қовурилишига сабаб бўладиган нодон ва жоҳил оломонга, жаҳолатта отилган ўзига хос лаънатловдир! Ахир, иссиқ танангизга бир ўйлаб кўринг, хастанитурли хил дарддан, ҳатто кўрликдан даволаб, соғлар қаторига қўшган донишманд ҳакимни ўтда тириклайин куйдиришларига яна шу беморнинг овоз бериши, оловга сомон элтиши бу - жаҳолат эмасми!? Шундай қилаётган ёки шундай қилаётганларга жим қараб турганлар, булар - оломон эмасми? Бас, шундай экан, жоҳиллик ва оломон қайсидир маънода бир-бирига синоним, маънодошдир ҳамда инсон қандай ривожланган мамлакатда ва қайси халқнинг ичида яшамасин, магар у жоҳил эса, баланд савияли халқнинг орасида туриб ҳам оломонга тааллуқлидир. Ёки аксинча, оломоннинг ичида туриб ҳам киши

маънавий даражасининг юксаклигига, жасоратига ва ҳоказо кўплаб фазилатларию амалларининг сажиясига қараб туриб халққа тегишли бўлиши мумкин. Ҳа, жаҳолат ва маърифат одамларни икки қутбга айириб ташлайди, натижада бир ёнда тўда, оломон, иккинчи томонда эса халқ, миллат пайдо бўлади. Дастондаги "Жаҳолат тўғрисидаги ривоят"да ҳар иккиси ҳам бор. Бир тарафда жоҳил, нодон оломон, иккинчи ёқда эса донишманд ҳаким ва оловда ёқиб бўлгандан кейин ақл ва маърифат кўзлари очилган одамлар!

*Ўт қўйдилар.*

*Ёнги гулхан.*

*Қаро бўлди самовот.*

*Жаҳолатнинг ҳукми билан*

*Қурбон бўлди буюк зот.*

*Гулхан ёнги кўкка ўрлаб,*

*Чўғи ҳар ён сочилди.*

*Шу оловдан элнинг, ажаб,*

*Ақл кўзи очилди.*

*Ўқиндилар,*

*Аза тутиб*

*Йиғлагилар, куйдилар.*

*Донишмандга йиллар ўтиб*

*Олтин ҳайкал қўйдилар...*

Қани эди дастонда айтилганидек, ўзининг битта хатосидан таъсирланиб ёппасига бутун элнинг кўзи очилиб кетса! Унда ер юзида умуман оломон қолмаган, ҳамма миллат деган шарафли денгиз бағрида ўз елканларини қилпиратиб мағрур сузиб юрган бўларди. Йўқ-да, ҳеч қачон бундай бўлмаган ва дунёда фуқароси миллат бўлиб шаклланмаган биронта мамлакат қолар экан, бўлмайди ҳам! Одатда, бармоқ билан санарли одамларнинггина ақл кўзлари очилади ва баъзан ўзлари қилмаган гуноҳлар учун жавоб беришга интиладилар. Оловда тириклайин ёқиб юборилган донишманд ҳакимга олтин ҳайкал қўйганлар ҳам аслида оломон эмас, балки халққа айланган ёки айланаётган озчиликдир! (Аслида, миллат, халқ ана шуларнинг маърифатидан ўсиб чиқиб, шаклланади). Бу озчилик, кўпин-

ча, ўзи мансуб бўлган ҳалқнинг ўтмишда ё бугун қилган, қилаётган жоҳилликлари учун изтиробга тушади, инсоният виждони қаршисида изза бўлади ва хатоларни тузатишга киришади. Ҳамиша шундай бўлган ва жаҳолат бор экан, оломон мавжуд экан, шундай бўлиб қолади...

4

"Руҳлар исёни" достонининг бадий ҳақиқати ана шундай аччиқ ҳаёт ҳақиқатини инкор этмайди. Аксинча, шоир унда борини борича акс эттиришга, тўғрима-тўғри бўлмаса, айланма йўллар билан дардини айтишга уринади ҳамда бунга, асосан, эришади ҳам.

Достонда "Исён қўшиғи" бор. Унда шоир Эркин Воҳидов Назрул Ислон тилидан зулм ва истибодга қарши ота-шин қўшиқ битади:

*"Сўйла, инсон,  
Сўйла, қаддинг кўтариб баланг  
Юксакликда сенинг қадринг  
Ҳимолай монанг...  
Уйғонмоқнинг вақти келди,  
Бош кўтар, уйғон!  
Бош кўтаргил,  
Минг йил тўккан  
Кўз нуринг ҳаққи.  
Кўзғал,  
Асрий қуллик буккан  
Ғуруринг ҳаққи.  
Кўзғал,  
Буюк Тоғмаҳалнинг  
Шукуҳи учун.  
Кўзғал,  
Улуғ боболарнинг  
Пок руҳи учун.  
Эрк бонгин ур,  
Сен интиқом -  
Таблин баланг чол.  
Туғилгансан озод,  
мудом  
Озод бўлиб қол".*

Асрлар мобайнида бундай ижтимоий-сиёсий мазмундаги шеърга дуч келмаган шарқ инсони ҳайратланиб ёқа ушлайди. Кими "бу шеър эмас, агар шеър бўлса, қани унда гуллар рақсию булбуллар навоси?" деса, бошқаси "Бу шеър Шарққа хосдир, наҳот! На ишқий, на риндона. Бундай ашъор Саъдийга ёт, Ҳофиз учун бегона" дея ёзгирди. Ниҳоят, улардан ҳиндулари Назрул Ислонни "жобон", мусулмонлари эса "кофир" деб эълон қилишади. Қаранг, оломон ҳам Назрул Ислоннинг тўғри гапни айтаётганини билишади, лекин... "Ул кун Будда: Мард агар сен Дардни ичга ют, деган. Ул юзингга урсалар сен, Бул юзингни тут, деган", "У дунёда бахтинг таъмин, Бу дунёда чексанг ғам", Шундай дея берган таълим Ул.. Устоиди мукаррам" дейишади ва шоирни исён қилгани учун, қадим Шарқ анъаналарига риоя этмагани учун маломат қилишади. Эътибор беринг, азиз ўқувчим, айнан шу фаслда оломонга хос бўлган бир қирра очилиб қолмоқда, у ҳам бўлса, ҳақиқатни кўриб туриб ундан кўз юмиш, билиб туриб ўзни билмасдек тутиш:

*"Ҳа, зулм бор, ҳақсизлик бор,  
Барчага бу аёндир.  
Аммо буни зинҳор-зинҳор  
Айтиб бўлмас замондир", –*

дейди оломоннинг бир томони. Бошқа томони унга жўр бўлади:

*Ҳамма билар,  
Инсон эркин - яшаши шарт пойигор,  
Биз ҳам айтсак бўлар,  
лекин  
Уйда бола-чақа бор".*

Мана, кўринг, томоша қилинг энди. Назрул Ислон кўриб, тушуниб етган ҳақиқатни қолганлар ҳам билар экан... Улар ҳам мамлакат ёвнинг мустамлакаси остида

эзилиб ётганини кўриб туришар экан. Фақат... фақат тиллари соқов, қулоқлари кар экан уларнинг. Чунки шундай қилинганда ҳеч ким уларни бошқалардан айириб олиб туртмас, урмас, қийнамас, чопмас ва оловда ёқмасди. Оломон зўр келганда, аслида, бола-чақасини ҳам ўйламайди, бола-чақа бу - бир ниқоб, улар шу ниқоб остига одатда, ўз ширин жонларини яширмоқчи бўлади. Қолаверса, бу ўринда ишлатилган "бола-чақа" сўзи фарзандлар сўзининг синонимигина эмас, балки ундан каттароқ, кўпроқ маъноларга эгадир. "Уйда бола чақа бор" дегани бир томонда ҳақиқатни айтиш ва балолорга гирифтор бўлиш бўлса, бошқа томонда тинчгина умргузаронлик қилиш бор ва бунинг ичига уйдаги бола-чақаю хотин-халаждан тортиб қозон-товоғу ширин таомгача киради, деганидир.

Юқорида шоир Эркин Воҳидов дoston майдонида айтмоқчи бўлган дард даражасига етган айрим оғриқларини айланма йўллар билан бўлса-да, барибир, ўқувчига етказди, дедик. Бу адабиётнинг, санъатнинг буюк имкониятидир, аслида. Эндигина ўқиганимиз парчалар бир томондан оломон психологиясини очиб беришга хизмат қилса, иккинчи томондан оломон тилидан айтилаётган аччиқ ва аламли иқрорлар дoston ёзилган етмишинчи йиллар адоғида ҳукмрон советлар давлатига нисбатан ўзига хос айбловдек жаранглайди. Ахир, ўзингиз ўйлаб кўринг, воқеалари ўзга мамлакатда кечаётган дostonда бировнинг номидан бошқа бировга қарата айтилаётган бўлса ҳам шоир: "Ҳа, зулм бор, ҳақсизлик бор, Барчага бу аёндир. Аммо буни зинҳор-зинҳор Айтиб бўлмас замондир" деб турса, бу мисралардаги ҳақ гап қўштирноғу ўтмишлар занжири-ни, чет мамлакатлар чегараларидаги симтиконлар тўрини парчалаб шоир яшаётган улкан мустамлакачи мамлакат сарҳадларига, у орқали бутун ўқувчилар армиясининг ақл ва юрак майдонларига вулқондек отилиб кириб келмаслиги мумкинми? Йўқ, албатта. Чунки менинг ўзим ўн тўрт ёшимда тузукроқ англаб-англамай айнан юқоридаги мисраларни дostonдан узиб олиб мактабда, пахта далаларида баралла айтиб юрганимни аниқ-тиниқ хотирлайман. Худо раҳмат қилгур акам Ойбек бўлса, тўйларда сўзга чиқиб

келин-куёвга бағишлаб бутун бир дostonни ёддан айтиб берарди. Албатта, базмдагиларнинг кўпчилиги тушунмас ва бу қадар узун "шеър" ўқиган ҳамқишлоқларидан норози бўлишарди. Лекин алқомат ва қайтмас акам билан юзма юз бўлишдан кўрқиб, уларнинг биронталари юрак ютиб ошкора қаршилик кўрсатишмасди. Гўринг нурга тўлгур акам бўлса, кўзларини чирт юмганча худди ёрига ўзи ёзган ишқий шеърини ўқиб бераётгандек ҳаяжон, ҳарорат ва баландлик билан дostonни айтиб тебранар, тебраниб айтарди. Энди ўйлаб қарасам, акам мендан каттароқ бўлгани учун "Руҳлар исёни" дostonининг асл моҳиятини кенгроқ ва чуқурроқ тушунган. Инчунин, ҳар сафар уни ёддан ўқиганда дostonдаги Назрул Ислом ҳақиқатига ўз ҳақиқатини, Назрул Ислом дардига ўз дардини кўшиб ўқигандек яйраган экан. Йўқ эса, йигит ёши яшнаб турган акам нега ёр васфи куйланган шеърларни эмас, тутқинлик ва озодлик, жаҳолат ва маърифат дарж этилган дostonни худди ўз дардидек кўча-кўйда, тўй-ҳашамда, ҳамма-ҳамма ерда куйлаб юрарди... Энди ўзингиз ўйлаб кўринг, ёддан ўқилганда шеърнинг нуқта-вергули, кўштирноғи айтиладими? Мисол учун, "кўштирноқ, Ҳа зулм бор, ҳақсизлик бор, Барчага бу аёнди..." дейилладими? Йўқ, албатта! Дoston парчаси "енгилмас ва парчаланмас, абадул-абад туради" дейилган Советлар давлатининг фуқаро-тингловчиси қулоғига айнан "Ҳа зулм бор, ҳақсизлик бор..." шаклида етиб боради ва у мушоҳада қила бошлайди: наҳотки, буни ёзишяпти экан? Чоп этишибди-ку. Нима бўлганда ҳам барака топишсин. Ўзи бор гапда!.. Эртасига қарабсизки, ўқувчи ҳам тахминан ўша мисралар маъносига яқин гапларни айтиб юрган бўлади. Ахир, дoston 1978 ва 1979 йилларда ёзилган. Улкан мамлакатдаги қайта қуришга, демократияга ва ниҳоят, мустақил давлатлар ҳамдўстлигига бор йўғи беш ўн-йил қолганди ўшанда. Демак, - дея хулоса қилсак ярашади, - қайта қуришлар, демократиялар ва мустақил давлатлар ўз-ўзидан бино бўлгани йўқ, балки одамларнинг ҳаққа ва ҳақиқатга бўлган ана шундай интилишидан, кайфиятидан дунёга келган. "Руҳлар исёни" дostonи эса ўзбек зиёлиларининг ҳақиқат



ва озодлик томон энг катта парвозларидан бирида ёзил-  
гандир!

5

Достон фақат айтилганлардан иборат эмас. Унинг де-  
ярли ҳар бир боби тўғрисида бугун бошли китоб ёзса  
бўлади. Чунки унда ёлгон йўқ, шеърий романтика кўзин-  
гизга рангин тўр солмайди, сизни ҳаёт ва унинг муаммо-  
ларидан хаёлнинг камалақдек товланган ўзга оламига юлиб  
олиб, фикрингизни ипақдек мулоим тўрлар билан зан-  
жирбанд этмайди, асло! "Рухлар исёни" достони Эркин  
Воҳидовнинг йигит ва зиёли бўлиб фарқ пишган 42-43 ёш-  
ларида ёзилган ва ўзида шоирнинг бутун Жасорати, Ис-  
теъдоди, Донишмандлигини... бир нуқтага жамлаган энг  
умрзоқ, энг жозибали ва энг ҳақиқатпараст асаридир! Агар  
шоир бошқа ҳеч нима ёзмаган бўлган тақдирда ҳам бир-  
гина "Рухлар исёни" достони уни миллат ва адабиёт кўксига  
ўчмас юлдуздек порлаб туришига кифоя қиларди. Чунки  
у одам ва одамзоднинг энг тансиқ, энг азиз... орзу армон-  
лари ҳақида гўзал, ҳазин, айнаи чоғда, мағрур қўшиқдек  
юрақларимизда, онг ва руҳларимизда акс садо беради. Чун-  
ки у қуллик ва зулмга рози бўлмаган, унга кўнмаган, унга  
қарши курашган ва озодлик учун ширин орзулари не, азиз  
жонларидан воз кеча олган инсониятнинг чинакам қаҳ-  
рамонларини мадҳ этади!.. Ахир достонда ҳиндистонлик  
шоир Назрул Исломи тилидан "Туғилгансан озод, мудом  
Озод бўлиб қол" дея айтилган оловли мисралар бундан  
олтмиш-етмиш йил бурун халқни жонидан севган, унинг  
учун ҳар нега тайёру оқибатда бўйнига "халқ душмани"  
тавқи лаънати осилиб ваҳшийларча отиб ташланган улуғ  
Чўлпоннинг "Кишан кийма, бўйин эгма, Ки сен ҳам ҳур  
туғилгонсен!" деган оташин чақириқларини ёдга солма-  
яптими!? Лекин оёқларида ҳали мустаҳкам ва бутун ду-  
нёга ўз зўравонлигини ўтказиб турган Империя ҳудудида  
ўша етмишинчи йилларда миллат учун ҳаёт ва жонлари-  
ни фидо қилган буюк жадидлар тўғрисида ёзиш мумкин-  
миди? Шу билан бирга, агар Эркин Воҳидов ботинида

гўрлари нурга тўлгур маърифатпарвар боболаримизнинг озодлик, истиқлол, маърифатпарварлик каби умуммиллат ғояларига жиндеккина ҳурмат бўлмаса, чет элик, деярли бизнинг чўлпонлар йўлини босиб ўтган шоир Назрул Ислом ҳақида бундайин кўнгилга яқин дostonни битиши мумкинмиди!? Кўринадики, "Руҳлар исёни"да дарж этилган ва дostonнинг пафоси даражасида куйланган дард айни чоғда бизники ҳамдир! У ўз тупроғимизда, ўз назрул исломларимиз қисматларида мисқол-мисқол йиғилган ва қалб тўрчимизда ардоқланган, бироқ тақдир тақозоси билан ҳиндистонлик шоир ҳаёт йўли мисолида акс эттирилган умуминсоний дарддир!

6

Назаримда "Руҳлар исёни"ни ёзар экан, шоир Ҳақиқатнинг кўзларига тик қарай олган. Ёки буни бошқача айтamиз: Ҳақиқатнинг кўзларига тик қарай олган муддати давомида шоир кўнгилидан кечганлари бу - "Руҳлар исёни" дostonи!

7

Аmmo "Руҳлар исёни" дostonининг Ҳақиқат кўзларига дош бериш муддати инсоният умрига тенг!

8

Дostonда кўпгина фаслар сўнгида шоир беихтиёр ўз кўнгилига мурожаат қилади. Ажаб, мурожаатларнинг аслами муножаатга айланиб, ўқувчи кўнгилига дуодек ёғилади:

*Ҳақ учун  
Бош туткан тикка  
Мардлар руҳи ёр бўлсин.  
Бу дунёга  
ноҳақликка  
Кўнмаганлар бор бўлсин!*

Бу дунёда ҳамма нарсанинг ўз ўлчови бор. Жумладан, инсонликнинг, маданиятликнинг, жўмардликнинг... Одамнинг ҳайвондан фарқи, унинг кишилиқ гурури, мардлиги... боринги, одамнинг инсонлиги энг аввал, унинг ҳақиқатга, ҳаққа қай даражада яқинлашиб келгани билан ҳам ўлчанса, ажаб эмас! Чунки инсон қўй ёки эшак эмаски, қайси томонга ҳайдаса, шу томонга кетаверса! "Инсон - бу мағрур жаранглайди!" дейди улуғлардан бири. Бас, шундай экан, Инсонлик бу - юксак мартабаким, унга тинимсиз интилмоқ, интилмоқ ва интилмоқ зарур. Шуларни ўйлаганда инсон номига муносиб бўлишдан ортиқ шараф йўқ дунёда деб ҳайқиргинг келади! "Руҳлар исёни" дostonидаги руҳлар исёни ҳам аслида, инсоннинг қулликка, жаҳолатга, зулм ва истибдодга кўнишига қарши кўтарилган муқаддас ҳаракатдир: "Туғилгансан озод, мудом Озод бўлиб қол!" дейди Эркин Воҳидов бенгал шоири Назрул Ислom ва ўзбек шоири Чўлпонларга жўр бўлиб. Дostonга кўнгила қўйган ўқувчики бор, руҳан беихтиёр бу шоирлар сафига келиб қўшилади.

2006

## ШЕЪРИЯТНИНГ БУЮК ЙЎЛЧИСИ

XX аср ўзбек шеърияти чинданам юксак санъат ва жасорат намунасидир. Чўлпону Ойбек, Фафур Фулому Усмон Носир, Эркин Воҳидову Абдулла Орипов, Шавкат Раҳмон Усмон Азим, Хуршид Даврону Муҳаммад Юсуф, Ҳалима Худойбердиеваю Ҳалима Аҳмедова, Зебо Мирзаеваю Хосият Рустамова ва ҳоказо яна ўнлаб мана шундай шоирлари бор адабиёт қандай қилиб елка қисиб туриши мумкин? Албатта Ҳамид Олимжону Асқад Мухторнинг ўз йўли бўлганидек, Омон Матчону Баҳром Рўзимухаммаднинг, Абдували Қутбиддину Азиз Саиднинг, Эшқобил Шукуру Асқар Маҳкамнинг, Раҳимжон Раҳмату Вафо Файзуллонинг ҳам ўз шеърий дунёқараши мавжуд. Улар қаердадир бир бирларига ўхшаб кетиши мумкин, лекин моҳият-эътибори билан бирови бошқасидан яққол ажралиб фарқланиб туради. Шу маънода ҳақиқий шеърият муҳлиси ўқувчи сифатида, ўзбек поэзияси тадқиқотчиси олим сифатида омаддидирлар. Ана шундай шоирлар қаҳқашонида тагин битта шоир борки, санъаткорлигу ҳақпарастликда, жафокашлигу фидойиликда ҳар ким ҳам у билан басма бас келолмайди. Унинг учун шоирлик ТИРИКЧИЛИК ЭМАС, ТИРИКЛИК, Борлик ва Йўқлик, Аввал ва Охирдир!

*Шеърият ибтидо, шеърият охир... –*

деб ёзади шоир сўнги шеърларидан бирида.

Шеърга, Сўзга, Илҳомга муомало бўлиб, уларга сигинарчасига яшаб, нафақат ўзининг, балки яқин-яланглирию бола-чақаси, қавму қариндошию ёр-биродарлари юракбағрини бир умр тилкалаб ўтган шоир ё бошқа санъаткор маданиятимиз тарихида унчалик ҳам кўп бўлмаган. Шуларни ўйлаганда хаёлимга негадир "лоп" этиб бир пайтнинг ўзида ҳам шоҳ, ҳам девона Масъум раб келади. Кейин... кейин хаёлим унда - Рауф Парфида тўхтади... Садағангиз кетай, гапларим эриш туюлмасин. Эҳтимол, сиз шо-

ирни ҳаётда мендан кўра кўпроқ билишингиз, у билан шаҳарнинг турли қаҳвахонасию ошхоналарида пайдар-пай улфатчилик қилиб, шоирнинг кўнгил сирларидан, шахсий ҳаётидан мўлроқ хабардор бўлган бўлишингиз мумкин. Ҳатто орангизда шоир билан бирга, бир хонада яшаб, унинг инсон сифатидаги бутун қудрату ожизликларини кўп бор синаганлар ҳам бордир. Лекин барибир, Рауф Парфи деган шоирдан, унинг энг теран, энг нозик, энг муқаддас кўнгил розларидан, гўзал ва оғриқли орзу умидларидан ҳиссий маълумот бергувчи энг зўр, энг ишончли сирдош бу - унинг ўлмас шеърларидир! Чунки шоир ғоят самимий инсон эди. Шахсий ҳаётининг эътиборли жиҳатларини, ўзигагина эмас, ўзгага ҳам қизиқарли бўлиши мумкин бўлган пичоққа илингулик неки қирраси бор, - магарки, улар аввало, шоир қалбидан ўтган, уни ларзага солган эса, - ҳамма-ҳаммасини сўзга ишониб топширгувчи эди:

*Мени таъқиб қилар шоир деган ном,  
Чикмаган шеъримга садақа олдим.  
Асло тарк этмади қурмағур Илҳом,  
Неки ундан ўтди, Хугога солдим...*

Мана энди Рауф Парфи уни яқиндан таниган кишиларга ҳам яна-да таниш, яна да тушунарли туюлган бўлса, ажаб эмас. Чунки шоирни бутун умр Илҳом, Сўз, Шеър, Ҳақпарастлик, Гўзалик таъқиб этди ва уни ўз ҳолига қўймади: шахсий ҳаётини, кундалик турмушини, бир эркак, бир ота, бир инсон сифатидаги фароғатини маҳв этди. Лекин шоир - бу дунёдаги энг ҳассос, энг тез яраланувчи қалб эгаси бўлган санъаткор - ўзи йўқотган неъматларга ҳамиша эҳтиёж сезиб яшади ва уларни ўзгалардан қидриб чирпанди. Бунга муқобил равишда шоирни Сўз таъқиб қилишдан чарчамади. Натижада Рауф Парфининг шахсий ҳаётида топиш-топишиш билан топилганни тинимсиз йўқотиш алмашиб келаверди:

*Сўз мени таъқиб қилар  
Чирқиратиб ўйиб кўксимни...*

Шоир кўксини чирқиратиб ўйган сўз баъзида унинг бошини силайди, руҳини иситади:

*Сўзнинг гулханига руҳим исинди...*

Яхшилик ва ёмонлик, вафо ва жафо... Рауф Парфи ҳаётида навбатма навбат келиб турганидек, Сўзнинг завқи ва жабри ҳам тахминан шунга яқин бўлган: у гоҳ ҳеч тузалмайдиган ярага айланиб, шоирга чексиз азоб берган:

*...Сўнгни Унут сўзин гарёси оқар,  
Ундан-га сўрайман, Шеърят надири?!  
Лаззатга фарқ ботиб, кунга қарайман,  
Ҳеч тузалмас Яра, у Сўздири ахир...*

Эҳтимол, яқин йигирма-ўттиз йил берисида ҳеч қайси шоир сўзга бунчалар аҳамият бермагандир, ҳаёти мазмунини, тириклиги маънисини Илоҳий каломга боғлаб, уни шунчалар илҳақлик билан кутмагандир, ниҳоятда ўзини унга - Сўзга лойиқ топмай, адоқсиз қийноқлар исканжасида адолар бўлмагандир:

*Улар Ким?! Мен Сўзни севдим. Мен - хароб,  
Лойиқманми Сўзга, билмадим, нетай?..  
Ҳорғин йўловчиман, манзил-га сароб.  
Итгек изғидим мен. Мен энди кетай.  
Деворга бошимни уриб бўзладим,  
Аллоҳга сиғиниб, бўзлаб сўзладим.*

Сўзга, ёрга, майга, санъатга, ҳақпарастликка... мана шу янглиғ мубталолик бора-бора кишини дунёнинг ғалвали икир чикирларидан, ҳеч қачон тугамайдиган-битмайдиган ғийбату фитналаридан, оғриқларидан, озорли юмушларидан, борингки, дунёнинг ўзидан ҳам совутиб олади. Кўнгил ва Дунё ўртасига ўтиб бўлмас девор тиклайди, кечиб бўлмас чоҳ қазийди. Дарҳақиқат, ёр васлига зор ошиқнинг бутун фикру ёди ёр дийдорига бўлиши баробарида бундан бошқа ҳамма нарсалар унинг учун ҳаромдир. Не

ажабки, Рауф Парфи деб аталмиш шоир сиймосида юқорида саналганларнинг барчаси жамулжам бўлгандек: у ҳам сўзга-санъатга, ҳам май ва ёрга, ҳам Оллоҳга ошиқ эди. Менингча, айнан шу сабабдан ҳам нозик қалбли шоиримизнинг юрагига қўл билан ушлаш мумкин бўлган Дунёнинг ялтироқ матоҳини барпо қилиш сифмагандир. Эҳтимол, шунинг учун ҳам донғи дунёга кетган машҳур шоир бўлишига қарамай, ўз шахсий ҳаёти, кундалик турмуши устида жиддийроқ бош қотиришга ҳам ҳоли келмагандир. Ахир, биргина ёрга ё санъатга ошиқликнинг нима эканини биз оз-моз биламиз, лекин буларнинг ҳаммаси бир жойга - бир инсон қалбига тўплансалар, бунинг нима ва қандай куч эканини ҳеч қурса тасаввур этишимиз мумкинми? Ватан ишқи, ҳақиқат ташналиги, ёр савдоси, санъат ва сўзга муҳаббат... буларнинг барчаси Рауф Парфи бир умр ўз шеърларида тараннум этиб келган ўзак ва муқаддас мавзуларким, шоир феномени моҳиятини ҳам шу ердан қидирмоқ жоиз. Эҳтимол, мавзуларнинг ҳаммаси шоирнинг биргина Оллоҳга бўлган муҳаббати - ягона ишқининг турли-туман тажаллисидир. Ахир, Яратганнинг ҳислати ҳамма жойда ва ҳар кимда акс этиши ҳақидаги гап кечаги асрнинг олифта назарияси эмас, балки инсоният ақлу ҳушини топиб, ўз қисмати устида фикр юрита бошлагандан буён мавжуд ва шу кунгача ҳеч бир дин, ҳеч бир ҳалқ инкор этмаган ҳақиқат-ку!

Рауф Парфи шеъриятини такрор такрор ўқиб, шунга амин бўламанки, шоир ҳуда-беҳуда нарсалар тўғрисида иложи борича ёзмасликка ҳаракат қилган. У шундай мавзуларни қаламга олганки, чуқурроқ мушоҳада этилса, аксарияти одамнинг инсонлик тарафига даҳлдор бўлиб, руҳоний маърифатни уйғотишга қаратилгандир. Шунда бирдан "лоп" этиб бир фикр хаёлингизни чулғаб олади: атрофингизни куну тун ўраб турган ва ҳаммиша мулоқотда бўлиб юрганингиз одамлар ҳали фақат одамлар экан ҳамда бунга сизнинг ўзингиз ҳам дохил экансиз. Шоир эса одамларнинг одамлигича қолиб кетишини истамайди. Уларнинг инсон даражасига ўсиб чиқишини, инсон бўлишини жуда катта куч билан хоҳлайди, шунга эҳтиёж туяди.

Шунинг учун ҳам очиқ кўзлар билан ухлаб юрган одамларга ўз шеърларидан камон ясаб, ўқ-найза отади, токи уйғониш ҳодисаси содир бўлсин, одам Инсонга айлансин!

*Инсонлик фитрати уйғонгунча то  
Ич, ҳақнинг қонини юҳо жомига.  
Чорасиз Ҳақиқат, ул илоҳий нур,  
Абад қолиб кетмас ваҳшат домига!*

Худо одамни одам қилиб яратди. Унинг фитратига инсонлик уруғини сепди ва шу ерда ишни якунлади. Бундан буёғи эса аввало, ота-онага, жамиятга ва ниҳоят, одамнинг ўзига ҳавола этилди. Ота-она, жамият ва одамнинг саъй-ҳаракатлари билан одам Инсонга айланиши мумкин. Буни ғарбда илмий истилоҳ билан индивид ва шахс деб аташади. Ҳар қандай одам индивид, лекин ҳар қандай индивид шахс эмас, дейди улар.

Демак, одамийзод ҳали ўз орзусига эришгани йўқ. Ҳали унинг онгли, улғайган ҳаёти энди-энди бошланиб келаёттир. Буни тушуниб етиш ва ҳар бир одам (индивид) Буюк Уйғонишга аввало, ўзини ўзи уйғотиб, кейин ўзгаларнинг уйғонишига ёрдам бериб ўз ҳиссасини қўшмоғи жудаям муҳим. Зеро, шоирнинг ўзи ҳам сизга, менга, унга - ҳаммамизга умид билан мурожаат қилади:

*Қачон уйғонадир халоскор Даҳо?  
Бир жаҳон қуёшга чулғаниб келур!..*

Бундай халоскор Даҳо бизнинг ҳар биримиз бағримизда ухлаб ётган бўлиши мумкин. Келинг, азиз ўқувчим, унга эътибор берайлик, у - бир уруғдирким, сиз билан биз шу уруғнинг ўсиб чиқиши учун ақлимиз, кўнглимиз ва ҳаёт тарзимиз иқлимини муносиб этайлик. Зотан, миллатнинг, инсониятнинг уйғоқлиги Сиз, Мен ва Унинг уйғонишидан бошланади...

Ҳар қандай ибтидо интиҳони, ҳар қандай туғилиш ўлимни тақозо қилади. Одамзод буни яхши билади, билгани боис ҳам улар орасидан тийрак ақлга, ўткир қалб кўзига



эга бўлганлари Бошланиш ва Яқунланиш оралигини муносиб босиб ўтишга интилади. Мазкур интилиш эса Инсон зиммасига қатор Вазифаларни юклайди. Рауф Парфи ўз чекига тушган Вазифани бутун масъулиятию шарафи билан идрок этган том маънодаги Жасоратли Шоир эди. Ҳайбаракалалчилик авж олган, адабиёт-санъат олқиш ва мақтовлар майдонига айлантирилган бир пайтда Рауф Парфи Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Омон Матчон каби шоирлар билан бир сафда туриб, 60 - йилларда шеъриятга Улкан Мунгни олиб кирди, санъат орқали одамларга овоз чиқариб йиғлаш, қайғу ва дардни ошқора яшаб ўтиш имконини қайтариб берди. Ва энг муҳими, Чўлпон жуда гўзал пардаларда бошлаб берган XX аср ўзбек шеъриятини Рауф Парфи юксак санъат нуқтаи назаридан энг баланд чўққиларга олиб чиқди...

Шундан кейин ўзлигини англаб етган Шоир ўз зиммасига Тарих юклаган, Кишилик жамияти юклаган, Бурч ва Виждон юклаган, Ижтимоий сиёсий маданий Вазият юклаган, Миллий ғурур юклаган, борингки, бутун Инсоният тақдири учун қайғуриш Ҳисси юклаган Улкан Вазифани шараф-ла адо этиб бўлгач, умр ва курашлар адоғида бутун борлиғида тиклаб бўлмас бир ҳорғинликни, бўшлиқни ҳис этади ва ва унинг миясида, вужудида, юрагида ўлим соғинчи пайдо бўлади: "Улуғ Тангрим, сени аччиқ соғиндим..."

Бу курашлар майдонини, оғриқлар, азоблар бағри - бебақо дунёни ташлаб қочиш эмас, асло! Балки, бу - ўз қисмати чегараларини вақтида нозик илғаган Фаросатли Улуғ Инсоннинг ўзга ўлчамли оламга Жасорат билан талпинишидир:

*Улуғ Тангрим, сени аччиқ соғиндим....*

2006

## ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

Даврлар ҳам худди одамларга ўхшайди: ҳар бирининг ўз табиати, хусусиятлари мавжуд. Айримларининг бағри Ойбекнинг қалбидек кенг, дарё, айримларининг эса Қаҳҳорнинг ёзиш услубидек сиқик ва асабий. Инсоннинг феъл-атвори кўпгина факторлар - ота-онасининг ирсий-биологик томонидан бошлаб унинг қандай оилада, қайси муҳитда - кимлар даврасида ва қандай ўсиб-улғайганига боғлиқ бўлганидек, даврнинг табиати ҳам уни юзага келтирган одамларнинг ижтимоий-тарихий, маънавий-психологик, илмий-техник жиҳатдан қуролланганлик даражасига боғлиқ. Инсон ва давр - булар худди ер шарининг икки қутбидек бир-бирларини тортиб-тақозо қилиб туради. Инсонни кўп жиҳатдан ўз даври шакллантириб вояга етказганидек, давр ҳам ана ўша инсонлар жамулжамининг ҳол-аҳволдан ҳосил бўладиган кайфиятдир. Собиқ Совет Иттифоқининг "ҳе" йўқ, "бе" йўқ, ўз-ўзидан тўзиб-тирқираб кетишининг асосли сабаблари бор: ўз даврида яшаётган инсон кайфиятини айнан шу даврнинг табиати "ҳазм қилолмади". Бошқача айтганда, инсон ўз даврига сифмади. Чунки "империя" деб аталган улкан қафаснинг ташқарисидаги илғор цивилизация бўйидан у озми-кўпми хабардор эди. Мана шу хабардорлик алал-оқибатда инсоннинг ўз давридан норозилигига олиб келди. Натижада мамлакатда ислохотлар ўтказилди. Бироқ уларнинг таъсири кутилгандан тамомила ўзгача мевалар бериб, империя қулади. Тарихнинг ушбу ўгити муайян даврнинг кайфияти, унда амалда қўлланилаётган қонун-қоидалар мазмуни шу даврнинг битта бўғинини ташкил этган якка шахс - инсоннинг эҳтиёж ва талабларига ҳамоҳанг тушмоғи зарур эканлигини кўрсатди. Акс ҳолда, мамлакатнинг тараққиёти у ёқда турсин, элементар осойишталиги ҳам мумкин эмаслигини исбот этди.

Шундай қилиб, империя парчаланди. Кўплар қатори 1991

йилда Ўзбекистон ҳам мустақил бўлди: у ўз байроғи, гимни ва ҳудудий чегарасига эга чиқди. Бироқ бу ҳали мустақилликнинг илк қадами эди: ҳаммаси - чинакам мустақиллик, чинакам ҳурлик ҳали олдинди эди. Чунки қарийб етмиш-саксон йил давомида узлуксиз юритилган империявий сиёсат туфайли бир неча авлоднинг мияси ўз даврининг мафкураси билан тўлиб бўлган ва уни қисқа вақт давомида уч-тўрт қонунлар қабул қилиб ўзгартириш мумкин эмас эди. Шундай қилиб, истиқлолнинг машаққатли, лекин айнаи чоғда шарафли одимлари бошланди...

Биз ушбу тўпلامда сўз юритмоқчи бўлганимиз адабиёт, хусусан, шеърият айнан мана шу даврнинг маҳсулидир. Демак, мазкур шеъриятда барча замонларда бўлганидек, ўз даврининг кайфияти, муаммолари ва қувончу алами акс этган. Модомики, мустақиллик даври адабиёти, хусусан, шеърияти тўғрисида баҳс юритмоқчи эканмиз, масаланинг бир жиҳатига алоҳида эътибор қаратмоғимиз шарт. У ҳам бўлса, бу давр адабиёти, жумладан, шеърияти фақат шу даврнинггина меваси эмаслигидир. Худди шундай, ҳар қандай давр санъати ўзидан аввалги - салаф даврлар табиатига қайсидир маънода фарзанд бўлади. Фикримизни очикроқ айтамыз: муайян даврда санъат ва адабиётда қайта-қайта куйланган мавзулар замонлар ўтиши билан бошқа бир даврда "унутилиши" ёки аксинча, ўтмиш даврда эътибор берилмаган ёки таъқиқ этилган у ёки бу ғоя янги даврда баралла куйланиши мумкин. Ушбунинг сабаблари эса ғоят тушунарли: муайян даврда маън этилган маълум бир ғоя, мавзу, дейлик, инсон ҳуқуқлари, унинг ғоят субъектив кўнгил нидолари ўзга бир давр келиши билан шу даврнинг имконига, табиатига, йўналишига, мақсад-муддаосига қараб туриб очик-ошкор тараннум этилиши кишини ажаблантирмайди. Чунончи, айнан шу қонуният мустақиллик даври ўзбек адабиёти, айниқса, шеъриятида яна бир карра ўз исботини топди. Кейинги 10-15 йиллик давр мобайнида шоир ўз нигоҳини ташқаридан - атрофда юз бераётган оламшумул воқеа-ҳодисалардан узиб, ўз мискин кўнглига қаратди ва уни "таржима" этишга киришди.

*Кўргим келмас яхши-ёмонни,  
Бўғиламан, етмас нафасим.  
Гул давралар меники эмас,  
Менинг уйим - кўнгил қафасим.*

(Зебо Мирзо)

Яъни испан эстети Ортега-и Гассет ёзганидек, шоир нигоҳини бир юз саксон градусга буриб, ўз кўнглига қаратди. Демак, энди шоир учун энг муҳим ёзиш ҳадафи - бу ўз юраги, ўз кайфиятидир. Бу санъатда яхши ҳодиса, ижобий томонга бурилиш эди. Чунки қанчадан қанча даврлар бўлганки, шоир ўз кўнглини ифода қилолмай, кўнглига қиё боқолмай, масалан, яқин ўтмишда социалистик қурилиш нафасини акс эттириш билан умри кечган. Қисматлари ана шундай аянчли ўтган шоирларга қиёсланганда ўз кўнглини борича ифода қилишга имкони бўлган мустақиллик даври шоирлари анчайин омадли чиқди. Лекин айни чоғда, медалнинг иккинчи томонига эътибор қаратамиз. Бу томоннинг авзойи демоқдаки, шоирлар ўз кўнгиллари "таржимаси"га шу қадар берилиб кетдиларки, натижада ўзидан ўзгани "унутдилар". Гўё дунёда бир шу кўнгил ва унинг ҳақиқати - оҳ-фиғони мавжуд, қолган ҳамма жонлию жонсиз аҳамиятсиз ёхуд умуман мавжуд эмас. Бу ҳол айниқса, ёш шоирлар ижодида бўртиб кўринди.

Ўқувчининг бир нарсага алоҳида эътибор беришини хоҳлар эдим. Вақтида вульгар социологизм тарафдорлари шоирни ўз интим кечинмаларини қоғозга туширгани учун мавжуд тузумнинг "шонли" юришларини кўра олмаганликда, ўз қобилига ўралашиб қолганликда айблашган ва натижада шоирлар турли хил қийноқларга, сургунларга, ҳатто қатлларга гирифтор этилганлар. Бугун шукрким, ундай эмас. Ҳар қандай ижодкор ўзи истаганча кўнгил дунёсига фарқ бўлиб, энг интим кечинмаларини тўйиб-тўйиб ифода этиши мумкин. Бироқ эски, қарийб етмиш йил ҳукм сурган тузум сиёсати ҳаминша тушовлаб келган субъективизм, интим туйғулар энди ўзини тамоман "қўйиб юборган"лигидан меъёрдан ошган ҳолатларга ҳам дуч келяпмиз. Албатта, ҳаммаси тушунарли. Неча ўн йиллар давомида тизгинланиб келинган туйғулар имкон топилиши

билан тўлиб-тошиб ўзлигини намоён қилмоқда. Шу билан бирга, ўзга бир ҳақиқатдан ҳам кўз юммаслик керакки, кўнгилинг изҳори жудаям шахсийлашиб, жудаям майдалашиб бормоқда. Кўпинча шеърда ифода қилинаётган туйғу, кечинма, фикр ёки бирваракайига ҳаммасининг иштироки фақат муаллифнинг ўзигагина тегишли, унгагина қизиқ, унгагина қадрли бўлиб қолди. Уларнинг салмоғи, кўлами, даражаси ўқувчининг кўнгил торларини чертишга қодир чиқолмаётир. Чунончи, шоир севги ҳақида ёзадими ёки унинг бекатлари - висол, ҳижрон, ёлғизлик ҳақидами ёки дўстнинг дийдори, турли хил маиший, ишқий муаммоларидан нолиб, Яратганга илтижо қиладими ёки ундан нолийдими, барибир, ҳаммасининг моҳияти бир, у ҳам бўлса, дунёга келиб кетаётган ҳар қандай мавжудодга хос бўлган оддий жинсий-жисмоний майлларнинг шеър шаклидаги ифодаси бўлиб қолаётир. Бошқача айтганда, уларнинг аксариятида сеҳр, ўзгачалик, баландлик ва энг муҳими, кўнгилдан кўнгилга электр токидек улашиб кетадиган, уларни яқдил, яққисмат қиладиган юксак руҳий-маънавий атмосфера кўзга ташланмайди. Ҳатто изтироблар ҳам анчайин юзаки ва юксиз бўлганидан ўқувчи қалбини ларзага солиб, шоир ва у ўртасига кўприк ташлолмайди. Натижада, у ёнда шоир ўз шеъри ва унда акс этган дарду қувончи билан ёлғиз, бу ёнда ундан руҳий-маънавий озуқа, ором топмаган ўқувчи ўз қоникмаслиги билан ёлғиз...

Яхшиямки, айтилганлар бугунги ўзбек шеъриятининг битта қирраси, холос. Демокчимизки, у серқиррадир. Келинг, умумийроқ бўлса-да, 90- ва 2000-йиллар ўзбек шеъриятини аввало, мазмун-моҳиятига кўра, сўнгра эса ифода усулига кўра фарқлашга уриниб кўрайлик. Албатта, шеъриятда санъатнинг бошқа ҳар қандай турида бўлгани каби мазмун-моҳият ўша-ўшадир, минг йилликдир, азалийдир. Лекин тан олишимиз керак, ҳар бир давр ўз табиати, феъл-атвори ва мақсадига кўра ўша минг йиллик моҳиятни таснифлаб чиқади. Дейлик, Навоий замонидида шкала бўйича биринчи поғонада турган маълум бир мавзу кунимизда иккинчи ёки ҳатто ўнинчи поғонага ту-

шиб қолиши ҳам мумкин ёки аксинча. Шунинг учун ҳам бугунги ўзбек шеърляти мавзуларининг ишланиш кўлами ва даражасига қараб таснифласак, тахминан қуйидагича манзара кўз олдимизда намоён бўлади:

- ишқий интим мазмундаги шеърлар, (бунинг ичига ёр жамолининг гўзаллигию унга интилаётган ошиқнинг қувончу азобларидан тортиб ҳижрон изтиробига, баъзан висолдан батамом умиди узилган "юраги садпора"нинг ёзғиришларию афсус надоматигача акс этган шеърлар киради);

- интим мазмунли шеърлар, (бунинг ичига шоирнинг севги-муҳаббат ва унинг сабаб-оқибатларидан бошқа, кўнгилининг ҳар турли кўпдан-кўп майл ва интилишлари, инжиқликлари акс этган шеърлари киради);

- мадҳия-бағишлов шеърлар;

- уҳровий мазмундаги шеърлар, (бунинг ичига дунёнинг ўткинчилигига, умрнинг бебақолиги, банд ва худо ўртасидаги муносабатлар, Яратганга илтижо, охират ва унинг қайғуси, ҳаж таассуротлари акс этган ҳамда шу мазмундаги бошқа тасаввуфона шеърлар киради);

- тарихий мазмундаги шеърлар, (бунга ўтмишда ўтган буюк бобокалонлар сиймолари ва хизматлари, тарихий ва муқаддас жойлар, удумлар, шаҳарлар акс этган шеърлар киради);

- панд-насиҳат шеърлар;

- Ватан ва унинг мустақиллиги ҳақидаги шеърлар;

- ўлим мавзудаги шеърлар;

- бошқа ҳар хил мавзудаги шеърлар.

Албатта, бундай тасниф фоят шартли бўлиб, мавзу рўйхатини мантиқ доирасида кенгайтириш, торайтириш, баъзиларининг ўрнини алмаштириш ҳам мумкин. Лекин бу давр шеърлятида деярли барча мавзуларга шоир ўта субъективлик билан ёндашганидек умумийликдан кўз юмиб бўлмайди. Ишқий ҳамда бошқа интим мавзудаги шеърларнинг салмоғи энг баланд, ҳатто бундай мазмундаги шеърлар кейинги 15-20 йиллик ўзбек поэзиясининг асосий қисмини эгаллаганлиги ҳам ҳақиқат. Энди келинг, битта муқояса қилайлик. Асримиз аввалида, айниқса, 20-

йилларда юрт озодлиги, истиқлоли мавзуси бирламчи эди. Биргина Чўлпон мисолида айтадиган бўлсак, бу шоирнинг бутун ижоди бағридан худди экватор чизиги каби бир чизик ўтадики, унинг исми юрт қайғусидир. 30-йилларда "қоришиқ" лик устун бўлди. Бир томондан Чўлпондек етакчи шоирларнинг қалами синдирилган, овози пасайтирилиб, кўплаб авангард шоирларнинг "фанга юриши", социалистик қурилишларга, эскиликни фораг этиб, янгиликка овоз бериши кучайиб бораётган бўлса, бошқа томондан айна шу шоирларнинг дағал ижтимоий тамгадан анчайин холи кўнгил поэзияси - "соф лирикаси" дунё юзини кўрган эди. Янги ўзбек шеърлятида символизм ҳам дастлаб 30-йилларда яққол намоён бўлди. 40-йиллар эса ўз-ўзидан Иккинчи Жаҳон Уруши билан боғлиқ бўлиб, "Ёвга ўлим", ўз халқимизга "қўлингга қурол ол" деган оташин тилаклар тилаш пафоси етакчилик қилган. Кейин албатта, уруш даҳшатлари, фронт ортидаги уқубатли, лекин шарафли меҳнат, аянчли, лекин ибратли қисматлар тўғрисида "сўз" юритган шеърлят.

50- ва 60-йилларнинг ўрталари ўзбек поэзиясида ўзига хос турғунлик давридир. Тўғри, у тўхтаб қолгани йўқ, ҳамма нарса ҳақида, барча мавзуларда қалам тебратган. Лекин шоирнинг айтаётган гапи аслида ўзиники эмасди, улар совет империясининг дунё бўйлаб юритаётган сиёсатининг "соя"си эди. Ўша даврда бугунги шоирларимизда ортиги билан мавжуд бўлган субъективизм деярли маҳв этилган бўлиб, ҳамманинг гапи, шеъри гўё қуйиб қўйгандек бир-бирига ўхшар, бири - иккинчисини тўлдириб, узвий давомини ташкил этарди. Албатта, иждоқор инсон сифатида тирик эди ва аҳён-аҳёнда шоирнинг ён дафтарида

*Ҳақиқат соқовдир, заифдир инсон,*

*Тошлар ҳам йиғлайди - сир тўла осмон.*

*Ҳақиқий олам не? Жавоб йўқ, ҳайҳот!*

*Файласуф тўқийди ҳисобсиз ёлғон,*

(Ойбек)

деганга ўхшаш шеър парчалари учраб қолардики, бу нарса ички "мен"нинг ҳали ҳам тирик эканлигидан, у атрофда бўлаётган ёлғонларни кўриб турганлигидан ва энг му-

ҳими, унга кўникмаганидан дарак берарди. Йўқ, албатта биз мустабид совет тузумида яшаган барча шоирлар Ойбекдек кайфиятда бўлган, ичидаги бошқа, ташидаги - ёзганлари, айтганлари бошқа эди, дейишдан тамоман узоқмиз. Чунки вақтида ҳатто Ойбекдек шоирлар ҳам ўз даври билан ҳисоблашган, унга сидқидилдан ишониб, романлар, дostonлар, шеърлар битганлар. Айни пайтда, юқоридаги тўрт қатор шеърда акс этган кайфиятга ҳам тушиб турганлар. Бир даврнинг маҳсули бўлмиш ана шундай зиддиятли кайфиятлар ҳақиқатини ёдга олган ҳолда бир гапни таъкидлаб айтишни жуда-жуда истардим. Адабиётшунос олимлар, мунаққидлар ва умуман, санъат ва адабиёт ҳақида, даврларнинг хусусиятлари тўғрисида фикр билдираётган ҳар қандай зиёли киши қарашларида кўпинча бир хил ёндашув такрор-такрор учраб туради. У ҳам бўлса, муайян давр ёки ёзувчи, шоирга хос бўлган битта жиҳатни дастак қилиб олади-да, бутун моҳиятни шу "ўқ" атрофида айлантирмоққа уринишади. Бу эса бирёқламаликдир. Бирёқламалик шуниси билан хатарлики, у ҳадаф ҳақида ўқувчида нотўғри ёки баъзан ёлгон тасаввур пайдо қилиши мумкин. Масалан, машҳур француз ёзувчиси Оноре де Бальзак бир дам ҳам кофе ичмасдан яшолмаган, деб айтсак, ўқувчида "демак, унинг иродаси ёш боланикидек бўш бўлган ва кофега, ундаги кокаинга ружу қўйган ёки бирон касали бўлган" деганга ўхшаш тасаввур пайдо қилади. Агар у дастлаб ёзиш мақсадида ухлаб қолмаслик учун кофе ичган ва кейинчалик бу одатий тусга кирган, деб ёзсак, аввало, ҳақиқатни гапирган бўламиз, кейин эса ўқувчи ва Бальзак ўртасида тўғри муносабатнинг шаклланишига омил яратган бўламиз. Худди шундай, умуминсоний мавзулар ҳар даврда бўлган, ҳар даврдаги ишиси севишга-севидишга, қуёш, денгиз, тезда қарашга, булар тўғрисида ўйлашга, ёзишга ҳақли бўлган, лекин юқорида айтганимиздек, ўзи яшаётган ижтимоий-сиёсий, маданий-психологик муҳит ва эҳтиёждан келиб чиқиб ҳаракатланганлар, ёзиб-чизганлар. Ёки "қуёш" деб ёзганда ҳар бир шоир бу сўзга ўз давридан, ўз маънавий-психологик даражасидан келиб чиқиб маъно юклаган.



Бу давр адабиётининг, хусусан, шеърятининг яна бир ўзига хос хизмати шундан иборатки, у 60- ва 70-йиллар авлодини ўз бағрида кўтариб юриб, вояга етказган. Ҳа, у шеърятимизнинг забардаст авлодига ҳомиладор бўлганди. Буюк хизмат эди бу! Чунки Э.Воҳидов, А.Орипов, Р.Парфи, О.Матчон, Ж.Камол, Ҳ.Худойбердиева каби 60-, Ш.Раҳмон, У.Азим, Х.Даврон... каби 70-йиллар авлоди чиндан ҳам бир неча ўн йиллик сукунатдан сўнг ўзбек поэзиясида содир бўлган улкан воқеа эди!..

Ниҳоят, даврлар алмашди ва А.Орипов, Р.Парфи, Э.Воҳидов каби йирик шоирлар ўзбек шеърятини бир титратиб кириб келдилар. Улар руснинг улкан шоирлари А.Вознесенский, Е.Евтушенколар қатори ва уларга изма-из равишда инсонга тузумнинг битта керакли болти ёки бошқа эҳтиёт қисми ўлароқ эмас, балки, аввало, инсон сифатида қарай билдилар. Ажаб, шундан кейин совет давлатида, социалистик тузумда ҳам ўлим борлиги, қайғу-алам мавжудлиги, ҳокимият ўз фуқароси бошини қанчалик силаб-ўргилмасин, барибир, мусибат гоҳо ҳар кимни ҳам ўз қаърига тортиши очиқ-ошкора маълум бўлиб қолди. Албатта, булар олдин ҳам сир эмас эди. Бироқ адабиёт ва санъат уларга деярли тўхталмас, тўхталса-да, баландпарвозлик билан эътиборни четга буриб, ўқувчини чалғитарди. Энди эса 60-йиллар шоири ўқувчини ана ўша ўлим билан, қайғу билан, мискинлик билан, йиғи билан дунёнинг арзимаслигию ўткинчилиги билан ва ҳоказо кўпгина шундоқ ён-атрофдаю лекин юрак ютиб айтиш мушкул бўлган ҳақиқатлари билан юзма-юз, ёлғиз қолдирди. Шунда ўқувчи санъатга, адабиётга, шеърятга ишона бошлади, уни ўз маҳбубасидек севди, алқади, кундузлари қўлидан қўймади, кечалари ёстиғининг тагига яширди. Чунки мўъжазгина тўрт қатор шеърда ёки шапалоқдек шеърый китобчада ҳаётнинг ўзидан кўра кўпроқ ҳаёт бор эди ўша пайтларда. Ҳа, 60-йиллар охири ва 70-йиллар бошида халқнинг кўнглидаги топиб айтган шоир салкам пайғамбардек мўътабар, нондек азиз эди одамлар учун...

70-йилларнинг шоирлар авлоди ҳам ўз гарданида ана шундай ижодкор бахтини татиб кўрди. Энди бу авлод 60-

йиллар авлоди анъаналарини ҳам давом эттириб, ҳам қисман улардан фарқ қилиб, поэтик урғуни ижтимоий адолат масалаларига берди. Шавкат Раҳмон, Усмон Азим, Хуршид Даврон ва уларнинг бошқа сафдошлари шеърятни баъзан ҳатто мамлакатда адолат учун кураш майдонига ҳам айлантириб юбордилар. Адолат учун кураш, адолатпарварлик, ниҳоят, улар шеърларида мавжуд мустабид тузумга аввало ишора, сўнгра норозилик, пировардида эса унга қарши курашга чорлашгача ўсиб борди. Шунда аср бошида Ойбек шеърятига муваффақият билан қўлланган, кейинчалик секин-секин унутилаёзган ифода усули - символизм, кучли образлилик яна ёрдамга келди.

Айни пайтда, 70-йиллар авлоди шеърятига ижтимоий руҳ баъзан ҳаддан зиёд қуюқлашиб кетадики, бир бетикки бетлик мақолада ёки бошқа публицистик жанрда ифода қилиниши мумкин бўлган қарашларни ҳам бадийятга айлантиришга қаратилган муваффақиятсиз уринишлар яққол сезилади.

80-йиллар шеърятига ҳам деярли шу ҳол ҳукм сурган. Бунинг устига мамлакатда рўй берган либерал кайфият туфайли шеърда яланғочлик, бадийятсиз панд-насиҳат, қуруқ чақириқлар, ёзғиришлар кучайган. Бир сўз билан айтганда, шеърятни публицистика деярли маҳв этаёзган. Айни чоғда, таъкидлаб айтиш жоизки, бу ўн йиллик ижтимоий-сиёсий жиҳатдан турли бурилишларга - кўтарилиб-тушишларга бой бўлганидек, адабиётда ҳам хилма-хил руҳ - кайфият ҳукм сурди. Хусусан, тасаввуф оҳанглариининг кириб келиши ва умуман, бир ёнда оташин чақириқларга тўла шеърят, иккинчи ёнда эса дунёнинг ўткинчи ҳою ҳавасидан гўёки қўлини ювиб қўлтигига урган ҳамда урфоний маърифатга интилган шеърят пайдо бўлди. Бу қисман шоирнинг ўз юрагига - мангу ҳақиқатларга қайтиши билан изоҳланарди. Айнан шу хил шеърят 90- ва 2000-йиллар шеърятига замин ҳозирлади, десак муболаға бўлмайди. Чунки истиқлол даври адабиёти, хусусан, шеърятига субъективизм бўртиб туради. Демак, кейинги 15 йиллик шеърят, бир сўз билан айтганда, кўнгиш шеърятидир. Албатта, бу давр поэзиясида ҳам салаф давр-

ларда бўлганидек, турли хил мавзулар тасвири, баёни учрайди. Жумладан, ўтмишдаги буюк боболар ҳаққига ёзилган, улар алқаниб ёки истиқлол, Ватан, миллий ғурур мадҳ этиб битилган шеърлар талайгина. Бироқ, барибир, 90- ва 2000-йиллар шеърляти ўз доминант хусусиятига кўра кўнгили лирикадир, дея бемалол айта оламиз. Чунки бу даврда энг фаол ижод қилган М.Юсуф, Б.Рўзимухаммад, А.Маҳкам, Э.Шукур, А.Қутбиддин, Фахриёр, Турсун Али, С.Саййид, И.Мирзо, З.Мирзо, Ҳ.Аҳмедова, Х.Рустамова, Р.Раҳмат, А.Ҳайит каби ўнлаб шоирлар асарлари, аввало, ўз "мен"лари - кўнгиллари мевасидир.

"Хўш, бу кўнгили нимани қўйлади? Унинг етакчи мавзулари нималардан иборат бўлди?" деганга ўхшаш саволлар туғилади. Назаримда, истиқлол даврида ҳам шеърлят ҳамма мавзуларни тараннум этди. Лекин у ғоядан, ғояпарастликдан анча узоқлашди. Бунгача ғоя ўзбек совет шеърлятининг (бутун санъатда бўлгани каби) бош аъмоли эди. Истиқлол даври поэзияси ғояпарастлик ўз кучини йўқотди. Шеърлят ҳукмрон ғоядан - ягона етакчи мафкурадан чекинди. Шу билан бирга ғоясизликнинг ўзи гўё ғояпарастликка айланди... Бу жуда муҳим фактор. Чунки у шу давр шеърлятининг асосий хусусиятларидан бири. Хўш, нега бундай бўлди? Сабаби, бутун санъат, жумладан, шеърлят қарийб етмиш йилдан бери ҳар-хил даража ва шаклларда зимдан интилиб келган асосий мавзу - истиқлол, юрт озодлиги, миллат ғурурининг тикланиши... янглиғ муаммоларнинг барча-барчаси Ватаннинг мустақилликка эришуви билан ҳал этилган эди. Бу мамлакат учун оламшумул ҳодиса, битмас-туганмас қувонч эди, лекин адабиёт-санъат бир муддат ўзини йўқотиб, гангираб қолди. Ки, у - халқнинг озодлиги, юртнинг истиқлоли каби асрий мавзусини қўйлашдан озод этилганди... Лекин узоққа чўзилмаган тарадуддан сўнг шеърлят (шоир) ўз нигоҳини ташқаридаги муаммолардан олиб, ичкарига - ботинга қаратди. (Истиқлол даври шеърлятининг тагин бир ўзак жиҳати шудир!) Натижада, ўзбек поэзиясининг ҳам чинакамига шарафли, қутлуғ, айни чоғда ҳам меъеридан ошган субъектив одимлари отила бошлади... Шарафли

жиҳати шундаки, XX аср аввалидан бошлаб, яъни қарийб юз йил деганда илк бор шоир ўзига ўзи тегишли бўлмоқда, илк бор у ўзи хоҳлаганча кўнгил розини тўкиб солиш ҳаққига эга чиқмоқда ва амалда у ўз ҳуқуқидан истифода этмоқда. А.Маҳкам, Э.Шукур, Б.Рўзимухаммад, М.Юсуф, А.Қутбиддин, Р. Раҳмат, Фахриёр, В. Файзулло, А.Саид, З.Мирзо, Ҳ.Аҳмедова, Ф.Камол, Х.Рустамова, Г.Бегим каби шоирлар ижодидаги ранг-баранглик айнан ўша ҳуқуқларнинг мевасидир. Б.Рўзимухаммад шеърларини ўқиб кўринг. Уларда фуқарони бирон бир буюк ишга даъват қиладиган ҳеч қанақа оташин чақириқ йўқ, ҳатто пичоққа илингулик бирон ижтимоий ғоянинг ўзи ҳам кўзга ташланмайди. Лекин бу шеърят барибир биз ҳақимизда, инсон ҳақида, унинг тубсиз кўнглининг адоқсиз сиру синоати ҳақида. Ёки Зебо Мирзо битикларини олинг. Айниқса, унинг 2005 йилда чоп этилган "Нур кукунлари" деб номланган мўъжазгина китобини мутолаа қилинг: ҳижрон, ҳижрон ва яна фақат ҳижронни куйлайди бу шеърлар. Гарчи ҳижрон туйғуси умуминсоний бўлса ҳам йигирма йил олдин бошдан-оёқ ҳижрон мадҳ этилган шеърлардан таркиб топган тўплам аввало, дунё юзини кўрмас эди. Мабода бахтли (у пайтлар бахтсиз!) тасодиф туфайли кўриб қолса, партия йиғилиши ёки бошқа шунга ўхшаш бирон "жиддий" мажлисда шоирни сентименталлик балчиғидан олиб жамиятнинг порлоқ келажagini кўролмайдиган, қобилига ўралиб қолган худбинлик ботқоғига тикишган бўларди. Ўқувчилар ва ҳатто адабий танқидчилар орасида ҳалигача шундай фикрлайдиганлар мавжуд ва улар аҳён-аҳёнда бадий асарларни ўтмишнинг ана шундай мафкураравий кўзойнаги орқали таҳлилу-тадқиқ этиб, ҳукмнамо хулосаларини чиқараётган бўлса-да, шукрлар бўлсинким, ўз кўнглидаги ғоят интим кечинмаларни тўкиб солгани учун, "йиғлоқлик" қилгани учун шоирни ҳеч ким ҳибсга олаётгани, дорга осаётгани йўқ. Айни пайтда, истиқлол даври шеъряти фақат кўнгилнинг интим кечинмаларини куйлаш билан чегараланиб қолгани ҳам йўқ. А.Орипов, Т.Махмуд, С.Сайид, И.Мирзо, М.Мирзо каби ўнлаб шоирлар ижодида она-Ватан, ўтиб кетган улут бобока-

лонлар, миллий гурур, урф-одат мадҳи ўзбекнинг ҳеч кимдан кам эмаслиги... мавзулари анча баланд пардаларда тараннум этилмоқда...

Истиқлол даври шеърятининг бошқа бир жиҳати, субъективизм меъёрининг ошиб кетишидир. Эҳтимол, бундай дейишнинг ўзи бироз эриш туюлади. Чунки ўзбек поэзияси XX асрнинг 90-йилларигача деярли айнан шу нарсага эҳтиёж туйиб келган эса-да, субъективизм адабиётимизда кўрина бошлагандан 15 йил кейин "субъективизм меъёри ошиб кетди" дея ёзғирсак, албатта гаши-миз келади-да. Лекин, на чора, ҳақиқатнинг кўзларига тик қараш керак. Шундай қилинганда, аён бўлган бор гап шундан иборатки, 90- ва 2000-йилларда фаол ижод қилаётган кўпчилик шоирларимиз ижодида сўзнинг ҳақиқий маъносида ўз субъектив дунёсига маҳлиёлик мавжуд. Унинг учун фақат ўз олами ва бу оламда ўзигагина алоқадор дардлари бор, бошқа ҳеч ким ва ҳеч нарса шоир кўнглини безовта қилишга қодир эмасдек. Албатта, бу билан биз шоир ўз оламини ифода қилмаслиги керак, демоқчи эмасмиз. Бизнинг таъкидлаб айтмоқчи бўлаётганимиз, шоир кейинги 15-20 йил мобайнида бир қадар кичрайиб бораётгандек, "майдагап"га айланиб қолаётгандек. Солиштириш учун бир-икки мисол келтираман. Адабиётимиз тарихига назар ташлаймиз. Чўлпонни, Ҳ.Олимжонни, Ғ.Ғуломни, берироқдаги А.Орипов, Э.Воҳидов, Р.Парфию, Ш.Равҳмонни эслаймиз. Улар ёзган, қаламга олган мавзуларни ёдга оламиз. Чўлпон озодликни, истиқлолни куйлади. Бу халқ дарди эди, бироқ Чўлпон шу дардни ўзиники қилиб олди, гўё миллат қайғусини ўз бошига тилаб олгандек. Кўпнинг орзу-армони шоир "мен"ида персонификация бўлди. Натижада Чўлпон юраги озодлик учун қайғурган, қон тўккан халқнинг қалбига айланди. Унинг шеърларини ўқиб туриб, хаёлга ҳеч қачон "бу кўпчиликнинг, бировнинг дардини куйлаяпти" деган ўй келмайди, аксинча, шоирнинг ягона ва энг муқаддас дарди айнан Истиқлол бўлганига шубҳа қилмайсан, киши: яъни Чўлпонда якка шахс-шоир ва кўпчилик - умумхалқ дарди, орзу-армони тенглашган:

*Ай! Сен мени ҳақир кўрган, тубан деган афанди!  
Ай! Устимда бир умрга хўжа бўлмоқ устаган,  
Ай! Бўйнимга кишан солиб, ҳалокатга суграган,  
Кўзларингни заҳарлатиб ўйнатмағил, бас энди!!*

*Кишанларинг занг босгандир, сергак бўлким, узулур,  
Томиримда кўзғолишнинг ваҳший қони гупурди.  
Эски фикр, анъаналар энди буткул узулди,  
Ё битарман, ёки сенинг салтанатинг бузулур!*

*Ай! Сен, мени қул ўрнида ишлатувчи афанди!  
Титра, кўрқ-ким, боғлиқ қулинг бош кўтарган куч энди!..*

Ҳ.Олимжоннинг Ўзбекистон шеърида, Ғ.Ғуломнинг "Сен етим эмассан", "Соғиниш", "Кутиш", "Вақт" каби шеърларида ҳам шунга яқин ҳолни кузатиш мумкин. 60-йилларга келиб эса шоир "йиғлай" бошлади. Қарангки, бу йиғи халқнинг бўғзида қотиб турган экан. Бошқача айтганда, шеъриятга мунг кириб келди ва у кўпнинг юракларидаги тошнинг эришига ёрдам берди. Ёки 70-йиллар авлоди шеъриятидаги адолатга ташналикни эслаб кўринг. Буларнинг ҳаммасини шоир тўқиб ёзгани йўқ. Булар - Истиқлол, мунг, адолатпарварлик... аввало, халқнинг бир бўғини - шоир шахсиятида пишиб етилди, сўнг табиий нидо бўлиб, атрофга ёйилди. Афсуски, ҳозир том маънода ана шундай шоир йўқ. Яъни истеъодлар кўп бўлишига қарамай, шоир мени ва халқ иродаси ўзаро бир жойда тенг келган, бир-бирига пайвандланиб, уйғунлашган, натижада битта кучга айланган шеърий ҳодиса кузатилаётган эмас. Хўш, нега? Чунки, совет империяси қўлаб, юртимиз мустақил бўлгач, мамлакатда (худди собиқ Иттифоқнинг ўзга республикаларида бўлганидек), ўзга ижтимоий-сиёсий, маданий-психологик кайфият бошланди. Аввалги ягона ҳукмрон синф - "ишчи меҳнаткашлар" ўз қобилигини ёриб чиқиб, кўздан-кўп ва хилма-хил моддий ва маънавий даражага, кайфиятга мансуб табақаларга бўлиниб кетди. Оқибатда, жамиятда турли-туман кайфиятдаги қатламлар пайдо бўлдики, бу собиқ Иттифоқ давридаги

ягона синфнинг деярли бир хил кайфиятидан тубдан фарқ қиларди. Шоир эса... шоир битта. У бир пайтнинг ўзида ҳамма қатламларнинг бир-биридан кескин ажралиб турувчи кайфиятини ифодалай олмайди. Кўринадики, шоир ҳар қанча тиришиб, кўп ёзгани билан ўзи яқин бўлган қайсидир қатлам нуқтаи-назарини ёрита билади, холос. Бу - **биринчидан**.

**Иккинчидан**, мамлакатнинг дунёга очилиши билан бирга, ҳаётимизга ҳамма соҳада жадал суръатда янги техника кириб келди: замонавий автомобиллар, уяли телефонлар, компьютерлар, DVDлар ва ҳоказоларнинг турмушимизга, яшаш ва фикрлаш тарзимизга таъсири мисли кўрилмаган даражаларга етди. Кўп ҳолларда шоирнинг табиий, лекин заифгина овози юқоридаги саналган ва саналмаган техниканинг сунъий, аммо жуда баланд нотадаги жаранги ичида йўқолиб кетди. Замондош инсоннинг фикру ёди энди бутунлай бошқа нарсалар, ўзга дунёлар билан банд бўлиб, шеърга, адабиёт ва санъатга жуда кам ёки ҳеч қандай вақт ажратмай қўйди. Кўринадики, шеърни ўқилмаган шоир ўз-ўзидан жамиятга, одамларга таъсир кучини йўқотиб, маълум маънода ўзи билан ўзи "ўралашиб" қолди. Субъективизмнинг кучайганлиги, шоирнинг фақат ўз кўнгли билан тиллашишга интилаётгани сабабларидан яна бири - шу!

**Учинчидан**, собиқ Иттифоқ даврида "дин - афъюндир!" дея атеистик сиёсат юргизилган, натижада одамлар юрғидаги илоҳиётга бўлган ишонч, интилиш маълум маънода адабиёт ва санъатга томон йўналтирилган эди. Тўғрироғи, улар ўша эҳтиёжларини китобдан, адабиёту санъатдан топмоқчи бўлардилар, маълум маънода топардилар ҳам. Демак, бу ўринда адабиётнинг жамиятдаги, одамлар ҳаётидаги аҳамияти ортиб, муқаддаслик касб этганди. Иттифоқ парчаланиб, ҳар бир республика ўз ихтиёрига эга бўлгач, мамлакатда динга йўл очилди, одамлар эмин-эркин диний маросимларини, кундалик фарзларини бажара бошладилар. Натижада адабиётдан дин "ажралиб" чиқди. Худди шунингдек, аввал адабиёт-санъат рамзий маъноларда бўлса ҳам ҳақиқатни айтиш майдони эди. Кейин адабиёт зим-

масидаги бу ишни публицистика бажара бошлади. Адабиёт янада "кичрайди". Шу тахлит адабиётдан, шеърятдан бирин-сирин қўшимча кучлар ўз "юрти"га учиб кетди ва у ўз "уйи"да ёлғиз қолди. Хўш, бу нимани билдиради? Илгари диний эҳтиёж туфайли шеър, роман ўқиган ўқувчи энди тўғридан тўғри диний адабиётни, ижтимоий адолат қидириб санъатга бош урган ўқувчи эса шеър, қисса воситачилигисиз турли мақола ёки бошқа публицистик адабиётни мутолаа қилишга киришди.

**Тўртинчидан**, тамаддун суръати ва табиати бутун дунё халқлари орасида тамомила ўзгача бир кайфиятни вужудга келтирди. У ҳам бўлса, инсон мавқеи, соғлиғи, тирикчилигининг ниҳоятда омонат эканлиги, улар қайси бир давлатлар раҳбарларининг келишмовчилиги ёки қайбирларининг ногуманистик сиёсати туфайли ва ёхуд экологик муаммолар, табиат инжиқликлари, хусусан, тўфонлар, бўронлар, зилзилалар оқибатида бутун-бутун шаҳар ё қишлоқлар тақдири кўз очиб юмгунчалик фурсат ичида ҳал бўлиб қолишининг шоир психологиясига таъсири билан белгиланади. Бунинг оқибатида инсоният абадий қадриятлар ҳақида эмас, бугунги омонат ширин жони тўғрисида кўпроқ бош қотиришга мажбур бўлмоқда. Шоир-чи? У осмондан тушган фаришга эмас, шоир қалби замин устида неки содир бўлаётган бўлса, одамлар ҳаётида, онгида, кайфиятида нимаики яхши-ёмон юз бераётган эса ҳаммасини ўз ойнасида акс эттиргувчи шаффоф ва ҳассос борлиқ бўлиб, гирдоблар марказида қолиб кетмоқда. Чинакам шеърят эса одатда мангу қадриятларга ошно бўлгандагина ўз қудратига эга бўлади...

Хуллас, қидирса, сабабларнинг бешинчиси ҳам, ўнинчиси ҳам топилади, албатта. Лекин, ўйлайманки, белгилоччи асосийлари юқорида саналганлардир. Маълум маънода бугунги шоир - истиқлолимиз даврида ижод қилаётган санъаткор, тўрт қатор шеър ёзиш учун, аввало, ана шундай сабаблар - ижтимоий-психологик муҳит тўсиқларини енгиб ўтиши керак ва енгиб ўтиб қалам тебратаётган жасорат соҳибларидир.

Истиқлол даври адабиёти, хусусан, шеъряти борасида



сўз юритганимизда кейинги 15-20 йил мобайнида тобора ўз мухлислари меҳрини қозониб бораётган модернистик шеърият устида ҳам тўхталмак жоиз. Чунки ХХ аср аввалдан бери шеъриятимиз асосан бармоқ вазнида, ҳамда қисман арузда ўзини намоён этиб келган эди. 70-80- ва айниқса, 90- ва 2000-йилларда анъанавий поэзиядан ҳам ифода усулига кўра, ҳам мазмун-моҳиятига кўра етарлича фарқланиб турувчи шеърий йўналиш пайдо бўлиб ва ўз ўрнига эга бўлиб улгурди. Аслида, бундай шеърлар ўша Чўллонда, кейинроқ Асқад Мухтор, Рауф Парфилар ижодида ҳам мавжуд эди. Бироқ шаклланаётган йўналиш сифатида у 90- ва 2000-йилларда ўзини кўрсатди. Бу йўналишнинг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборатдир:

- воқеабандликдан, тасвирдан, баёндан деярли воз кечиш ва бунинг ўрнига метафора ва деталларга урғу бериш;

- сиқиклик;

- бутун ҳақида парча орқали маълумот етказиш. Чунончи, биргина ғамгин кўзлар ифодаси орқали инсоннинг бутун-бутун ҳолатлари, кечинмалари, орзу-армонлари... тўғрисида ҳикоя қилишга уриниш;

- шоир "мен"и учун кўнгилининг, унинг ҳолатию "дунёга қараши"нинг бирламчи эканлиги;

-шаклда ўзига хослик. Ёки шаклда шаклсизлик, деса ҳам бўлади. Албатта, модерн шеър ҳам ўзига хос ритм ва бошқа муайян қоидаларга амал қилсагина юқори таъсирлилиқ даражасига эришмоғи бор гап. Лекин унинг учун муҳими - шакл эмас, бу шеър ғояни шаклга эмас, балки шаклни ғояга қурбон қилиб юборади ва ҳоказо...

Истиклол даври шеърияти ифода усулига кўра ҳам турли-тумандир. Фикримизча, шулардан асосийлари бештадир:

1. Анъанавий бармоқ
2. Халқона оҳанг
3. Аруз
4. Модернистик оҳанг (ёки оҳангсизлик)
5. Синкретик (қоришиқ) ифода усули...

Албатта, бундай таснифлашнинг қаеридадир баҳсталаб ўринлари, мулоҳазали жойлари бўлиши мумкин. Лекин

муҳими, мазкур мўъжазгина тадқиқотимиз шуни кўрсатмоқдаки, Истиқлол даври ўзбек шеърляти бу фойдали ёмғирдан сўнг потраб ўсиб чиққан кўзиқорин эмас, аксинча, асрлар давомида тинимсиз ўзгариб-янгиляниб келётган ўлмас жараённинг қонуний бир узви бўлиб, ўзида жуда катта ва кўпдан-кўп тажрибаларни жамлаган ғоят мураккаб ва бебаҳо санъатимизнинг бир бўлагидир. У шуниси билан ўзидан аввалги барча даврларга ҳам ўхшайди, ҳам ўхшамайди. Ўхшаш жиҳати - ўша даврлар шеърлятидан ўсиб чиққан, бинобарин, уларнинг энг яшовчан унсурларини ўзига мерос қилиб олган. Фарқли жиҳати - дунёга кенг очилган жамиятнинг, хусусан, унинг бир аъзоси ҳисобланмиш шоирнинг озод тафаккурини ўзида акс эттиради. Шунинг учун у турфа моҳиятга эга. XX аср аввалидан ибтидо олган янги ўзбек шеърляти ҳам якрак эмас эди, бироқ, барибир, у умумий яхлит ғояга қайси бир жиҳатлари билан бўйин сунади. Бугунги шеър кечаги ижтимоий-сиёсий, мафкуравий битиклардан фарқ қилиб, бу - субъект нидоси, шахс бўлиб етишиш йўлидаги Шоир ҳайқирлиғи. Унинг кучли ва ожиз томонлари шу ерда мужассам...

## ШЕЪРДАН ШЕЪР ИЗЛАБ

### 1.

Яқинда яқин дўстим билан тагин шеърият тўғрисида гаплашиб қолдик. Қаердадир баҳслашдик, қаердадир ҳам-фикр чиқдик. Суҳбатимиз орасида у "ҳа, шеърдан шеър изламоқ керак" деди.

### 2.

Бугун шундай даврда яшайпмизки, гўё ҳамма ҳамма нарсани қилиши мумкиндек. Фақат ўша "ҳамма"ни керакли жойда керакли ахборот билан таъминлаш, қадам ба қадам "тарбиялаш" лозимдек. Давримиз адабиёти, хусусан, шеъриятида ҳам тахминан шундай ҳол ҳукм сурмоқда. Шунинг учун бугун шоирман деган жуда кўп, қошу кўзи жойида, оёқ ва қўлида бештадан бармоғи мавжуд шеър ҳам тикилиб ётибди. (Энди туғилган чақалоқнинг юз кўзига ҳамда қўл ва оёғидаги бармоқларига қараб туриб, дўхтирлар "нуқсонсиз" ёки "нуқсонли" деб айтишини эсланг!) Фақат рисолалардагидек шоир камёб, рисолалардагидек шеър, қайсики нафақат оёқ ва қўлида бештадан бармоққа эга, айни замонда мағзи бутун, парвози кўзларни тиндириб юборадиган баланд шеър оз. (Эҳтимол, шунинг учун ҳам дўстим шеърдан шеър қидираётгандир... билмадим...)

Бунинг сабабларини қидириб топиш нафақат санъатнинг бугунги долзарб муаммоларини бир қадар тушунарли қилади, айни чоғда тамаддуннинг ҳозирги босқичи мураккаблиги табиатини, бунга боғли равишда турланиб бораётган инсон қалби товланишларини ҳам ўқувчига кўрсатиб беради. Чунки авваламбор, инсоният ахборот асри деб аталмиш ўта чигал бир оламга кириб келдики, шунинг ўзида биз айтмоқчи бўлган важлар қат-қат бўлиб ётибди. Мазкур асрнинг ўз феъли атвори бор. У жуда инжиқ,

тезкор ва бешафқатдир. Унга салаф юзликларнинг бағрикенглигию сентименталлиги, кўнгилянлигию садоқатлиги, адолатпарварлигию мулозаматкорлиги анчайин ёт. Бу борада унинг ўз нуқтаи назари мавжуд. Хуллас, ахборот асри ўз фарзандларини тарбиялаб вояга етказаётир. Унинг дастлабки авлодининг сочига ҳам алақачон оқ ора-лаб қолган. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг, мана шу муҳитда ўсиб унган шоирдан нимани кутиш мумкин? Айниқса, у фақат ўз даврининг фарзанди бўлса, ўтмиш ва келажакни бугуннинг бағридан туриб ҳис этолмаса. Тасаввур қилиб бўлдингизми? Демак, бундай ижодкор (хоҳ шоир, хоҳ рас-сом бўлсин) фақат ва фақат ўз замонасининг биқиқ туй-нигидан кўрганларинигина ифодалашга қодир. Ундан кат-тасига, ундан бошқасига ярамайди. Чунки давр ижодко-рининг бошқа айтадиган гапи йўқ...

### 3.

Ҳақиқатнинг кўзига мана шу янглиғ тик қарайдиган бўлсак, аён бўладики, бугунги шоир туйғудан ёруғлик тез-лигида узоқлашиб бораяпти. У ҳеч тап тортмай ўз ақли чегараларини юрагига қадар кенгайтирди. Энди унинг юраги худди ахборот асрига ўхшаб нафас ола бошлади: бозори касод бўлган туйғу "ишлаб чиқариш"ни тўхтатиб, ўзи вассал бўлган ақд чирмандасига ўйнашга тушди. Бугунги айрим олимлару адабиёт ихлосмандлари фашини келтириб бошқаларини эса маҳлиё этиб "пайдо бўлган" ва шарафли юришини давом эттириб бораётган модернмоа адабиёт, жумладан, шеърийат кўп жиҳатдан ана шундай табиатга эга. Қулофингизни тугсангиз, эртага уялиб қол-маслигингизга ёрдам берадиган кичик ҳақиқатни шивир-лайман: туйғулими, туйғусизми, яхшими, ёмонми, бун-дан қатъи назар, ушбу йўналишга қарши чиқиб, уни "Бу-тун Шарқ мусулмонлари" га ёт дея, карнай чала кўрманг. Чунки, эҳтимол, сиз лотергия уйқусига чўмгандирсиз, ле-кин ташқарида ахборот асри ва у ирқию динидан қатъи назар барчани ўз бағрига олган. Эртами-индин, гафлат-нинг кунни битиб, мобода уйғониб қолсангиз, ўзингизни кимсасиз оролдан топиб, ҳайрон бўласиз йўқса. Сабоби,

яна ўша ахборот асри модернома адабиётни тушунадиган ўқувчини ҳам шакллантириб улгурди. Лекин шундоқ атрофингизда ўсиб унаётган сизга "бегона" ўқувчилар лашкарини бугун пайқамасликка, кўрмасликка ва ниҳоят, менсимасликка тиришасиз. Энг ёмони - кўзингизга ўзингиздан ўзгаларнинг барчаси ноҳақ бўлиб туюлаверади... Ҳолбуки... ҳолбуки кўчада сиз тан олмаган, айни чоғда сизни ҳам назарига илмайдиган ЗАМОН ҳукм суради...

#### 4

Инсон у ҳар қанча кучли, қудратли бўлмасин, жуда кўп томондан ўз замонининг фарзанди бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам боболар ва оталар, оталар ва болалар ўртасида мудом зиддият, бири иккинчисини тушунмаслик ҳоллари содир бўлаверади. Бу табиий жараён. Чунки уларнинг ҳар бири ўз даври таврига суяниб иш кўрадилар-да. Даврлар эса бир биридан фарқ қилади.

Энди ижодкорлар масаласига келсак, улар ҳам, асосан, ўз замонларининг тилмочларидир. Кўпчилик ўқувчи учун энг зўр шоир ёки энг зўр кўшиқчи ҳамиша ўз замони шоири ёки кўшиқчиси бўлиб чиқиши бежиз эмас. (Истиснолар бўлади. Лекин биз умумий кўпчилик ҳақида сўз юритаяпмиз). Чунки умумий инсоний дард ва қадрият мавжуд ҳамда уларнинг адабиёт ёки санъатнинг исталган бошқа кўринишидаги энг тушунарли инъикоси ўқувчи учун айнан ўз замони ижодкориники ҳисобланади. Чунки замоннинг шоири ёки кўшиқчиси замоннинг фарзанди гапирган тилда ҳамда уларга энг тушунарли усул ва ишораларда куйлайди-да. Шунинг учун ҳам ҳар бир давр ўз Миколенджелосию Сальвадор Далисига, Сервантесию Навоийсига, Алла Пугачевасию Шерали Жўраевига эҳтиёж туяди. Алоҳида олинганда ҳар қандай улуғ даҳо ҳамма даврларга бирдек хитоб қила биладиган омма севимлиси бўлолмайди. Чунки унинг асарларида тараннум этилган қадриятлар ҳар қанча оламшумул ва умумзамон бўлмасин, барибир у ўз замонининг белгилари орқали ифодаланган бўлади. Бинобарин, янги замоннинг янги авлоди учун ўша оламшумул қадриятлар ўз замонининг белгила-

рида ифодаланган асарлар лозим келади. (Мумтоз адабиётнинг айрим намуналари айнан шу эҳтиёж туфайли таълиф этилади). (Эсланг: Муқаддас китобларда йигирма тўрт мингдан ортиқ пайғамбар келгани айтилади. Нега энди ҳамма замонларга битта жўнатиб қўйилмади? Сабаби яна ўша. Энди Муҳаммад пайғамбардан кейин бошқа пайғамбар юборилмаслиги билан жараён тўхтаб қолмайди. Чунки ҳар бир даврнинг охириги пайғамбар – Муҳаммад алайҳиссаломнинг айтганларини талқин қилиб берадиган улкан алломаларга эҳтиёжи бор ва улар шу эҳтиёж туфайли етишиб чиқаверадилар).

## 5.

Замона белгиларини излаш адабиётда модернча усулни пайдо қилди. Турсун Али шеърятимизнинг ана шундай "сувда чўкмас, ўтда ёнмас" йўналишларидан бирининг бугунги кундаги таниқли вакили. Унинг ҳам шеърларида туйғудан кўра ақлнинг ўрни, хизмати кўпроқ. Агар сизнинг кайфиятингиз янгилашиб бораётган давримизнинг кайфиятига ҳамоҳанг тушмас экан, Турсун Али ва унга ўхшаш замонамизнинг ўнлаб шоирларини тушунмайсиз. Бинобарин, асабингиз бузилмаслиги учун улардан узоқроқ "юрини"ни тавсия этаман. Мабодо, тушунсангиз яхши - шоир дунёсига баробар кирадиган бўлдик, дея қувонаман.

Шундай қилиб, Турсун Али! У жуда кўп ёзади. Бу - ижодқорнинг тириклигидан, қалами занглаб қолмаётганидан далолат. (Таёқнинг иккинчи томони - ўқувчига ҳам раҳм қилиш зарур - ҳазил).

Яқинда унинг (2005 йил) "Сокин ҳайқириқ" номли навбатдаги шеърлар тўплами "Шарқ" нашриётида босилиб чиқди. Бежирим муқоваланган тўпламни ўқиш асосида шундай хаёлларга бордим: бугун шеърни қандай тушгуниш ва талқин қилиш лозим? Ҳар доимгидек, битта шеърни ўқиб, сўнг уни "майдалаб", шоир ундоқ демоқчи, бундоқ демоқчи дея, қуйироқда шеърнинг мусбат ва манфий томонларини тарозута қўйишга уриниш бугун бир қадар эскирмадимикан? (Гарчанд ўрни билан келганда ҳар қандай усул ҳам ўзини оқласа - да ). Энди маълум бир давр-

да ёзилган ва шоир ички дунёсини акс эттирган шеърлар силсиласи моҳиятини англаш ҳам англашиш зарурроқ эмас-микан? Чунки битта шеър кайфияти ҳар доим ҳам шоирнинг ўзиники бўлмайди: ундан-бундан йўл-йўлакай таъсирланиш ёки ўзлаштириш ва ҳатто ўғирлаш ҳосиласи бўлиши мумкин. Бир нечта ёки ўнлаб шеърлар занжири эса бу - шоирнинг ўз дунёсининг маҳсули эканлигига шубҳа туғдирмайди. Бинобарин, тадқиқотчи ана ўша занжир ҳалқалари орқали шоирнинг ботинига тушиб, унинг нисбатан турғун кайфиятларини ўрганиб, унга баҳо бера олади. Ҳа, ижодкорнинг аслида қандай бўлганлигини айнан мазкур кайфиятлар моҳияти рўйи рост фош қилиши мумкин. Чунончи, Турсун Алида болалик, болалиги ўсган қишлоқ уй, болалигида бошини силаган эна (буви) ҳақида бутун бошли шеърлар галарейси мавжуд:

*Болалигим кечган ҳовлига  
булутдек булутдек ўрик гарахтлари  
ўсарди қуёшга очиб қулочларин кенг.  
Болалигим учар эди  
ўшал ўрик шохига арғимчоқ солиб.  
Орзулари ҳам учарди арғимчоқга!  
Ўшанда шоир бўламан машхур,  
пойтахтда яшайман,  
гер эди қичқира қичқира Болалигим.  
Ўша бола орзулари оғушида яшаётир шаҳарда.  
Энди унинг юрагида  
ўшал олис қишлоқ,  
қишлоқдан-га олис  
Болалиқ,  
арғимчоқ учаётир  
қанотлари кесилган қушдай  
талпина-талпина*

Шоир юрагида қанотлари кесилган қушдай талпина-талпина арғимчоқ учаётган Болалиқ Турсун Алининг сўнгги йиллар мобайнидаги энг турғун кайфиятидир. Йўқса, у болаликка бағишлаб, уни соғиниб, унга талпиниб ўнлаб,

йигирмалаб шеър битмасди. Болалик Турсун Али юрагида битмай ётган шундай жароҳатки, шоирнинг ҳар бир шу мавзудаги шеъри ана шу ярага малҳам кўйишга қаратилган хаёлий уринишдир. Нега хаёлий? Чунки болалик - инсон умридаги жаннат! У яшаб ўтилган ва қайтиб келмас палла! Киши ёши тобора улғаяр ва турмушнинг кўнгилни оздириб юборадиган торкўчаларида ҳолдан тояр, қурбдан қолар экан, беихтиёр қайрилиб, ўша жаннатни қўмсай бошлайди, унга талпинади, ҳатто кўзёшлар тўқади. Чунки баъзан чинга, баъзан ёлғонга кўмилиб ўтаётган "балоғат" умри беғубор ва беғараз болагиги олдида "ҳеч нима!" эканлигини йил сайин, ой сайин, ҳатто кун сайин чуқурроқ ҳис қила боради:

*Балки юз йил...*

*Балки минг йилдан кейин*

*Туғилган юртимга бордим энтикиб.*

*Навниҳол болалигим бўй чўзган толкўчага*

*Бармоқлари узун-узун толлар дўстларим.*

*Мен билан бўйўзар ўйнаган бўйетган*

*терақлар*

*Йўқ эди,*

*Йўқ эди,*

*Йўқ эди...*

*Кўзларим жавдираб етимдай,*

*Ичимда нимадир чирт этиб узилар.*

*Болалигим кечган толкўча*

*Ўксук кўзларимга чиқади қалқиб.*

Йиллар ўтган, катталар ҳаётининг "ҳазми оғир тош"лари инсоннинг кўнгил меъдасига ботган сари узоқларда қолган жаннат - болалиги унинг ўксук кўзларига қалқиб чиқади, чиқаверади... Шунинг учун ҳам шоир шеърини меросининг қарийб чорак қисмини ташкил этган бу янглиғ шеърлар моҳияти, ёзилиш сабаблари ортиқча изоҳга ҳожат қолдирмайди.

## 6.

Турсун Алининг шоирлик сийратини очиб берадиган бир даста шеърлар Ватан мавзуйига бағишланади. Лекин уларнинг ҳаммасида ҳам "Ватан" сўзи, одатдаги оташин



ва ёлқинли хитоблар иштирок этмайди, шунга қарамасдан шеърлар Ватан ҳақидадир:

*Уйимдан узоқда  
биноқ  
яшайман уйимда*

"Ватан" сўзи қатнашган ушбу шеър парчаси ҳам ялтироқликдан ҳоли:

*Ўлмайсан,  
Жасадинг кўмилса Ватан тупроғига!*

Қаранг, Ватанни улуғлашнинг қандай ажойиб, ўзига хос йўллари бор экан!

Эътибор беринг, "Болалик" ва "Ватан" мавзуси. Булар шоир ижодида ҳақиқатан ҳам салмоқли ўринга эга. Бу бежизга ўхшамайди. Чунки синчиклаб кузатилса, Турсун Али ижодида бу икки тушунча бир-бирига қоришиб кетган. Шоирнинг Ватани бизнинг ҳам Ватанимиз. Бироқ шоир учун Ватан ўзи туғилиб, киндик қони тўкилган жойдан бошланади. Балки унинг ниҳояси ҳам яна ўша ердир. Бироқ шу икки - ибтидо ва интиҳо нуқталар орасига бутун-бутун дунёлар сиғиб кетади.

Яна бир гап: шоир учун беғубор болалиги ўтган жой - кафтдеккина қишлоқ бепоён дунёларни ўзига жо этган Ватаннинг маркази, таянч нуқтасидир. Яъни шоир Ватанида унинг болалиги, болалигида эса Ватани яшайди...

Бироқ назаримда, Турсун Али ҳамма шеърларида ҳам ўқувчини мувозанатдан чиқара оладиган улғунинг етарлича гўзал ифодасини тополган эмас. Шоиримиз мени маъзур тутсину лекин унинг "Сокин ҳайқириқ"қа кирган талайгина шеърлари мўлжалга урилмай ёнбош кетган пайконларни эслатади:

*Қуёшга тикиламан узоқ,  
Ойга тикиламан уйғоқ,  
Бироқ  
Сенга тикилсам  
Юрагимда уйғонар чақмоқ.*

Бу нима дегани? "Қуёш ва ойнинг бирига узоқ, бирига уйғоқ тикилди му ичимда ҳеч қандай ўзгариш сезмадим. Бироқ навбат сенга келганда юрагимда чақмоқлар уйғонади," дейишнинг нима маънисию қандай сеҳри бор? Биринчидан, қуёшга узоқ тикилиб бўлмайди (магар шоиримизда махсус куйдирилган ойна бўлмаса), иккинчидан, ойга уйғоқ тикилиш нима эканлигини яхши тушунмадим. Одатда, бирон нарсага ёки кишига тикилганда инсон уйғоқ бўлади. Уйғоқлик тушунчаси "тикилиш" сўзининг қонида оқади. Ахир биз "кўзим кўрди" демаймиз-ку! Кўзнинг иштироки "Кўрдим" да мавжуд. Қолаверса, "Сен" ой ва қуёш хилидан эмас. "Сен" - шоирнинг хилидан. Шунинг учун ҳам қуёш ва ойга тикилганда уйғонмаган чақмоқлар "сен" га тикилганда уйғонса, бунинг чапак чаладиган жойи йўқ! Бир сўз билан айтганда шеърда ҳаётий мезонларга риоя этилмаган. Ҳаётий ҳақиқат меёрлари сақланмаган жойда бадий ҳақиқат тўғрисида гап ҳам бўлмайди...

Назмда "кўнгил шеърляти", "интеллектуал шеърлят" деган айирмалар бор. Бироқ шеър ҳар қанча хилларга бўлинмасин, барибир, у муайян илҳомнинг, қиёмига етган ақл ва кўнгил кайфиятининг меваси бўлиши керакка ўхшайди. Фақат таассуротгина, ақл ё кўнгилда "йилт" этиб ўтган фикргина шеърни "қутқара" олмайдигандек туюлади менга. Бу гапни бошқачароқ айтай: одатда шоирлар илҳом маликасини кутиб яшайди, деган ибора юради одамлар ўртасида. Лекин Турсун Али илҳом парисини кутиб, вақтни бекор ўтказиб ўтирмайди. Унинг ўзи хоҳлаган пайтда, хоҳлаган қиёфада илҳом парисининг эшигини тақиллатиб бораверади. Турсун Алининг бисёр ижоди, назаримда, шу билан белгиланади. Биргина мисол, шоир ҳайвонот боғига кириб қоладию у ердан олган таассуротини қоғозга тўқади. Натижада бешта ҳайвон ва учта қушга бағишланган, жами бўлиб саккизта "шеър" дунёга келади. Келинг, биттасидан сиз ҳам баҳраманд бўлинг:

*Булбул,  
Нега жимсан,  
Сайрамайсан жўшиб,  
Сўлим боғлар эркаси булбул?*

*Маъюссан кўнглинга нелардир туюб,  
Йўқми ёҳуд бу жойларга гул?*

Шеърда акс этган кайфият ҳам, мазмун-маъносидан тортиб унда қўйилаётган саволлар ҳам худди қофиясидек (булбул - гул) жуда кўп "чайналган" эмасми?.. Шундай шеърларга дуч келганда баъзан ўйлаб қоламан, хўш, бунинг нимаси модерн?.. (Эҳтимол, юқорида бир-икки ўринда "модернома" калимасини ишлатиб тўғри қилгандирман. - Камтарликдан киши ўлмайди, дейди руслар).

Ҳа, Турсун Алининг ижоди ана шундай қарама-қарши кайфиятлар берадиган бурилишларга тўла. Лекин шуниси аниқки, нима бўлганда ҳам бу шеърият дунёни янгича бадий эстетик идрок қилиш йўлида туғилаётгани кишини қувонтиради. Чунки шоир замон кайфиятини ҳис қилиб, шу кайфиятни "таржима" қилиб келаётир...

## 7.

Мана, ниҳоят, мақоланинг ҳам якунига етдим. Бироқ ҳалиям ўша эски дўстим билан шеър тўғрисидаги баҳсимнинг адоғи йўқдек. Шу кафтдеккина мақола устида ҳам неча бор "сан-ман"га бордик, "яхши-ёмон" бўлдик. Ана у, тўхта, ўзингни қўлга ол, бориға шукр қилишни ўрганиш лозим, дейишимга қарамай, оғзига келган ҳақоратларни менга сочиб кетиб бораяпти: "Сен келишувчилик, юз-хотир йўлини танладинг. Аслида, шеърият тобора майдалашиб, худбинлашиб кетаяпти. Илгари вульгар социологизмдан безор эдик, энди эса саёз эгоизмдан безиб кетдим. Катта ҳақиқатни куйлайдиган катта шоирлар ҳақида гаплашайлик, десам, нуқул баҳоналар тўқиб чап берасан. Ўргилдим сендақа тарафкаш дўстан! Бунақада менинг бир ўзим кетаман "Шеърдан шеър излаб!.."

Қўрқманг, бу — дўстимда тез-тез бўлиб турадиган қизикқонликнинг навбатдаги "юриши"! Бир муддат ўтгач, у ўзининг бутунлай ҳақлию менинг эса томоман ноҳақ эмаслигимни тушунгач, яна кўнгил сўраб қайтиб келади. Бироқ бошқа қайтиб келмаса-чи, деган ташвиш ҳам ботинимга таҳдид солиб туради...

2005.

## ЁШЛАР ШЕЪРИЯТИДАГИ ЎҚ ИЛДИЗ...

Шоир ва бадий маҳорат муносабатида ғалати парадокс мавжуд; шоирлик асосан ва моҳиятан ёшликка хос давр, бадий маҳоратнинг камоли эса (савқитабий интуициядан ташқари) кўпинча улғайиш билан, кўп ва хўп ўқиб-ўрганиш билан, тажриба билан боғлиқ бўлади. Бошқача айтсак, болалик палласида одамзот анчайин беғубор, самимий, унинг оловли туйғулари ҳали покиза эканлигидан бу вақтда яратилган Шеър одатда, узоқ яшайди... Киши улғаяр ва жамият билан, турмушнинг минг хил ташвишлари билан муносабатга киришар экан, туйғулари кирланади, сийқалашади. Шоир ҳам бундан мустасно эмас. Шунинг учун ҳам у кўпинча ўзининг бадий маҳорати пишиб етилганда шоир сифатида адо бўлади. Қалбида болага хос ана шу покизаликни сақлаб қолган шоирларгина элик ёшдан кейин ҳам Шеър ёзишга қодир бўладилар. Шу маънода бугунги ёш шоирларнинг юраклари ҳали қайноқ. Муҳими ҳам шу! Бадий маҳорат эса кўпроқ шоирнинг адабиётга қай даражада ўзлигини фидо қилаётгани билан белгиланади. Бугунги ёшларда бундай имконият ҳавас қилгulik даражада бўлмаса-да, уларнинг бадият яратиш маҳоратига эътибор берганимизда жуда катта даврнинг кўплаб йўналишидаги шеърият синтезини кўрамыз. Бу нарса ёшлар шеъриятига умид билан қарашимизга замин яратади.

Шеъриятда ҳар қандай бошқа мавзулар каби ижтимоийликнинг ҳам яшашга ҳаққи бор. Умуман, мавзу муҳим, бироқ у бирламчи эмас. Балки шоир уни қай поғонада ўз мавзуига, ўз кечинмасига айлантира олганлиги муҳим, бу йўлда у қўллаган бадий маҳоратнинг даражаси муҳим. Чунончи, Чўлпон шеъриятининг асосида Ватан озодлигидек ижтимоий мавзу ётади. Мавзу унинг поэзиясида шахсийлашган, кўпнинг, халқнинг сиёсий-ижтимоий орзу армони шоирнинг ўз дардига, кечинмасига айланган. Айни жиҳат Чўлпон шеъриятининг яшовчанлигини таъмин эт-

ган. Бугунги ёшлар шеърлятида бу янглиф бўртиб турувчи ва шоир ижодининг ўқ иллизини ташкил этувчи ижтимоий тамойил яққол кўзга ташланмайди. Ҳатто айтиш мумкинки, яқин-яқинларгача ҳар бир шоир шеърлятида у ёки бу кўриниш ва даражада мавжуд бўлиб келган публицистик шеър бугуннинг ёш, иқтидорли, ўзларининг бирикки китоблари билан кўриниб қолган шоирлар ижодида жудаям кам. Бунинг ҳам ўзига яраша сабаблари бор, албатта. Аввало, собиқ совет даврида кўнгили лирикасига нисбатан соғинч пайдо бўлган эди. Бугуннинг кенг қабул қилинаётган кўнгили поэзияси ана шу соғинчининг маълум маънодаги изҳоридир, деб айтса бўлади. Ёки публицистикага хос, дея ижтимоий мавзулардан атай қочиш ҳам ҳозирги шеърлятимизга хос хусусиятлардан. Бироқ, фикримча, мавзу муҳаббат бўладими ёки мустақиллик, агар у шоир "мен"ида мужассамлик топиб, унинг ўз Дунёсига айланмас ва Ўша Дунёдан келиб чиқмас экан, бундай шеър ҳеч нимага арзимайди. Бугун ёзилаётган Ватан, мустақиллик, дин, ахлоқ, комил инсон мавзуидаги шеърларнинг аксарият қисми ана шундай шоирнинг мени билан, унинг руҳий-маънавий асоси билан боғланмаганлиги туфайли ҳам шеърлятда воқеага айланолмаяпти. Нега энди шеърлятда, холос? Илгари бундай шеърлар жамият миқёсида шуҳрат топар эди-ку! Чунки у пайтда, (собиқ совет даврида) муҳит яқранг эди. Одамларнинг моддий-маънавий даражаси ҳам, аҳволи руҳияси ҳам бир-бирига яқин, империя бўйлаб офир сукунат мудраб ётарди. Бинобарин, сукунатни орасира бузиб турадиган шеърлят (русларда Евтушенко, Вознесенский, ўзбекларда Орипов, Воҳидов, Рауф Парфи...) кўпчилик эътиборини дарров ўзига торта оларди. Чунки одамлар шунга илҳақ, эҳтиёжман эди... Ҳозир-чи? Ҳозир жамиятда яхшидир, ёмондир бир ҳаракат мавжуд. У турли хил ва бири иккинчисидан ҳар жиҳатдан фарқланувчи табақаларга бўлиниб кетди ва бу жараён давом этиб турибди. Уларнинг манфаатлари ҳам, манзиллари ҳам турфа-турфа. Ҳар ким ўз аравасини ўз томонига қараб судрамоқда. Натижада ҳаммани ягона умумий кайфиятда туриб турган яхлит муҳит - яқранглик чекилди. Одамлар-

нинг дунёқараши, имкони, қизиқиши, эстетик диди ҳамма-хаммаси ўзгарди, турфаланди. Бошқа томондан эврилишлар, дунёга очилиш, иқтисодий, маънавий, сиёсий интеграция жамият кайфиятида тубдан янгиланишларни вужудга келтирди. Бундай ижтимоий ҳаракатлар эса жамият кишисини ўз юрагидан ташқарига ҳайдаб чиқарди. Оқибатда, кўнгилнинг мулки бўлган санъат ва адабиёт илгариги мавқеини йўқотди-қўйди. У арши аълодан тушиб, одамлар орасига кириб кетди. Адабиёт ва санъатни илгариги муқаддаслик тарк этди. Энди одамлар шеърга аввалгидек талпинмай, ундан ҳақиқатни интиқиб кутмай, унга аввалгидай ишонмай қўйишди. Чунки ижтимоий-сиёсий фаоллик даври бошланганди. Ҳаракат, одатда, ўй, туйғу ва фикрни унча хуш кўрмайди... Кўринадики, бу даврга келиб шеър, санъат, адабиёт одамлардан, одамлар эса улардан талайгина масофага узоқлашишди. Бас, шундай экан, ҳар қанча яхши ёзмасин, бугунги шоирнинг масалан, Ҳ.Олимжон, А.Орипов, Э. Воҳидов, Р. Парфи, М. Юсуф каби машҳур ва ҳаммага мақбул бўлиши энди қийин. Жудаям қийин! Лекин бу нарса фожиа эмас, балки имкон ва омад муаммосининг дебочасидир! Ва яна бу ҳол ёшлар шеърияти қадрини асло туширмайди, аксинча, санъат асари сифатида салафлар поэзиясидан-да баландроқ бўлиш учун замин ҳозирлайди. Ҳа, тарихий шароит шоирнинг индивидуаллашиши, "Мен" бўлиб сўз айтиши учун уруф ташлаб қўйишга улгурди. Ва у энди ўз ҳосилини мутлақо беражак. Бугунги ёш шоирлар шеъриятидаги бош ва энг муҳим томир ҳам фикримча, шудир.

2003

## ГАРСИА ЛОРКА ВА ШАВКАТ РАХМОН

Шавкат Раҳмон XX аср ўзбек шеърятининг энг кўзга кўринган, ҳассос шоирларидан бири бўлиши баробаридан улкан таржимон ҳамдир. У испан шеърятти вакилларида Хуан Рамон Хименес, Рафаэл Алберти, Федерико Гарсиа Лорка каби шоирлар ижодидан намуналарни ўзбекчага моҳирона ўтирган. Айниқса, шоирнинг Гарсиа Лорка шеърятидан таржималари ҳам салмоқ жиҳатидан, ҳам санъаткорлик маҳорати нуқтаи назаридан эътиборлидир.

Шавкат Раҳмон даставвал рус тилидан ўтирди. Кейинчалик эса бундан унинг ўзи ҳам қоникмайди ва шоирнинг ўзи шундай ёзади: "Бундан ўн йил аввал дастлабки таржималарим "Сайланма" номи билан нашр этилгани мен учун нечоғли қувончли бўлганини айтмай қўяқолай. Аммо бу қувончнинг умри қисқа экан. Тез орада ўйлаб қарасам, Лорканимас, Лорканинг таржимонларини таржима қилганим аёнлашди. Рус мутаржимлари, шубҳасиз, энг сўнгги имкониятларини ишлатиб меҳнат қилган бўлсаларам, Лорка шеърларининг асл қиёфасини кўриш иштиёқида ёнавердим..." Ана шу иштиёқ Шавкат Раҳмонни испан адабиётининг ёрқин юдузларидан Гарсиа Лорка дунёсига олиб кирди. Натижада жуда улкан санъат ва меҳнатнинг меvasи – "Энг қайули шодлик" китоби нашр этилди. Албатта, таржиманинг қай даражада амалга оширилганлиги тўғрисида мукамал ахборот бериш учун мутахассис нафақат ўзбек тилини, балки испан тилини, унинг бутун оҳанглари билан пухта эгаллаган бўлиши зарур. Бинобарин, Шавкат Раҳмоннинг испанчадан ўтириклари илмий баҳосини бериш ҳозирча келажакнинг иши бўлиб турибди. Лекин шуни тан олиш зарурки, Гарсиа Лорка бошқа миллат ва бошқа дунёнинг шоири, демакки, ўзбек китобхони учун бошқача шоир бўлишига қарамай, Шавкат Раҳмон таржималарида у бизга яқин келади, жудаям таниш туюлади.

*Айтилмаган*

*Бир қўшиқ*

*Лабларимга ухлайди ҳали.*

*Айтилмаган*

*Бир қўшиқ, —*

дея бошланади унинг "Верлен" исмли шеъри. Қуйироқда маъно динамикаси кузатилади:

*Кўзим кетди, тушимга —*

*Айтилмаган*

*Бир қўшиқ,*

70-йиллар авлоди шеърияти билан яхши таниш бўлган киши дарҳол тушунадикки, бу хил шеър бизга нотаниш эмас. Чунки айнан Шавкат Раҳмон ва унинг тенгдошларининг поэзиясида айна жиҳатлар - ҳаёт ва инсонга алоқадор борлиқнинг кутилмаган нуқталарига эътибор қилиш, шу билан бирга ғайритабиий маъноларни кўниқилмаган шаклларда беришга интилиш кучли. Демак, бу авлод ва Гарсиа Лорка шеъриятида қандайдир уйғунлик бор эканда. Демак, Шавкат Раҳмон таржима учун дуч келган ижодкорни эмас, балки ўз руҳий оламига мос шоирни танлабди-да. Йўқса, испан шоири ташбеҳлари кўнгилга бунчалар мулойим тушармиди:

*Жилмаяди*

*Денгиз узоқда.*

*Тишлари кўпикли,*

*Мовий дуоғи.*

("Денгиз суви манзумаси")

Умрида бир марта бўлсин чайқалиб, соҳилга тўлқин уриб келаётган денгизни кўрган киши агар санъатга яқин ва тасавури кенг бўлса, юқоридаги манзарани ўқиб ўзининг ҳам тўлқинланмаслиги мумкин эмас. Чунки денгиз жилмайганда, яъни чайқалганда тўлқин худди оппоқ маржон тишлардек бир қатор бўлиб соҳилга интилади. Бир тўлқин ортидан яна ва яна тўлқин туғилаверади. Тўлқиннинг икки тарафи - мовий масофа эса шоирга мовий дудоқ бўлиб туюлади.

Манзара чинданам ҳайратангиз. Лекин эътибор беринг: бу ўринда биз денгизнинг табиий манзарасидан эмас, балки шоир - Гарсиа Лорка томонидан чизиб берилган сувратидан завқ олаёلمиз.



Энди Шавкат Раҳмоннинг ўзида ҳам шундай - табиатнинг қайта ишланган юзлаб манзарасига дуч келамиз. Мана улардан бири:

*Оқ сукунат*

*Портлар саҳарга,*

*Кун нурида ёниб, ярақлаб,*

*Чопиб кирар совуқ шаҳарга*

*Ялангоёқ яшил дарахтлар... (Манзара)*

Тун зулматида атрофдаги нарсаларни кўз илғамайди. Бу - табиий. Лекин ниҳоят "оқ сукунат портлайди", яъни тонг отади - саҳар келади. Ва атрофдаги нарсаларни кўзимиз кўра бошлайди. Шунини шоир ўзича айтади: Тонг ёришиши билан бирин-бирин кўринаётган дарахтларни у "шаҳарга дарахтлар чопиб кирди" дейди ва бизнинг тасаввуримизга завқ бағишлайди.

Ҳа, Гарсиа Лорка ва Шавкат Раҳмон "учрашган" нуқтанинг бири табиатга муҳаббат бўлса, бошқаси инсонга муҳаббат, яъни ишқ деб аталади. "Бу мавзулар ҳамма замонлар ва ҳамма шоирларникидир" дея эътироз билдириш мумкин. Бироқ ҳамма гап шундаки, Лорка ва Шавкат Раҳмонни боғлаган ришта айнан уларнинг мавзуларга бўлган муносабатидаги муштаракликдир, дунёни бадиий мушоҳада қилишдаги ўтгунликдир.

## II бўлим. ЭССЕЛАР

### ИЖОД ҲАҚИДА ЎЙЛАР

(Эссе)

Юрагимда бир титроқ туғилиб, лаҳзада улғайди-да бутун дунёмни ларзага келтира бошлади. Хумори тутганда қўллари қалтираб жони халқумига келган бангидек шошиб қолдим, дори - қоғоз-қалам қидира кетдим. Пайпаслаб ён атрофга қарадим - йўқ, чўнтагимни ахтардим - қуриб кетгур! Сўрай десам, атрофимда кимса йўқ. Нима қилиш керак? Ёзиш ҳуружи кучайгандан-кучайиб, кўксимда, миямда, ҳамма-ҳамма аъзомда безовталиқ пайдо қилади. Ўзимни қўйгани жой тополмайману негадир эсимга оғриган қўлини гоҳ сувга солган, гоҳ полга урган хотинимнинг талвасаси тушади. Тавба! Мен ўзимни қайга урай, қай сувга чўктирай? Ҳаяжон дардга, дард жаҳаннамнинг олов ёниб турган қаърига айланади гўё. Азоб жон-жонимдан ўтганда бўғзимдан беихтиёр "Оҳ!" чиқади ва негадир бундан роҳатланаман. Сўнг "оҳ" "оҳ"ларга уланади. Ташналиқдан ўлай деган йўловчининг қаршисидан чиққан қудуқдаги халоскор - сувни кўраман мен уларада. "Оҳ"ларнинг кетма-кет занжири алақандай ёқимли куйни вужудга келтиради. Ичимдан тошиб келган эҳтироснинг кети кўринмайди ва у худди янги кўз очган булоқдек шарқираб ўзига йўл топиб боради. Назаримда оҳанглар қатига мен бироз аввал шеърда акс эттирмоқчи бўлган туйғум яширинган. Ҳайратдан ёқамни ушлайман: "Наҳотки, шеър ва мусиқа бир мазмуннинг икки тилдаги шарҳи? Йўқса, хиргойидан кейин кўнглимнинг худди сўз айтган каби тинчланишини қандай изоҳлаш мумкин? У ҳолда математика ҳам рақамлар, белгилар орқали аслида, ўша мазмун - моҳиятдан баҳс этмайдими? Ҳар битта мисолу тенгламани йўлини топиб шеър ё иморатга айлантурса бўладими?!.. Яъни риёзиётчи бошқотирмага сарфлаган ўз

эҳтиросидан қўшиқ яратиши мумкинмиди агар бастакор бўлганида? Мумкинса, ҳамма гап Олий Низомга асосланган моҳиятга бориб тақалмаяптими? Одамлар бор йўғи ўз фитрати, тарбияси, имконияти ва ҳоказолардан келиб чиқиб шакл танламаяптими? Моҳият эса яғонами?!..

Мен ўз хатти-ҳаратларимни, уларнинг манбаини, манзилини, сажиясини, кўчиб яшаш қонуниятларини... кузатаман. Олинаётган натижаларда юқоридаги қарашим ўз тасдиғини топаётгандек бўлаверади. Бундан баъзан севинсам, баъзан қайғураман. Қувончим - оламни тушунгандек бўлганимдан эса, ташвишим - топилмамга шубҳа қилганимдан. Ахир "Бу - шундоқ!" дея қатъий ҳукм чиқарганимда ҳам бир томонда қанчадан - қанча чалкашликлар турган бўлаверади. Барчасига тупириб, фақат тирикчилигим билан шуғулланишга эса лаёқатсизман. Бундан қониқмайман. Кўнглим жойига тушмайди. Айланиб келиб тагин шу конга тушавераман. Ақлим "Бас! Бунда ҳеч нарса қолмаган, ҳаммасини ковлаб кетишган" деса-да телбаларча қазийвераман. Тўхташ - ҳақорат, тириклик - қазийшдан иборатдек туюлаверади. Туйқусдан хаёлимга "Агар мен геолог бўлганимда, тоғма-тоғ, юртма-юрт кезиб, маъданлар қидирганимда... балки ўз-ўзимни бунчалик титкиламасмидим... Ахир, табиат қўйнига кирганимда, анҳорнинг бўйида ёҳуд дарахтзор оралаб юрганимда кўнглим жойига тушиб, ўзимни кўнглимга қўйиб тинчланишим бежизми? Шундай кунларда менинг ҳеч нарса ёзмаслигим тасодифми? Йиллаб шаҳарда қолиб кетишим натижасида даста-даста қораламаларимнинг Қуёш, Ой, Дарахт, Сув, Камалак, Қуш, Тоғ, Гул...ларга бағишлашимни нима билан тушунтираман? Қанчадан қанча ишқий шеърларим "Менинг қўлим етмаган юлдуз" ҳажрида ёзилгани ростку! Қисмат "нарвон" ҳада этганида ва мен юлдузни узиб тушганимда ижодимда муҳаббат лирикаси бўлармиди - йўқмиди? Ахир, менинг унга беришим ва ўз навбатида юлдуздан олишим зарур бўлган, аммо берилмаган ва олинмаган меҳр, яна-да тўғрироғи, савил эҳтирос туғмадимми бу шеърларни? Сув ҳақидаги шеърим саҳрода, водийни соғиниб ёзганларим бетон шаҳарда дунёга келгани ҳақиқат

бўлса, шоирлик инсоннинг юзага чиқмай ичда тўпланиб сасиган эҳтирос қувватининг қалам - белкурак воситасида тозаланишидан бошқа нарса эмас-ку!.. Ҳайҳот, мен нималар деяпман, шоир бечорани қайси шарафсиз гўрга олиб бориб тикаяпман?!..

Ичимда ўзимдан ўзга яна кимдир борга ўхшайди ва мен "алиф" десам, у "лом" дейди. Менга "оқ" кўринган рангларни ҳеч тап тортмай "қора" дейди, кўзимдан нари бўлгур... Мана, яна улоқни олиб кетди:

- Нима, сиз мени шеър дардида, шуҳрат илинжида ўлиб тиралади, деб юрибсизми ҳали. Бе, шеър - яқин атрофдан ўзимни кўярга жой тополмай, хаёлимдан топган қўналғам! Зора, тутаб турган бағримни шу захга берсаму оғир юкини ерга қўйган корабдек енгил тин олсам, деган жойим - шеър! Лекин адашган кўринаман, ижод - мусибат доғини унутиш учун кишининг тўйиб ичган шаробини эслатяпти, холос. Яъни бир муддат сени ўз бағрига олиб бошингни айлантиради-ю, қўйиб юборади. Сўнгра сен тушида қиз ўпган ўспириндек карахт юрасан, қийнала бошлайсан. Ижод — гўё ўт кетиб ёниб кетган ҳовли жой эвазига берилган суғурта пули. Ёхуд навқирон ёшида ўлиб қолган фарзанднинг қақшаб қолган ота-она ёдида қайтадан жонланган суратидир у!.. Агар билсанг, менга фарзанд керак эди - сурат эмас, ҳаёт зарур эди - хаёл эмас!..

Кечирасиз, ўқувчим, телефонга боқай!..

Тагин бир бор узр, бошлиқ янги топшириқ берди, терлатадиган юмуш. Афтидан, ҳикоямнинг давомига сингдиришим мумкин бўлган эҳтиросимни энди ИШ ЕЙДИ. Демак, кечқурун хаёлимни чала қолган ҳеч қандай асар дарди бузмайди ва мен куни билан кўча чангитиб копток тепган болакайдек қотиб ухлайман... Ижод ҳақида, шеър ҳақида ўйлаб ҳам ўтирмайман. Сиз бўлсангиз, курақда турмайдиган аллақандай сентиментал кайфиятингизни хамирдек чўзиб, шеър ёки ҳикоя ясамоқчи бўласиз. Устига устак, уялмай-нетмай ҳамманинг кўзи ўнгида дастурхон қиласиз-да, олқиш кутиб, минглаб нигоҳларга мўлтаясиз. Қани айтингчи, бу ерда ким кўпроқ марду ким... Йўқ, бу сўз сизни, фидойий ижод аҳлини ҳақорат қилган-

дек жаранглайди. Аслида у ҳақорат эмас, айна ҳақиқат эди... Майли, айтмайман. Ахир Навоий бобо ҳам гапирганда фақат чинни гапир, аммо чин деб ҳар нарсани сайрайверма, деган-ку!.. Хўш, шунча гапдан кейин менга айтингчи, ижод нима ўзи?..

## УМАРАЛИ НОРМАТОВ ВА УНИНГ АВЛОДИ

*(Устоз Умарали Норматовнинг 75 йиллик юбилейи муносабати билан ёзилган)*

Устоз Умарали Норматов табаррук ёшда, кўнгил жуда нозик бўладиган ёшда, лекин у шу ёшида ҳам мувозанатини йўқотган эмас! У биз каби ўнлаб, эҳтимол юзлаб шогирдларининг олқишларига ҳам руҳан муҳтож эмас. Унинг ва авлодининг бахти шундаки, эсини таниб, адабиёт йўлини танлагандан то шу кунигача санъатга бўлган ўз эътиқодларида собитдирлар. Бу авлодининг умри давомида энг кўп ўйлагани, кўз нуруни тўккани, меҳри муҳаббатини бергани ҳам адабиётдир. Ҳеч бир мублагасиз айтишим мумкинки, бугун вояга етган ва етаётган авлодлар касбга, ўз ишига, санъатга муҳаббатни шулардан ўрганса арзийди. Умарали Норматов авлодини кўз олдига келтириб шундай ўйлайман: уларнинг узоқ ва баракали умр кўриши, айна чоғда, "етмишбой", "саксонбой" бўлиб юрганларида ҳам худди ёшлардек ғайрат билан ишлашларида яна ўша адабиётга эътиқоднинг ҳиссаси бор. Албатта, масаланинг бошқа жиҳатини ҳам унутмаслик лозим: улар вақтида (собик Иттифоқ даврида) тўла намоён этолмаган ўзликларини юртимиз оламга очилгандан кейинги имконлар замонида эркинроқ ифода қилмоққа киришдилар. Инсон психологияси ўнгитларидан маълумки, киши ўзлигини асосан намоён этиб бўлмагунича тиниб тинчимайди, бўшашмайди, қарилик ва касалликка бўйин эгмайди. Устоз Озод Шарафиддиновни эслаб кўринг. Кексайиб қолган баданига ёпишган бедаво дард билан қарийб ўн йил матонат билан олишди. Ниҳоят, кексалик ва касаллик уни олиб кетди, лекин Озод ака ўз ишини қилиб улгурди. Мен Умарали Норматов фаолиятида ҳам ана шундай ҳаракатни кузатаман, унинг ҳам адабиёт илми оламида ўз муносиб ишини қилиб улгуришига ишонаман!..

Келинг, энди озгина чекиниш қилиб, жуда яқин ўтмишга қайтсак-да, хотирамизнинг устоз билан боғлиқ бир-

икки саҳифасини варақдасак. 1993 йил. Университетнинг ўзбек филологияси факультетини энди тамомлаган ва у ердан бутунлай кетиш учун (қаёққалигини ҳали ўзим билмайман!) расмий ҳужжатларга имзо қўйдириб юрган пайтим. Шундоқ факультетга кираверишда Умарали акага рўбарў келдим-да салом бердим. Домла алик олиб, мени тўхтатди. Адашмасам, тахминан шундай сўради: "Энди мўлжал қанақа? Қаерга бормоқчисиз?" Адашмасам, мен ҳам ростини айтиб қўяқолдим: "Эстетика домласи аспирантурага таклиф қилди, ҳайронман..." Домла: "Эстетикада нима бор сизга? Сизнинг ишингиз адабиёт ва шундай бўлиб қолиши керак. Аспирантурага кириш керак бўлса, мана бизда ўрин бор, бизга кирилинг!.."

Тўғриси, менинг ҳеч қанақа аспирантурага кўзим учиб тургани йўқ эди. Менинг муддаом ёзиш, профессионал ёзувчи бўлиш эди. Мен ҳали мактабга бормасимдан олдин ёзувчилик ҳақида ўйлагандим. Лекин шу тобда мен мени ёзувчилик сари олиб борадиган воситага муҳтож эдим. Воситанинг биринчиси эса шаҳри азим Тошкентда қолиш эди. Бунинг учун эса ўша пайтдаги мен каби университет битирувчисининг олдида турган энг оптимал йўл аспирантурага кириш бўлган. Ахир бир ўқ билан бир неча қуённи отган бўлардим-да: Тошкентда уч йиллик яшаш ҳуқуқига, бир чимдим моянага ва ишга (ўқишга) эга бўлардим. Ўйлаб-ўйлаб ахийри домланинг таклифига рози бўлдим ва у бошқараётган "Ҳозирги замон ўзбек адабиёти" деган вақтида кўп машҳур, республиканинг салкам адабиёт марказига айланган, кунимизга келиб эса адабиётга "жонкуяр" раҳбарлар томонидан бошқа кафедрага гўёки қўшиб юборилган, аслида расман тугатилган кафедра эшигини тақиллатдим... Шу-шу мен ҳам адабиётчилар даврасига расман ва жисман қўшилдим (руҳан мен ҳамма вақт адабиёт одами бўлган бўлсам керак, деб биламан) ва бунда Умарали аканинг хизмати беқиёс азим!..

Кейин бизнинг йилларга чўзилган тортишувларимиз бошланди. Аввалига мен Ҳамид Олимжондан олинган битта мисрани такрорлаб, номзодлик диссертациясини шундан қиламан, деб домлани қийнадим. У киши қандай қилиб

битта мисрани боб ва фаслларга ажратасиз, деб кўнмасди, мен эса психоанализ йўли билан амаллайман, деб қўймасдим. Бизнинг ушбу баҳсимиз тахминан бир йилгача чўзилди. У ёқда аспирантура бўлими мавзунинг тезроқ тасдиқланишини талаб қилар, бу ёқда домла билан бизнинг баҳсимиз ниҳоясига етмасди. Ниҳоят, ўрта йўл топилди - "соф лирика" муаммосидан мавзуни тасдиқлатдик. Лекин устоз билан келишмовчилигимиз давом этаверди. У киши мендан, ёзганларимдан илмийлик талаб қилар ва "академизм етишмайди сизда!" деб такрорлагани такрорлаган, мен бўлсам нима дегани экан бу "лаънати академизми" дея ўйлангани ўйланган эдим. Яна "демак, менда озгина бўлса ҳам академизм бўлса керак, йўқса, сизда етишмайди, демасди, йўқ сизда, деб қўя қоларди, энди жиндай академизм қўшсам, ишим ҳам тайёр бўлади, дердим, аммо рости, академизмнинг "а" ҳарфини ҳам тушунмасдим. Кейин оз-моз тушуниб қолганимда "академизм, академизм дейишади, лекин гиж-гиж академизм бўлиб ётган китобларни ўқисам, юрагим бирон марта "жиз" этмайди, адабиёт илми ундай бўлмаслиги керак, у қаёқдаги совуқ терминларга ёпишиб олмай, худди адабиётнинг ўзига ўхшаб инсонга яқинлашиб келмоғи ва бадий асар орқали инсондан, унинг кўнглидан қизғин баҳс этмоғи лозим, дея Умарали аканинг қарашларига ўзимча қарши ҳам бўлганман. Лекин мана шундай баҳсу мунозаларнинг барчасида домланинг битта фазилатига такрор-такрор рўбарў келганлигимни айтмасам инсофдан бўлмас: Умарали Норматов ўша вақтларда ёши олтмишдан ошган профессор, филология фанлари доктори бўлишига қарамай, университетни энди тамомлаган йигирма беш ёшли ҳеч қандай илмий унвонсиз мендек гўр йигитнинг фикрларини ғоят жиддий қабул қилар, гоҳи "э, шунақа эканми?" дея ҳайратини ошкор намоен этар, гоҳи русчага энди таржима қилиниб, юртимизга келтирилган янгича бадий ва илмий адабиётларни қўлимизда кўриб қолиб, "уч-тўрт кунга ўқишга бериб турунг, бизнинг авлод бундай адабиётлардан узоқ ўсган" дея ўз авлодининг "ожиз тарафи"ни тан олишдан уялмас эди. Фалакнинг гардишини қарангки, домла ўша жасорати ва



гайратида бир кун ҳам тўхтаган эмас ва натижада бугунги кунда биз - шогирдлари ундан янги адабиётларни сўраб олаётганимиз ҳам бор гап.

Шу гапларни ёзаяпман-у Умарали Норматов деган ўзбекининг йирик мунаққидига хос энг муҳим қирра хаёлимни ҳеч тарк этмаяпти. Биламан, бу ҳақда албатта деярли ҳамма тўхталади. Лекин шунга қарамай, такрор бўлиб қолиши мумкинлигини сезсам ҳам ўз ҳолимни баён этсам. Домланинг кучи унинг ҲАЙРАТИда, болалардек беғуборлигида, кўнглининг тозалигида! Баъзан шеър ёзаман, деган йигирма - йигирма беш ёшли йигит-қизларнинг "ортиқча" ақллилигидан, совуқ мулоҳазакорлигидан, музлаб қолган кўнглидан, атрофда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга ўта лоқайдлигидан даҳшатга тушсан, киши. Ва ўйлаб қолсан: шеър ёзаётган одам шундай бўлса, қолганлардан нимани кутиш мумкин?.. Гўринг нурга тўлгур Яссавий ҳазратлари "Кўнгли қоттиқ ҳалойиқдан қочдим мано" дея бежиз чирқилламаган кўринади. Бироқ кунимизга келиб инсон кўнглининг булбули, поспони саналмиш Шоир ҳам наҳот кўнгли қоттиқ ҳалойиқнинг бирига айланган бўлса!.. Йигирма-йигирма беш ёшда-я? Ўзи асрасин!.. Шуларни ўйлаганда етмиш беш ёшдаги Умарали аканинг юмшоқ табиатлилиги, дунёдан, одамлардан ҳаммиша ҳайратланиб яшаши, ҳеч қачон тутаб қолмайдиган болаларча жўшқинлиги, самимияти, беғуборлиги кўзимга мўжизадек кўринади!.. Назаримда устознинг улуг ёшда ҳам фарзандлари қатори бўлган шогирдларидан ўтказиб ишлаши, замонамизнинг энг муҳим адабий-бадий масалалари устида тинмай изланиши, уларга баҳоли қудрат жавоб беришга уриниши унинг ана шундай гўзал феълига ярашиқ Яратганининг мукофотидир! Гап келганда айтиб қўя қолиш керак, айниқса, демоқчи бўлганинг айти ҳақиқат бўлса! Агар бугунги кунда мамлакатимиз адабий танқидининг тўртта манаман деган пешқадам вакили бўлса, профессор Умарали Норматов шубҳасиз уларнинг биридир! Устига устак, домла ҳам ўз даври, ҳам замонавий танқидий қарашга эгаллиги билан бошқалардан ажралиб туради. "Етмишбой", "саксонбой"лар орасида эса жаҳоннинг энг замонавий

маданияти, эстетикаси, адабиётшунослиги, фалсафаси, психологияси тўғрисида балки энг кўп ўқиётганидир! Шунинг учун ҳам бугунги ўзбек адабий танқидчилигида проф. Умарали Норматовнинг ғоят салмоқли ўрни узоқдан ҳам кўзга яққол ташланади. Шунинг учун ҳам домланинг тафаккури тинимсиз янгиланиш ва интилишда. Инсон учун, олим учун бу жуда ҳам муҳим фактор. Чунки фурсат бу - дарёда оқаётган сув. "Ҳой!" дейишга улгурмасингиздан ҳозиргина ёнингиздан оқиб ўтган сув энди ҳув узоқларда - кўз илғамас маконларда кетаётган бўлади. Бир пас ўтиб сув ўша маконларда ҳам қолмайди, у ҳеч кимга вафо қилмайди. Фурсат ҳам, умр ҳам худди шунақа. У бир айлачиб келганда атрофингизда ўзга бир муҳит, ўзга бир қарашларга эга бўлган янги авлод пайдо бўлиб қолганини сезмай ҳам қоласиз. Сиз агар ўз даврингиз юқтирган билимлар ва кайфиятга содиқ бўлмоқчи бўлсангиз, янги муҳитда ёлғизланиб бораётганингизни ҳис қиласиз. Гўё тегрангиздаги одамларнинг ҳаммаси келишиб олиб сиз тушунмайдиган тилда гапиришаётгандек туюлади. Аслида-чи, аслида? Аслида улар замон фарзандлари, уларнинг тили - шу замоннинг кайфиятидир. Улар ҳеч кимга, жумладан, сизга ҳам қарши эмаслар. Улар ўз даврининг қобиқларида эркиндирлар. Сиз-чи, сиз? Сиз ҳам ўз даврингизга содиқ ва ундан ўрганган дунёқарашингизда эркинсиз. Лекин бу икки эркинлик негадир чиқишмай, бири иккинчисини ёқтирмай қолди. Хўш, нега?.. Чунки фурсатюгурик сув, у энди бошқа макондан оқиб бораёпти ва бу макон сиздан кўра кўпроқ ёш авлодга тегишли энди. Шунинг учун ҳам уларнинг овози сизникидан ўктамроқ, дадилроқ ва ишончлироқ чиқаяпти. Сиз эса ўз дардингизга ўзингиз кўмилиб, замондан, одамлардан, "бошқа тилда гаплашаётган" янги бўғиндан хафасиз. Ичингизга чироқ ёқса ёришмайди. Лекин вазиятни енгиллаштирадиган битта йўл бор: шу тобда миянги ва қалбингиз талпиниб тургани эмас, балки танангизни қучиб турган давр моҳиятини ўрганинг! Шунда сиз янги бўғин вакиллари билан нафақат тенглаша оласиз, балки айни чоғда улардан илдамроққа ҳам дадил назар ташлай биласиз. Қандай қилиб? Чунки

сиз бутунги авлоддан фарқ қилиб, кечаги кунга, яқин ўтмишга ҳам суйанган бўласиз-да!.. Ёш авлод эса фақатгина ўзи мансуб бўлган замонгагина орқа қилади. Унда муқояса қилиш ва хулоса қилиш салоҳияти сизникига нисбатан анча кичик. Шу маънода бутунги "олтмишбой", "етмишбой" ва "саксонбой"ларнинг тафаккуримиз тадрижга ўз улушларини қўшиш имкони беқиёсдир. Назаримда Умарали Норматов фақат шўро даври адабиётинигина тан олиб, бошқасига тиши ўтмаганидан "пуф, сассиқ"қа чиқараётган айрим ёзувчи ва адабиётшунослардан фарқ қилиб, ўз адабий-танқидий қарашларида кеча ва бутуннинг миқёсларини бирлаштира олгани учун ҳам бир жойда тўхтаб қолгани йўқ. Аксинча, гоҳ Қодирий каби классик ёзувчиларимиз ижодини бутунги адабиётшунослик нуқтаи назаридан текширса, гоҳ замонавий шеъримиз моҳиятини англаш ва англатишга қаратилган "модерн" мақоалари билан ўқувчи эътиборини тортади, уни мулоҳаза қилишга мажбур қиладиган масалаларни таҳлил қилади. Айни шу ҳаракати билан баъзан эскидан қадрдон бўлиб келган, лекин кунимизда адабиётга турли хил қарашлари боис андак "узоқлашиб" қолган тенгдошларининг гашини ҳам келтиради. На чора, ҳамма қатори Умарали Норматовнинг ҳам дунёга индивидуал қарашга тўла ҳуқуқи бор ва биз - Марказий Осиёликлар, тирноқ тагидан кир қидириб, йўқ ердан "душман" қидирганча умримизни палид ишларга харжлашдан тийилиб, ниҳоят бунга-бағрикенгликка кўникишимиз, ўрганишимиз керак! Ахир адабиётимизда, адабиётшунослигимизда қилинадиган ишлар озми? Ёки ҳамма ишни дўндириб, пичоққа илингулик бошқа юмушимиз қолмаганмидики, кучимиз ва фурсатимизни ўзимиздан андак ўзгача фикрлайдиганларга қарши курашга сарфласак? Аслида, биз кўп ҳам бошқача фикрлайдиган эмасмиз. Аксинча, биз - санъат ва адабиётга яқин кишилар сифатида ер куррасидаги олти ярим миллиард ҳархил тоифадаги инсонлар орасида бир-бирига руҳан ва маънан энг биродар қавмимиз, ахир! Нега яна келиб-келиб миллиардлар орасидан ўзимизга ўхшаган саноклигина инсоннинг кўкрагидан итаришимиз керак? Бу қайси ман-

тиқ ва қайси ўлчовга тўғри келади?.. Айни шу хусусда яна домланинг беғаразлигига эътибор қилишимиз керак-ка ўхшайди, чунки у ёзувчининг қаерда ва қандай оилада туғилганига қараб эмас, нимани, қандай ёзганига кўра баҳолашга ўрганган. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас, олимликнинг биринчи шarti бу унинг холислигидир. Умуман, инсонликнинг асосий шартларидан бири ҳам холислик, беғаразлик. Назаримда ўзбек адабиётини ва илмини яратаётган, унга ўз ҳиссасини қўшаётган ижодкору олим, аввало, ўз қалбини каттаю кичик ғаразлардан тозаламас экан, на санъату адабиётга ва на миллатга наф келтира олади. Шу маънода профессор Умарали Норматов босиб ўтаётган одамийлик ва олимлик йўли кўпчилигимизга (ибрат қидирганга!) ибратдир...

2006

### III бўлим. СУҲБАТЛАР

#### ДУНЁНИ ЯНГИЧА КЎРИШ ЭҲТИЁЖИ

*(Филология фанлари доктори, профессор Умарали НОРМАТОВ билан ўзбек модерн шеърияти, умуман модернизм хусусида суҳбат)*

**Умарали НОРМАТОВ:** - Улуғбек, сиз ҳам шеъриятшунос, ҳам шоир сифатида бутунги миллий шеъриятимиздаги жараёнлардан, қолаверса, замонавий жаҳон шеърияти, шеърият илми ҳақидаги янгиликлардан яхши хабардорсиз. Ойбекнинг замонамизга ҳамоҳанг "кўнгил шеърияти"га бағишланган номзодлик диссертациянгиз, ҳозирги ёш шоирлар изланишларига доир матбуотдаги чиқишларингиз адабий жамоатчиликка маълум. Кейинги пайтларда марҳум шоирлар Асқад Мухтор, Шавкат Раҳмон, Муҳаммад Юсуф ижодига оид тадқиқотлар олиб бордингиз, бутунги миллий шеъриятимиз муаммолари хусусида докторлик диссертацияси устида ишлаётирсиз. Айни чоғда "Тангрига элтувчи исён" деб аталган каттагина шеърий китоб чоп эттирддингиз... Биламан, шеърият дунёсида юрган бир ёш ижодкор сифатида бутунги шеърият хусусида ҳали қоғозга тушмаган гапларингиз, ўй-мушоҳадаларингиз кўп. Келинг, ҳозир кўпчиликни қизиқтираётган масала - кейинги ўн йил мобайнида муайян адабий ҳодиса тусини олган ўзбек модерн шеърияти, унинг жаҳон модернистик оқими билан муштарак ва айри жиҳатлари хусусида суҳбатлашсак.

**Улуғбек ҲАМДАМ:** - Умарали ака, назаримда ҳар қанча содда туюлмасин, барибир бир савол ҳамма замонлар учун қайсидир даражада муҳим бўлиб келган, ҳамма замонлар унга у ёки бу тарзда жавоб беришга уринган. Савол тахминан шундай: "Умуман, шеър нима? Унинг инсон ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти нималардан иборат?.." Жавоб минг

йиллардан бери қидирилади. Жавоб топилмайди эмас, топилади. Бироқ вақт ўтгани сайин жавобларнинг оҳори тўкилади. Янги давр, янги кайфият туғилиши билан эса оҳори тўкилмаган жавобларга эҳтиёж сезилади. Аслида янги жавобнинг моҳияти эскисидан ҳеч қанча фарқ қилмайди, ҳамма гап шундаки, жавобни ҳар бир давр ўз тушунчалари, белгилари билан безайди. Чунончи, Аристотель ўз даврида поэзиянинг моҳиятида "катарсис", яъни покланишга интилиш мавжуд деган бўлса, XX асрга келиб, унинг ёнига, масалан, шеър кишини ёлғизликдан асрайди ёхуд инсоннинг руҳий мувозанатга эришувида ёрдамчи бўлади, деганга ўхшаш ёрликлар қўшиб қўйилди. Чунки айнан XX асрга келганда инсон ўз ёлғизлигини теранроқ ҳис қила бошлади-да. Бошқача айтадиган бўлсак, қайси асрдаю қайси даврда қанақа ўй-дард бўлса, санъат (шеъроят) ҳам шуни ифода этади. Алал-оқибат ҳар бир давр санъат (шеър)ни ўзига қараб турган қиррасининг исми билан атай бошлайди. Ваҳоланки, санъат кўп қирралидир. Шундай эмасми?..

**Умарали НОРМАТОВ:** - Шеърга қараш даврга қараб янгиланиб боради, деган фикрга қўшиламан. Шу билан бирга ҳар бир изланувчи шоирнинг умри давомида шеърга қараш бегиним ўзгариб, янгиланиб бориши ҳам мумкин. Узоққа бормай, ўз миллий шоирларимиз ижодий тажрибасидан бир мисол келтирай. XX аср ўзбек адабиётида ўзига хос ўрин эгаллаган шоир Асқад Мухтор 1965 йили шундай ёзган эди: "шеър турмуш ўчоғидан олинган лаҳча чўғ, у ҳаётгий эпизодга асосланган, сюжетли бўлиши керак, деб шеърнинг бўлак турларини тан олмай, анча йил юрдим; шеър ялт этган оний туйғу, завқ-шавқ туғени, уни фақат музыка жанрлари билан қиёс қилиш мумкин, деган руҳда ҳам анча вақт ишладим; шеър ҳаёт фалсафасининг эссенцияси, фикр, фикр, фикр! Фикрсиз поэзия йўқ, деб анчагача бирёқлама, рационалистик шеърлар ёздим..."

Шоир давом этиб "Бу тўлғонишлар менга баъзан зиён, баъзан фойда қилди. Лекин бир нарсада фикрим сира

ўзгаргани йўқ: шеър - зарурият, шоирга ҳам, шеърхонга ҳам... Шеър одамнинг яшаши учун, курашиши, улғайиши учун зарур" дейди.

Парадоксни қарангки, санъатнинг, жумладан, шеър-ятнинг кўпқиррали эканлигини деярли барча шоирлар, шеършунослар эътироф этади. Бироқ санъат асарининг, шеърнинг мафкуравий жиҳатига келганда дарҳол чекланиш - чегараланиш бошланади. Мафкуравий ёндошув ус-тивор бўлган XX аср адабиётида, хусусан ўзбек шеър-иятида бу ҳол жуда чуқур ва мудҳиш асоратлар қолдирди. Айниқса, шеър-иятдаги янгича, ноанъанавий изланишларга, модернизмга муносабатда бу жуда яққол кўринди.

Шу ўринда модернизм ва унинг XX аср жаҳон адабиё-тидаги мавқеи, ўзбек адабиётидаги кўриниши, тадрижи хусусида озгина тўхталиб ўтсак.

Модернизм XX аср жаҳон адабиёти, санъатида муҳим ҳодиса, унинг асл қиёфасини белгиловчи омил экани, М Пруст, Ф. Кафка, Ж. Жойс, Элиот, Э. Паунд, А. Камю каби янги оқим, йўналишларга мансуб ижодкорлар сўз санъати ривожига бутунлай янги давр очгани ҳеч кимга сир эмас. Жаҳоннинг турли минтақаларида уларнинг юз-лаб-минглаб маслақдошлари, издошлари, давомчилари бор. Модернизм шунчаки адабий-бадий эксперимент-тажри-ба, шаклий-услубий изланиш натижаси эмас, балки у дунёни, инсонни янгича кўриш, тушгуниш, англаш, англа-тишнинг ўзига хос фалсафий-назарий асосларига эга; Шопенгауэр, Ницше, Бергсон, Фрейд, Юнг, Хайдеггер, Сартр, Камю каби ғоят хилма-хил илмий-фалсафий мак-таб асосчиларининг таълимоти ёки ғоялари янгича ада-бий оқим, йўналишлар учун замин бўлиб хизмат қилди.

XX аср бошларида шакллана бошлаган янги ўзбек ада-биёти асосан, маърифатчилик реализми, умуман, реализм кўринишида, аниқроғи, XX аср жаҳон, биринчи гада Ов-рупа реалистик адабиёти тажрибалари йўлидан борди. Шуниси қизиқки, 20-йиллардаёқ Фитрат, Чўлпон, Қоди-рий, Ҳамза сингари пешқадам ўзбек адиблари ижодида XX аср жаҳон адабиёти адабий тафаккуридаги энг янги жараёнларга оҳангдош хусусиятлар, аниқроқ қилиб айта-

диган бўлсак, модернистик оқим-йўналишлар белгилари намоён бўла бошлади. Бу тасодифий эмас. Бу даврга келиб ўзбек адiblари жаҳон адабиётидаги янги жараёнлар билан яқиндан танишиш имконига эга бўлдилар. Бундай танишув хилма-хил йўллар орқали амалга ошди. Энг муҳими, қатор адiblаримиз ўша қизгин янги жараёнлар юз бераётган, улар ҳақида жўшқин баҳс-мулоҳазалар кетаётган юртларда яшаб, ўқиб, ишлаб, ўшандай янгиланишларнинг гувоҳи, ҳаттоки иштирокчисига айлангандилар: Фитрат аввал Туркияда, кейин Москва ва Ленинградда бўлди, Ҳамза ҳаж сафари баҳонасида кўплаб мамлакатларни кезди, Қодирий билан Чўлпон бир неча йил Москвада яшади, Ойбек Ленинград таълимини олди, Қодирий, айниқса, Чўлпоннинг Москва таассуротлари, у ердаги маънавий-адабий ҳаётга доир мақолаларини, улардаги нозик кузатишларини, Ойбекнинг Нева бўйларида туғилган лирикасини эсланг. Булар шунчаки бир таассурот, қайдлар эмас, балки ёрқин истеъдодлар кўнглида куртак ёзаётган янгича адабий майлар, бадиий-эстетик принципларнинг нишонларидир. Ўша кезлардаёқ улар яратган асарларда замонавий Оврупа адабиётидаги янги адабий-бадиий оқимлар, уларга хос энг "янги приёмлар" у ёки бу кўринишда намоён бўла бошлади. Модернизм санъати, адабиётига оид футуризм, символизм, экспрессионизм сингари қатор тушунча, атамалар тез-тез тилга олинадиган бўлди. Фитрат 1926 йили чиққан ""Адабиёт қодалари"да уларнинг айримларини ўзича шарҳлашга ҳаракат қилди. Бугина эмас, "сўнги приёмлар", шеърятдаги символизм масалаларида қизгин баҳслар бошланди. Хусусан, Чўлпон билан Қодирий бу муаммога ўз даврида нақадар теран, оқилона, хайрихоҳлик билан ёндошганликларини биламиз. "Кўнгилик кидирадир", "Модомики, биз янги даврга оёқ кўйдик, бас, биз ҳар бир йўсинда ҳам янги даврнинг янгиликлари кетидан эргашамиз" - бу сўзлар Чўлпон билан Қодирийнинг адабий - бадиий манифестлари эди. Ҳатто Қодирий Оврупа тушунчасидаги анъанавий йўлда битилган "Ўткан кунлар"га "сўнги приём"ларнинг баъзиларини эртароқ кiritганини айтади. Романдаги Зайнаб, Хушрўй характери,



руҳияти тасвирида, Отабекнинг "Хўжа Маъоз" мозори-даги тунги кечинмалари, Кумуш қабри қошида Зайнаб билан сўнгги учрашуви ифодасида имо-ишораларга, сир-сеҳрга мўл, фаройиб янги талқинларга дуч келамиз. Адибнинг кейинги йирик асарлари "Меҳробдан чаён", айниқ-са, "Обид Кетмон"да танқидчиликда таъкидланганидек, жаҳон замонавий янги адабиётига хос изланишлар, "сўнгги приём"ларнинг талай белгилари яъни ички монолог, ички психологик таҳлил, шахснинг ички шаклланиши, шахс табиатининг сирли-сеҳрли нағмалари, сюжетнинг "исталган" ерда бошланиши ва "исталган" ерда тугаши, кутилмаган янги воқеа чизиқларининг куртакланиши каби экспе-римент ҳолатларни кузатамиз.

Фитрат, Чўлпон, Ойбек ва 20-йилларда улар изидан борган қатор истеъдодли шоирлар шеърияти яхлит ҳолда бизда Оврупа янги адабиётига ҳамоҳанг символизм адабий ҳодиса даражасига кўтарила бошлаганлигини тасдиқлайди. Фитрат, Чўлпон шеъриятини ХХI аср бошида туриб ўқиб, улардаги қолипларга сиймайдиган асов руҳни кўриб, бу икки шоир ўз муҳитига, даврига нисбатан нақадар илгарилаб кетганлигидан ҳайратга тушасиз. Бутина эмас, Фитратнинг "Қиёмат", "Шайтоннинг тангрига исёни", Ҳамзанинг "Жаҳон сармоясининг энг сўнгги кунлари" сингари рам-злар асосига қурилган йирик асарлари 20-йиллардаёқ ўзбек адиблари Фарб янги адабиёти билан бўйлаша оладиган намуналар берганлигини тасдиқлайди...

**Улугбек ҲАМДАМ:** - Модернистик шеъриятнинг илк куртаклари ХХ аср бошлариданоқ ниш берган экан, хўш, нима учун у юзйиллик мобайнида бирдек тараққий этиб бормади? - деган саволнинг туғилиши табиий. Аввалам-бор, бундай шеъриятнинг, умуман санъатнинг ривожла-ниши учун реал ижтимоий-психологик шароитнинг етил-ган бўлиши шарт. Мана, сиз айтгандек, Фитрату Чўлпон-лар Москва, Ленинград, Истамбул каби пешқадам шаҳар-ларда анча муддат яшадилар, бунинг натижасида туғилган ўзаро таъсирланиш изсиз йўқолмаган, албатта. Аксинча, шоирлар ижодида энг янги, ҳатто модернча оҳанлар пай-

до бўла бошлаган. Кейин-чи? Кейин нега у такомил этмади?.. Чунки собиқ Шўро давлати ўзини ташқи дунёдан ажратиб, ичкарида фақат сиёсий мафкура хизматига йўналтирилган иқлимни вужудга келтирдик, оқибатта адиблар ижод эркини, тафаккур эркини бой бериб қўйди. Дунё илмий-техникавий, ижтимоий-маънавий жиҳатдан илгариб кетди-ю, бу ерда турғунлик кайфияти ҳукм сурди. Модерн изланишлар турғунликнинг эмас, балки фаол ҳаракатнинг мевасидир, ахир!.. Албатта, А. Мухтор, Р. Парфи ва 70-йиллар авлоди ижодларида янгича оҳанглар, изланишлар мавжуд эди, бироқ улар бугунгидек кенг ва теран маъно касб этмаганди. Бугун биз ўша пайтда илгарилаб кетган дунёнинг етиб борган поғонаси маҳсуллари билан танишиш имконига эгамиз ва секин-асталик билан бўлса-да танишиб бораяпмиз. Бундай муносабат: илмий-техникавий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий, психологик алоқа алмашув биздаги инсонлар дунёқарашини ҳам тубдан ўзгартириб бормоқда десак, муболаға бўлмас. Натижада санъату адабиёт одамлари орасида модернча кайфият туғилиб улгурди. Мана, нима учун бугун қўлига қалам тутиб, адабиёт оламига "атак-чечак" қилиб кириб келаётган ёш ҳаваскорлар ҳам "модернча" машқлар қораламоқдалар. Аслида бу уларнинг жудаям илгарилаб кетганининг эмас, балки ҳамма замонларнинг ижодкорлари каби бор-йўғи ўз даврининг, ўз замонасининг фарзанди эканликлари билан боғлиқ ғоят нормал ҳолатнинг маҳсулидир. Шу билан бирга алоҳида таъкидлаб айтиш жоизки, 80-йилларнинг ўрталаригача, янаям аниқроғи, жамиятда улкан ўзгаришлар юз бергунгача ёзилган модернистик шеърлар муаллифлари кайфиятларида чинданам умумий кайфиятдан илгарилаб кетиш бор эди. Буни тан олиш керак. Кунимизда модернизм хусусиятлари умумий кайфиятга айланиб бормоқдаки, энди бу йўлда ижод қилиш билангина "фахрланиб" бўлмайди, энди юксак санъат асарлари яратишгина ижодкорни "қутқариши" мумкин.

**Умарали НОРМАТОВ:** - Албатта, аср тонготарида бошланган янгича изланишлар бора-бора сустлашиб кетди.

Чунки нега шундай бўлгани маълум. Футуризм, символизм кўринишлари, "сўнгги приём"лар устида бошланган соф адабий баҳслар кескин мафкуравий-сиёсий дағдаға, айбнома, тазйиқларга айлана бошлади. 30-йиллар ўрталарига келиб, соц. реализм совет адабиётининг ижодий методи деб эълон этилгандан сўнг модернизмнинг ҳар қандай кўриниши таъқиқ ва таъқиб остига олинадиган бўлди. Таъқиб-тазйиқлар авжига чиққан ўша йилларда ҳам соц. реализм қолипига тушмайдиган айрим асарлар, чунончи, Абдулла Қаҳҳорнинг абсурд белгилари мавжуд ҳикоялари, "Сароб", "Ўтмишдан эртақлар"дек йирик асарлари, Ойбекнинг соф "кўнгил лирикаси" яратилаверди.

60-йилларга келиб ижодий изланишлар, босиб ўтилган йўлни қайта баҳолаш учун қисман йўл очилди. Бироқ "қўрқув салтанати", ҳадик туйғуси ҳатто энг ёрқин изланувчан ижодкорларни ҳам ҳамон ўз исканжасида тутиб турарди. Баъзи мисоллар. Ойбек ўша кезлари битилган таржимаи ҳолида шундай дейди: "Менинг биринчи шеърларимда кўпгина қарама-қаршилиқлар, изланишлар учраб турарди. Даврнинг энг муҳим воқеаларига ҳамоҳанг шеърлар билан бир қаторда сабабсиз мунгли нидо билан суғорилган мавҳум шеърларим ҳам бор эди...

... "Товушим" номли шеъримда узил-кесил шундай деганман: "Курашади икки тўлқин, қараб турайми? Йўқ! Болғалар, ўроқ сафи ила бораман!" Мен ҳамма вақт "қўлларидан болға ушлаганлар" тўғрисида ёзишни орзу қилардим."

Шу тариқа Ойбекдек улкан истеъдод эгаси давр тазйиқи остида илк ижодидаги ўзининг ноёб изланишлари самараларидан юз ўгиришга мажбур бўлади. Қарангки, шоир ўзи хуш кўрган "даврнинг энг муҳим воқеаларига ҳамоҳанг", "қўлларига болға ушлаганлар" тўғрисидаги шеърлари аллақачон эскирди, аҳамиятини йўқотди; муаллиф салбий баҳолаган "воқелиқдан йироқлаштирадиган", "сабабсиз мунгли нидо билан суғорилган мавҳум шеърлари" эса XXI асрга етиб келди, ҳозирги шеърхонларни, шеърят тадқиқодчиларини айна ўшандай кўнгил тароналари кўпроқ мафтун этаётир...

Адабиёт дунёси қизиқ эканда, баъзан шоирнинг ўзи

«тўғри» дегани нотўғри, «нотўғри» дегани ҳақ-ҳақиқат бўлиб чиқаркан.

Бутун ижоди изланишлар билан кечган, айниқса, 60-йиллар миллий шеъриятимиз тафаккур тарзида юз берган муҳим ўзгаришлар бошида турган, "99 миниатюра" китоби билан катта эътибор қозонган новатор шоир Асқад Мухтор ўша давр замонавий жаҳон шеъриятидаги ноанъанавий изланишларни асло ҳазм қила олмайди, модернистик йўллардан бораётган шоирларни шеъриятнинг ўз ичидан чиққан "ашаддий душманлари", "лўттибоз абстракционистлар", шеърни фикрдан ҳам, ҳисдан ҳам, мантиқ ва маслақдан ҳам маҳрум қилишга, уни "яшаш, улғайиш қуролдан шаддироқ ўйинчоққа айлантиришга уринувчилар" дея айблайди. Бу албатта, давр адабий сиёсатининг, мафкуравий-сиёсий тазйиқнинг шоир шууридаги оқибат-асорати эди. Ўша йилларда расмий доираларда модернизмга муносабат айни шундай эди. Бахтимизга замонлар ўзгарди, жоҳил мустабит адабий сиёсат тагига сув кетди. Афсус, минг афсус, бутунги эркин ижодий тафаккур замонидан ҳам модернизмга гоҳо хушламай, ўгай кўз билан қарашлар учраб турибди. Истеъдодли танқидчи Сувон Мели ҳеч тап тортмай мана буларни ёзади: "Анчайин ишонч билан айтиш мумкинки, модернизм ғарб ҳодисаси сифатида ўзбек маънавий муҳитида нашъу намо топа олмайди. Модернистик қора ва тушкун кайфият бизда илдиз ота олмайди. Шарқона исломий маънавият, ўзбек маънавияти бунга йўл қўймайди". Атоқли адибимиз Одил Ёқубовнинг фикрича, ҳар бир халқнинг фақат адабиёт ва санъатигина эмас, кундалик емиши ҳам ҳар-хил бўлади. Масалан, Африкада бамбук деган дарахт ўсади. Африка ва Жанубий Америкада кокос ёнғоғи ва кактус ўсади. Бу мамлакатлар аҳолиси ана шу неъматларни жон-диллари билан истеъмол қилишади. Бу дарахтларни илдиз-пилдизлари билан кўчириб олиб келиб, ўзимизда экинг, халқ уларнинг мевасини тили тамшаниб истеъмол қилармикан? Йўқ. Истеъмол қилмайди. Бизнинг боболаримиз улар ўрнига қовун экишган. Бизнинг аждодларимиз ва ўзимиз ҳам ширинлигидан одамнинг тилини кесадиган шу қовун-

ларни истеъмол қилиб балоғат ёшига етганмиз. Менинг назаримда Абдулла Қодирий ва Чўлпоннинг асарлари ана шу қовунларни эслатади..."

Дунёни, миллий маданиятлар, санъат ва адабиётларни "Ғарб" ва "Шарқ" деб кескин ажратиш, уларни бир-бирига қарама-қарши қўйишлардан қачон қутилар эканмиз!? Миллий қадриятлар, анъаналар қанчалик ранг-баранг бўлмасин, дунё битта-ку, жамики элатлар, бутун башариёт битта Одам Ато билан Момо ҳавонинг зурриёди-ку! Дунёнинг бирон чеккасида, бирон миллат маданий ҳаётида пайдо бўлган ноёб бадиий ихтиро, хайрли тажриба бошқа ўлкаларга, миллий адабиётларга кўчиб ўтиши, у ерда илдиз отиб, ўниб-ўсиб, янгидан ҳаёт бошлаб нашъу намо топавериши табиий бир ҳол. Ёзувчи айтмоқчи, Абдулла Қодирий, Чўлпоннинг ширинлигидан тилни кесадиған қовунларимизни эслатадиған асарлари таркибида Ғарб меваларининг таъми - элементлари тўлиб-тошиб ётибди-ку! Ҳозирги глобаллашув, ахборот уммонида, замонавий коммуникациялар асрида бу жараён ғоят тезлашмоқда. Одамзод шунга чуқур эҳтиёж сезмоқда. Одамларнинг, хусусан, ёш авлоднинг яшаш, фикрлаш тарзига, маънавий эҳтиёжига бир назар ташланг - ҳар қадамда сиз янгиликка - модернга ташналикни кўрасиз. Миллий адабиётимизда модерн йўналишнинг қарор топиб бораётганлиги ҳаётий эҳтиёж, зарурат тақозосидир...

Модернизм ўзбек муҳитига ёт ғарб ҳодисаси деган гапларни бутун, яъни плюрализм адабий ҳаётнинг табиий ҳодисасига айланган, хилма-хил адабий оқимларнинг амал қилиши табиий бир ҳол бўлиб қолган, қолаверса, энг муҳими, ноанъанавий янгича йўллар аллақачон бу замонда нашъу намо топган, миллий ҳодиса тусини олган, унинг муайян ютуқлари адабиётшунослик томонидан эътироф этилган, улар ўз китобхонларини топган, топаётган кунларда эшитиш ғалати туюларкан.

**Улуғбек ҲАМДАМ:** - Модерн асарлар ўз китобхонини топаётган, уни қадрловчилар сони кўпайиб бораётган бир пайтда тамомила ўзга бир нуқтаи назар билан чиқаётган,

бу ҳодисани бизга ҳамон ёт ҳодиса, деб қараётган олимларимиз ҳам бор. Бу ўринда мен проф. Баҳодир Саримсоқовнинг кескин чиқишини назарда тутаётirman.

**Умаралн НОРМАТОВ:** - Адабиётшунос Б. Саримсоқов модернизм, аниқроғи, абсурд ва экзистенциализм адабиётини танқид қилишда ҳатто Шўро даврининг энг жангари мунақидларини ҳам йўлда қолдириб кетди. XX аср ўзбек адабиётининг қатор намуналарида абсурд ва экзистенциализм кўринишлари мавжудлиги хусусидаги қарашларга жавобан ёзилган "Абсурд маънисизликдир" (ЎзАС, 2002, 28 июн) мақоласида олим жаҳон адабиётидаги бу оқимлар шаънига кескин танқидий гаплар айтади. Унингча, "Умуман олганда, бадиий-эстетик ҳодисалардаги абсурд тушунчаси ижобий ҳодиса эмас", "абсурд ўз оти билан маънисизлик", "абсурд асар жамиятда ана шу асарга умуман эстетик талаб бўлмаган пайтда, ижодкорда эса "эҳтиёж фарзанди" (А. Орипов) туғилмаганда ёзилади. Аниқроғи, абсурд асар ижтимоий-эстетик жиҳатдан арзийдиган ғоя ташимайди", "абсурд асар маънавий-ахлоқий концепциясиз, муайян ғоя ташимайдиган, ҳаётга лоқайд ва маънисиз муносабатни ифодалайди. Бу унинг белгиловчи мезони. Абсурд туйғу - маънисизлик туйғуси. Абсурд инсоннинг ўзи яшаётган жамиятга, муҳитга, ўз-ўзига, ҳаттоки яратувчига бегоналик туйғуси", "абсурд барча замон ва маконларда маънисизлик бўлиб қолаверади", у бадиият дунёсидаги инқороз, "ботқоқ"дан иборат... Олим абсурд адабиётини шу тариқа қайта-қайта қоралар экан, экзистенциализмни эса қисқа ва лўнда қилиб "субтсизлик" деб атади ва бу баҳода собит эканлигини таъкидлаб, "мен экзистенциализмга нисбатан "субтсиз" сифатловчисини тўла англаган ҳолда ишлатдим ва бу масалада баҳслашишга ҳамиша тайёрман", деб ёзади.

Табиийки, ҳар қандай адабий-бадиий оқимда бўлгани каби абсурд ва экзистенциализм адабиётида ҳам ижтимоий-эстетик жиҳатдан арзийдиган ғоя ташимайдиган, бадиий ночор асарлар бор. Бироқ бу ҳол абсурд ва экзистенциализмнинг XX аср жаҳон тараққийпарвар адабиё-

тидаги муносиб ўрнини, бу оқимга мансуб шахс ва унинг руҳиятини бутунлай янги томонлардан бадиий кашф этиб берган нодир асарлар аҳамиятини инкор этиш учун асло изн бермайди. Ўта мураккаб, зиддиятли бу фалсафани, адабий-бадиий ҳодисани англаш, ўрганиш йўлидаги биздаги дастлабки хайрли қадамларни қўллаб-қувватлаш ўрнига бу ҳаракатни ёмонотлиқ қилиш, менингча, инсоф ва одобдан эмас.

Б. Саримсоқовнинг абсурд ва экзистенциализмга берган баҳоси ўта мунозарали. Санъат ҳодисаси сифатида абсурд тушунчаси бу сўзнинг луғавий маъносидан ўзгачароқдир. Абсурд Б. Саримсоқов даъво қилганидек, асло маънисизлик эмас, балки, аксинча, теран маънога эга. Абсурд адабиёт, санъатда адашган, алданган, беҳуда, самарасиз меҳнат-фаолиятга, маънисиз қисматга мубтало этилган шахснинг фожиасини очиб бериш, кутилмаган томонлардан ўзига хос тарзда бадиий таҳлил этишдан иборат.

**Улуғбек ҲАМДАМ:** - Дарҳақиқат, ғалати ҳол, парадокс. Фожа, тушкунлик, ўлим каби тушунчалар ҳаётда ижобий маънога эга эмас. Бироқ бу мавзуларда яратилган бадиий дурдона асарларни севиб ўқиймиз, улар неча асарлардан буён одамларни ҳаяжонга солиб келади.

**Умарали НОРМАТОВ:** - Тўғри! Абсурд бобида ҳам айни шундай. Абсурд бу - кўҳна дунё, ҳаёт, яшашнинг маъноси ҳақидаги ўзига хос мушоҳадалар мажмуасидир. Абсурд асар одат тусига кирган ҳаётий ҳодиса, жараёнларни янги гича идрок этишга, баҳсга ундаши билан қимматлидир. Абсурд асар асло бефарқлик, лоқайд муносабат эмас, балки фикрдаги, қалбдаги тугён-исён маҳсулидир. Абсурд ижод соҳиби ва назариячиси Камюнинг "Абсурд бу - ўз чеки-чегарасини англайдиган ақл-идрок", "Мен фикрдан нимани талаб қилсам, абсурд ижоддан ҳам айни шуни - исён, эркинлик ва ранг-барангликни кутаман" деган сўзларини унутмайлик!

Наҳотки XX аср абсурд адабиётининг юзлаб нодир намуналари, жумладан, она тилимизга аллақачон таржима

қилинган, китоб бўлиб чиққан, бугунги кунда мактаб ўқув дастурига киритилган "Бегона", "Вабо" асарлари жамият-да ана шу асарларга умуман эстетик талаб бўлмаган пайт-да, ижодкорда эса "эҳтиёж фарзанди" туғилмаганда ёзилган бўлса?! Б. Саримсоқов даъво қилганидек, абсурд адабиёт "муайян ғоя ташимайдиган адабиёт" экан, нега бу адабиётнинг улкан намояндаси ва назариячиси А. Камю ўз даврида "Оврупа виждони", "ақллар ҳукмдори" деган ном олди? Олим "маънисизлик"да, "лоқайдлик"да айбланган оқимга мансуб адиб инсоният олдига бугунги кун муаммоларини бутун кескинлиги билан қўювчи адабий асарларининг аҳамияти учун нуфузли халқаро "Нобел" мукофоти билан тақдирланган эди-ку!

**Улугбек ҲАМДАМ:** - Фикрингизни ҳурмат қиламан. Бироқ Баҳодир аканинг ўзбек адабиётида абсурд асар яратилган эмас, бунинг учун бизда замин-муҳитнинг ўзи йўқ, деган гаплари ҳар қанча мунозарали бўлмасин, барибир муайян асосга эгадек туюлади. Айниқса, бу гап собиқ шўро даври ўзбек адабиётига тадбиқан олинганда яна-да ишонарли жаранглайди. Чунончи, А. Қаҳҳорнинг сиз айтган асарларининг абсурд адабиёт намуналари дея тўла аминлик билан айтиш бироз баҳсталаб. Чунки у асарларда абсурд руҳни, кайфиятни "туғиб берадиган" воқеликнинг айрим парчалари чиндан ҳам тасвирланган, лекин назаримда асарнинг чинакам абсурд адабиёт намунасига кўтарилиши учун унда акс этган абсурд воқелик асар муаллифи томонидан тўла идрок этилган, англаган бўлиши шарт. Шўро даврида ижод қилган шоир ва адибларимизнинг ҳеч бирини, фикримча, том маънода абсурд ижодкор дея олмаймиз...

**Умарали НОРМАТОВ:** - Бу фикр ҳам мунозарали. Ҳатто абсурд асарнинг аҳамиятини ҳар жиҳатдан ҳимоя қилиб чиққан Жаббор Эшонқулов "Воқелик ва хаёлот" сарлавҳали мазмундор мақоласида (ўз АС, 2002 йил, 12 июл) "абсурд асар абсурд ижодни талаб қилади", "абсурд ижод йўқ жойда абсурд асар ҳам бўлмайди" дейди. Тўғри гап. Бироқ бундай қараш бироз аниқлик киритишга муҳтож. Абсурд адабиёт назариячиларининг фикрича, абсурд



ижодга мансуб бўлмаган адиблар бисотида ҳам абсурд гоёси, туйғуси, абсурд қахрамон қараши, абсурд муаммоси қўйилавериши мумкин. Масалан Ф. Кафка абсурд ижодкор эмас, лекин бу буюк адиб асарларида абсурд проблемаси бутун кескинлиги билан ёритилган. Бутина эмас, жаҳон адабиётидаги Гогол, Достоевский ва ингари даҳо реалист ёзувчилар ижодида ҳам айти шу ҳолни кузатиш мумкин. Шунингдек, абсурд доираси ҳам ниҳоятда кенг. Сизиф ҳақидаги ривоятда намоён бўлгани каби кенг қамровли азал ва абадга дахлдор маъноларни ташувчи асарлар билан баробар, оддий кундалик реал воқеа-ҳодисалар қаламга олинган асарларда ҳам бу туйғу, гоё намоён бўлавериши мумкин. Биз ҳар-хил мақомга солиб, тортишиб, чалкаштириб юрган абсурд тушунчаси моҳиятини Камю Сизиф ҳақидаги қадимги миф мисолида содда ва лўнда қилиб очиб берган. Ўша асотирга кўра бу фоний дунёнинг ҳою ҳавасларига муккасидан берилиб кетган Сизиф оғир жазога - поёни йўқ самарасиз машаққатли меҳнатга маҳкум этилади: у улкан харсанг тошни тоғ чўққисига не-не азоблар билан думалатиб чиқади, энди етдим деганида бу тош орқага - пастга думалайди. Сизиф бундай самарасиз машғулотни узлуксиз давом эттиради. Камю Сизифни абсурд қахрамон деб атайди. Сизифнинг мангу бесамар меҳнати, жожеий қисматини эслатадиган ҳодисаларни бу фоний дунёда ҳамма замонларда, ҳар қадамда учратиш мумкин. Адиб умр бўйи меҳнат қилаётган ҳозирги ишчиларнинг қисмати абсурд бобида Сизифникидан кам эмаслигини таъкидлайди.

Ана шу қарашларга таянадиган бўлсак, XX аср ўзбек адабиётида, хусусан, Чўлпон, Қаҳҳор ижодида, 80-йиллар охири ва 90-йилларда пайдо бўлган ўнлаб шеър, дoston, ҳикоя, романларда абсурд туйғуси, гоёси, абсурд қахрамонни эслатадиган талай персонажлар мавжудлиги сираям ажабланарли эмас. А. Қаҳҳорнинг ўтмишдан олиб ёзган ҳикоялари, "Сароб" ва "ўтмишдан эртақлар" асарлари бу жиҳатдан янги ўзбек адабиётида ноёб ҳодиса. Қаҳҳор ижодида абсурд талқиннинг мавжудлиги хусусида сўз очиб Б. Саримсоқов даъво қилганидек, уни реализмга зид "маъ-

нисиз адабиёт" ботқоғига ташлаш эмас! Қаҳҳор асарларида абсурд хусусиятларининг мавжудлигини этироф этиш асло бу улуг адибнинг реализмдан четлатиш дегани эмас! Камина қаламига мансуб "ўтмишдан эртақлар" ва абсурд" мақоласида Қаҳҳор асарларидаги абсурд аломатлари реализм анъаналари заминиде шакланган, муштабид мафкура синфийлик тушунчалари ўборларидан холи бўлмаган бетакрор адабий ҳодиса экани айтилган. Шунингдек, "Лоллазор", "Отамдан қолган далалар", "Тушда кечган умрлар", "Олабўжи" каби реалистик романлардаги бир қатор персонажлар қисматида абсурд муаммосининг қўйилиши замонавий жаҳон адабиётидаги мавжуд тажрибаларга айнан мосдир.

Ниҳоят, абсурд асарларда шахснинг жамиятдан қочиши, бегоналашуви, ёлғизлик муаммоси талқини хусусидаги этирозларга ҳам қўшилиш қийин. Бу муаммо фақат абсурд адабиётигагина тегишли эмас, Одам ато замонидан тортиб ҳамма даврлар адабиётида қандайдир кўринишларда мавжуд бўлган. Жумладан, ўзбек мумтоз адабиётимизда, Навоий, Бобур, Машраб шеъриятида бу туйғу, гоё зўр эҳтирос билан ёритилган. Абсурд адабиёт эса бу муаммони бутун кескинлиги билан ўртага қўйган. Бизда ҳам шундай. Қолаверса, деярли барча минтақаларда бўлгани каби Шарқда ҳам кенг тарқалган бу фоний дунёнинг "беш кунлик", "омонат", "бевафо" экани ҳақидаги қарашлар, бу қарашларнинг хусусан Яссавий, Боқирғоний, Машраб, Сўфи Оллоёр каби шоирлар ижодидаги талқини ҳозирги миллий адабиётимиздаги абсурднинг муайян фалсафий заминидир. Шуниси характерлики, абсурд адабиёти умидсизликни йўядиган, таркидунёчиликни тарғиб этадиган адабиёт эмас. Камюнинг фикрича, инсон фарзанди абсурддан чўчимаслиги, ундан халос бўлишга интилмаслиги даркор, чунки бунинг асло иложи йўқ, абсурд дунёси бутун инсоният ҳаётини қамраб олган. Инсон шундай ҳаркат қилиши ва яшаши керакки, у ўзини бу абсурд дунёда бахтли ҳис қилсин.

Абсурд адабиётининг энг ёрқин намуналари бағрида айни шу ҳоё нурланиб туради.

Эътироф этиш керак, абсурд, экзистенциализм, умуман модернизм муаммоларини, хусусан уларнинг миллий адабиётимиздаги кўринишларини ўрганиш, талқин этишда ҳали тажриба камлиги учун қатор қийинчилик ва чалкашликлар учрамоқда. Уларни рўқач қилиб бу жиддий муаммодан юз ўтиришга қаратилган даъватлар, чўчитишларни тушуниш қийин. Бунақа даъват, чўчитишлар замон руҳига зид! Абсурд тасвир санъат ва адабиётдаги ўнлаб, балки юзлаб талқинларнинг бири. Уни хушламаслик, унга қўшилмаслик, у билан баҳслашиш мумкин, бироқ уни бутунлай рад этиш зиёли, олим одамнинг иши эмас!

Кишини қувонтирадиган ҳолат шундаки, сўнгги йиллар адабиётшунослигида ХХ аср ўзбек адабиётини ўрганиш, талқин этишда ақидапарастлар мезонларидан қочиб, янгича йўللар қидириш майли кучайиб бормоқда. Бу йўллардаги дастлабки изланишлар, янгича кузатиш, таҳлил ва талқинлар, умуман ХХ аср ўзбек адабиёти, унинг жаҳон замонавий адабиётида тутган ўрни хусусидаги тасаввурларимизни хийла бойитмоқда. Айниқса, миллий адабиётимиз ноҳир намуналарининг жаҳон замонавий адабиёти, жумладан, модернизм дурдоналари билан қиёсий таҳлил ва талқинлари кутилмаган хулосалар чиқариш учун изн ва асос бермоқда.

Шу пайтга қадар "Қутлуғ қон" романи М. Горький ижоди, хусусан, "Она" романи анъаналари таъсирида дунёга келгани айтиларди. С. Содиқ "Янги ўзбек адабиёти" қўлланмасида бу асарни Ж. Стейнбекнинг Нобель мукофоти билан тақдирланган "Ғазаб шодалари" романи билан қиёс қилиб, бу икки асар асосий пафоси ва бош қахрамонлар - Йўлчи ва Том қисмати талқинида талай муштаракликлар мавжудлигини кўрсатади.

Х. Дўстмуҳаммад "Озод изтироб қувончлари" китобида япон адаби Акутагава Рюносукэнинг "Бисейнинг садоқати" ҳикояси билан Ойбек лирикаси, "Расёмон дарвозаси" билан Ф. Фуломнинг "Менинг ўғригина болам" ҳикоясида ғаройиб оҳангдошлик жиҳатларини топади. Ёш тадқиқотчи Ш. Тўйчиева "Чўлпон ва Камю" мақоласида "Кеча ва кундуз" ва "Бегона" аарларидаги суд жараёни тасвирини

қиёслаш орқали ҳар иккисида экзистенциализм, абсурд туйғуси ва ғояси талқинидаги ўхшашликларни аниқлашга уринади. Сувон Мели Достоевскийнинг "Телба" ва Ф. Фуломнинг "Шум бола" асарларининг қиёсий таҳлилига бағишланган маърузасида бу икки асардаги асосланмаган онгнинг намоён бўлиши хусусида қизиқарли кузатишларни ўртага ташлайди. М. Шарафиддинова эса берироқ келиб, Ў. Ҳошимовнинг "Икки эшик ораси" романининг бадиий структурасига оид тақиқотида мазкур роман ифода тарзи йўллари жиҳатидан Набоков асарлари поэтикасига яқин туришини айтади...

Шахсан мен ҳам А. Қаҳҳорнинг "Сароб" романидаги бош персонаж тасвири ва талқини кўп жиҳатдан Кафканинг "Жараён"ига яқин туриши, бу романда шунингдек, "ўтмишдан эртактлар"да экзистенциализм, абсурдизм хусусиятлари мавжудлигини исботлашга ҳаракат қилганман.

Шуниси қизиқки, "Телба" романини мустасно этганда, қиёс қилинган асарларнинг барчаси деярли бир даврда, муаллифлари бир-биридан мутлақо беҳабар ҳолда яратилган. Фаройиб ҳол: бир асрда жаҳоннинг турли нуқталарида, турли хил шароит ва миллий заминда, турли тилларда дунёга келган санъат намуналарида бу хил муштарак жиҳатларнинг мавжудлиги сабаби, илдизи қаерда? Кўламли, теран тадқиқотларга арзийдиган мавзу! Эҳтимол, ҳозирча бу борадаги мавжуд кузатиш, мулоҳазалар айрим ҳамкасбларимизга ғайритабиий туюлиши мумкин, лекин шу хил фикрлашга, баҳсга ундайдиган илмий фараз, версияларнинг ўртага ташланаётганлигининг ўзи қувончли ҳол! Тараққий этган мамлакатларда илмий фараз, янгича ғояларнинг қадр-қиммати фундаменгал тадқиқотларникидан кам эмаслигини унутмайлик.

**Улуғбек ҲАМДАМ:** - Домла, шу ўринда суҳбатимиз аввалида тилга олинган муаммога қайтиб, ўзбек модерн шеъринининг миллий асоси-замини хусусида батафсилроқ гаплашсак.

**Умарали НОРМАТОВ:** - Эътибор берсангиз, отмиш йил-

лик тайёргарликдан сўнг бизда модернизм энди адабий оқим тусини ола бошлади. Аввало, ўша етмиш йиллик тажриба бу оқимнинг биринчи асос-заминидир. Адабиёт ва санъатнинг узоқ давом этган ҳукмрон мафкуравий сиёсий тазйиқ исканжасидан халос бўлиши, плюрализмнинг қарор топиши бизда хилма-хил фалсафий ижодий оқимлар, жумладан, модернизмнинг эркин ривож учун йўл очиб берди. Табиийки, бутунги ўзбек модерн адабиётида, Фарб, қолаверса, жаҳон замонавий адабиёти, санъатидаги талай фалсафий-ижодий оқимлар, айниқса, экзистенциализм фалсафаси, адабиёти тажрибалари таъсирини кўриш мумкин.

Айни пайтда бизда модерн адабиётнинг оқим тусини олиш жараёни миллий ўзликни англаш, миллий-диний қадриятларни тиклаш, жумладан тасаввуф фалсафаси, адабиётига қизиқиш ғоят кучайган бир даврга тўғри келди. Айниқса, замонавий Фарб фалсафаси, жумладан экзистенциализм билан Шарқдаги қадимий тасаввуф таълимоти орасидаги муштаракликлар модернист ижодкорларда ўзгача қизиқиш уйғотди, уларни дадил ижодий изланишларга илҳомлантирди. Аждодларимизнинг қадим ўғитлари, ўй-мушоҳадалари, наволари билан замонавий тафаккур-мушоҳада, бутунги куннинг ғоят сержило, кўшпардали садолари ўзига хос бир тарзда ўйғунлаша бошлади. Модерн адабиётимизнинг янги босқичи бошида турган, ҳозирги замон, унинг ўткир муаммолари хусусида баҳс юритувчи икки етук асар - Хуршид Дўстмуҳаммаднинг "Жажман" ҳикояси ва Абдували Қутбиддиннинг "Изоҳсиз луғат" достонидаги миллий руҳни ўзида ёрқин ифодалаган, миллий қадриятларимизнинг ўзига хос тимсоли дейишга лойиқ нуруний, донишманд қариялар образи ҳам буни тасдиқлаб турибди. Ёки "Фахриёр" сайланмасининг "Аёлғу" номи билан аталиши ҳам тасодифий эмас. "Аёлғу" сўзи қадим чолғу асбобининг номи; луғатларда қайд этилишича, соф туркий ўлан, ашула, ялла, куй, оҳанг, таъсирли қўшиқ, дегани. Аввало "Аёлғу" номи билан аталган дostonни, қолаверса, шу ном билан чиққан сайланмадаги бошқа дoston ва шеърларни ўқисангиз, "соф модерн"

кўринишидаги деярли барча асарлар қаъридан акс садо бериб турган қадим аёлғу наволарини туйиб-эшитиб турасиз, Бунақасини бошқа бирон халқ адабиётидан тополмайсиз. Қисқаси, энг яхши, етук асарлар устидаги кузатиш, таҳлиллар асосида дадил айтиш мумкинки, ўзбек модернизми бошқаларга тақлид маҳсули эмас, у ўзига хос йўлдан боряпти, у миллий адабий ҳодисадир.

**Улуғбек ҲАМДАМ:** - Ноанъанавий шеърият бизда осонлик билан ўзига йўл топаётгани йўқ. Эҳтимол, ноанъанавий ҳодисаларнинг, янги, ҳали "юрлмаган" йўлларнинг илк тақдири ҳаминша ҳам шундай бўлар. Сўнгра эса кўникиш, қабул қилиш ва ҳатто меҳр қўйиш деган босқичлар келар. Ахир, 70-йиллар авлодининг ноанъанавий шеърларининг айримларида бир қадар сунъийлик сезилиб қолиши баробарида кунимиз ёшларининг модерн изланишларида табиийликни кузатиш мумкин-ку! Ва шу ҳолнинг ўзиёқ "янги йўл"нинг тобора "ёйила бошлагани"дан далолат эмасми? Шоирлик даъвоси бор талабаларимдан бири айтиб қолди: "Мен анъанавий шеъриятдан, унинг анъанавий ва ҳатто бир қадар жўн ифода тарзидан ҳаяжонга тушмай қўйганман. Қайтага, масалан, "Кўзларимда иккита шовқин" деганга ўхшаш мисраларни ўқиб қолгудек бўлсам, борлигим титраб, шеър руҳига фарқ бўламан. Биласизми, мен ўша иккита шовқиннинг нима эканлигини биладигандекман, улар менинг ботинимда яшаётгандек бўлаверади".

Ёшлар изланишларида аждодаларнинг қадим навоси - оҳангдорлик, мусиқийлик, қочиримларга бой шеъриятдан узоқлашиш мавжуд. Аммо, қизиғи шундаки, бу иш атай қилинмаётир. Аксинча, ёшлар ёзмоқчи бўлган шеърлар негадир ўзга оҳангларда - 70-йиллар авлоди ўз вақтида ўзбек шеърхонларига сингиртиролмай қийналишган пардаларда, ҳатто яна-да замонавийроқ пардаларда янграётгандек. Албатта, уларнинг аксарида ижтимоий дарднинг саёзлиги, ҳатто тасвирланаётган ўта интим кечинманинг ҳам бачканалиги бор гап. Айниқса, бармоқда ҳам бемалол ифода қилиш мумкин бўлган кечинмаларни ортиқ даража-

да "модернлаштириш"га уриниш мавжуд. Қофия ва вазндан воз кечиб, фикр ва тугёнингни сал "чалкаштириб", мураккаброқ қилиб ёзсанг бас, "модерн шеър" тайёр, деганга ўхшаш нотўғри тушунча борлигини гоҳо сезиб қолгандек ҳам бўласан. Бироқ, барибир, улар шеъриятини диққат билан кузатар эканмиз, амин бўламизки, ўзбек шеърияти бадий тафаккур тадрижида янги саҳифа очилиб келаётганининг гувоҳи бўламиз. Чунки биз истаимизми-йўқми, улар дунёни бошқача кўраяптилар. Аслида, санъатдаги барча янгиликлар айнан шундан бошланади. Бу яхши, аммо натижага ҳали бор. Ҳали ёшлар шеърияти тугалланмаган, ҳаракатдаги жараён. Бинобарин, уларнинг шеъриятимиздаги жиддий ўрни ҳақида гапиришга анча фурсат бор. "Ҳали олдиндадир гўзал кунларим, ҳали лаб тегмаган қадаҳлар олда" дегани каби Абдулла Ориф, уларнинг шеъриятимизда рўёбга чиқариши лозим бўлган ишлари ҳақиқатан ҳам олдинда. Чунки ҳақиқий модерн шеър тили - поэтик тили ҳали ҳеч бир шоирда тўлалигача шаклланиб улгурган эмас. Биз кўпинча у ёки бу модерн шоирнинг у ёки бу шеърдан бир парчани олиб, уни ўзимизча шарҳлаймиз. Назаримда биз шу ўринда шеърдаги маънига кўпроқ асир бўламиз, ажаб эмаски, ушбу суҳбатимизда ҳам шу руҳ етакчилик қилаётган бўлса... Чунки биз шунга кўникканмиз. Шеърдаги маънини қўл билан тутиш шеърнинг санъат асари сифатидаги гўзаллигини тутишдан чандон енгилдир. Бизда модерн шеър ҳали санъат асари сифатида ўзининг қиёмига етгани йўқ. Биз ҳозиргача ўз назаримиздаги модерн шеърда фақат шакл фарқлигини, ифода ўзгачалигини кўраяпмиз, холос. Анъанавий шеъримиз 60-70-йилларда Рауф Парфи, Абдулла Орипов, Шавкат Раҳмон каби шоирлар ижоди мисолида ўзининг юксак чўққисига чиққанди. Лекин модерн шеъримиз ҳали ҳатто Ойбек етиб борган манзилларга қадар ҳам кела билгани йўқ. Такрор айтаман, бу ўринда мен шеърга фикр айтиш воситаси деб эмас, балки санъат асари, гўзаллик илоҳаси сифатида қараяпман.

**Умарали НОРМАТОВ:** - Ёшлар шеърияти тугалланма-

ган, ҳаракатдаги жараён, бинобарин, уларнинг адабиётдаги ўрни ҳақида гапиришга анча фурсат бор, дейсиз. Бу, бир жиҳатдан, тўғри. Айни пайтда улар ҳақида гапириш, баҳслашиш учун бутун ҳам етарли асос, ҳам катта эҳтиёж бор. 70-80 - йилларнинг муайян синтези ва 90-йиллар янги шеърятимизнинг дебочаси саналмиш Абдували Қутбиддиннинг "Изоҳсиз луғат" дostonи, Фахриёрнинг "Аёлғу", Баҳром Рўзимуҳаммаднинг "Кундуз сарҳадлари" китоблари, бу шоирларнинг ўнлаб сафдош ва издошлари ижодисиз, айниқса, "Мучал йили", "Ёзиқ"дек дostonларсиз кейинги ўн йиллик ўзбек миллий шеърятини асло тасаввур қилиш мумкин эмас.

**Улуғбек ҲАМДАМ:** - Албатта, шубҳасиз. Бироқ мен андак бошқа жараён ҳақида фикр юритаётган эдим. Баҳс юритаётганимиз модерн шеър ўз бўйи-бастини асосан, 70-йиллардан бу ёнда кўрсатаётган ва кунимизга келиб унинг ишқибозлари, ҳақиқий жонкуярлари кўпайиб бораётган экан, демак, у тобора пишиб-шакланмоқда. Бас, шундай экан, бу шеърятнинг "олтин даври"га ажаб эмаски, энди кириб келаётирмиз. Тарихдан мисоллар: аср бошларидан ибтидо олган бармоқ вазнидаги ўзбек шеърятини энг гўзал намуналарининг кўпчилик қисми 60-70 - йиллар шеърятига тўғри келганлигини ўйлаб кўрсак, аён бўладики, қарийиб ярим асрлик вақт бежиз кетмабди. Бу йиллар мобайнида ўзбек шеърятини бадийят бобида, санъат бобида изланибди, пишибди. Ёки яна бошқа бир мисол: Навоий ҳам йўқ ердан бино бўлган эмас, балки унгача ҳам Лутфий, Атоий каби ўнлаб шоирлар туркийда ашъор битиб, тилнинг, назм тилининг, ташбеҳ ва рамз тилининг шаклланишига ўз ҳиссаларини қўшганлар. Агар бу борада ҳам Навоий биринчи бўлганда, эҳтимол, унинг кўп фурсати ва эмаги салафлар амалга оширган "қора ишлар"га сарф бўлиб, бадий дурдоналарининг сони ва сифатига путур етган бўлармиди... (Шу маънода ўзбек модерн шеърятини ҳатто шу бутунги ҳолида ҳам кўпсўзликдан, олиф-та ва бачкана туйғулару "бурама" фикрлар ялтироқлигидан, тафаккурнинг ҳиссиз ўйинларидан ҳоли эмаслиги-



дан кўз юммаслик лозим. Аммо ишонаманки, у ўз ривожланиш йўлида бундай қусурлардан фориф бўлиб, юксак бадий тиниқликка эришади. Неча юз йиллардан бери яшаб келаётган ва бугун ҳам муҳиб қалбларга ўз титроғини солаётган япон хокку ва танкаларининг сиру асрори ҳақида бир мулоҳаза юритсак, мен айтаётган фикрнинг маънисини янада ойдинлашади.) Шундан ҳам кўриниб турибдики, дунёда бирон шахс ва унинг бирон бир иши ўз - ўзидан пайдо бўлиб қолмайди, аксинча, ҳамини тарихдан, салафлардан (ҳатто у салафларга сира "ўхшамаса" ҳам) ўрганилади. Худди шундай бугун биз янгича, модерн шеър, деб атаётганимиз ҳам ҳали шаклланиш босқичида, бас, унинг ҳам мевалари ларзон-ларзон пишган, ҳосилдор фаслига насиб қилса, энди кириб келамиз. Айни чоғда таъкидлаб айтиш жоизки, турли хил кўринишдаги модерн ёки модерн реалистик шеърнинг яхши-яхши намуналарини ўша Асқад Мухторнинг "99-миниатюра"сидан, ўша Рауф Парфининг "Сабр дарахти"га кирган "учлик"ларидан, 70-йиллар авлоди шоирларининг унумли тажрибаларидан тортиб то шу кунда фаол ижод қилаётган Баҳром Рўзимухаммад, Абдували Қудбиддин, Фахриёр каби шоирлар ижодларидан топиш мумкин. Шермурод Субҳон, Олима Набизода, Гўзал Бегим, Дилрабо Мингбоева, Ойдин каби ўнлаб ёш ижодкорларнинг ўз илк машқларини айнан модерн оҳангларда эълон қилаётганликлари ҳам модерн шеър ҳақидаги асосий баҳс-мунозаралар ҳали олданда эканидан далолат беради...

Домла, мени бошқа бир нарса ўйлантиради: мен кўпинча анъанавий шеър билан модерн шеър ўртасидаги чегарани тополмай қийналаман. Дарҳақиқат, уларнинг чегарасини ким қўйиб бера олади? Улар ўртасидаги фарқ фақат анъанавий шеърнинг қатъий ритм ва қофияга асосланганию модерн шеърнинг булардан "озод" эканлиги билан ўлчаниши ҳақидаги "ҳақиқат" алақачон ўз қимматини йўқотмадими? Бундай таснифда моҳият эмас, шакл бирламчи бўлиб қолмаганми? Умуман, анъанавий ва модерн шеърни ажратиб турувчи чегара тобора бузилиб бормаяптими?

Менинг кимлигимни  
Билмайди ҳеч ким.  
Мен бир ғалатиман,  
Мен алоҳида.  
Кўзимнинг ёшини  
Келади ичгим,  
Тилимни чайнагим  
Келар гоҳида. (Муҳаммад Юсуф)

Мана шу шеърни ким қайси "изм"га қўшган бўларди? Дарҳақиқат, у модернистикми ё анъанавий? Суратига (айтгандек, шеърнинг ўзи ҳам "Сурат" деб номланади) қарайдиган бўлсак, у анъанавийдир. Бироқ шеърнинг фақат шаклигина унинг категориясини белгилаб бера олармикан? Бу ўринда шоирнинг шеърда акс этган дунёқараши ва кайфияти ҳам бирон рол ўйнамасмикан? Ахир лирик қаҳрамоннинг қандайлиги сизни ўзига жалб қилмаяптими? Ахир у ўзининг "сирли ва ғалатилиги"дан сўз очаяпти-ку!.. Бу шунчаки олифга сўз ёхуд ўзига эътибор қаратиш эмас. Ишоти - лирик қаҳрамоннинг ҳақиқатанда нотабиий ҳолати - "Кўзимнинг ёшини келади ичгим, Тилимни чайнагим келар гоҳида". Бундай мураккаб, зиддиятли руҳий-драматик ҳолат шеър якунида янаям шиддатли тус олади: "Кийиклар қонини келади ичгим, Чаённи чайнагим келар гоҳида". Шеър шаклан анъанавий бармоқ вазнининг рисолалардаги қоидаларига мувофиқ жаранглайди. Бироқ лирик қаҳрамоннинг юқорида айтганимиз ҳолати анъанадаги руҳий ҳолатлар доирасидан ташқарига чиқиб кетади. Чунки анъанавий шеърини этика қаҳрамонни кийикнинг қонини ичишга йўлатмас, айни пайтда уни чаёндан "эҳтиёт" қилган бўларди. Аксинча бўлишни фақат бадиий тафаккурнинг навбатдаги босқичигина амалга ошириши мумкин эди. Кўринадики, янги шеърини нафаси аллақачон ўзбек шеърини кириб келган ва у ҳатто энг анъанавий шоирларимиз ижодида ҳам киши билмас бир тарзда яшаб келаётир. Ёки шу ўринда қуйидаги мулоҳазамиз ўринлимикан? - Модернистик тафаккур тарзининг тобора кенгроқ ва чуқурроқ "ёйила бораётгани"ни

этиборга олган ва шу билан бирга, унинг анъанавий санъатимиз фитратини қайсидир маънода ўзгартираётганини назарда тутган ҳолда ушбу жараённинг XX аср ўзбек адабиётидаги "бўй-басти"га қараб туриб, умумий бир ном билан - модернистик реализм деб атасак ҳақиқатга яқин келган бўламизми? Чунки тан олишимиз керакки, XX аср мобайнидаги биздаги модерн янгиланишларнинг асосий улуши соф модернистик йўналиш зиммасига эмас, балки айнан юқоридаги тарзда анъанавийлик ва модернистик интилишларнинг синтези гарданига тушиб келди. Албатта, кейинги 10-15 йил ичида ҳаётимизда рўй берган ўзгаришлар бадий тафаккур тарзимизда ҳам оламшумул янгилликлар ясай билди. Демак, бундан буёғига модернистик реализм "шохлаб" кетиши, оқибатта модернизмнинг турли хил оқимларига хос оҳанглар пайдо бўлиши табиий кўринади менга...

**Умарали НОРМАТОВ:** - Шеърят, умуман адабиёт дунёси қизиқ. Акс ҳолни кузатиш ҳам мумкин. Энг замонавий, "соф модерн" шеър бағрида анъанавий руҳ киши билмас бир тарзда яшайвериши ҳам мумкин. Фахриёрнинг "Аёлғу" достонидаги мана бу сатрларга қулоқ тутинг-а:

*Ойлар чўқар фалакдан жимир жимир жимирлаб  
Тоғлар чўқар фалакка ғимир ғимир ғимирлаб  
Тошлар қилар калака қиқир қиқир қиқирлаб  
менинг эса бўғзимда  
улув бордир бир улим  
Ҳей тулугим ҳей тулум  
Ҳей тулугим ҳей тулум*

Кейинги сатрларда халқона тароналар руҳи шўх, ўйноқи ва айни пайтда ўкинч-армонларга тўла синиқ, ажиб бир маънос туйғулар садоси яна-да ёрқинроқ янграйди:

*кўктангрининг боғида гуллар унар нопормон  
энди мен бу гулларни излаб қайдан топарман*

*синган умидларимнинг гарвозасин ёпарман  
гулни излаб борадир  
улувларим ул улум  
Ҳей тулугим ҳей тулум  
Ҳей тулугим ҳей тулум*

Бироқ ўша анъанавий, халқона руҳ-оҳанг билан йўғрилган сатрлар бағрида қад ростлаб турган лирик қаҳрамон шоирнинг нигоҳи, табиат манзараларини кўриш, кузатиш, идрок этиш тарзи тамомила янгича, ўзига хос. Манзаралар ҳаракати, аниқроғи, сассиз ҳаракатлар шоир кўнглида фаройиб акс садолар беради, бўғзида бир улум улувга айланади, бу фаройиб улув садоси қулоғингиз остида эшитилиб тургандек бўлади: бир қарасангиз аниқтиник, бир қарасангиз мавҳум, сир-сеҳрларга, қандайдир имо-ишораларга тўла асов руҳий кечинмалар бизни мувозанатдан чиқариб, ғалати ҳолатга солади. Шеъринг сатрлардаги асов руҳ ҳеч қанақа қолипларга сиғмайди, анъанавий шеъринг тизим талабларини, ёзув-имло қоидаларини тан олмайди, тиниш белгиларига ҳожат қолмайди. Мабода сатрлар мавжуд қолип-қоидаларга солингудек бўлса, аминманки, руҳий-ҳиссий тароватини йўқотади. Бу модерн шеъринг муҳим белгиларидир.

**Улуғбек ҲАМДАМ:** - Менинг назаримда янги, модерн шеър бу, аввало, бадий тафаккурдаги янгиланишдир. Асло қофиядан, ритмдан онгли равишда воз кечиш эмас. Албатта, ана ўша янгиланган бадий тафаккур маҳсулига янги либос - янги шакл кийдириш агар шоирга муяссар бўлса, нур устига нур. Бўлмаса, бу шоирнинг айби ё камчилиги ҳисобланмаслиги лозим. Янги шакл, ифода зўр бериш билан эмас, балки дунёқарашдаги, оламни идрок этишдаги янгориш билан, бадий тафаккур тарзимиздаги, дидимиздаги янгиланиш билан, демакки, ижтимоий - тарихий, маънавий - психологик заминдаги улкан силжишлар билан дунё юзини кўради.

Шавкат Раҳмон шеърини олайлик. У анъана зами-нида яратилган янги, оригинал шеърингдир. Бу шеъринг-

нинг анъанага яқинлик даражаси анча юксак бўлганидан бир қарашда кўп ҳам оригинал шеърят бўлиб туюлмайдди. Бироқ адабиёт илми, бадиият қонуниятлари нуқтаи назаридан ҳижжалаб ўрганилганда, Шавкат Раҳмон шеърятининг ўзига хослиги очила боради ва у масалан, салафлар шеърятидан қайси бир жиҳатларига кўра ажралиб туришининг гувоҳи бўламиз. Ёхуд модернистик шеърятимизнинг йирик вакилларида бири Баҳром Рўзимуҳаммад ва ҳатто Фахриёр шеърятти биз кўниккан анъанавий лирикамизга нисбатан ғоят оригинал кўринмасин, улар ҳам ўз анъанасига эга. Бошқача айтсак, бутун тобора кенгроқ ёйилаётган модернистик шеърятнинг дунё адабиётида, жумладан, ўзбек адабиётида ўз ўрни бор, у "ҳаводан озикланаётган гул" эмас. Туркий халқларимиз адабиётини, қўлёзмаларни варақлаб кўрганemizда ҳам шу ҳолга дуч келамиз: аждоқларимиз аруздан аввал, ҳатто бармоқдан ҳам аввал сочмалар шаклидаги эркин вазнлардан фойдаланишган экан. Бунга биргина мисол - Туркияда чоп этилган "Чингизхоннинг махфий тарихи" номли тарихий асарга киритилган туркуларни олиб кўринг... Қолаверса, вақт айланиши билан шеърнинг янгиланиши ҳам қонуният, ахир. Янги давр, янги насл кайфияти... дегандек. Тушунчалар, қадриятларнинг турланиши бор... Шу маънода шеърятда янгилик яратган шоир ўз даврининг жон томирига қалб қулоғини тутиб турган ва унга тўғри ташҳис қўя билган ижодкордир, бор-йўғи - шу. Ҳодисани шишириб, унга илоҳий либослар кийдиришга, шоирни салкам пайғамбар аташга ҳожат йўқ. Шу билан бирга уни камситишлик, "ҳа, энди бир шоир-да..." дея, ижодкорга менсимай муносабатда бўлишлик ҳам кам деганда маданиятсизликдир. Биргина факт - ҳақиқий шоирлик кўпчилик дардига малҳам қўйишга уриниш эканлигининг ўзиёқ ижодкорликнинг қандай шарафли қисмат эканлигидан шоҳидлик беради.

**Умарали НОРМАТОВ:** - Сиз жуда муҳим бир масалани ўртага қўяётирсиз: ҳақиқатан ҳам шеърятда янгилик яратган шоир ўз даврининг жон томирига қалб қулоғини

тутиб турган ва унга тўғри ташҳис қўя билган ижодкор-дир. Бизда модерн шеърятни мавҳум, замондан, замона муаммоларидан ажралиб қолган, шунчаки асов кайфият, туйғуларнинг асов ифодаси, анчайин бир эксперимент, сўз ўйинлари, шаклбозлик, деб қараш удумга айланган. Сиртдан қараганда шундай. Шундай дейишга асос берадиган модерн шеърлар ҳам йўқ эмас. Аммо чин модерн истеъдод эгалари бисотида ноёб истеъдод маҳсули бўлган модерн асарлар моҳияти, руҳига теранроқ кириб борганингиз сари ўзгача ҳолни кўрасиз: улардаги замон руҳи, дарди баъзи ошкора, соф ижтимоий йўналишдаги шеърлардан кўра кучлироқ ва теранроқдир. "Изоҳсиз луғат" ёки Фахриёр дostonларини бир эслаб кўринг-а... Уларни яхлит ҳолда ХХ аср одамининг, аниқроғи, аср охирига келиб ўзлигини англай бошлаган маънисиз ўтган ҳаёт йўлини шафқатсизларча танқид элагидан ўтказаётган адашган авлоднинг арзи ҳоли, афсус надоматларидир. У фақат кечаги кунига эмас, ҳозирги ҳолатига ҳам мардона танқидий назар ташлай олади:

*Аро йўл.*

*Вақти*

*ўтмаётган одам изтиробларин,  
иккиланишларин сувга ташлайди  
туш каби...*

*Йўл билмаган одам,*

*адашган одам*

*эркин бўлолмас*

*кишанлардан халос бўлиб ҳам...*

Энди мана бу ҳайқириқ-аламли, дил ўртар нидоларга қулоқ тугинг-а:

*Моҳиятни емириб борар*

*сўзларнинг бу қадар беқадрлиги.*

*Кеча дунёларни яратган сўз*

*бугун бозорларга ўтмайди.*

*Кеча солиҳ амалларга бошлаган калом*

*бугун ағаштирар фикрсизлик ўрмонларида.*

*Кеча суйдирган сўз*

*бугун куйдирар.*

*Кеча мағзи бутун бўлган ақида*

*бугун ўлиб кетган тошбақанинг*

*кочасидай бўм-бўш ётибди.*

*Кечаги алқашлар*

*бугунги қарғиш.*

*Кечаги умидлар*

*бугунги армон,*

*армон - қадрсизланган умид.*

Ниҳоят, шоирнинг фалсафий умумлашмалари ҳам мар-  
дона, ўта шафқатсиз:

*Аслида ҳидоят -*

*набийларнинг адашишлари.*

*Сенинг адашишинг нимадир*

*валиларнинг адашишлари олдида?*

*Сен қаён борурсан муриди бўлиб*

*ўзи йўлни тополмай,*

*дунёнинг бор гуноҳларини*

*бўйнига олган*

*пири муршидларнинг ортидан?*

*Қайси йўлга кирсанг хатодир,*

*Кирмаслик - кифр.*

*Тарих - хатоларнинг,*

*гуноҳларнинг*

*солномасидир.*

Шоир хато ва адашишларга тўла бу мураккаб кўҳна дунё  
нағмаларини кузатар, улар ҳақида аламли ўй-мушоҳада-  
ларга толар экан, ниҳоят бир шеърида шундай залворли,  
румиёна саволни ўртага ташлайди:

*Кимни олиб кетди бу фано,*

*Сеними, сендаги мени ё?*

*Менми, сенми, айтчи, ким қани,*

*Қайсимизда ағашди дунё?*

Бу залворли саволнинг жавоби ҳам жумбоқлар билан  
лиммо-лим:

*Топмоқ учун изламаслигинг,  
Излаш учун топмоғинг даркор.  
Бу туйғулар нақадар чигал,  
ҳар чигили бир сиртмоқ арқон.*

*Мен ўзимни сенга суярман,  
Гоҳо топиб, гоҳо топмайман.  
Сени топганимдан куярман,  
Куяджирман топмаган сайин.*

Қизиқ ҳол, "Аёлғу" китобини синчиклаб варақласангиз, "соф модерн" битиклардан секин-аста, босқичма-босқич анъанавийлик томон оғишни кузатасиз. "Ислам" сарлавҳали "Румиёна" дея изоҳланган шеърда бу жараён гўё ўз интиҳосига етгандек туюлади... Асов туйғулар энди тартибга - муайян тизимга туша бошлайди, тиниш белгилар ўз жойини топади. Бироқ руҳ-ички моҳият, дунёни янгича кўриш, бутун мураккаблиги, чигалликлари билан идрок этишга бўлган майл-иштиёқ ўзгаришсиз қолаверади. Муҳими шу!

**Улугбек ҲАМДАМ:** — Абдували Қутбиддиннинг "Изоҳсиз лугат" деб номланган достони ҳам худди шундай, дунёни бошқача, ўзига хос тарзда бадиий идрок этишнинг мевасидир. Дунёда азал-азалдан икки буюк Куч бор, дунё азал-азалдан шу Кучларнинг орасида тақсимлаб олинган. Бирининг исми - Оқ, иккинчисининг эса - Қора. Исmlарнинг бошқача талаффузи ҳам мавжуд, Эзгулик ва Ёвузлик, Маърифат ва Жоҳиллик, Малаклик ва Шайтоналик, Озодлик ва Тутқунлик, Руҳ ва Жисм (Нафс)... Шоирнинг пировард мақсади гўзаллик яратиш бўлса-да, ўрни келганда барибир, Эзгулик ва Маърифат, Қалоллик ва Шафқатлилик... ёнида, улар билан бир сафда туриб курашади. Чунки унинг яратилиши шундай. Шоир дунёда оқ рангининг кўп бўлиши, голиб бўлишининг тарафдори. Агар қора



рангинг ҳиссаси кўпайиб, атрофни Ёвузлик, Жаҳолат, Тутқунлик, Нафс каби балолар қоплай борса, шоирнинг бағри улкан жанг майдонига айланади. Шахсан унинг "мушугини биров "пишт" демаса-да", ҳассос қалби дунё мувозанатига путур етганидан ниҳоясиз изтиробларга тушади... Назаримда дoston айни шу заминда дунёга келган. Асар бошдан оёқ ўша икки азим Кучнинг зиддиятидан баҳс қилса-да, конкрет даврнинг конкрет, реал воқеа-ҳодисалари изларини ҳам аниқ-равшан кўриб турасиз:

*О, Дариғ!*

*Кўқонда тасирлар хиёнат милтиғи,*

*Тифлисда зирҳ, калтақ, белкурак*

*Инсондан ўзини қўяди устун.*

*Сариқ офат келар ёприлиб,*

*Эгатлар қаппаяр тирик ваҳмдай,*

*Этагига солар болаларни*

*Охирсиз мунг,*

*Охирсиз мунг.*

Бироқ буларнинг барчаси замирида ўша икки азим Кучнинг мангу зиддияти ва бунинг оқибатида ҳассос қалбга тушган таскинсиз изтироблар ётади. А. Қутбиддиннинг тасаввуфга "яқинлиги", яъни унинг ота-боболаридан ўтиб келаётган, қариндош-уруғ муҳитидаги тасаввуфий иқлим ҳам дostonда сезилиб туради. Бу таъсир лирик қахрамоннинг нафақат 13-бобдаги Баҳоваддин Балогардонга ёрдам илинжида қилган мурожаатида, балки умуман асарнинг бор бўй-бастига сингдирилган дунёқараш мазмунида яширин.

Дostonнинг "Изоҳсиз луғат" деб номланишининг сири ҳам эҳтимол юқорида айтганимиз - дунёнинг азалий ҳоли - Оқ ва Қора кучларнинг мангу зиддияти ва бу курашда одамзоднинг "Оқ" ранг томонида туриши, тура олиши зарурлиги, шартлигига ишора борлигида, деб ўйладим. Маълумки, луғат кишилиқ турмушида ниманинг (сўзнинг) нима (маъно билдиришини) эканлигини ажратиб беришга ёрдам берувчи бир кўрсатма китоб. Изоҳли луғат масалага яна-

да ойдинлик киритади, сўз маънисини "чайнаб оғзимизга солиб қўяди". Энди "Изоҳсиз луғат" дегани нимаси?.. Бу - бор-йўғи сўз ўйинидан ё олифтагарчиликдан иборат майл эмасми? - деганга ўхшаш фикр ҳам келади каллага. Бироқ дostonнинг асосида турган ўша икки азим Кучлар қисмати эсласак, номланиш мантиқ ва мазмун касб эта бошлайди: изоҳсиз луғат, яъни изоҳга ҳожат йўқ! Дунё дунё бўлибдики, дostonда тилга олинган Кучлар ва уларнинг омонсиз жанги бор. Дунё деб аталган китоб шу икки сўздан иборат: Оқ ва Қора! Бироқ уларга изоҳ берилмаган, изоҳни ҳар бир кишининг ўзи ёзади, кимнинг қисматига оқни таърифлаш, кимникига қоранинг шарҳини битиш тушади. Шунга қарамай, шоир барибир ўз танловини изҳор қилиб кетмоқда:

*Бармоғим қабоққа қўйдим, ўртанги,  
Эмрандим, нигоҳим тинди, айланги.  
Билдим, аъзойи баданим ҳаёт ширасидан.  
ҳамширам - турна,  
Қондошим - жайрон,  
Жигарим - арғувон.  
Хону туробданман, иним - қумурсқа, оғам - от,  
Билдим - одамийзодман,  
Одамийзод...*

Сўнги "Билдим - одамийзодман, Одамийзод" деган мисра шоирнинг ўша мангу курашда қайси томонда эканини билдиради... Чунки одамийзод бўлиш осон эмас, бунинг учун киши "Қора"нинг лаззат-фароғатидан воз кечиб, "Оқ"нинг заҳматларига бардош бериши шарт!..

**Умарали НОРМАТОВ:** - Абдувалининг бу асарини назаримда 90-йилларда яратилган кўплаб яхши-яхши модернистик руҳдаги дostonларнинг ўзига хос дебочаси, дейиш мумкин.

**Улуғбек ҲАМДАМ:** - Умарали ака, умуман ўзбек шеъриятидаги туб модерн бурилишлар қаердан ва қандай бош-

ланди? - деган савол мени ўйлатади. Албатта, ўзбек шеър-иятида юз берган чин маънодаги янгилинишни анча илгаридан, XX аср тонготаридан, хусусан, Чўлпондан дея олмоқлик ҳам ҳақиқатга зид эмас. Ҳатто X/X аср иккинчи ярми ва айниқса, кунботарида мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида рўй берган ўзгаришлар натижасида шаклан анъанавий, яъни арузий, мазмунан эса ноанъанавий ижтимоий лириканинг пайдо бўлганлиги ҳам факт, бор нарса. Ўша Муқимийу Фурқат, Ибрату Ажзий, Аваз Ўтару Махмур, Турди ва ҳақозо ўнлаб шоирларимиз илк бор ғазалда ижтимоий мавзуларни куйламадимиз? Ва бу - шоирнинг бадиий тафаккур тарзида тубдан ўзгариш кечаётганидан далолат эмасмиди?.. Бироқ барибир, бутун интилишларнинг натижаси, ҳосиласи бу - Чўлпон бўлди. (Рус шеър-иятида Пушкин шундай "ҳосила"дир. Жуковский ва Державин, Дельвиг ва Баратынский, Языков каби ўнлаб ўша даврнинг кўзга кўринган шоирлари интилган чўққи фақат Пушкин томонидан забт этилганди.) Албатта, Фитрат бор эди, Ҳамза ва Элбек бор эди, бироқ XX асрнинг том маънодаги янги шеър-иятининг ўта муваффақияли ибтидоси, барибир, Чўлпон номи билан боғлиқ эканини тан олишдан ўзга чора йўқ. Чамаси, 10 йиллар бурун бир суҳбатда таниқли адабиёшунос олим Иброҳим Ҳаққулов Чўлпонни янги ўзбек шеър-иятида тутган ўрни тўғрисида гапиратуриб, агар XX аср ўзбек поэзиясини бир азим дарахтга менгзасак, Чўлпон, шубҳасиз, унинг ўзагидир, деган фикрни билдирган эди. Чунки, XX аср ўзбек шеър-иятига неки хусусият алоқадор экан, деярли барчасини Чўлпондан топиш мумкин. Ҳатто бутун қайсидир маънода русм бўлаётган модернистик оҳанглар - дунёни бошқача, бутунлай кутилмаган томондан идрок этиш ҳам бор унда. Ойбекдай дилбар шоир "кўнгил лирика"сини, Ҳамид Олимжондек халқона оҳанг устаси шеърларини, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи каби ҳасос шоирларимизга хос туйғу нозиклигини, ҳатто Абдували Қутбиддиндек ўзбек шеър-иятида ўзига хос овоз соҳиби поэзиясини ёдга туширадиган шеърларни Чўлпон шеър-иятидан ўқиш мумкин. Чўлпоннинг "Лекин шуъла-

лар Сингиб боралар Оқшом тўр солар" (Кўклам ёмғири), "На учун япроқ Чойшаб ёймайдир... (Кўкламдан хабар), "Қор парчалари Тўкилган садаф, Ёнар йилтиллаб Ой кечалари"(Бу ернинг киши) каби серрамз олтин мисралари Ойбекнинг "Кундуз", "Тонг", "Денгизда оқшом", "Қишки оқшом", "Эрта баҳор" каби ўнлаб символизмнинг гўзал намуналари ҳисобланмиш шеърлари билан руҳий "қариндош"дир.

Чўлпоннинг 20-йилларда ёзилган "Сочилган сочингдек сочилди сириг" дея "С" товушига урғу бериб ва бу урғу орқали ҳам маънони кучайтиришга, ҳам шеър майдони ичра товуш ўйини ясашга эришган мисраси кейинроқ, 57-йилда Эркин Воҳидов томонидан яратилган "Қаро қошинг, қалам қошинг" деб бошланувчи ажойиб шеърнинг XX аср ўзбек поэзиясидаги дастлабки муваффақиятли намунасидек туюлади. Ёхуд

*Булултар турган жойларида қотиб қоладирлар,  
Гулдураклар дам чиқармасдан нафас оладирлар.  
Чақмоқ тошини бағрига беркитадир,  
Най камалак ўқларини атайлаб чиккитадир...*

Ва ёки

*Булул - кампир элагини кўтариб  
Супрасини ёймоқ учун боради,*

каби мисралари Абдували Қудбиддин ташбеҳларини ва умуман, бу шоирнинг дунёни бадий идрок этишидаги айрим хусусиятларини (чунончи, олами кутилмаган, нонанъанавий ташбеҳлар орқали идрок қилишини) ёдга туширади. Қолаверса, Чўлпон шеърлятида яна шундай оҳанглар борки, улар кейинги авлод шоирлари томонидан ҳалигача маромига етказилиб куйланмаган, десак муболағе бўлмас. Назаримда, шундай оҳангларнинг юксак мақомдаги куйчиси учун ҳам ўзбек шеърляти "қаҳқашони"дан муносиб ўрин бор.

*Йироқлашдим, узоқлашдим бир неча кун сендан,  
ҳол сўраб кўр мендан:  
Нега мунча оғир келди бу йироқлик менга -  
англатайин сенга...*

Ушбу шеърнинг "бошқачалиги" унинг ўзига хос оҳангида мужассам. Шеърнинг мазмуни ёрдан бир муддат йироқ тушган ошиқнинг изтиробларидан лоборат. Бор-йўғи - шу. Бироқ изтироб кутилмаган, аввалгиларга ўхшамаган нола билан ифода қилинганидан беихтиёр ёдимизда қолади. Ҳа-ҳа, шеърятнинг қудрати айнан шу ерда - кутилмаганликда, оҳори тўкилмаган, теша тегмаган усулларда, ҳали ҳеч ким йиғлаб кўрмаган нолаларда, ҳали яшалмаган туйғулар титроғида... Юқоридаги бандда қофия, ички қофия ҳар қанча сийқаланган (сендан-мендан, менга-сенга) бўлса-да, у кечинма табиийлиги замирида пардозланиб кетади ва натижада шоиру ўқувчи ўртасида самимий муносабат қурилади. Шеър битта шеър, бироқ у иккита алоҳида-алоҳида оҳанг билан жарангламоқда. Яъни бир шеърнинг ичида икки хил мусиқа, икки хил ёндошув - иккита овоз яширингандек: "Йироқлашдим, узоқлашдим, бир неча кун сендан" - бу биринчи овоз. "Ҳол сўраб кўр мендан" - иккинчи овоз. Ҳар бир овоз ўз оҳангига эга. Биринчи овоз нима воқеа юз берганини ҳикоя қилиб бермоқда, мисранинг кўпдан-кўп бўғинлардан (14 та) иборат эканлиги ҳам ҳикоябоблик учун атай танланган. Иккинчи овоз эса ёрга бевосита мурожаат. Бироқ ҳар икки овоз ҳам ошиқники. Фақат дард - ҳижрон азоби зўр келганда юракдан отилиб чиқаётган оҳ-нола бўлакларга бўлиниб кетмоқда. Ёки "Табиатга" деб номланган шеърдан ўқиб кўринг:

*Кел малак, кел, кел пари, кел, кел ўпай бир эркалаб,  
Кел қуёш чиққунча ўптир... кел ўпай бир эрталаб.*

Бу шеърнинг ҳам йўқ деганда ярим кучи, ярим ҳарорати унинг оҳангида, оҳангининг ўзига хос ўйноқчилигида. Шу маънода айтиш керакки, шеърятимиздаги бугунги модернистик интилишларда кўпинча оҳанг менсилмаётганининг гувоҳи бўлмаёптими? Бу ўринда оҳангни фақат бир хил миқдордаги ритмлар йиғиндиси ё қофиядан

иборат деб тушунмаслигимиз лозим. Мен туйғу оҳангини назарда тутаяпман. Ҳар қандай яхши шеър ана шу оҳангдан истисно эмас. Айниқса, ноанъанавий, бугун биз модерна дея эътиборларга ҳавола этаётганимиз шеърда ички, туйғу оҳанги бўлмас экан, у ҳеч нимага арзимади...

Ойбекнинг 20-йилларнинг охири ва 30-йилларнинг аввалида ёзган символистик шеърларини алоҳида урғулаб ўтишни истар эдим. Шоир "Кўнгиш шеърлари"нинг аксарии жуда жозиб туйғу асосига қурилганки, уларни кўнгикилган усулларда бирданига ва бирваракайига таҳлил қилиб ташлаш ва бундан завқ олиш ғоят мушкул. Бундай шеърлар рамзларга қоришган, рамзларга айланган туйғу тилини нозик тушунишни тақозо этади. Ҳатто бу ҳам камлик қиладигандек: ўқувчи ўз муҳитидан қабул қилиб олган ва бадий тафаккурида меъёрлашган, қатъийлашган айрим догма нуқтаи назарлар қафасини парчалаб ташлаб шеърни ўқишга тутинмоғи лозим. Шундагина балки омад кулиб боқар: санъат асари ўз бағрини очар... Эҳтимол, шундагина модернизмнинг санъат асарини Аристотель айтганидек, табиатга тақлид ва ундан олинган нусхагина деб эмас, балки табиатга, воқеликка муқобил, у билан баравар беллаша оладиган ўзга бир мувозий воқелик, дейиши маънисини тушуниб борармиз...

**Умарали НОРМАТОВ:** - Дарҳақиқат, модернизмстик йўл биз ўйлаганчалик, тасаввур қилганчалик осон йўл эмас. У - жуда азим эврилишлар ҳосиласи. Бу йўлнинг йўлчиси - шоир ҳам, унинг қисмати ҳам ўзига хос сир-синаотларга бой.

**Улугбек ҲАМДАМ:** - Ҳар лаҳзада ялтироқ шаҳардан воз кечиб, дала-туз бағрига қайтиш кайфиятида яшамаган киши шеър ёзиш қасдида қўлига қалам олмасин. Худди шундай, юрагига Мажнунни қамаб қўймаган эркак шоир, қалбининг тўрида Лайлини асраб юрмаган аёл шоира ҳам шеър ёзмаса, дегинг келади. Зеро, юрагида сири бўлмаган ижодкор қаламидан чиққан "ёзувлар"нинг сеҳрига шубҳа қиласан, киши. "Халққа ашғор керак сирли ва эзгу" (Мир-

пўлат Мирзо таржимаси) деб ёзади Осип Мандельштам. Шоирлик, бу - такрор ва такрор ана ўша сирга, ана ўша сеҳрга қайтиш, демақдир. Табиатга қайтиш, табиат мавзуларига мурожаат ҳам шундай, аслида. Одатда ижтимоийёт шоир зиммасига ҳам талай муаммоларни, турли қонунқоидалар заҳматию одоб-ахлоқ ташвишларини юклайди. Бироқ у жазавага тушаркан (шеър ёзаркан), илк бор эгар урилган асов от сингари кўкка сапчийди, гарданида гашига тегаётган нимадандир қутулмоқчи бўлади. Шоир айнан шу лаҳзалардагина шоирдир. Унинг асл ҳаёти ҳам, фоний оламдаги қувончи ҳам шу пайтда кечади... Илҳом онларида шоир жисми ва у билан боғлиқ оламни унутади, ёдида қолган борлиғи эса ажиб бир туйғуга - мусиқага айланади. Шеър мазкур оҳангнинг, яъни сийратнинг нуқсонли сурати, холос. Уни ўқиш эмас, гўзал бир мусиқа янглиғ эшитиш, ҳис қилиш лозим ва ушбу ҳис орқали ботинда қолиб кетган сийратга тушиб борлоқ мумкин бўлади. Ҳа, шоир мана шу тарзда сирлар дунёси сари интилиб яшайди, бу машаққатли йўлда гоҳо омад унга кулиб боқади: у парвоз қилади... Эҳтимол у узоқ учолмас, қанотлари қайрилиб синар, ожизлигини англа, жисми ботиб турган дағал воқелик ботқоғидан бутунлай халос бўлиш вужуд ҳалокатисиз мумкин эмаслигини тушунар... Бироқ шеърят учун муҳими бу эмас, муҳими - қафасни ёриб чиққан қуш (руҳ) парвозининг илк шиддати, шу шиддатнинг ҳаётсеварлигидир!..

Қизик, мен шеърнинг ботиний оҳанги - туйғу мазмуни ҳақида гап бошласам, ҳамиша манашунақа - боши ва сўнгги йўқ оламга кириб қоламан. Шунда мен ўзимни фикрни истаган жойда тўхтатсам ҳам, истаганча давом эттирсам ҳам бўлаверадигандек сезаман ва ўйлаб қоламан: ҳақиқатан ҳам қайдадир бир улкан олам мавжуд ва у тирикликка оид неки бор, ҳаммасини ўзида мужассам этади, чунки ҳаммасининг асосидир. Эҳтимол, чин дунё деганларни ўша бўлар, билмадим... Лекин айнан шу олам кишини эзгуликка ва гўзаликка чорлайди, иймон ҳақида, эътиқод тўғрисида ўйлашга, уларсиз тириклик йўқ эканига ишонтиришга ундайди. Гўё бу оламда инсон ҳаёти-

нинг мазмуни, ўлмоқ ҳикмати яшириндек. Бироқ унга олиб борадиган йўллар жуда чалкаш, жуда мураккаб... Ҳақиқий санъат асари, чинакам бадиият - мана ўша саноқли маҳол йўллардан бири. Ушбу оламга бошловчи ва унга элтувчи, ундан хабар берувчи санъат қанчалар гўзал, санъаткор қанчалар ҳассос!.. Санъатнинг илоҳийлиги ҳақидаги мулоҳазалар эҳтимол шу ерда ўринлидир, билмадим...

*Ёсино тоғларида  
Олча гуллари билан  
Учаётир оқ бўрон  
Чўққиларнинг устига...  
Ажратиб ҳам бўлмайди.*

(Хуршид Даврон таржимаси)

Сайгё қаламига мансуб ушбу шеърда чўққиларнинг устида олча гуллари билан қўшилишиб учаётган оқ бўрон - бирини иккинчисидан ажратиб бўлмайдиган, гўзалликка оғиз солган омухталикдан сўз очилади. Бунда шоир ўз муносабатини - қайғу ё шодлигини яширган. Рассом каби иш тутиб, ҳаётнинг мангу ҳаракати натижасида табиатнинг муайян кесишикларида дунёга келгувчи олий ва кўпинча оний нуқталари - гўзаллигидан бирини шеър деб аталмиш шакл ёрдамида хотирага михламоқчи бўлган.

Ойбекнинг шеърлари ҳам шундай тансиқ туйғуларни қўзғайди... Киши ўзининг асл қиёфаси билан юзма-юз келганда ҳамиша ҳаяжонга тушади, титрайди. Санъаткорнинг энг гўзал асарлари ҳам ана шу титроқнинг анчагина кўримсиз шакли - сувда юзиб юрган тўлин ой сингари акслардир, топилганнинг йўқолиб кетиши тўғрисидаги қўрқувдан туғилган қайтариқлардир, асл сувратдан кўчирилган нусхалардир... Оқшомда денгизга, унга олтин сочларини ташлаб қўйган қуёшга тикилиб ўтираркан, шоир қўқисдан ўз ботинида яшириниб ётган зотнинг нигоҳларига дуч келади ва титрайди. Учрашув уни шундай жазвага соладики, оқибатда шоир бундан хотира қолдирмоқ истайди ва қўлига қалам олади:



*Сувларда секин ўйнар  
Олтин қайиқчалардек  
Қуёш алангалари.*

Сув бетига урилиб тўлқин ҳаракати ёрдамида товланаётган қуёш алангаларини айнан олтин қайиқчалардек қабул қилган шоир шу лаҳзаларда болага айланади. Ахир фақат болагина сувга қоғоздан ясалган қайиқчаларни ширин умид-ла қўйиб юбораркан, уларга олтидан ясалгандек алоҳида, сир аралашган меҳр билан, содда самимият билан ёндошади. Бундай туйғу бизнинг аксариятимизда бор, барҳаёт. Шунга кўра биз ҳам ҳеч иккиланмасдан, шубҳаланмасдан сувларда ўйнаётган қуёш алангаларини шоир билан барабар олтин қайиқчалардек қабул қиламиз. Чунки олтин қайиқчалар ҳақидаги эртақ бизнинг ботинимизда ҳамиша ниманингдир, қандайдир муқаддас ва улуғ ниманингдир илинжида умр кечиради...

Шунингдек, Баҳром Рўзимуҳаммад, Абдували Қутбиддин сингари замонавий шоирларимиз ижодларида ҳам ана шу теранликда туғилган шеърларга дуч келганимизда беихтиёр севиниб кетасан, киши.

*нафас совқотади  
деразадан мўралар гуллар  
жунжикади қушчалар  
тойиб йиқилади хаёлим*

*ширин туш каби гир атроф  
деразадан қараган каби  
хаёл ойнасидан қарайман  
тикиламан иссиқ ойнадан*

*пуфлаб ташлайдирман нафасни  
ғижимланиб қолар кечаги тушим  
сабабсиз хурсандчилик руҳимда  
жим одимлагим келмоқда жуда*

*бир ўзим яшагим келади қишда  
миттигина қор ёғса менга аталган*

*совқотади нафас қушчага ўхшаб  
мамнуният ила термулар бир гул*

*атроф сокинлиги  
сокинлигимдан юз бора улкан  
қандай сизги экан бу фаслга у*

(Б. Рўзимуҳаммад)

Бундай шеърлар шоирнинг руҳият билан бир умрлик мулоқотидан, илоҳий борлиққа бир умрлик талпинишидан сўнг ўсимлик янглиғ ўз-ўзидан ўсиб чиқадиган маърифат мевасидир. Ҳа, у биз кўниккан ўқиб-ўрганиш, ақлий таълим маҳсули бўлмай, дунёни эстетик идрок этиш билан боғлиқ ГЎЗАЛЛИК МАЪРИФАТИ неъматидир... Қолаверса, умуман модернистик санъатни тушуниш ассоциация тилини тушуниш билан анча мукаммалашади. Чунки бу санъат анъанавий бадий тафаккур маҳсулидан фарқ қилиб, изчил мантиқийликка, узлуксиз тасаввурга асосланмайди. Модернизм реал воқеликнинг ижодкор нуқтаи назаридаги инъикосинигина, демак, воқеликнинг "ажра-тиб-танлаб олинган" маълум бўлақларинигина бадий асарда акс эттиради. (Унинг айтмоқчи бўлгани ана шу бўлақларнинг биргаликдаги ҳамкорлиги замирида яширинган). Бу бўлақлар ўртасидаги сабаб-оқибат, мантиқ-мазмун боғланишларини гўё "унугади". Модернистик санъат ўқувчиси эса ана шу "унутилган"ни "эслаб олиши, эслай олиши" шарт. Йўқса, "ёпиқли қозон ёпиқлигича" қолаверади...

**Умарали НОРМАТОВ:** - Анъанавий аруз, бармоқдаги шеъриятдан фарқли ўлароқ модерн шеърда уч унсур - оригинал поэтик фикр, туйғу, манзара оҳанги, яъни ўша уч унсурдан туғилган оҳанг ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Аруз ва бармоқдаги шеърий ритмика - оҳангни белгилайдиган ҳижо, туроқ, баҳр, қофия каби қатъий талаблар бу ерда ўз аҳамиятини деярли йўқотади. Бироқ ҳақиқий модерн шеър оҳангдорлик бобида анъанавий аруз ёки бармоқдан асло қолишмайди. Қалтис ва қийин жойи гўндаки, бу ерда аруз ёки бармоқдаги каби оҳангни вужудга

келтирадиган тайёр андоза - меъёрлар йўқ ҳисоб ёки бор бўлса ҳам илмий кашф этилмаган. Бу оҳангни фақат қалб кўзи орқали туйиш, ҳис этиш, ундан завқланиш мумкин, холос. Модерн шеър ҳатто анъанавий шаклда ёзилганда ҳам ҳижо, туроқ, қофиядан ҳосил бўладиган оҳанг эмас, айни ўша оригинал поэтик фикр, туйғу, манзара, улар ҳаракатидан вужудга келадиган оҳанг ўқувчи қалбида аксадо беради.

Фахриёрнинг "Куз ёмғири" туркумидаги мана бу манзара оҳангига эътибор беринг:

*Ҳазонлар эргашди армон ҳайлига,  
Куз видо истади кўнгил майлига,  
Ёмғирлар ёғади ҳижрон сайлига,  
Куз ёмғири,  
Ҳижрон ёмғири.*

Куз, ҳазон фасли билан боғли мунгли - ҳазин кайфият, бетиним ёғаётган ҳижрон ёмғири, унинг дардли садоси билан қўшилган ғаройиб, ўта маънос, мунис бир мусиқий оҳангни вужудга келтиради; кузнинг кўнгил майлига видо исташи, бунинг устига "ҳижрон сайлида" ёмғирнинг савалаши шеърдаги маънос туйғу мусиқасини авж пардаларга кўтаради. Шеърнинг кейинги бандидаги бир қарашда халқона шўх, қувноқ туюлган мисралар ҳиссий оҳанги жиҳатидан бутунлай ўзгача - янгича:

*На кўз - тикарга, на умид - боғларга,  
На сўз - айтарга, на димоғ - чоғларга,  
На гул - севарга, на кўнгил - доғларга,  
Куз ёмғири,  
Ҳижрон ёмғири.*

Қувноқ сатрлар бағридан сизиб чиқаётган мунгни сезиб-туйиб турган бўлишингиз керак...

Шоирнинг қатор шеърларида кераксиз, ортиқча, ўринсиз туюлган тиниш белгилари - айниқса, тире, вергул бу ерда фикр, туйғу изҳори-ифодаси учун зарурий элемент, поэтик воситага айланади. Эҳтимол, мисралардаги гап тузилиши қоидага унчалик мос эмасдир, бироқ "қоидага унча

мос бўлмаган" ана шу мисралар лирик қаҳрамон кўнглидаги асов туйғулар, кечинмалар ифодасига ниҳоятда мос. Буни чинакам поэтик ихтиро дейиш мумкин. Шу каби энг яхши асарлар бугунги модерн шеъриятида поэтик оҳанг масаласини тадқиқ этиш учун етарли асос бўла олади, деб ўйлайман.

**Улуғбек ҲАМДАМ:** - Умарали ака, сиз қайдай ўйлайсиз, шеъриятимизда юз бераётган бу ўзгаришларнинг туб сабабларини қаерлардан изламоқ ўринли бўларкин? Ҳамма гап айланиб бориб инсон ва давр муносабатига тақалмасмикан? Ахир, одамзод ўзини ўтга-чўққа урса ҳам - урма-са ҳам, барибир, ўзи яшаб турган жамият ва замоннинг бир парчаси эканлигини инкор этолмайди. Шундай бўлгач, давр таъсиридан қочиб қайга ҳам кета оларди. Кетганда нима бўларди? Уни ҳеч ким тушунмай қолмайдими?.. Ахир бизнинг маънавий ҳолимиз ўзимиз яшаётган муҳитдан қабул қилиб олган шартли белгилар даражаси билан ўлчанмайдими! Мадомики шундай экан, биз ана шу белгиларга кўра гапирмоғимиз шарт эмасми? Йўқса, бегона юртга келиб қолиб, ҳеч ким тушунмайдиган ўз тилида нималарнидир англатишга беҳуда уринаётган шўрлик сайёҳ ҳолига тушмаймизми? Белгиларга кўра гапириш дегани ўзинг яшаётган давр табиатини, тартиб-интизомини тан олиш деганими? Узоққа бормайлик-да, 60 - йилларда ўз шеърлари билан собиқ Иттифоқда кенг шуҳрат қозонган Е. Евтушенкодан бир мисол олайлик. У ёзади:

*Бугунги қаҳрамон -  
у ўзгарди.*

*Худди аср янглиғ мураккаблашди.*

*ҳозир қаҳрамон - файласуф ва ижодкор,*

*Асло қилчбозлардан эмас,*

*балки пайғамбарлардан.*

*ўғитларни англаш даври - бу,*

*Юзаки романтиканинг кунги эса битди.*

(таржима - бизники)

Бундан бир неча ўн йиллар бурун ёзилган шеърда "юзаки

романтиканинг куни битганлигию ўғитларни англаш дав-ри бошланганидан, куннинг қаҳрамони ўзгарганидан" баҳс қилинмоқда. Энди эътибор беринг, шу шеър мазмунини бугунги кунимизга тадбиқ этса бўлмайdimи? (Фақат бугунги қаҳрамоннинг исми ўзгарган: у Евтушенко айтганидай "файласуф" ё "ижодкор" деб эмас, балки "тадбиркор", "тужжор" ва шунинг каби исмлар билан аталмоқда). Ахир, шоир 30 йил наридан туриб кунимизни ёзгандек туюлмаётими? Ахир, биз эмасми хомхаёллар палласидан йироқ тушиб, реал ҳаёт сарҳадига қадам қўйган ва замонга мос бўлишга, ўзгаришга интилаётган кишилар!.. Кўринадик, ҳар даврнинг ўзига хос кайфияти бўлиб, у шу даврда яшаётган кишилар онги ва қалбига кириб боради. Биз шунинг таъсирида юрамиз. Евтушенко 30 йил олдин қаҳрамоннинг ўзгарганидан хабар бермоқда. Бугун у яна ўзгарди. Демак, 30 йил олдин рўй берган янгилини ўзининг ниҳоясига етди ва ундан-да янги бошқа давр бошланди. Ва биз энди янгиланган шу даврга кўра ҳаётимизни мослашга, у билан ҳамқадам юришга интиламиз. Ушбу ҳаракат эса дунёни, ўзимиз тегишли бўлган жамиятни қайта англаш, идрок этишимизни тақозо этганидан секин-аста маънавий ҳаётимиз ҳаракатга келади. Шу вақтгача маълум маънода турғунлашиб қолган қадриятлар ҳам ўз ўрнидан қўзғолиб, тусланишга юз тутаяди. Жамиятдаги қадриятларнинг ўзгариши эса инсон ботинини ҳаракатга келтиради ва қайсидир маънода дунёни қайта баҳолаш жараёни кечади. Натижада илгари бизни қувонтирган, кўнги ва онгимизга завқу шавқ олиб кирган нарса ва ҳодисалар энди жудаям ғариб кўрина бошлайди. Кўнги, Чўлпон айтганидек, янгилик қидиришга тушади. Чунки замон билан ҳамнафасликка эҳтиёж сезади-да. Ҳа, инсон ўзи мансуб бўлган давр билан ёнма-ён юрмас, замон нафасини ўз ҳаётида ҳис қилиб яшамас экан, у ўзини бахтсиз сезаверади. Ўтмишда яратилган ҳар қандай буюк асар ўзининг ҳар қанча улуғлиги ва фазилатига қарамай, барибир, бугунги кунни тўла маънода акс эттиролмайди. У маънавий, лекин тарихий қадрият сирасига киради. Шунга кўра ҳам замоннинг қайноқ нафаси уфуриб турган асар-

ларга, шу куннинг асарларига ҳар доим ҳам алоҳида талаб бўлади. Чўлпон Навоийдек даҳони ўқиб ҳам кўнгил таскин топмайди, деб ёзганини "Навоийдан қоникмаслик", деб тушунмаслик керак. Чўлпон дунёга ва одамзодга тегишли бўлган асосий қирралар Навоийда гўзал тарзда айтилганини жудаям яхши билади. Бироқ қидиргани - шу "қирралар"ни ўзи яшаб турган замон нуқтаи назаридан туриб ёритилган асарлар эди. Ҳа, у замон нафасига эҳтиёж туйган эди... Ва бу эҳтиёж янгиланган бадиий тафаккурдан туғилаётганди. Эҳтиёж мавжуд экан, санъат, адабиётда ҳам янгилиниш бўлаверади.

**Умарали НОРМАТОВ:** - Ўтган аср бошларида миллий адабиётимизда туб ўзгариш, бадиий ислохотларга эҳтиёж нақадар кучли бўлганлиги ҳаммага аён. Адабиётимиз бахтига мана шу эҳтиёжни чуқур ҳис этган Чўлпон, Қодирий сингари улкан истеъодлар майдонга чиқди ва миллий адабиёт ривожини янги йўлларга солиб юборди. Қарангки, ХХI аср бошларида ҳам бугунги адабиётимизда туб янгилинишга кучли бир зарурат борлигини кўриб, сезиб турибмиз. Ахир, шоир айтмоқчи, чархнинг авзойи аввалгиларга ўхшамас: мустақил мамлакатнинг озод админи, глобаллашув, ахборот асри кишисини аввалги адабий мезонлар асосида яратилган асарлар асло қаноатлантирмаслиги кундай равшан. Аслини олганда янгилиниш, ўзгариш жараёни алақачон бошланган, суҳбатимизда келтирилган шеърлар бу йўлда муайян ижобий тажрибалар мавжудлигини тасдиқлаб турибди.

**Улуғбек ҲАМДАМ:** - Умарали ака, сизнингча ўзбек шеършунослиги, адабий нуқтаи назари ўзбек поэзиясидан қайсидир маънода орқада қолиб кетмаяптими? Бу ҳол айниқса, модерн шеърни тушунишда ва уни таҳлилу тадқиқ этишда сезилиб қолаётганга ўхшайди. Ва умуман, негадир ҳар қандай янгилик Шарқда қийинчилик билан кўкаради-гандек. Жумладан, ўзбек шеърлятида содир бўлган янгиришлар ҳам, масалан, 70-йилларда унчалик хуш қабул қилинмаган. Ҳозир ундайин қаршилик ва тазйиқлар

бўлмаса-да, барибир, "модерн шоирлар" кўп ҳам суйиб ўқилмайди. Узоққа бормайлик-да, сўнгги бир неча йил мобайнида нашр этилган Баҳром Рўзимухаммаднинг "Кундуз сарҳадлари" ва Фахриёрнинг "Аёлғу" тўпламларига бўлган адабий муносабатни олайлик. Ростини айтганда, мен шу икки китоб чуқур тушунишиб, оҳори тўқилмаган гўзал таҳлиллар асосида ёзилган тақриزلарни, мақолаларни ўқимадим. Устоз Озод Шарафиддиновнинг "Модернизм - жўн ҳодиса эмас..." сарлавҳали суҳбати, профессор Қозоқбой Йўлдошевнинг бир қанча радиосуҳбатлари, мунаққид Аҳмад Отабоевнинг аҳён-аҳёндаги "модернистик чиқишлари", шоир Баҳром Рўзимухаммаднинг "Аёлғу" ҳақида, шоир Шермурод Субҳоннинг Б. Рўзимухаммад шеърлари тўғрисида ёзган мақолалари ва яна шу руҳдаги ҳаракатлар ҳали етарли эмас. Қолаверса, ҳар икки мақола ҳам шоирлар шеърляти моҳиятини тўла очиб беролган, дейиш мушкул. Ва умуман, адабиёт илмимизда янгиланаётган бадиий тафаккур масалаларини теран ва атрофлича тадқиқ этган салмоқли ишлар деярли яратилмаётганини кишини ўйлантириб қўяди. Эҳтимол, адабий танқидга бўлган биздаги совуққон муносабатнинг ҳосиласидир бу. Ахир тан олмоғимиз керакки, Шарқда бадиий асар ёзиш адабиёт илми билан шуғулланишдан кўра ҳаммиша ҳам "баландроқ" мартаба ҳисобланиб келган. Бундай ёндошув ҳалигача ўз таъсирини йўқотган эмас. Ҳатто "жуда чуқур" тушунувчи зиёлиларимиз ҳам кўпинча адабий танқидни мустақил ижод ўлароқ тан олишдан кўра бирон бир асарнинг "соя"си сифатида қабул қилишга кўпроқ мойиллик билдиради. Аслида-чи? Аслида, ҳақиқий адабий таҳлилий асар - чинакам ижод, илм ва бадиият баравар иштирок этадиган улкан майдон. Ахир, Белинскийнинг "Адабий орзулар"ини Пушкин ё Лермонтов шеърларидан қуйи қўйиш мумкинми? Менингча, йўқ! Чунки Белинскийнинг адабий-танқидий асарлари ўзининг пафоси нуқтаи назаридан Пушкин шеърларидан асло қолишмайди. Дунёни бадиий идрок этиш даражаси жиҳатидан ҳам Белинский, масалан, Лермонтов билан бўйлаша олади. Эдуардас Межелайтиснинг "Тунги капалаклар", К. Г. Юнг, Э. Фромм, О. Гассетларнинг ба-

дий адабиётга бағишлаб ёзилган асарлари тўғрисида ҳам шундай баланд муносабат билдириш мумкин. Албатта, ўз замонасига кўра бундай илғор адабий-танқидий асарлар ёзиш учун ижодкор-олимга жуда кўп нарса зарур: у тарих ва жамиятшуносликни, социология ва психологияни, қўйингки, борлиқ ижтимоий соҳаларнинг билимдони бўлиши шарт. Кейин энг муҳими бошланади: мунаққид камида ўзи тадқиқ этаётган шоир ё ёзувчи даражасида фикрлай ва ҳис қила билиши, дунёни шу поғонада бадий идрок эта олиши даркор. Ҳа-ҳа, булардан ташқари ҳам ижодкор-олимга яна кўп фазилатлар асқотади... Эҳтимол, шунинг учун бизда улар жуда кам бўлган ва тобора янада нодирлашиб бормоқда... Албатта, нималардир қилинмоқда, онда-сонда бўлса-да, кишининг эсида қоладиган адабий-танқидий асарлар учраб турибди. Мен 1998 йилда чоп этилган И. Фафуровнинг "Дил эркинлиги" номли китобини алоҳида санаб ўтган бўлардим. Қолаверса, сизнинг бир қатор адабиётшунос олимлар билан сўнгги йиллар давомида "Жаҳон адабиёти" журналида эълон қилинган суҳбатларингиз, Баҳром Рўзимухаммад, Узоқ Жўрақулов сингари яна бир неча ижодкорларнинг вақтли матбуотда онда-сонда бўлса-да чиқиб турган мақолалари... Бироқ ўзгараётган бадий тафаккуримиз меваси бўлиб дунёга келаётган шеъриятни, унинг туғилиш сабаблари ва қонуниятларини кўрсатиб, тушунтириб бера оладиган асарларга эҳтиёж барибир қондирилмай келаётир. 1987 йилда ёзилган, 1988 йилда кенгайтирилиб, қайта ишланган француз олими Жан-Луис-Жубертнинг "Шеър недир?" деб номланган асари назаримда, ана шу ташналикни бир қадар қондирадигандек. (Мен уни туркчада ўқидим - У. Ҳ.) Китоб учта бўлимдан ва кўплаб боблардан иборат. Биргина бобларнинг номланишининг ўзиёқ киши эътиборини тортади, сергак торттиради, ҳали масала моҳиятини англаб етмасингдан буруноқ сен билган шеър ҳақида қандайдир янги гап айтилиши мумкинлигини сеза бошлайсан. Мана улардан бир нечтаси: "Шеърнинг фойдасизлиги", "Шеър ва хотира", "Шеър ва сеҳр", "Насрнинг юриши, назмнинг эса рақс тушиши", "Тилнинг мағлубияти",



"Овоз шеъри", "Шеърнинг овозсизлиги", "Мавҳум шеър", "Шеър ва туш" ва ҳоказо.

**Умарали НОРМАТОВ:** - Миллий адабиётимиздаги, хусусан, шеърятдаги ноанъанавий йўналиш, модерн шеърят тадқиқи кўнгилдагидек эмас, деган гапингизга қўшиламан. Бироқ ноумид шайтон, дейдилар, мана шу йўналишдаги асарларни теран ҳис қиладиган, чуқур таҳлил эта оладиган навқирон кенжа адабиётшунослар авлоди етишиб келаётганлиги кўнгилга таскин беради. Жаҳон адабиёти тажрибасидан маълум: янги адабий ҳодиса-мактаб эртадир-кечдир, албатта ўз тадқиқотчиларини етиштиради. Миллий университетда ўтказилган адабий анжуманларда, жумладан, Шавкат Раҳмон, Фахриёр, Иқбол Мирзо, Турсун Али шеърлари муҳокамасига бағишланган анжуманлардаги чиқишларни, ўта мураккаб, ноанъанавий шеърлар хусусида ёшлар топиб айтган мулоҳазаларни тинглаб кўнгил яйрайди. 2001 йили ўзбек филологиясида Муҳайё Йўлдошева деган қизимиз бугунги модерн шеърят ҳақида магистрлик диссертациясини ҳимоя қилди. Ёш тадқиқотчининг энг янги шеърятимиз руҳига мос ноанъанавий йўналишдаги нозик кузатиш, илмий таҳлилари ҳимоя қатнашчиларини лол қолдирди. Бу иш китоб ҳолида чоп этишга, уни номзодлик диссертацияси тарзида ҳимоя этишга тавсия этилди. Муҳайёхонга ўхшаган ёш шеършунослар якка-ёлғиз эмас. Улар матбуотда ҳам кўрина бошлашди. Аминманки, эрта-индин улар катта майдонга, юксак минбарга дадил чиқадилар. Кўрасиз, яқин келажақда модерн шеърят тадқиқи сизу биз кутган манзилларни албатта забт этажак.

Умуман олганда модерн шеърят тилини уқиш, англаш осон эмас. Бу шеърят дунёсини теран англаш учун айтиш дунё ичида яшаш, бу оламнинг одами бўлиш лозим. Модерн шеърятнинг, умуман, модерн адабиёт, санъатнинг ҳаёт, жамият билан алоқаси анъанавий реалистик адабиёт, санъатникидан тубдан фарқ қилади. Модерн шеърятда "одамларнинг тили учидан турган сўзни айтиш", одамлар-замондошлар кайфиятини ифодалашга интилиш

йўқ ҳисоб. Модерн адабиёт, шеърият намуналарини ўқиганда реалистик мусаввирлар яратган ҳаётни айни ўзидек гавдалантирган суратлар кўргазмасига эмас, авангард санъаткорлар суратларидан иборат ғаройиб, дарҳол тушуниш, англаш мушкул бўлган "айқаш-уйқаш" манзаралар галарейсига кириб қолгандек бўласиз, ўзгача ранглар жиросига дуч келасиз, аввал эшитмаган наволарни тинглайсиз. Улар сизда кайфиятлар уйғотади, ҳаётга, нарса ва ҳодисаларга ўзгача нигоҳ билан қарашга ундайди... Анъанавий реалистик асарлар руҳида тарбияланган ўқувчи, реализм эстетикаси, назарияси билан қуролланган танқидчи-адабиётшунос буни осон ҳазм қила олмаслиги табиий бир ҳол. Бу ғаройиб, тушуниксиз оламга чуқур кириб борганингиз сари секин-аста унинг асири, мухлиси бўлиб қолганлигини ўзингиз ҳам сезмай қоласиз. Мен олий ўқув юртида талабалар билан ишлаш жараёнида бунга амин бўлганман. Умумтаълим мактабларида модерн адабиёт, шеърият, айниқса, санъат намуналари билан деярли таништирилмайди. Ўқув дастурларида мавжуд янгича йўналишдаги айрим шеърлар табиатини тушунтириб бера оладиган адабиёт муаллимлари ниҳоятда кам. Ўзбек филологияси факультетлари 1-курсда "ҳозирги адабий жараён" фани орқали талабалар модерн адабиёт дунёси билан бевосита таниша бошлайдилар, мана шу танишув жараёнида атиги 3-4 ой давомида улар тамомила бошқача одам - модерн шеъриятнинг "ашаддий мухлиси" бўлиб қоладилар... Таълим-тарбияда ҳам гап кўп-да!..

**Улуғбек ҲАМДАМ:** - Бугунги ўзбек модерн шеъриятида ва умуман, ўзбек адабиётида "катта бурилиш" - таъсири нафақат санъат доирасида, балки жамият миқёсида кутиладиган воқеаларнинг деярли содир бўлмаётгани юқорида у ёки бу муносабат билан айтиб ўтилган сабабларга боғлиқ эканидан ташқари яна икки улкан омилга ҳам алоқадорлигини таъкидлаш лозимга ўхшайди. Биринчиси, ташқи омил - жамият ҳаётининг кейинги 10-15 йил мобайнида кўпқатламли, кўпқиёфали мазмун касб этиши оқибатида муайян ижтимоий-иқтисодий-маънавий тои-

фага мансуб кишининг ўз қатлами даражасидаги эҳтиёж ва қизиқишларининг шаклланганлиги ҳамда адабиёт-санъатнинг кўп ҳолларда мазкур эҳтиёж ва қизиқишлар рўйхатидан "тушиб қолаётганлиги" билан изоҳланади. Бошқача айтадиган бўлсак, гарчи "адабиёт одамлари" орасида модерн кайфият кечаги кунга нисбатан бир қадар барқарорлашган эса-да, модерн шеър мухлисларининг сони барибир, жудаям озчиликни ташкил қилади. Рақамнинг "камбағаллиги" модерн шеърни тушуниш ўқувчидан хос бир адабий тайёргарлик, хос бир бадиий дид тақозо этишига ҳам боғлиқ, албатта. Ҳатто айтиш мумкинки, адабиёт-санъатта қайси бир жиҳатдан бевосита алоқаси бўлган ўқувчигина бугунги модерн шеърнинг чин мухлиси. Одатда, талабнинг чекланганлиги таклифнинг камтароналигига, етарли миқдорда оммавийлашмаслигига олиб келади. Ўз-ўзидан маълум бўлмоқдаки, бугунги ўзбек модерн шоирларининг эл орасида анъанавий шоирларимиз - А. Орипов ё М. Юсуфдек машҳур эмасликлари гоят табиийдир.

Иккинчиси ички омил бўлиб, шоир шахси, бу шахсининг қисмати билан боғлиқ фактордир. Шоир бўлиб туғилдилар, деган нақл юради. Бу гапда ҳикмат бор. Чунки шоирлик, бу - ҳақиқатан ҳам қисмат. Киши шоиртабиат бўлиб туғилиши ва андак адабий таълим орқасидан бинойидек шеърлар машқ қилиши, ҳатто эл оғзига тушиши мумкин. Аслида, шундай шоирлар ҳам керак. Ҳамманинг бирдек "даҳо" бўлиши мумкин ҳам, шарт ҳам эмас. Бироқ санъатда навоийлар бу тариқа пайдо бўлмайди. Навоийларга фитратининг шоиртабиатлигидан ташқари қисматининг ҳам айрича - чинакам ижодкорникига монанд бўлмоғи зарур. Улуғ дард, мислсиз муҳаббат, таскинсиз улкан йўқотишлар, азим руҳий эврилишлар, туганмас изтироблар... мана нималар ҳаводек керак Катта Шоирга, Улкан Санъаткорга!.. Бироқ кечирасиз, бу ёғи энди пешона... Одам буюртма бериб бахтсиз бўла олмайди, атайлаб ўзини-ўзи руҳий қийноқларга, изтиробларга, ўпқондек ютиб келгувчи дард-мунгларга гирифтор эта билмайди... Қисмат... Шунинг учун ҳам орамизда истеъдодлар кўп бўлишига қарамай, даҳолар камёб... Истеъдоднинг даҳо

санъаткорга "айланмоғи" учун ана шу дўзахий азобларни кечиб ўтиши ва энг муҳими, тегирмондан бутун чиқмоғи шарт! Ҳа-ҳа, шунча эврилишлардан сўнг ҳам ботинида ўз инсонлик шаънини бутун сақлаб қололган истеъдодгина яна бир қадам илгари ташлайди - Улкан Санъаткоргина ёзиши мумкин бўлган дурдоналарни ярата бошлайди. Мана, нима учун ҳаммамиз бинойидекмиз-у, орамизда навоийлар кўринмайди...

Жуберт юқорида эсланган китобида Массет исмли муаллифнинг 1835 йилда ёзилган "Май кечаси" деб номланган шеърини келтирадики, назаримда у руҳан айтилганларга монанд тушади:

*Ишқ тўла кўксидан оқар эди қон:  
Денгизлар устида беҳуда учди,  
Соҳиллар бўш эди, бўш эди уммон.*

*Ниҳоят панжасин кўксига санчди...  
Келтирди юрагин палапонларга.*

*Тошга ястанганча ожиз сақоқуш  
Бўлаша бошларкан сўнгра нарчани  
Улуғ муҳаббат-ла қисмат аччиғин  
Бостириб кўйгандек сезарди ўзни.  
Ва қонли тўшига боқарди бот-бот  
Завқдан ва шафқатдан, даҳшатдан сарҳуш...*

(таржима - бизники)

Яна-да кўп изтироб чекиб яшаган шоир ҳам ўз ҳаётини асарлар тариқасида қонга ташна ўқувчиларга мана шу тарзда аргумон этади, дейди француз олими шеърни таҳлил этаркан. Албатта, бу ҳисолда кимдир ортиқ даражадаги муболағани кўрар, кимдир бошқа фикр айтар, лекин, нима бўлгандаям ҳақиқий шоир-ижодкор тақдири баъзан чинданам сақоқуш қисматини ёдга солади. Шу маънода орамиздан навоийларнинг потраб чиқиб турмаганининг сабабларидан бири - сақоқушнинг аччиқ қисматидек қисматни камдан-кам, ноёбдан-ноёб ижодкор ўзига раво кўришидадир. Бас, шундай экан, ҳақиқий шоир, улуман,

санъаткор бу - аввало, Улуф Дардмандки, мен унга ҳавас қилишдан, шарафига санолар ўқишдан олдин дардига Яратгандан шифо тилаган бўлардим. Ҳа, чинакам шоирлар (эътибор берган бўлсангиз, бутун суҳбатимиз давомида мен "санъаткор", "ижодкор", "шоир" сўзлари олдига "чинакам", "ҳақиқий" деган сифатларни бот-бот қўшиб қўйишга мажбур бўлдим, ўйлайманки, изоҳга ҳожат йўқ!) орамиздаги энг касалманд, "соғлар орасидаги носоғ" кишиларким, уларнинг дарди ҳақиқатан ҳам оламнинг дарди, одамнинг дардидир. Уларга ҳасад қилиш эса, кўринадики, ҳар қандай соғлом мантиқдан йироқ ахлоқона ва разилона ишдек туюлади менга.

**Умарали НОРМАТОВ:** - Адабиёт тарихидан маълумки, ҳеч қайси адабий оқим, ижодий метод ижодкорга имтиёз, афзаллик ҳуқуқини бермайди. Охир-оқибат ижодкорнинг истеъдод даражаси, заковати, ижоддаги омади, бадиий ихтироси ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Ҳозирги модерн шеърятнинг, модерн шоирларнинг унчалик машҳур эмаслигидан кўпам ташвишга тушавермаслик керак. Ҳар ҳолда менинг кузатишимча, модерн шеърятга муносабатда муайян ўзгариш бор, ихлосмандлар кейинги 4-5 йил давомида сезиларли даражада кўпайди. Қолаверса, модерн шеърятнинг ўзи юқорида айтилганидек, бетиним ўзгариб-янгилашиб, такомиллашиб, ўқувчи-шеърхонга яқинлашиб боряпти, ҳали бизда модерн шеърятнинг имкониятлари тўлалигича намоён бўлгани йўқ. Шунга қарамай, бутунги кунда унинг Абдували Қутбиддин, Фахриёр, Баҳром Рўзимухаммаддек тан олинган истеъдодли намояндалари борлигининг ўзи катта гап! Булар ва уларнинг ўнлаб издошлари ўзбек миллий модерн шеърятининг эртасига катта умид уйғотади.

**Улуғбек ҲАМДАМ:** - Домла, негадир менга Абдували Қутбиддин ва Фахриёр билан Баҳром Рўзимухаммад шеъряти ўртасида иддизли тафовут борга ўхшайди. Биринчи икки шоир анъана доирасида, анъана заминида туриб модернистик кашфиётларга интилаётган бўлсалар (сизнинг

юқорида "соф модерн" кўринишидаги деярли барча асарлар қаъридан акс-садо бериб турган қадим аёлғу наволарини туйиб-эшитиб турасиз" деганингиз бежиз эмас), Баҳром Рўзимуҳаммад ижодиёти кўпроқ модернистик соҳил томонида каби. Чунки Абдували Қутбиддин ва Фахриёрга дунёни боши ва охири мавжуд бус-бутун олам ўлароқ кўриш хос, бинобарин, улар яратаётган бадий дунё изчил мантиқийликка, узвий давомийликка асосланган бўлса, Баҳром Рўзимуҳаммад "дунёси"нинг ҳақиқатан ҳам "оёғи осмонда". Унинг шеърлари Фахриёр ва Абдували Қутбиддин асарларида акс этган "бутун дунё"нинг сочилиб кетган синиқларидек таассурот қолдиради. (Ахир модернизмнинг моҳияти айнан инсон руҳиятидаги дарзлар орасида яширинган-ку!) Бу ўринда гап қайси шеърий йўлнинг устун ё пастлигида, яхши ё ёмонлигида эмас, асло! Масалани ҳеч қачон бундай қўймаслик керак. Гап шоирларнинг фитрий ўзига хослигида, дунёни эстетик бадий идрок этишидаги айричалигида. Ҳеч шубҳа қилмайманки, агар шоир чинакамига истеъдодли бўлса, ҳар қандай йўсинда гўзал, ғоят гўзал ашъор битаолади. Бинобарин, бадий тафаккурнинг реалистик босқичи ҳам, модернистик босқичи ҳам, жумладан, уларнинг ўзига хос синтези бўлмиш модернистик реализм (Фахриёр, Абдували Қутбиддин каби яна кўплаб шоирларимиз шу услубга яқинроқ) босқичи ҳам юксак санъат намуналарини беришга қодирдир. Ҳа-ҳа, шоирнинг кучи унинг қайси "изм"га мансублигида эмас, балки шу "изм" заминида туриб, нима ва қандай ёза билганида! Ва яна шундай ўйлар мени ҳеч тарк этмайдик, XX аср ўзбек анъанавий шеърияти берган "Кишан кийма, бўйин эгма, Ки сен ҳам ҳур туғилғонсен!" (Чўлпон), "Сочилади ўйларим сенсиз, Хаёлимга тароқ ургайман. Менинг қўлим етмаган юлдуз, Тушларимда сени кўргайман" (А. Орипов), "Уйғон ай малагим, тур, ўрнингдан тур, Оташин музларда исинайлик, юр!" (Р. Парфи) каби ўзининг ўлмас мисраларини ҳали ярата билганича йўқ. Биз "модерн шеър табиати сал бошқача бўлади, унга бу янглиф талаблар қўйиб бўлмайди" дегандек ўнлаб-юзлаб важ-карсон кўрсатмайлик, барибир, адабиётнинг санъатлик ху-

сусиятини унутмаслигимиз лозим. У бизнинг эстетик дунёемизни титратиб юборадиган асарлар бергандагина чинакам бадий ҳодиса ҳақида фикр юритишимиз мумкин.

**Умарали НОРМАТОВ:** - Модерн шеърятимиз ривожи осон ва силлиқ кечаётгани йўқ, албатта. Унинг ривожи йўлида жиддий қийинчилик, камчиликлар, турфа оғишлар мавжудлиги ҳеч қимга сир эмас. Бу янги адабий жараён оқилона танқид, хайрихоҳлик руҳидаги баҳс-мунозараларга ниҳоятда муҳтож. Ана шундай бир вазиятда ҳеч қанақа аниқ далил, илмий таҳлилларсиз бу йўналишдаги шеърлардан бурун жийириш, уни қуруқ рад этиш ҳолларига дуч келаётирмизки, бундан афсусланмай иложингиз йўқ. Модерн шеърят танқиди ҳозирча бу йўналишнинг "ўзбек маънавий муҳити"га номувофиқлиги, матнда "тиниш белгиларига амал қилмаслик", назм тузилишининг "қоида-қонун"ларига, назарияга мос тушмаслиги, фикр - гоёнинг мавҳумлиги хусусидаги қуруқ нолишлардан нарига ўтмаяпти.

Ниҳоят, ҳар қайси адабий-бадий оқимда бўлгани каби ижодкор шахси, даражаси, унинг ижодий жасорати, модерн шеърятнинг бугуни ва эртасини белгилайди. Бу йўналишда қалам тебратаётганлар айчайин бир ҳаваскор қаламкашлар эмас, улар орасида миллий ва жаҳон адабиёти, санъати тарихи ҳамда бутунги кунидан чуқур хабардор етук ижодкорлар борлигидан чексиз қувонаман. Бу шеърят устида сўз очадиган, баҳс юритишга чоғланган мунаққид ўз савия-даражасини уларнинг бўйи-басти билан бир бор солиштириб олса зарар қилмасди.

**Улуғбек ҲАМДАМ:** - Хўш, шу чоққача баҳсини юритганимиз модернизмнинг ўзи нима? У қачон ва қандай пайдо бўлган? Модернизмни бир неча хаёлпараст санъаткор "бекорчилик"дан ўйлаб топганларми? Ёхуд табиий бир жараён сифатида ҳаётимизга кириб келганми? Унинг анъанавий оқимлар, хусусан, реализмдан нима фарқи бор? Модернизмни реализм ўрнига келган ва уни (реализмни) ўз ҳаёт хужайраларини бутунлай сарфлаб бўлган оқим

ўлароқ "истеъмом"дан чиқариб ташлашга қодир йўналиш дея оламизми? Балки унинг сажиясида компромисслик хусусияти устундир?..

Бу ва бунинг каби юзлаб саволлар туғилиши табиий ҳол, албатта. "Жаҳон адабиёти" журналининг 2001 йил ноябр сонидан рус олими Александр Гениснинг "XX асрнинг етакчи услуби" номли мақоласи ва улкан руҳиятшунос олим К. Г. Юнгнинг "Пикассо" отлиғ эссесидан юқоридаги саволларнинг айримларига жавоб топгандек бўласиз. Генис ёзади: "Тарих вақт билан ҳисоблашмайди, бироқ бизлар солномага назар солмай иш юрита олмаймиз. Орта назар ташлар эканмиз, модернизм тарихнинг қайси палласидан бошланганини билиб оламиз.

Лондондаги машҳур икки бадий музей жамоаси яқинда ана шундай муаммога дуч келди. Улар ўз хазиналаридаги санъат асарларини ўзаро тақсимлаб олишларига тўғри келди: натижада Миллий галереяга мумтоз тасвирий санъат асарлари, Тэйт галереясига эса замонавий ижодкорларнинг асарлари насиб этди. Бу борада 1900 йил чегара чизиғи вазифасини ўтади. Бу чегара чизиғи ҳар қанча баҳсли ва шартли бўлмасин, нафақат тақвимий, балки мантиқий ҳақиқатга яқинлиги билан ҳам эътиборни тортади. Биз модернизмни ўтган аср билан тенгдош ҳисоблай туриб, ҳам тарихан, ҳам бадий жиҳатдан адолатли иш тутган бўламиз".

Модернизмнинг моҳияти ҳақида фикр юритаркан, олим модернизмгача санъатда воситаларгина ўзгартириб келинган бўлса, модернизм "тадқиқ қилинаётган объектнинг ўзини тамомила янгилагани"ни таъкидлайди. "Ницшенинг "ҳеч қандай фактлар мавжуд эмас, балки уларнинг талқини, инъикосигина бор" деган ақидасини дастак қилиб олган модернизм муаллифнинг тасаввуридагина мавжуд воқеликнинг турли талқинлари, дунёни турли субъективизмларнинг кураш майдони сифатида акс эттира бошлади", деб ёзади яна олим.

Юнг эса модернистик санъат моҳиятида руҳий хасталикни кўради. У бундай хасталикка чалинган кишиларни икки гуруҳга ажратади: "булар невротиклар ва шизофре-



никлар. Биринчи гуруҳга мансуб (кишилар) синтетик характердаги кучли ва яхлит туйғута йўғрилган суратлар чи-зишади... Иккинчи гуруҳ, аксинча, шундай суратлар чи-задики, бу суратлар уларнинг муаллифларига ҳиссиёт бе-гона эканини кўрсатиб туради. Улар ҳар қандай ҳолларда яхлит уйғун туйғуни эмас, балки, аксинча, қарама-қарши кечинмаларни ёки уларнинг умуман йўқлигини ифода-лайди. Бу суратларнинг бадий шаклида эса синиқ чи-зиқларда акс этган таназзул, инқироз кайфияти устивор-лик қилади ва бу ўз навбатида ижодкорнинг руҳан бўлин-ганини, яъни ўзини бошқа одам деб фаҳмлашини билди-ради. Суратлар томашабинга ёқмайди ёки ақлга тўғри кел-майди, тажовузкор руҳдалиги ва беўхшов носамимийлиги билан унда қўрқинчли таассурот қолдиради. Пикассо ана шу руҳий (психологик) типга мансуб" (Аҳмад Отабой тар-жимаси).

Бундай қараш модернизмнинг келиб чиқишида ижти-мой-психологик факторнинг доминант моҳиятига урғу беради. Чинданам, XX асрга келиб инсоннинг турмуши цивилизация оқибатида мисли кўрилмаган даражада му-раккаблашди, одамларнинг ўзаро руҳий муносабатда бўлиш имкони торайди, бундай эҳтиёж - руҳ ҳаёти инсоннинг ичига ҳибс этилди, натижада руҳий изтироб туғилди, руҳ касалликка чалинди... Назаримда модернизмнинг руҳий-психологик асоси шу нуқтадан бошланади.

Дарҳақиқат, инсоният ҳаётига модерн руҳнинг кириб келиши асрлар давомида шаклланиб-турғунлашиб қолган дунёқарашни остин-устин қилиб юборди. Модернизм шундай моҳиятга эга эдики, у энг анъанавий, энг мумтоз шакллар, тушунчалар бағрига ҳам ҳеч тортинмай, ҳеч ик-киланмай ёриб кираверди. Модернизм бу - XX асрга кел-иб, инсониятнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техни-кавий, маданий-маънавий соҳадаги ёппа тараққиёти ту-файли онларда содир бўлган улкан ўзгариш - тафаккур тарзимиздаги янги босқич. У даврнинг умумий, универ-сал кайфияти. У реализмга қарши эмас, балки реализм заминида (материалида) барпо этилган замонавийликнинг янги қасри. Истилоҳнинг луғавий маъносига ("модерн"

французча "янги", "замонавий" дегани) эътибор берадиган бўлсак, "модернизм туғилишга туғилди-ю, бироқ энди ўлмас керак!" дегинг келади. Мантиқан олганда энди ҳар қандай давр ўз кайфиятини акс эттирган янгидан-янги, замонавийдан-замонавий асарини модерн асарлар деб атайди... Демак, модернизм ҳеч қачон эскирмас экан-да, деган ўй ҳам келади баъзан хаёлга. Бироқ эртанги кун ҳамиша ўз бағрида қутилмаган сирни яшириб туриши билан қудратлидир. У "бугун"га нисбатан анча эркин. Келажакнинг бизнинг тасарруфимиздаги фоизи унчалик катта эмас. Бинобарин, биз "модернизм мангу, модернизм ҳеч қачон ўлмайди!" деганга ўхшаш ҳайқириқлардан тийилганимиз маъқул. Агар модернизм моҳиятида биз фақат дунёга янгича қараш, уни ўз даври даражасида бадий ҳис ва идрок этишни тушунсак, ҳа, у абадийдир. Бироқ модернизмни XX аср аввалида ёмғирдан сўнг потраб чиққан кўзиқориндек кўпайган қисмлари - кубизм, сюрреализм, абстракционизм, экспрессионизм, футуризм, дадаизм, гиперреализм, риджионализм каби "изм"ларнинг йиғиндиси сифатида тушунсак, ҳа, у ҳам туғилди ва умрини ўтаб бўлаёзди (юқорида номлари келтирилган "изм"ларнинг аксари бир неча ўн, ҳатто бир неча санокли йил "яшаб", ўрнини навбатдаги оқимга бўшатиб берганлиги адабиётшунослик тарихига оид материаллардан маълум!). Назаримда ушбу масалага ойдинлик киритишга қодир ёлғиз ҳакам - Вақт! Чунки аҳли башар ахборот асрига қадам қўймоқда. Бу ҳам турмушни мисли кўрилмаган даражада ўзгартириб юбориши, натижада инсоннинг дунёни бадий-эстетик жиҳатдан қабул қилишида яна-да кескинроқ бурилишлар юз бериши ҳеч гапмас... Мана, "изм"лар қандай ва қаерда ўзгаради!.. Мана, нега биз модернизм моҳиятини тўла тушуниб-тушунтириб беролмаслигимиз етмаганидек, унинг қанча умр кўргани ва яна қанча яшаши мумкинлиги тўғрисида ҳам тайинли гап айтолмаслигимизнинг сабаби...

2001 йил декабр -

2002 йил феврал,

## ҚИЁФАЛАР МАЗМУНИ

**Санжар НАЗАР:** - Назаримда, юксак идеалларга талпиниш ва гўзал гуйгуларнинг тубида, асл моҳиятида ўта примитив маиший эҳтиёжлар яшириндек. Биз бу эҳтиёжларни алақачонлардан бери ўз номи билан атамаймиз. Уларни чиройли, жимжимадор атамалар ортига яширганмиз ва асл номларини унутиб юборганмиз. Масалан, аслида миллат, эътиқод ёки маслак атрофида бирлашишдек баланд-парвоз ҳаракатларнинг остида "жамоа нарцисизми" деб аталадиган руҳий ҳолат ётиши ёки ватанпарварлик бир пайтлар ёрда яшаган бобокалонимизнинг ўз ошёнини харсанг билан беркитишининг чиройли такрори эканлигини ҳеч биримиз қабул қилишни хоҳламаймиз. Негаки, эҳтиёжларни ўз номи билан аташ олийнасаблигимиз ва бошқа улуғвор сифатларимизга соя ташлайди.

Мақсадга ўтсам, назаримда барча санъат турлари, шу жумладан, шеърият ҳам инсониятга бутун тараққиёт давомида йўлдош бўлиб келаётганига сабаб унинг моҳиятида яширинган эҳтиёжга боғлиқдек. Сиз бу фикрга қўшиласизми? Қўшилсангиз, шеъриятнинг асосида қандай эҳтиёж(лар) турибди, деб ҳисоблайсиз?

**Улуғбек ҲАМДАМ:** - Дарҳақиқат, бу жуда шафқатсиз савол. Жавоби эса ундан ҳам баттар. Бироқ барибир умид бор: гарчанд у жудаям кичик, лекин муҳими - мавжуд...

Маълумки, илмда Зигмунд Фрейд назарияларининг пайдо бўлиши билан инсоният яратган кўпгина маънавий соҳалар ва уларнинг юзага келиш сабаблари янгича талқин этила бошланди. Фрейд ҳатто бутун маданиятни қондирилмаган жинсий майлдан "бино бўлган олам" сифатида баҳолади. Бундан дунё ларзага келди. Ахир асрлардан буён не-не машаққат ва юксак интилишлар орқасида мисқолаб тўпланган маънавият маҳсули - маданият илк бор ўзига хос "тавқи лаънат"га дуч келган эди. Унинг олий қадриятлардан яралгани шубҳа остига олинганди.

Қисқаси, "шеъриятнинг ортидаги ҳам шеърми?" - дедимиз-да...

Агарда инсоният деб аталган хилқат фақат оммадан, омма даражаси ва кайфиятидан иборат бўлганда, мен Фрейдга тўла ҳақ берардим. Яхшиямки, бундай эмас, яхшиямки, ҳамма даврларда кишилиқнинг сара фарзандлари дунёда иккинчи қутбни (оммага нисбатан) яратиб келганлар ва бу дунё мувозанатини ушлаб турган. Яхшиямки, Фрейддан олдин ҳам, у яшаган даврда-ю ҳозир ҳам шундай кишилар - хос ақл, хос кўнгил эгалари мавжуд ва айни факт мен юқорида ҳам севиниб, ҳам ҳадиксираб айтган умидни пайдо қилади. Бироқ жавобнинг битта "лекин"и, яъни бор даҳшати шундаки, дунёни тобора - Гассет куйиниб ёзганидек, - омма эгаллаб, бутун ҳукмронликни ўз қўлига олиб бораётир. Бу энди дўппини олиб қўйиб ўйлайдиган мушкул масала...

Келинг, энди бир қадар конкрет жавобга ўтсак. Инглиз ёзувчиси Ж.Оруэл: "Тўртта сабаб ижодкорни ёзишга ундайди, булар: худбинлик, оламдан эстетик завқ-шавқ олиш ва уни бошқаларга етказиш истаги, тарихий ҳақиқат қандай бўлса, уни ўшандайлигича кўриш эҳтиёжи ва сиёсий хоҳиш-ирода", - деб ёзади. Булардан иккитаси - худбинлик ва сиёсий хоҳиш-ирода (яъни одамларга ўз сиёсий қарашини сингдириб, дунёнинг ўзи хоҳлаган тарзда бошқарилишига ҳисса қўшмак эҳтиёжи) қайсидир маънода сиз айтаётган гап мазмунига яқин келади. Бироқ қолган иккитаси - дунё гўзаллигидан баҳра олиш ва уни бошқаларга етказиш истаги ҳамда нарсалар қандай бўлса, шундайлигича кўриш эҳтиёжи инсонлик шаънига муносибдир. Ҳатто буларнинг замирида ҳам ижодкорнинг "ўз дунёқараши" билан боғлиқ, унинг қайсидир манфаатига мос тушадиган нимадир бўлиши мумкин. Бироқ у энди сиз айтган "примитив маиший эҳтиёж" эмас. Агар шундай бўлганда эди, ижодкор бошқа касб билан шуғулланарди. Чунки примитив маиший эҳтиёж яхши еб, яхши кийиш билан изоҳланадиган тушунча бўлса, биз билан мизки, ижод йўли бундай манзилга деярли (бизда) олиб бормади...

Шахс - ижодкор ҳақида бир-икки оғиз сўз айтмоқчиман. Бундай ижодкорни ёзишга ундаган бош сабаб - унинг

дунёга инсон бўлиб келганлиги ва инсонлик чегараларини англаганидадир. Қолган барча катта-кичик сабаблар шунинг ичида! Муқаддас китоблар-да "Худо инсонни ўзига ўхшатиб яратди", дейилади. Улуғ валий Румий ҳазратлари эса инсон Оллоҳ сифатларини ўзига қайтариб бермагунича саодатли бўлолмайди, деган мазмунда бир гап айтган. Бу дегани шуки, инсон ўз умрини Оллоҳга хос бўлган сифатларга интилиб яшаб ўтмоғи шарт. Бас, шундай экан, Оллоҳнинг битта сифати яратувчиликдир. Эгамнинг сифатларига интилган бандаси гарчи Оллоҳдек йўқдан бор қилолмаса ҳам, барибир, Хожасига - Яратганга тақлид қилади: ёзади, чизади, куйлайди, тарашлайди... Буларсиз мумкин эмас. Чунки у айнан шундай интилишлардагина ўз инсонлик моҳиятини, бу дунёга келиш ва ундан кетиш мантиғини - ҳаёт мазмунини идрок этади. Айтинг, Санжар, ёзувчилик, умуман, ижод моҳиятини шундай тушунган ижодкорга "сенинг ижодинг замирида энг майда майший эҳтиёжлар мавжуд" дейишга энди ҳам ҳаддингиз сиғадими?! Менимча йўқ. Чунки бундай ижодкор - бошқа, сиз назарда тутаётган қаламкашлар яна бошқадир. "Бадиий тафаккур тадрижи" китобимда мен бу ҳақда тўхталганман. Унда Чўлпон шеърларини ўқиб поэзияни ижтимоийёт, Р.Парфи ижоди билан танишиб эса руҳият акс этгувчи майдон деб билсангиз, айрим шоирлар машқларини варақлаб эса уни ҳақиқатан ҳам Фрейд айтганидек, қониқмаган биологик майлни ўзига шимиб олган шакл деб ўйлайсиз, деган бир фикрни таъкидлаб ёзганман. Шунинг ўзи назаримда сиз берган саволга яна бир умумий, айни пайтда етарли даражада батафсил жавобдир. Чунки сиз шеъриятга қайси шоир ижоди орқали қарасангиз, у шу шоирга "яқин" бир "ранг"да ўзини намоён этади. Агар сўнги пайтларда ўқиётганингиз шоирлар сизга ана ўша примитив майший эҳтиёжларни ёдга солаётган бўлса, бошқасини - руҳий парвозларга ундовчиларни ўқиб кўринг. Шунда сизга поэзия бошқача бўлиб туюлади. Бирок, барибир, шеър тўғрисидаги ҳақиқат уларнинг биттасида эмас, асло! Балки ҳаммасининг (ҳатто ўша примитив майший туйғуларга элтувчиларининг ҳам) бирлигидадир...

**Санжар НАЗАР:** - Бугун кўплаб шеърларни кўздан кечири туриб (уларни фақат кўздан кечириш мумкин, улар ўқиш учун жудаям соддалик қилади) муаллифнинг ҳолатини яққол тасаввур қила оламан. Бу - кроссворд ечаётган одамнинг ҳолати. Ҳайрат ҳам, меҳнат ҳам, ҳиссиёт ва илҳом ҳам айнан шу даражада. Нимага шунақа? Нимага адабиёт, айниқса, шеърят санъатнинг бошқа турлари, илм-фан ёки спортдагидек узлуксиз тараққий этмайди, балки ўрни келганда ўзининг кечаги даражасига ҳавас билан боқади?

**Улугбек ҲАМДАМ:** - Кўпчилик шеърларда акс этган кечинма ҳаминқадар, уларни ўқиса ҳам, ўқимаса ҳам бўлади, демоқчисиз-да?! Қўшиламан... Бундай шеърларнинг урчиб кетганлиги, аввало, халқимиз табиатидаги сентименталлик билан, ана шундай машқларни қоралаётганларнинг адабиётга, шеърятга оддий бир нарса сифатида қараётганликлари билан, қолаверса, чуқур адабий-эстетик тарбиянинг етишмаслиги, яъни диддаги қусур билан белгиланади. Табиий, бунинг яна кўп чуқур сабаблари бор. Шулардан биттаси, шахснинг ўзи билан, унинг қисмати билан боғлиқ бўлиб, айтиш мумкинки, инсон ҳар қанча истеъдодли туғилмасин, агар унинг кўрган куни, кечирган "ҳангомалари" санъаткорникига монанд бўлмаса, яъни ҳаёт чиғириқларида етарли даражада "пишмаса", ундан катта адабиёт кутиб бўлмайди. Бундай ижодкор ёзган нарсалар шунинг учун ҳам сизнинг маънавий, руҳий, эстетик чанқоғингизни қониқтирмайди. Бинобарин, сиз адабиётнинг кечаги даражасига ҳавас билан боқа бошлайсиз.

Яна бир сабаб шуки, дунё, одамлар ўз бағридан туйғуни, ҳисни, кечинмани тобора сиқиб чиқармоқда. XX аср ва мана, XXI аср кишиси гўё ҳис-ҳаяжонсиз, фақат ақлидрок билан яшамоққа аҳд қилганга ўхшайди. Чунки шундай қилинганда ҳаёт энгилроқ бўлади, деб ишонади замондош. Шунинг учун ҳам у масалан, бошни айлантирадиган ишқ-муҳаббатга мубтало бўлишни, унинг оловида куйиб азобланишни эмас, совуқ мулоҳазакорлик билан фаровон ҳаёт ваъда этувчи йўللари танлайди, шуларни

афзал билади... Бу - асримизнинг, биз яшаётган даврнинг умумий кайфияти. Бутунги шоир ҳам шу замоннинг фарзанди бўлганидан кейин ўз муҳитига хос кайфиятдан кўпда узоққа кетолмайди. Бироқ, барибир, истиснолар мавжуд. Катта адабиёт ана шу мустасно ижодкорлар томонидангина яратилиши мумкин. Лекин улар ҳар куни туғилавермайди-да...

"Адабиёт, шеърят нима учун илм-фан ё спортдек узлуксиз тараққий этмайди?" - деган саволингизга келсак, шунга айтиш жоизки, инсон боласи туғилибдики, ҳамма нарсани нодан - бошидан бошлайди. Агар салафлар етиб келган жойдан бошлаганида эди, сиз айтгандек, узлуксиз тараққиёт бўларди. Бироқ бундай эмас, бутунги шоир ўз фаолиятини Навоий етиб борган юксакликдан эмас, балки Навоий бошлаган қўйилиқдан - ибтидодан бошлайди. Шунинг учун у ҳам туртинади, суртинади, алаалоқибат, ўз куч-қудратига, Худойим юрак бағрига жо қилган имконига яраша "йўл босади". Шунга кўра босилган йўлларнинг узун-қисқалиги ҳар хил бўлади.

**Санжар НАЗАР:** - Нафақат шеърнинг, балки шоирнинг қиёфаси (янаям аниқроғи, юз ифодаси) ҳам ўзгариб турадилар дейман-да. Шўро даври шоирларида асосан зиёлинамо, арбобларга хос қиёфа устивордек. Бироқ 60-70-йилларда улар сафига дарвешсифатлар қўшилган, 80-йилларнинг шоирлари суратда жангчига хос қиёфа, исёнкор назар билан намоён бўлишга интиланлар. Бутунги кун шоирлари табиат фонида, имкон қадар сентиментал қиёфада кўринишни хоҳлайдилар. (Айниқса, бутун телевидениеда шеър ўқиган одам борки, бирон-бир боғдаги буталар орасида қўлида баргми, новдами айлангириб, олисларга тикилганча сайр қилади). Бу замоннинг шоир бўлиш учун қўйган талаблари натижасими ёки шоирларнинг бошқаларда қолдиришни хоҳлаётган тасаввурлари ифодасими?

**Улуғбек ҲАМДАМ:** - Мен ҳар бир даврнинг худди одамларга ўхшаб ўз қиёфаси бўлиши ҳақида ёзгандим. Саволингизга жавоб шу ерда экан, уни яна такрорлашдан ўзга

чора йўқ. Тасаввур қилингики, жамият - яхлит бир организм. У асрлар давомида яшаб келаяпти. Бу давомийлик мобайнида у ҳеч қачон бир хил кайфиятда бўла олмайди. Бу на амалий ва на назарий жиҳатдан мумкин. Инсон эса хоҳ ишчи, хоҳ ижодкор бўлсин, ўша жамиятнинг бир парчаси. Бас, шундай экан, одатда, ўзи мансуб бўлган давр руҳидан узоққа кетолмайди. XX аср ўзбек шоирининг турли даврларда турлича қиёфага киришининг туб илдиэларини шу ердан қидиришимиз керак. Сиз шоир қиёфаларининг таснифини шўро давридан бошляяпсиз. Тўғри, ундан аввалгиларни - Чўлпонлар авлодини ҳатто телевизорда ҳам кўрмагансиз. Мен ҳам шундай. Ажаб эмаски, уларнинг қиёфаларида ҳам ўз даврининг зиддиятли, азиятли руҳи шундоқ акс этган бўлса. Шўро даврида эса зиёлинома қиёфа урф бўлган, деяпсиз. Буни ҳам ўз сабаблари бор. Чунончи, собиқ шўро даври адабиётга ўз мафкурасини зўрлаб ўтказиб келган бир давр бўлганига кўра ижодкор ҳам тўла маънода ана шу мафкуранинг тарғиботчиси ҳисобланарди. Бундай тарғиботчи эса ёзилмаган қонунқоидага биноан расмий қиёфада бўлиши керак эди. Қолаверса, тарихий тараққиётда шўровий Русиядан, дунёнинг илғор мамлакатларидан орқароқда келаётган Туркистон ижодкорлари табиий равишда илғор ўлкаларда русм ҳисобланган қиёфаларга ғайришуурий равишда тақлид ҳам қилганлар. 60-70 - йилларга келиб эса жамиятда мўътадил иқлим шабодалари эса бошлади. Чет эл адабиётидан хабардорлик кучайди. Натижада шоирлар орасида "ҳақиқий санъаткорда девоналикдан бир чимдим бўлиши керак", деган ақида тарқалди ва айримларга бу ёқиб тушди. (Шуни алоҳида таъкидлаб айтиш керакки, девоналик, дарвешлик хислати ҳар қандай даврда ҳам чинакам ижодкорларнинг битта қисми бўлиб яшайверади. Агар шуни ташқарига чиқаришга шароит туғилса, у намоён қилинади, йўқса яширин ҳолда кечиб ўтаверади).

Шоирларимизнинг 80-йиллардаги жанговор қиёфалари ҳам ўз изоҳига эга. Маълумки, шеърятимизда 70-йиллар авлоди деган бақувват авлод бор. Уларнинг ўзига хос жиҳати ҳам айнан ижтимоий жанговорлик билан белгила-



нади. Бу шоирлар жамиятда адолат ўрнатилишини талаб қилиб чиқдилар, ҳар қандай ёлгонга, фирибга, кўзбўямачиликка қарши курашдилар. Буларнинг ҳаммаси улар қиёфаларида акс этмаслиги мумкин эмасди. "Бугунги кун шоирлари табиат фонида, сентиментал қиёфада кўринишни хоҳлайди", деган гапингизда ҳам жон бор.

Аввало, юртимизнинг сиёсий жиҳатдан мустақил бўлгани бугунги ижодкор онгида муайян эркинликни вужудга келтирди. Кеча юриш-туришини, қиёфасини қандайдир ғоялар йўналишига мувофиқлаштиришга эҳтиёж сезган шоир энди ўз кўнгил майлларига ҳам қулоқ тутаётир. Юқорида таъкидланганидек, халқимиз табиатидаги (кўпроқ шарқ халқларига хос) сентименталлик унинг ҳам қиёфасида акс этмоқда. Қолаверса, умумий бу қиёфалар қафасини парчалаб, ўзининг индивидуал овози, демакки, қиёфасига эга бўлиш учун шоир катта Ижодкор, катта Одам, катта Шахс бўлиши шарт! Бунинг бошқа чораси ҳам, йўли ҳам йўқ! Яна бир гап: қиёфалар ичида энг даҳшатлиси - қиёфасизлик! Сиз айтган сентименталлик ҳам кўп жиҳатдан мана шунга яқин келади. Чунки шоир, ижодкор қиёфасини топиб ололмай, ўзини умумий руҳга, кайфиятга топшириб қўйганидир бу. Эҳтимол, сизнинг бугунги шеъриятдан кўнглингиз тўлмаётгани сабабларидан бири ҳам шундадир. Эҳтимол, сиз суянса бўладиган, севса арзийдиган қиёфа излаётгандирсиз. Кўринадикки, бугун шоир, умуман, ижодкор билмоғи керакки, ҳар ким ўз йўлини, ўз қиёфасини қидириб топмагунча узоққа боролмайди. Бунинг учун фақат шеър ўқиш ва шеър ёзиш билангина чегараланмай, айниқса, психологияни, қолаверса, инсоният маданияти асосларини чуқур ўрганмоғи, тинимсиз мутолаа қилмоғи шарт. Бироқ шунда ҳам омад унга кулиб боқадими-йўқми - бир нарса дейиш қийин. Чунки ўз сўзига, ўз қиёфасига эга катта ижодкор бўлишнинг иккинчи томони инсон қисматига бориб боғланади. "Худо берган истеъдод" дейишади-ку... Шунинг моҳиятида таланти ижодкор қисматининг чинакам санъаткорникига монанд бўлиши ҳам кўзда тутилади. Соддароқ айтганда, шоирда юқорида саналганларнинг ҳаммаси бўлгани

ҳолда у яна ўз қисмати томонидан шунақанги исканжага олинмоғи зарурки, натижада ушбу қафасдан қутулмоқ учун унинг бутун истеъдоди, билими, эҳтироси... ҳамма-ҳаммаси тўла равишда ишга солинган бўлсин!.. Шундагина ижодкор қиёфаси туғилади. Бироқ инкор этолмаймизки, ҳеч қайси соғлом фикрловчи одам ўзига ҳеч қанақа дард, азиятни соғинмайди... Мана, нима учун ҳар бир ижодкор ўз қиёфасига эга бўлишни истайди-ю, бироқ камдан-кам шоир ё ёзувчи, қўшиқчи ё рассомнинг ўз сўзи, ўз қиёфаси бўлади. Сиз юқорида санаган олимона, дарвешсифат ёки жанговору сентиментал қиёфалар ҳам қайсидир маънода умумқиёфадир. Яхши биламизки, ХХ аср ўзбек шеъриятини "кўтариб турган" энг бақувват шоирларимизнинг ўз қиёфалари мавжудки, бу билан улар ўз даврининг ижодкорларига "ёпиштирилган" ёрлик - умумқиёфадан ажралиб туради. Бу энди бошқа масала...

**Сапжар Назар:** - Шеъриятга билвосита алоқадор бўлган яна битта савол. Нимага кейинги пайтда шоиралар кўпайиб кетди?

**Улуғбек ҲАМДАМ:** - Назаримда, ҳали саволингиз саробга ўхшайди. Шунинг учун қисқа ва лўнда жавоб беришга уринаман.

Аввало, сиз айтаётган "кейинги пайтда" цивилизация туғиб бераётган кайфият тубдан ўзгарди. Аёлларимиз ўзларини яна-да "эркин" ҳис қилиб қолди. Ишлаш ҳуқуқи, эркаклар билан баробар бўлиш ҳуқуқи, дин, виждон, сўз ва яна шу каби ўнлаб эркинликлар, буларнинг натижаси ўлароқ иқтисодий эркинлик уларнинг дунёқараш ва яшаш тарзларидаги янги қанотчарни пайдо қилди. Қарабсизки, бу ёғи кўнгиш ҳам эркин бўлиб қобди... Бу дегани ўнлаб, юзлаб, минглаб шоиралардир... Бу - биринчи сабаб. Иккинчиси, юқорида эсланган умумий сеитиментал руҳ, осонгина машҳур бўлиб олиш истаги ва бунинг оқибатида қандай даражада бўлишидан қатъий назар дард айтиш, йиғлашдек умуммодасига берилиш... ва ҳоказо.

Бу - жавобнинг жудаям умумий суврати. Уни бемалол

конкретлаштириб, узоқ мулоҳаза юритиш мумкин. Бироқ бу энди алоҳида, катта ҳажмли суҳбатнинг мавзудир.

**Санжар НАЗАР:** - Шеърятнинг савияси адабиётшуносликнинг савиясига қанчалик боғлиқ? Баъзи ўринларда бадиий адабиёт ҳақидаги назарий фикрлар асарлардан олдинроқда юриши керак эмасми?

**Улуғбек ҲАМДАМ:** - Назаримда катта шоирнинг ичида яхшигина адабиётшунос ҳам яшайди. Гарчанд у ҳеч қачон адабий-илмий мақола ёзмаса ҳам. Бас, шундай экан, шоирнинг ёзганлари ўз ботинидаги адабиётшунос-олим томонидан назорат қилиб турилади.

Бевосита саволингизга келсак, тўғри, баъзан адабий-илмий фикр бадиий-эстетик дунёқарашдан ўзиб кетиши ҳам мумкин. Бироқ бунинг учун адабиётшунос дунёни бадиий-эстетик қабул қилишда шоирдан ўзиб кетган бўлиши шарт, деб ўйлайман. Шундагина адабиёт, шеърят адабиётшуносликнинг ортидан етиб келади. Буларнинг ҳаммаси айланиб бориб шоирнинг ҳам, адабиётшуноснинг ҳам ўзига, унинг шахслик, маърифатга дахлдорлик, истеъдод даражасига боғланади.

**Санжар НАЗАР:** - Шеърятда "ақлли" ва "истеъдодли" деган сифатлар доим ҳам мос келиши шартми? Умуман, сизнингча санъатнинг ушбу турида даҳоликнинг асосий кўрсаткичлари нималар?

**Улуғбек ҲАМДАМ:** - Шундай вақтлар бўладики, биз "ақлли" шеърятни ўқигимиз келади, бошқа бир вақтда эса истеъдод билан ёзилганини афзал кўраемиз. Назаримда "истеъдодли" деган сифат ўз ичига "ақлли" деган сифатни ҳам қамраб олади. Бироқ тескарисига яъни "ақлли" "истеъдодли"ни қамраб олишига унчалик ишонмайман. Бас, шундай экан, шеърятда истеъдод бирламчидир.

**Санжар НАЗАР:** - Сиз ниманинг илинжида шеър ўқийсиз: оҳангми, ҳиссиётми, фикрми ёки бошқа бирон нарсами?

**Улуғбек ҲАМДАМ:** - Энг яхши шеър буларнинг баридан дунёга келган шеърдир. Бироқ биз баъзан фақат фикрдан иборат мисраларни ҳам шеър ўрнида қабул қиламиз. Чунки ичимизда афоризмга, ҳикматга бўлган эҳтиёж бор-да.

**Санжар НАЗАР:** - Ёзувчи Назар Эшонқул билан суҳбатлашганимизда, "XXI аср наср асри бўлади", - деган эди. Сиз бунга нима дейсиз?

**Улуғбек ҲАМДАМ:** - Яқинда адабиётшунос олим Иброҳим Ҳаққул "XXI асрда шеъримиз янада илгари кетади", деди. Ҳар иккала фикрда ҳам жон бор, асос бор. Менимча, кейинги 15 йил мобайнида, ҳаётимиз, дунёқарашимизда шунчалик азим эврилишлар бўлдики, энди навбат (ижодкор учун!) ўшаларни бадий-эстетик нуқтаи назардан идрок этишга келди. Демак, шоир учун ҳам, носир учун ҳам улкан имкониятлар бошланаётир. Бироқ ҳамма гап ижодкор ва унинг ташаббусида...

**Санжар НАЗАР:** - Улуғбек ака, оддий ўқувчи сифатида, бугунги суҳбатимиз сингари мавзуларнинг "Ёш куч"да ёритилиши қанчалик ўринли деб ўйлайсиз?

**Улуғбек ҲАМДАМ:** - Мен журналингизга оддий ўқувчи сифатида қарай олишим мумкин, бироқ ушбу суҳбатга ундай қарай олмайман. Чунки ҳар қанақасига олиб кўрмайлик, адабиётга алоқадор суҳбатда кўтарилган муаммолар мен учун жуда муҳим ва қадрли бўлиб туюлаверади. Шундай бўлса ҳам оддий ўқувчига бунинг (суҳбатнинг) қизиғи йўқ бўлса керак, деб ёзишга ўзимда куч топаман. Фикрловчи ўқувчи учун эса бундай суҳбатлар жудаям зарур. Энди танлаш (суҳбатни эълон қилиш-қилмаслик) сизларнинг ихтиёрингизда.

Суҳбат "Ёш куч" журнаlining 2003 йил.  
2-сонига эълон қилинган.

## УМУМДАРАД ТАСВИРИ

**Аҳмад ОТАБОЕВ:** - Роман жанри анчагина тажриба ва маҳорат талаб этади. Бу жиҳатдан қийинчилик сезмадингизми?

**Улуғбек ҲАМДАМ:** - Аслида нафақат роман, балки тўрт қатор маъқул шеърни айтиш ҳам ижодкордан яхшигина тажриба ва маҳоратни талаб қилади. Бироқ саволни тушундим, роман барибир, тоши оғир жанр. Шунчаки ҳою ҳавас, бу жанрда ҳам ёза олишингни кўрсатиб қўйишга йўналтирилган худбинлик билангина яхши роман ёзиш мумкин эмас. Ёзувчининг жуда муҳим айтadиган гапи бўлсагина ва шу билан бирга ботинидаги ана шу "муҳим гап"га асар давомида ўзининг хиёнат қилиб қўймаслигига кўзи етсагина романга қўл уриши мумкин, дея ўйлайман. (Албатта, бу дунёда ҳамманинг ўз қаричи бор, бу демакки, "муҳим гап"лар ҳам ҳар-хил бўлади, қолаверса, уларни айтиш йўллари беҳисоб, барини романга айлантириш бўлмагурлик). Кейин эса ёзувчини ижод қилишга мажбур этадиган навбатдаги омил - дунёни бадийий-эстетик идрок қилишдан туғиладиган, санъатга дахлдор, айни чоғда, мавжуд оламга мувозий (параллел) ҳолда яратиладиган олам - бадийий олам ижодкорни ўз тасарруфига олади. Мана шундай "исканжа"га тушган ижодкор барибир ёзади. Чунки у ҳар қандай "исканжа"лар қафасини парчалаб ташлаб, озод бўлишга тийиқсиз эҳтиёж сезади-да. Назаримда асар ёзишга киришган ёзувчи руҳий-маънавий жиҳатдан ҳурликка талпинган инсондир. Ижодкор учун муҳими ана шу эҳтиёж, ана шу талпиниш! Шулар бўлса, ўйлайманки, жанр қийинчиликлари у ёки бу даражада "босиб ўтилади". Қолаверса, роман жанри бир ярим асрдан буён тинимсиз равишда такомиллашиб-турланиб бораётир, унинг догмага айланиб улгурган нормалари қолган жанрларга нисбатан камроқ... Демак, бу ўринда ҳам ёзувчи учун ҳисобсиз имконлар мавжуд. Фақат у романий тафаккурга эга бўлиб,

яшаётганимиз реал дунёга мувозий равишда асардаги оламни яратишга қодир бўлса бас.

**Аҳмад ОТАБОЕВ:** - Яқинда устоз Озод Шарафиддинов суҳбатда романингиз ҳақида илиқ фикрлар билдирдилар. Сиз ижодий муваффақиятингизни қандай изоҳлаган бўлардингиз?

**Улугбек ҲАМДАМ:** - Биласизми, Аҳмад ака, қанчалар аччиқ бўлмасин, одамзодга хос бўлган бир жиҳат-қусурни тан олишимиз керак. Яъни бани одам ўзига, ўз бугуни ва келажигига, бир сўз билан айтганда, ўз мавжудиятига қайсидир томондан дахлдор бўлмаса, ҳар қандай оламшумул воқеа ҳодисага ҳам безътибор қарайди. Дейлик, Марс планетасидаги об-ҳаво тўғрисидаги ахборот камдан кам одамни қизиқтирса керак. Ёки бўлмаса, инсон қайсидир мамлакатдаги зилзила оқибатида қурбон бўлган юзлаб минглаб одамлар қисматидан кўра овқат еяётганда ёғ томиб "сафдан чиққан" кўйлагига кўпроқ ачиниши мумкин ва ҳоказо. Худди шундай, қандай асар бўлишидан қатъий назар, эл орасида жиндай эътибор топдими, демак, ўша асарда акс этган воқелик, қахрамонлар, уларнинг ҳаётлари, орзу умидлари билан ўқувчи, унинг турмуш тарзи, орзу-хаёллари ўртасида муайян ўхшашликлар бўлиши муқаррар. Яъни ёзувчи умумдardни топа билиши ва тасвирлай олиши жудаям керак. Бошқача айтганда, ёзувчи ўзи яшаётган давр ва шу давр кишиларининг қайноқ нафасини юксак бадийлик либосида намойиш эта олдими, демак, бу ўша ижодкор асарларининг ярим муваффақиятидир. Чўлпон ва Абдулла Ориповнинг миллат руҳиятига сингиб кетган оловли ва айни пайтда дилбар шеъриятини олинг. Ҳар иккисининг ҳам миллий шоир даражасига олиб чиққан сабаб айнан шу ерда: уларда шоир дарди кўпнинг дардига, ижтимоий дардга тенг келган ёхуд кўпнинг дарди - ижтимоий дард шоир "мен"ининг шахсий дарди даражасида тараннум этилган.

Айтилганларнинг "Мувозанат"га ҳали алоқаси йўқ, деб ҳисоблайман. Чунки асарнинг чоп этилиши энди мўлжалланмоқда.

**Аҳмад ОТОБОЕВ:** - Роман мавзуи, унда қаламга олинган давр, асар шакли ҳақида газетхонларга қисқача гапириб берсангиз.

**Улуғбек ҲАМДАМ:** - Асар шу кеча ва кунимизнинг қахрамонлари - Сиз ва Биз ҳақимизда. Фалакнинг гардиши билан мамлакатимиз Истиқдолга жанг қилмай, қон тўкмай муяссар бўлди. Бу - жуда катта неъмат! Бироқ аёвсиз кураш, омонсиз жанг бизнинг ҳар биримизнинг ичимизда - ботинимизда кечди. Роман бош қахрамони Юсуф ҳам ана шундай курашларга тортилган киши: у ҳам ўз йўлида турли мураккабликларга, қийинчиликларга дуч келади, улар билан олишиб изтироб чекади, ўз ботини ва жамият ичидаги мувозанатини йўқотиб таскинсиз, азобли мушоҳадаларга берилади. Лекин, энг муҳими, Юсуф уларни руҳий-маънавий жиҳатдан енгиб ўтиб, яна бой берилган мувозанат сари интилади. У англаб етадики, ҳар бир даврнинг кишилар зиммасига юклайдиган ўз вазифаси бўлади. Бугуннинг вазифаси ўзгаришлар бағрида йўқотилган ана ўша азим Мувозанатни қайта қўлга киритишдир. Бундай мувозанат эса бутун қураётганимиз янги жамиятга, унинг ҳар томонлама соғлом пойдеворига боғлиқ.

Асар шаклан ҳам, мазмунан ҳам, - газетангизнинг ўтган сонларидан бирида проф. Озод Шарафиддинов айтганидек, - анъанавий реализмнинг "қолип"ларига шундоқ тушади. Мен бундан заррача ҳижолат чекаётганим йўқ. (ҳозир бизда ҳам, айниқса, ёшлар орасида модернизмнинг шунақа "фанат"лари топиладики, улар ёзган нарсалар ҳақида "анъанавийроқ бўлиб қопти" десангиз, гўё ўзларини ҳақорат қилингандек ҳис этишади). Чунки ҳаётнинг моделини ўзида мужассам этган ҳар қандай фалсафий қарашнинг қиммати айнан реалликка нисбатан қандай позицияни эгаллаганига кўра белгиланганлигидек, ҳар қандай "изм" (жумладан, модернизмнинг ҳам) нинг қуввати ҳам айнан реализмга қай даражада мувозий ёндоша билганлиги билан ўлчанади. Зеро, дунёни бадий идрок этишда реализм мавжуд реал ҳаётга энг яқин келган оқимдир. Қолаверса, мен яна бир нарсани айтишим керак: мен битта

асарни икки хил "изм" да ёзишга уриниб кўрдим. "Муво-  
занат" уч-тўрт йил аввал нашр қилинган "Ёлғизлик" деб  
номланган, дунёни бадиий идрок этиш жиҳатига кўра  
модернистик руҳдаги қиссамнинг реализмдаги кўрини-  
ши, холос. Мен "Ёлғизлик"да сувратни "йиғиштириб  
қўйиб", фақат моҳиятдан баҳс этмоқчи бўлганман. "Му-  
возанат"да эса ўша сувратни (сюжетни) чизишга ҳам ҳара-  
кат қилдим. Бир нарсага ишонаманки, ҳар икки асар ўқув-  
чилари, уларнинг миқдори орасида кескин тафовут бўла-  
ди...



## ЁЛФОННИ ЁЗИШГА АСОСИМ ЙЎҚ

**Рустам ЎТАМУРОД:** - Суҳбатимизни бир қадар анъанавийроқ бўлса-да, четлаб ўтиш қийин бўлган саволдан бошласак. Айтингчи, ижодкорни ёзишга ундайдиган куч нимада? Унинг теранроқда ҳам бир сабаби борми ёки бадий асар бор-йўғи атрофимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисалардан туғилган таъсирлар йиғиндисими?

**Улуғбек ҲАМДАМ:** - Ёзишга ундайдиган куч - биринчи навбатда ижодкорнинг фитрий олами билан белгилади. Агар ўша ерда ижодга, хаёлга мойиллик бўлмаса, унинг атрофида юзта даҳо санъаткор яшамасин, унга ҳар жиҳатдан таъсир ўтказмасин, барчаси бекор деяверинг. Албатта, ижодкор бундай таъсирлар натижасида яхшигина шеър, тузуккина роман ясай билиш даражасига етишмоғи мумкин. Бироқ ҳеч қачон чинакам санъат асари ярата олмайди. XX аср ўзбек адабиётида ҳам, бошқа қардош республикалар адабиётида ҳам бунга мисоллар тўлиб-бошиб ётибди. Бир вақтлар ижодкорларнинг жуда катта қисми ўзларига кўрсатилган моддий-маънавий рағбат туфайли фавқулотда фаол бўлганлар. Бироқ қани бутун ўша фаоллар? Кундузи чироқ ёқиб қидирсангиз ҳам бутун уларни ҳар қадамда учратавермайсиз. Чунки бутун адабиёт иши кўнгил ишига айланди. Энди чинакам ижодкор ўзига кўрсатилаётган рағбатнинг катта-кичиклигидан, ҳатто унинг бор-йўқлигидан қатъи назар ёзадиганини ёзиб кетишга уринади. Сабаби - унинг фитрати. Балиқ сувдан ўзга жойда яшай олмаганидек, бундай санъаткор ҳам ёзмасдан узоққа боролмайди. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Бошқача бўлса, у ўзини дунёдаги энг бахтсиз зот дея ҳис қилади. Ижодкор ана шу бахтсизликдан қочиш учун, бахтсизликни унутиш учун, қолаверса, охир оқибатта бахтли бўлиш учун ёзади. Аристотель одамзод ижодни табиатга, ундаги ҳаракату товушларга тақлиддан бошлаган, дейди. Аслида, тақлид ҳозир ҳам мавжуд. Бироқ энди тақлид ташқи факторларга эмас, ички мазмунга,

моҳиятга қаратилгандир. Ҳа, чинакам ижодкор борлиққа, унинг Яратувчисига тақлид қилади. Унинг қўлига қалам, мўйқалам тутиб ўз дунёсини яратишга уриниши шундан. Инсон фитратида шундай эҳтиёж мавжуд, Румий ҳазратлари киши Оллоҳ сифатлари билан безанмагунча саодатли бўлолмайди, деган фикрни айтган. Гарчи одам боласи бунга тўла эришолмаса-да, шу йўлдаги интилишининг ўзи улкан ҳодиса! Яратиш ҳам Оллоҳнинг битта сифати. Демак, ҳақиқий ижод аҳлининг ҳаёти ҳам қайсидир маънода моҳиятан Яратганга "тақлид" экан...

**Рустам ЎТАМУРОД:** - Улуғбек ака, сизнинг шу кунларда қўлма-қўл бўлиб ўқиладиган "Мувозанат" деб номланган романингиз аслида 1997 йилда ёзилган экан. Лекин асарнинг орадан беш йил ўтгач, яъни 2002 йилда эълон қилиниши кишини ажаблантиради. Бу ҳолни ўзингиз қандай изоҳлаган бўлардингиз?

**Улуғбек ҲАМДАМ:** - Гапнинг лўндаси, дунёда ҳар нарсанинг ўз пешона ёзиғи бўлади. Назаримда "Мувозанат" ҳам ўз қисмати доирасида айланди, холос. Тафсилотга ўтсак, тўғри, асар обрўли журналларимиздан бирининг таҳририятида бир неча йил туриб қолди. Бироқ у ердагилар "асаринг бўлмайди, уни олиб кет", дейишгани йўқ. Фақат такрор-такрор таҳрир қилдиргандан сўнг эълон қилиш ниятлари борлигини билдиришган. Айниқса, ёзувчи Муроджон Мансурнинг романга кўрсатган хайрихоҳлигини унутиш инсофдан эмас. Бироқ "Мувозанат"нинг пешона ёзиғи "Жаҳон адабиёти" журналида экан, ўша ерда босилди. Фурсатдан фойдаланиб, романинг дунё юзини кўришига кўмаклашган барча кишиларга, уни ўз бағрида муҳокама қилиб оқ фотиҳа берган "Ёзувчилар уюшмаси"га ва албатта, жасоратли "Жаҳон адабиёти" журнали ходимларига, айниқса, устоз Озод Шарафиддиновга ўз самимий миннатдорчилигимни билдираман.

**Рустам ЎТАМУРОД:** - Сўнгги йилларда ёзиладиган романларга назар ташласак, уларнинг ҳажми кичрайиб бо-

раётганлигига гувоҳ бўламиз. Сизнингча, асар савияси ҳажм билан ўлчанадими?

**Улуғбек ҲАМДАМ:** - Албатта, йўқ. Асарда ортиқчалик бўлмаслиги лозим. Айни пайтда кемтиклар ҳам уни беэмайди. Яқин-яқинларгача романми, демак, унинг залворли ҳажми бўлиши керак, тарзида қаралган. XX асрда бу қарашга путур етди. Жуда ўқимишли, яхши асарлар ёзилдики, уларнинг ҳажми унақа катта эмас. Кафка, Камю, Сартр асарларини олинг. Ҳаммаси ихчам-ихчам. Фақат шу ихчамликка дунёни титратиб юборадиган маънони қамай олишган улар. Мана, яқинда Пауло Коэльонинг "Алхимик" асарини ўқидим. Унинг кафтдек ҳажми сифатига моне бўлмаган. Аммо бу гаплардан асарнинг қандайлиги унинг ихчамлигига боғлиқ экан, деган ёлғончи тасаввур келиб чиқмаслиги керак. Асло! Бадиий асарнинг ҳажми шу асарда кўзда тутилган бадиий ниятнинг тўла-тўқис очиб берилиши нисбатида бўлиши шарт. Акс ҳолда бадиий ниятни очиб беришга камлик қилган ҳажм - ихчамлик қанчалик зарар бўлса, уни ўз бағрига чўктириб - ютиб юборган семизлик ҳам шунчалик зиёндр. Меъёр! Мана, бадиий асарни тутиб турувчи унсур нимада!

Кейинги пайтда ёзилаётган романларнинг "ихчамлашиб" бораётганлигининг сабаби - цивилизация шиддати ва унинг инсон онгию қалбига таъсири билан боғлиқ. Бир мушоҳада қилиб кўринг: фикрловчи инсон ҳеч ҳозиргидек мушкул аҳволда қолганми? Тараққиёт деймизу чапак чаламиз, лекин унинг мудҳиш оқибатлари олдини оладиган кучга эгами инсоният? Ахир, тамаддун ўзининг имконлари билан бир вақтда инсоннинг ичидан инсонликни қувиб чиқармоқда-ку! Яна унинг қалбидан хаёлни, романтикани, ҳаловатни бадарға этмоқда. Романтикасиз, келажакка кўтаринки муносабатсиз, руҳий ҳаловатсиз авлодлар томонидан ёзилган асарлар одатда моҳиятан ана шундай "мўъжазлик" касб этади.

**Рустам ЎТАМУРОД:** - Бир вақтда ҳам назмда, ҳам насрда ижод қилиш давримиз ижодкорларига хос анъанага

айланиб бораётгандек. Буни сизнинг ижодий фаолиятингизда ҳам кузатиш мумкин. Шеър, роман, бу ёқда илмий мақолалар... Бунинг сабаби нимада деб ўйлайсиз?

**Улугбек ҲАМДАМ:** - Ҳа, бу ҳол кўпроқ шоирларда кузатилмоқда. Улар насрда ҳам қалам тебрата бошлашди. Чунки замон кишиларининг кайфияти назмбоб эмасдек. Шунга кўра шоир ўз сўзига ўзга либос кийдиришга уринмоқда. Ахир, у ҳам ўқилишни, билинишни хоҳлайди. Қолаверса, шеърнинг оммавий бўлмаса-да, ҳар-ҳолда тузук ўқилиши учун ҳам даврда бир кўтаринкилик лозимга ўхшайди. Одамлар эса ҳозир ё реалист ё модернист. Ҳазил аралаш айтадиган бўлсак, ўқувчи реалист, ижодкор эса модернист бўлишга уринмоқда.

Шахсан ўзимга келсак, баъзан шеър ёзадиган кайфиятда бўламан, баъзан эса кундалик қоралайдиган. Гоҳ-гоҳ мақола ёзилади, ундан ҳам сийрақроқ тарзда сиз айтгандек наср... Хуллас, мен ўз кайфиятимга исм қўярканман, унинг табиатига қарши бормаيمان, шеър бўлиб туғилаётган кўнгил ҳолими "талабларига биноан" ҳикоя ё мақолага айлантирмайман ёки аксинча.

**Рустам ЎТАМУРОД:** - XX юзйиликни тараққиёт асри бўлди, деймизу лекин ҳадеганда инсоният тафаккур ривожига кўзга дарров ташланадиган бир ўсишни илғамаймиз. Бунинг сабаби даҳоларнинг туғилмаётгани билан белгиланармикан? Умуман, нега кейинги асрларда бизда даҳолар "туғилмай" қўйди?

**Улугбек ҲАМДАМ:** - Даҳолар туғилган, туғилмоқда ва бундан кейин ҳам туғилади. Фақат табиатида даҳолик сифатлари мавжуд болакай уйғун бир муҳитда туғилдимийўқми, ҳамма гап шунда. Дунёнинг бешафқатлиги шундаки, жуда кўп ҳолларда, ҳатто деярли ҳамма вақт даҳо бўлиши керак бўлган болалар бегона, номувофиқ муҳитларда соб бўлиб кетади. "Деярли" сўзининг бир учидан тушиб қолган камдан-камларгагина тарихий уйғун муҳит насиб этади ва улар одамлар кўз ўнгида ўзининг улўғвор

қаддини ростлайди. Навоий етишиб чиққан муҳитни эслаб кўринг. Алишер деган боланинг саодати шунда эдики, у ўзидан Навоийни ўстириб чиқарабиладиган муҳитда - Темур асос солган, давлатчилиги ғоят қудратли бир мамлакатда туғилганди. Яъни бу қисматда даҳо ва муҳит уйғунлиги қарор топган эди. Ҳозир ҳам шундай мувофиқлик мавжуд ерда даҳо пайдо бўлади. Қадим Туркистонда бир неча асрлардан бери қорин ташвиши энг зўр муаммо бўлиб келганлиги боис бу ерда жаҳоншумул маънавият даргаларининг етишиб чиқишига реал замин бўлмади. Ҳар қандай миллат қачонки қорин ғамидан ортиб, юксакроқ нарсалар ҳақида ўйлашга эҳтиёж сезади, ана ўшанда сиз айтаётган даҳолар ҳам "туғила" бошлайди.

**Рустам ЎТАМУРОД:** - Адабиётни анча-мунча тушунадиган, бироқ қўлини совуқ сувга урмайдиган бир танишим "Мувозанат" ҳақида гап кетганда, "мен романни ўқидим, Улуғбек Ҳамдам ғирт ёлғонни ёзибди" деб қолди. Бунга муносабатингиз.

**Улуғбек ҲАМДАМ:** - Улуғбек Ҳамдам уни ёзибди, буни ёзибди, деган гап-сўзлар менинг ҳам қулоғимга чалинди. Назаримда бунақа муносабатларга ҳам хотиржам қараш керак. Чунки асарни кўпчилик ўқиди ва ҳамманинг фикри бир ердан чиқиши мумкин эмас. Муҳими, асар ўз хайрихоҳ ўқувчиларини тўплай олди, дея ўйлайман. Фақат ўртага ғайрлик аралашмаса, дея ният қиласан, киши. Чунки бу дунё шундай дунёки, у ҳаммадан қолиб келган, бундан кейин ҳам ҳеч кимга вафо қилмайди. Шугинани тушуниб етган ижодкорки бор, қўлига қалам олар экан, аввало холис бўлади, кейин ёзади... Бошқача айтадиган бўлсак, Улуғбек Ҳамдамнинг ёлғонни ёзишига ҳеч қандай асоси йўқ.

2002

## АДАБИЁТГА ЭЪТИБОР – ИНСОНГА ЭЪТИБОР

**МУХБИР:** — Кўпчилик ёшлар адабиётшунос деганда адабиёт билан шуғуланувчи, яъни мавжуд адабиётларни тизимловчи шахсни тушуна бошлади. Том маънода адабиётшуноснинг вазифаси нимадан иборат ўзи?

**У.ҲАМДАМ:** — Адабиётшунос, аслида қомусий илмга эга бўлган шахс. Биргина бадий адабиёт ва унинг қонуниятларини билиш билан замонавий адабиётшунос деган номни олиш мушкул. Бугунги адабиётшунос нафақат адабиёт, тарих, сиёсат, жамиятшунослик, психология, тил каби ижтимоий фанлари чуқур билмоғи, айни чоғда тиббиёт, физика, химия, физиология, кибернетика каби аниқ фанлар тўғрисида ҳам умумий маълумотга эга бўлмоғи жуда-жуда зарур. Аммо ана шунча фанларни, илмларни билган адабиётшуноснинг асосий вазифаси инсон, миллат ва башарият руҳиятини акс эттирган бадий адабиётни, унинг моҳиятию йўналишини, ўрнию аҳамиятини, ички қонуниятларини тадқиқ этишдир. Қолаверса, техника ва ахборот оқимлари остида руҳий ўзагидан узоқ тушаётган ва роботга айланиб бораётган одамзодга унинг кимлигини эслатиб туриш ҳам чинакам адабиётшуноснинг пировард мақсадларидан бири.

**МУХБИР:** — Кейинги пайтларда роман ёзиш урфга айлана бошлади. Айниқса, детектив жанрда. Лекин уларни яхши - ёмонга, пишиқ- пухта ёки хом-хаталага ажратувчи, ўқувчига маъно-мақсадини самимий тилда етказувчи адабиётшунослар нега йўқ?

**У.ҲАМДАМ:** — Биринчидан, ёзилаётган детектив романларнинг аксарияти "Алҳамду"га ҳам ярамайди. Алқисса, танқидга арзимайдиган асарларни нафақат тадқиқ этишга, балки ўқишга ҳам кетадиган азиз умрини адабиётшунос қизганмоғи керак. Кўпинча шундай бўляпти ҳам. Лекин саволингизнинг аҳамият касб этгулик бошқа тарафи бор: Оддий ўқувчи китобларнинг яхши-ёмонини қандай ажратиб олсин?.. Бу ерда адабиётшунос олимлар, танқид-

чилар кўмакка келмоғи, мағзи бутун, кишини мушоҳадага чорловчи жиддий адабиётлар рўйхатини оммавий ахборот воситалари минбарларига изчил равишда тақдим этиб бормоғи лозим, аслида...

Айни шу ўринда адабиётшуносларимиз ўз зиммаларидаги муқаддас вазифани кўнгилдагидек бажараяпти, деб бўлмайди. Биргина Белинскийни эслаб кўринг. (Албатта, у кўпроқ адабий танқидчидир. Лекин Белинский яшаган XIX асрда ижтимоий фанларнинг кўпи синкретик шаклда намоён бўлган). Белинский ўз даврининг Пушкин, Лермонтов, Гоголь каби улуғ шоир ва адибларини биринчилардан бўлиб кашф этган. Ва бу кашфиёт моҳиятини ўз адабий мақолаларида баҳоли қудрат очиб берган. Бинобарин, Белинскийнинг адабий-танқидий асарлари ўз вақтида Пушкин, Лермонтов ва Гоголларнинг бадиий асарларидан кам ўқилмаган, кам машҳур бўлмаган.

Иккинчидан, адабиётшунос олимлар авлоди фаолиятида яхшигина узилиш, ажралиш бўлди. Кекса авлод адабиётшуносларнинг аксарияти нафақат детектив жанрдаги романларга, балки, умуман, ҳар қандай замонавий адабиёт намуналарига қизиқмаётгандек. Яъни, улар замонавий адабиётни деярли ўқишмаяпти. Чунки фикри ёдлари ўз даврининг улуғ асарлари билан бағд. Назарларида энди ҳеч қачон ундай адиблар ҳам, улар ёзгандек асарлар ҳам дунёга келмайди. Биласизми, улар ҳақли! Чунки бугун истеъдод бобида кечагидан ўн ҳисса балең шоир ва ёзувчи чиққанда ҳам уларнинг кекса кўнгилларини ололмайди. Ахир янги авлод тамомила ўзга давр одамларининг бошқача кайфиятларини акс эттирмоқда-да! Кекса авлодга эса бу ҳол, кам деганда ёшларнинг, замоннинг айниши бўлиб туюлмоқда.

Ўрта авлод эса ўз имкони доирасида нимадир қиляпти. Очиғини таш олиш керак, улар кекса авлод адабиётшунослари билан елкама елка туриб, мамлакатимизнинг адабий танқид ва адабиётшунослик юкини кўтариб бора-япти. Аммо ёзилаётган романлар моҳиятини очиб беришга фурсатларию кучларининг етмаётгани ҳам бор гап.

Ёш авлод... Бу авлоднинг оёғи муаммолар билан лиқ

тўла ўз заминимизда, аммо ўзлари, хаёллари эса Оврупаю Амриқода, Японияю Хитойда "сайр қилиб юрибди". Назаримда бу авлод катта адабиёт илми учун (ёки адабиётнинг катта илми учун!) йўқотилган ва бой берилгандек...

Яна бир гап: бизда нечта авлод бўлса бўлсин, лекин уларнинг ҳеч қайсисида адабиёт ва унинг илмини бирдан-бир ҳаёт йўли, қисмати, деб билган биронта ҳам дунё миқёсидаги адабиётшуносни билмайман! Чунки энг кўп ишлаётган, энг кўп ёзаётган олим ҳам аксарият ҳолларда кўнгилнинг, виждоннинг амрига эмас, балки тириқчиликнинг, ўзи ишлаётган муассаса режасининг тақозосига кўра қалам тебратмоқда... Мана шунинг учун ҳам адабиёт илмида минглаб фан номзодлари, юзлаб фан докторлари бўлишига қарамай, бугун урчиб бораётган ва асосан, ном чиқаришу пул ишлаш мақсадида ёзилаётган, ёш авлод миёсини нотўғри ва бузуқ кайфият билан тўлдираётган хато асарларнинг ёвуз қиёфасини фош қилувчи азамат кам...

**МУХБИР:** — Адабиётнинг, яъни бадий адабиётнинг юксалишида адабий танқидчиликнинг ўрни беқиёс. Бироқ кўпгина катта-кичик ёзувчилар ўз асарларига ўзлари билган, таниган филологлардан тақризлар ёздириб олиб, турли газета, журналларда чоп этиришмоқда.

**У. ҲАМДАМ:** — Ўз асарларига буюртма бериб тақриз ёздириб олиш, албатта, яхши иш эмас. Юқорида айтганимдек, барча адабиётшунос ва танқидчи олимлар авлоди фақат ўз иши билан банд бўлиб, ўзидан ортолмай қолган бугунги замонимизда ҳақиқатан ҳам сиз айтгандек, ўзга чора тополмай қолган ёзувчиларимиз, шоирларимиз ўз китобларини таниш олим акаларига олиб бораяпти. Бу — бор гап. Ҳамда яхши гап эмас! Ундайин иллатдан қутулишнинг ягона давоси бор: Адабиёт илмига жамият миқёсидаги муносабатни, эътиборни тубдан яхшилаш, баданд савияга кўтариш, моддий-маънавий рағбатлантириш зарур бўлади. Бошқача айтганда, яхши асарларни алқаб юқори кўтарадиган, уларнинг ададини орттирадиган, ёмонларни эса савалайдиган ўзини ўзи бошқариб ва ҳимоя қилиб борадиган тизим яратиш лозим.



**МУХБИР:** — Адабий танқидчи ўзи қандай шахс бўлиши керак?

**У. ҲАМДАМ:** — Адабий танқидчи қандай шахс бўлишидан қатъи назар, унда аввало, жуда ката қомусий билим бўлмоғи шарт. Унга яна холислик жуда-жуда ярашади. Олим ҳам чуқур билимга, ҳам холисликка эга бўлди-ми, демак, у энди таниш-билишчилик, маҳаллийчилик каби илатлардан баландроқ тура олади. Қолаверса, бадиий асарни тушуниш ва текшириш учун танқидчидан, шоир ва ёзувчидан кам бўлмаган санъаткорлик, истеъдод, олов қалб талаб этилади. Яна замондош адабий танқидчига отнинг калласидек юрак, жасорат тилаган бўлардим.

**МУХБИР:** — Замонасоз асарлар, албатта, ўз даври учун муҳим. Аммо ўтмишда ҳам замонга хос асарлар ёзилган, улар шу кунгача ўқилади, ўрганилади. Бугунги замонавий асарлар эртага ўқилармикан?

**У. ҲАМДАМ:** — Маълум давр ва унда яшаётган одамларнинг кайфиятлари санъат қонуниятлари доирасида гўзал акс эттирилган асарларнинг умри узоқ бўлади. Ҳатто у ўз даврига нисбатан замонасоз руҳда ёзилган бўлса ҳам. Ёки ёзувчи ўзича энг буюк ҳақиқатларни ёзаман, даврни, унинг тартибини танқид қиламан, десаю худо уни истеъдоддан қисган бўлса, бундай киши томонидан ёзилган "асар" туғилмасдан бурун ўлган ҳисобланади. Кўринадики, муҳими, истеъдод, санъаткорлик... Юксак истеъдод билан ёзилган ҳар қандай асар, одатда, замонлар тегирмонидан омон чиқаверади.

**МУХБИР:** — Устоз-шогирд анъанаси бугунга келиб бутунлай барҳам топиш арафасида тургандек. Баъзи шогирдлар устоздан маслаҳат олиш, хато ва камчилигини тушуниб, яхши ёзиш ўрнига ўзини кўрсатиб қўйиш, мақтаниш учун қораламасини устоз адибларга олиб боришади. Уялиш, деган хислатлар ижод аҳлidan ҳам узоқлашяётгандек. Бунга сиз нима дейсиз?

**У. ҲАМДАМ:** — Устоз ҳамиша улуғ зот. Фақат яхши тарбия кўрган шогирдгина ўз устозларининг қадрига етади. Бугунга келиб, нафақат устоз-шогирд анъанаси, бал-

ки ўтган асрлардаги жудаям кўплаб қадриятларнинг оёғи осмондан келди. Лекин замон, одамлар қанчалар ўзгарма-син, инсон ўзини тутиши ҳамда яхшилик, эзгулик, қадр-лаш йўлини танламоғи зарур! Ҳеч қандай инсоннинг нонкўр бўлишга ҳаққи йўқ. У ўзини юксакка кўтарган Зиналар ёдини ҳаминиша қалбида, борлиғида сақламоғи шарт. Бир умр!..

Устоз адибларга ўз қораламаларини олиб бориш, назаримда, ёмон нарса эмас. Унинг қандай ниятда олиб борганини сиз қаердан биласиз?..

Одатда, илиқ гап эшитаман, деб устознинг олдига равона бўлишади. Ўзини кўрсатиб қўйиш, мақтаниш учун олиб боришни... Билмадим... Бу ҳаракат менга бир қадар тушуниксиз. Оллоҳдан бошқа ҳар ким ва ҳар нарса кунпаякун бўлишга, унутишга маҳкум бўлгандан кейин бандай ожизнинг ўзини кўрсатганию мақтангани қаёққа ҳам борарди?!..

**МУҲБИР:** — Миллий адабиётнинг эртасини қандай тасаввур этасиз?

**У. ҲАМДАМ:** — Барчасидан қатъи назар, мен миллий адабиётимизнинг эртасига яхши, умидли кўз билан қарайман. Сабаби, кейинги ўн беш - йигирма йил ичида асрларга татигулик эврилишларни бошдан кечирдик. Ёш авлодни, яъни шу йиллар мобайнида шаклланган авлодни йўқотилган авлод, деб атадим. Лекин шунга қарамай, юз йилликларга бадал эврилишлар тегирмонидан "омон" қолган ва унинг чиғириқларида тобланиб, секин-аста ўзини, ўзлигини тиклаб олаётган камсонли ижодкорлар мавжуд. Айнан мана шулар эртанги миллий адабиётимизни - дунёга таржима қилишга арзигулик шарафли адабиётимизни яратади, деб умид қиламан.

## Мундарижа

### АДАБИЁТ – РУҲИЙ ЭҲТИЁЖ

Турланаётган сўз .....	3
Замондош инсон ва адабиёт .....	9
Адабиёт қисмати — кўнгил қисмати .....	13
Катта адабиёт имкони .....	18
Замон ва зиёли муносабати .....	22
Замон ва роман .....	27
"Изм"лар нима ўзи? .....	31
Инсон — мантиқ фарзанди .....	38

### ШЕЪРИЯТ ЙЎЛЛАРИДА

XX аср Машраби .....	45
Жаҳолатга қарши исён .....	53
Шеъриятнинг буюк йўлчиси .....	68
Истиқлол даври ўзбек шеъриятининг асосий тамойиллари .....	74
Шеърдан шеър излаб .....	91
Ёшлар шеъриятидаги ўқ илдиз... ..	100
Гарсиа Лорка ва Шавкат Раҳмон .....	103

### ЭССЕЛАР

Ижод ҳақида ўйлар .....	106
Умарали Норматов ва унинг авлоди .....	110

### СУҲБАТЛАР

Дунёни янгича кўриш эҳтиёжи .....	117
Қиёфалар мазмуни .....	171
Умумдарад тасвири .....	181
Ёлғонни ёзишга асосим йўқ .....	185
Адабиётга эътибор — инсонга эътибор .....	190

Илмий — адабий нашр

Улуғбек ҲАМДАМОВ

# Янгилашти эҳтиёжи

Муҳаррир:  
М. Содиқова

Мусаҳҳиҳ:  
Жасур Умурзоқов

Техник муҳаррир:  
Ғанишер Муҳаммадисо

Нашриёт рақами: М-464  
Босишга 23.01.2007 й. да рухсат этилди.  
Босмахонага 18 январда топширилди.  
Қоғоз бичими 60x84  $\frac{1}{16}$   
Босма табағи 12,25. Адади 100 нусха.  
Баҳоси келишилган нарҳда. 8-сонли буюртма.

Ўз Р ФА «Фан» нашриёти: 100047,  
Тошкент, акад. Я.Ғуломов кўчаси, 70.

«Нур полиграф» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент шаҳри, У.Юсупов кўчаси, 119-уй